

Р. ҚАЛАНДАРОВ

КОНСТРУКЦИОН МАТЕРИАЛЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ

УзССР Халқ тағымы министрлиги ўқув-методика маркази
педагогика институти индустриал-педагогика факультети сту-
дентлари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этган.

ТОШКЕНТ «УКИТУВЧИ» 1989

Тақризчилар:

Тошкент автомобиль йўллари институти «Конструкцион материаллар технологияси» кафедрасининг доценти *П. Пирмуҳамедов*,
Шу кафедранинг катта ўқитувчиси *Х. Жалилов*,
Педагогика фанлари доктори, профессор *У. Низомалиев*.

Ушбу ўқув қўлланмасида ҳалқ хўжалигининг ҳамма соҳала-
рида ишлатиладиган зарур конструкцион материаллар (металл,
қотишма ва металлмас материаллар хиллари бўлган ёғонлар,
пластмассалар, шиша, резина, асбест ва бошқалар) ҳақида муҳим
маълумотлар келтирилган. У педагогика институтларининг инду-
стириал-педагогика факультети «Умумтехника фанлари ва меҳнат»,
«Умумтехника фанлари ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш»
ҳамда «Умумтехника фанлари ва физика» мутахассислиги студент-
лари ҳамда «Конструкцион материаллар технологияси» фанидан
дарс берувчи ўқитувчиларга мўлжалланган. Китобдан ўрта мак-
табларнинг меҳнат таълими ўқитувчилари ҳам фойдаланишлари
мумкин.

K 18

Қаландаров Р.

Конструкцион материаллар технологияси:
/Пед. ин-ти индустриал-пед. фак. студ. учун
ўқув қўлл./.—Т.: Ўқитувчи, 1989.—256 б.

Қаландаров Р. Технология конструкционных материа-
лов: Учеб. пособие для студ. индустриально-педфак.

K 4309010000 — 344
353 (04) — 88 144 — 88

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1989.

ISBN 5—645—00047—1

I б о б

«КОНСТРУКЦИОН МАТЕРИАЛЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ» ПРЕДМЕТИ ВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Маълумки, ҳозирги вақтда фан-техника тараққиёти билан боғлиқ бўлган турли амалий масалаларни ечиш учун ҳар бир ёш механик, инженер ва техниканинг бошقا турлари билан шуғулланувчи мутахассислар металларнинг прогрессив усулларда олинishi, янги металл ва нометалл материаллар, уларнинг хусусиятлари ва техниканинг қайси соҳасида улардан рационал фойдаланиш лозимлигини билишлари керак.

Ҳар бир инженер, механик, конструктор, илмий ходим, тадқиқотчи, лойиҳачи ва бошқалардан технология асосларини яхши билиш талаб қилинади, чунки бузиз мустаҳкам, узоқ муддатга чидайдиган тежамли конструкциялар, машиналар, приборлар ва механизmlар яратиш мумкин эмас. Шунинг учун қўлингиздаги «Конструкцион материаллар технологияси» ўқув қўлланмаси педагогика институтларицинг 2120-сонли «Умумтехника фанлари ва меҳнат» ихтисослигининг ўқув программасига мувофиқ ёзилган.

Педагогика институтларининг «Умумтехника фанлари ва физика», «Умумтехника фанлари ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш» ихтисосликларидан таълим олаётган студентларга ҳам шу программа асосида лекция ва лаборатория машгулотлари олиб борилади. Шунинг учун мазкур ўқув қўлланма бу мутахассисларга ҳам мўлжалланган. Бу ўқув программасига асосан қора ва рангли металлар ишлаб чиқариш, металлшунослик асослари, металлмас материаллар ва уларни ишлаш технологияси, заготовкаларни тайёрлаш усуллари, қуймакорлик ҳамда металларни механик ишлаш асослари каби бошқа қисмлар ҳам киради.

Ун иккинчи беш йиллик планида машинасозлика чуқур сифат ўзгаришларини амалга ошириш, маҳсулот ишлаб чиқариш миқдорини кўпайтириш, унинг сифатини янада яхшилаш ва меҳнат шароитларини енгиллаштиришга қаратилган тадбирларга, яъни ишлаб чиқариш процессларини максимал даражада механизациялаш

ва автоматлаштиришга катта эътибор берилши лозимлиги таъкидлаб ўтилган.

Саноатнинг ҳамма соҳаларида оғир ва кўп меҳнат талаб қилинадиган ишлар тез суръатлар билан механизациялаштирилмоқда ва автоматлаштирилмоқда ҳамда бундан кейин ҳам бу процессларга доимий равишда эътиборни кучайтириш борасида изланишлар олиб борилмоқда.

Конструкцион материаллар технологияси бўйича металшунослик ҳамда металлмас материалларни ўрганувчи фанларнинг ривожланиши натижасида турли конструкцион материаллар ишлаб чиқариш ва уларни ишлаш соҳасида катта ютуқларга эришилди. Лекин шуни айтиб ўтиш керакки, металлар ва баъзи металлмас материаллар тўғрисидаги оддий маълумотлар қадим замонларда ҳам маълум эди. Афсуски, бу маълумотлар ўтган асрга қадар бирор системага ёки тартибга солинмаган эди. Булар фақат физика, химия, металшунослик ва бошқа фанларнинг ривожланиши туфайлигина конструкцион материаллар (металлар ва металлмас материаллар) тўғрисидаги таълимот аниқ бир системага солинди ва ҳозирги кундаги тараққиёт даражасига кўтарилди.

Айниқса, металшунослик фанининг яратилиши ва тараққий этишида рус олимларининг қўшган ҳиссалари ғоят катта бўлди. Масалан, улуғ рус олими М. В. Ломоносов (1711—1765) металларга хос бўлган ялтироқлик ва пластиклик хоссаларини биринчи бўлиб тасвирлаб берди ва талабдаги зарур хоссали қотишмалар ҳосил қилиш йўлларини топди. Д. И. Менделеев (1834—1907) ўз асаrlарида металлардан қотишмалар ҳосил қилиш масаласини ўртага ташлади. П. П. Аносов (1797—1851) металлар структурасини ўрганиш учун 1831 йилда микроскопдан биринчи бўлиб фойдаланди ва уни амалда татбиқ этди. У углероди кам бўлган газ муҳитида углеродга тўйинтириш ёки цементлаш методини кашиф этди. Олимнинг юқори сифатли пўлатлар ҳосил қилишдаги буюк хизматлари катта ва муҳим аҳамиятга эга бўлди. П. П. Аносовдан кейин унинг ишларини истеъододли шогирдлари: Д. К. Чернов, А. Р. Лавров, Н. В. Калакуцкий ва бошқалар муваффақиятли давом эттирдилар ва ривожлантиридилар. Булардан Д. К. Чернов (1838—1921) металшуносликнинг илмий асосларини яратди ва уни такомиллаштири-

ди. У пўлатларнинг хоссалари фақат унинг кимёвий таркибигагина эмас, балки уларнинг тузилишига ҳам боғлиқлигини амалда исботлади. Д.-К. Чернов критик вазиятнинг пўлат таркибидаги углерод миқдорига боғлиқлигини аниқлади ва темир-углерод қотишмалари холат диаграммасини тузиш асосини яратиб берди. Айниқса, унинг қўймаларнинг тузилиши ва кристаллашиш процессига бағишланган бир қатор асарлари катта ва муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар ҳозирда ҳам ўз кучини йўқотмаган.

Рус олими А. А. Бочвар (1870—1947) ишқаланишга чидамли (антифрикцион) янги қотишмалар тайёрлаб, уларга нисбатан қўйиладиган зарур ва асосий талабларни белгилаб берди.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, металлшунослик фани мамлакатимизда фақат Улуг Октябрь революциясидан кейин жуда тез ривожлантирилди, биз бу ҳақда кейинги бобларда батафсил тўхталиб ўтамиз.

Маълумки, металл ва қотишмалар билан бирга ҳалқ хўжалигининг турли соҳаларида металлмас конструкцион материаллар — ёғоч, пластмаса, резина, асбест, мойлар, бўёқлар ва бошқалар ҳам кенг ишлатилиди.

Ёғоч материаллардан қарағай, арча, пихта, кедр, қайнин, зирк, дуб, бук, арғувон, заранг ва ҳоказолар (қуритилгандан кейин) машинасозлик саноатидаги қуймакорлик корхоналарида турли комплектдаги моделларни ясашда, автомобилларнинг кузовларини тайёрлашда, турли қишлоқ хўжалик, тўқимачилик, химия саноатларида ишлатиладиган кўпгина деталлар, аппаратлар, приборлар ҳамда вагонлар ва кемаларнинг қисмларини тайёрлашда кенг фойдаланилади. Чунки, ёғоч материаллар арzon бўлиб, улар механик, физик ва химик хоссаларига кўра ўта чидамлилик учча таълаб қидинмайдиган деталлар (буюмлар) тайёрлашда кенг ишлатилади. Бундан ташқари, ёғоч материаллардан тайёрланадиган деталларга турли кесувчи асбоблар билан енгилгина ишлов берилади, улар турли органик кислоталарга ҳамда кўпгина ўсимлик ва минерал мойларга чидамли бўлади, лак ва бўёқлар қопламасини ўзида яхши ва узоқ сақлаш хусусиятига эгадирлар.

Лекин ёғочларнинг баъзи камчилклари (металлларга нисбатан бўшлиги, тез чириши, ўзига нам тортиши, тез ёниши ва ҳоказо) туфайли улар ҳалқ хўжалигининг

күпгина бошқа соҳаларида ишлатилиши чегаралангандир.

Шунинг учун ёғоч материалларга махсус ишлов бериш ё уларнинг турли хусусиятларини (механик, физик, химик ва технологик) ошириш орқали янги, сифатли ва мустаҳкамроқ ёғоч материалларини ҳосил қилишга эришиш мумкинки, натижада улардан фойдаланиш доираси янада кенгаяди.

Металлмас материаллардан яна бири *пластик материал*. Пластикларнинг тарқиби синтетик ёки табиий юқори молекулярли боғланишлар (юқори полимерлар)дан иборат бўлиб, улар юқори температура ва босим таъсирида ҳосил қилинади.

Пластмассалар ҳам металл, ёғоч материаллар каби ҳалқ ҳўжалигининг машинасозлик, приборсозлик, қурилиш, саноат корхоналарида кенг ишлатилади. Уларнинг хусусиятлари ранг-баранг бўлғанлиги туфайли турли металл ва қотишмаларни тежаш мақсадида (юқори мустаҳкамликни, ярим ўтказгичли, фрикцион, антифрикцион ва ҳоказо каби хусусиятларга эга бўлғанлиги учун) ўзаро алмаштириш орқали пластиклардан кенг фойдаланилади. Булар полиэтилен, полипропилен, полизобутилен, полистирол, фторопласт-4, фторопласт-3, винилпласт, гетинакс, полиформальдегид, пресспорошок, текстолит, асботекстолит, стеклотекстолит, аминопластлар, капрон, техник целлулоид ва ҳоказолардир.

Металлмас материалларнинг резина, асбест, мойлар, бўёқлар ва ҳоказо турлари ҳам ҳалқ ҳўжалигининг турли соҳаларида маълум мақсадлар учун кенг қўлланмилади. Бу материаллар тўғрисида ушбу қўлланманинг «Металлмас материаллар» бобида батафсилроқ баён этилади.

Партия ва ҳукуматимиз қўйган асосий талабларидан бири шундан иборатки, меҳнат таълими ўқитувчиси юқори малакали мутахассис бўлиши керак, бу эса ўз навбатида фақат маълум даражадаги ёки шу фанга тегишли билимга эга бўлибгина қолмасдан, балки турли янги кўнкима ва малакалар ҳосил қилиши, мустақил равишда ўз билимини мунтазам бойитиб бориши, янги информационларга таянган ҳолда ўзи яшайдиган жойдаги саноат корхоналари истиқболларини кўра билиши, касбга йўллаш ишларини амалга ошириши, ўқув-

чиларни онгли равища, шароитларга қараб фойдали мәхнатга жалб этиши керак.

Мәхнат ўқитувчисини тайёрлашда «Конструкцион материаллар технологияси» курсининг роли катта бўлиши билан бирга, у студентларни технологик жиҳатдан тайёрлашга ҳам ҳисса қўшади. Шунинг учун бу курсни ўқиб-ўрганишда студентлар тегишли билим, фан-техника тараққиёти билан танишиши, берилган ёки талаб қилинадиган конструкцион материаллар ишлаб чиқариш проблемаларидан хабардор бўлиши керак.

Ушбу ўқув қўлланма ўрта мактабларнинг IX—X синфларида ўтиладиган техник мәхнат ва мәхнатга тайёрлаш программалари ҳам ҳисобга олинган ҳолда ёзилди, яъни қўлланмадан материалшунослик ва конструкцион материалларни ишлаб чиқариш технологияси ва ҳоказо масалалар ҳам ўрин олди. Шу билан бирга мәхнат ўқитувчиси тайёрлаш спецификаси ҳам ҳисобга олинди. «Умумтехника фанлари ва мәхнат» ҳамда юқорида қайд қилинган бошқа бўлимларда ўқийдиган студентлар биринчи курсдаёқ қуидаги материаллар билан танишадилар: материалларнинг тузилиши ва хусусиятлари, қотишмаларнинг назарий асослари, темир-углеродли қотишмалар, рангли металл ва уларнинг қотишмалари, порошокли материаллар, металл ва қотишмалар, термик ва термомеханик ишлаш, металлар коррозияси ва уларга қарши қураш усуллари, металл-мас материаллар, металлургик процесслар ҳақида умумий тушунча, порошокли металлургия, қуймакорлик саноати, металларни босим билан ишлаш, металларни пайвандлаш ва кавшарлаш ҳамда материалларга меканик ишлов бериш ҳақидаги тушунчалар.

Бу материалларни ўрганиш эса, ўз навбатида, ўқув устахоналарида амалий машгулотларни бажариш ёки материалларни тўғри танланган ҳолда турли элементлар, деталлар ёки буюмлар ясаш, ихтисос бўйича ўтиладиган кейинги техник предметларни яхши ўзлаштириш, хусусан «Металларни кесиш, станоклар ва асбоблар» предмети билан боғлиқдир. Чунки бу курс ўз навбатида бўлажак умумтехника ва мәхнат ўқитувчисини мактабларда, ўқув ишлаб чиқариш комбинатларидаги ўқитувчилик қилишлари учун ҳам назарий, ҳам амалий ҳолда тайёрлайди.

Бундан ташқари, совет ва чет эл олимлари-тадқиқотчилари, новаторлари ва рационализаторларининг

конструкцион материаллар технологияси айрим бўлимлари (қисмлари) соҳасида қилган ёки олиб борган дикқатга сазовор ишлари юзасидан ҳам фикрлар баён қилинган.

Тегишли хом ашёни маълум бир технологик процесслар орқали қайта ишлаш усуллари билан металлар, қотишмалар ҳамда металлмас материаллар ишлаб чиқариш конструкцион материаллар технологияси деб аталади.

II боб

МЕТАЛЛШУНОСЛИК АСОСЛАРИ

1-§. МЕТАЛЛШУНОСЛИК ФАНИ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

Металлшунослик фани, асосан, металл ва қотишмаларнинг таркибий қисмлари, тузилишлари ва хоссаларини умумий ҳолда боғлаб, ташқи таъсирлар (иссиқлик, меҳаник ёки химик) натижасида ўзларининг хоссаларини ўзgartириш қонуниятларини ўргатувчи фандир.

Металлшунослик мустақил фан сифатида Россияга XIX асрда «металлография» номи билан кириб келган. Бу соҳанинг фан сифатида вужудга келиши биринчи навбатда Россияда саноат тармоқларининг, айниқса, металлургия ва машинасозлик саноатининг ривожланиши билан боғлиқ бўлди.

Шуни таъкидлаш лозимки, турли моддалар (жисмлар)нинг кристалларини ўрганиш аслида XVII ва XVIII асрларда бошланган. М. В. Ломоносов 1763 йилда ўзининг «Ер қатламларин ҳақида трактат» асарида олмос кристаллари учун бурчаклар доимийлик қонуниятини кашф этиб, улар ўзаро бир хил бурчак остида жойлашади, деб ёзган эди. Бу кашфиёти билан М. В. Ломоносов ҳар хил жисмлар кристалларининг тўғри геометрик формаларини, улардаги атомларнинг фазода маълум бир тартибда жойлашганларини исботлаб берганди. Шу билан бирга, бир турдаги жисм атомлари ўзаро бир хilda жойлашган бўлиб, улар орасидаги бурчаклар ҳам бир хилдир, деган хуносага келди. Мазкур масала бўйича олим ўз замондошларидан анча ил-

гарилааб кетди ва шу фан соҳасида буюк бурилиш ясади.


Металшунослик фани П. П. Аносов (1797—1851) ва Д. К. Чернов (1838—1921) номлари билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. П. П. Аносов металларнинг структурасини ўрганишда микроскопик анализ қилишни биринчи бўлиб татбиқ қилди. П. П. Аносов юқори сифатли пўлатлар олишнинг принципларини илмий асосда ишлаб чиқди. Д. К. Чернов ҳам бу соҳада жаҳонга машҳур бўлган бир қатор янгиликларни жорий этдики, булар 1868 йилда кашф этилган пўлатлардаги критик нуқталарни излаш, 1878 йилда аниқланган қўйма пўлатлардаги кристаллик структураларидир. Бу билан Д. К. Чернов металлар ва қотишмалар соҳасида ҳозирги замон фанининг асосини яратди.

Булардан ташқари, металшунослик фанининг кеиниги тараққиёти Н. С. Курнаков, А. А. Байков, С. С. Штейнберг, Н. П. Чижевскийларнинг кашфиётлари билан ҳам узвий боғлангандир. Масалан, Н. С. Курнаков (1860—1941)нинг қотишмаларни физик ва химик анализ қилиш методларини ишлаб чиққанлиги, А. А. Байков (1870—1946)нинг бир қатор металлургик процессларнинг физик-химик моҳиятларини очиши, С. С. Штейнберг (1872—1940)нинг қотишмаларнинг турли температурада аустенитга айланиш ҳодисасини умумлаштириши, Н. П. Чижевский (1873—1952)нинг биринчи бўлиб азотнинг пўлатлар хоссаларига таъсирини ўрганиши ҳамда иттифоқимиз ва хорижий мамлакатлар олимларининг, илмий-текшириш ташкилотларининг металл тўғрисидаги фанни ривожлантириш учун қўшган илмий ҳиссалари шулар жумласидандир.

2-§. МЕТАЛЛАРНИНГ КРИСТАЛЛ ТУЗИЛИШИ

Ҳар қандай жисм қаттиқ ҳолатда кристалл ва аморф тузилишга эга. Йида ҳолатдаги кристалик жисмларда атомлар фазода маълум бир тартибда ва бир-бираига нисбатан бир хил элементар масофада жойлашган бўлади. Аморф жисмларда (шиша, канифоль, парафин, мум, чинни кабиларда)ги атомлар фазода тартибсиз жойлашган бўлади.

Ҳамма металлар ва уларнинг қотишмалари кристалл тузилишга эга 1-расм, а, б, в ларда таққослаш учун механик аралашманинг қаттиқ эритманинг ҳамда аморф




1-расм. Түрли жисм (модда)ларнинг микроструктуралари түзилиши

a — механик аралашманинг микроструктура схемаси;
b — қаттиқ әрітманинг микроструктура схемаси;
c — аморф жисмнинг түзилиши.

қилинадиган панжарага айланади. Кристалл панжараларнинг турлари ва күренишлари конструкцион материалларнинг турларига қараб ҳар хил бўлади.

Лекин кўлгина металларда қуйидаги хил (кўриниш) лардаги кристалл панжаралар кўпроқ учрайди:
1. Ҳажми марказлашган куб панжара (2-расм, *a*). Бундай кристалл панжарада мёталл атомларининг 8 таси кубнинг учларида ва биттаси куб марказида жойлашган бўлади. Бундай кристалл панжара Fe, C, V, W, Mo, Li каби металларга хосдир.

2. Ёқлари марказлашган куб панжара (2-расм, *b*). Бундай панжарада металл атомларининг 8 таси кубнинг учларида ва 6 таси ёқларининг марказларида жойлашган бўлади. Бундай кристалл панжара Fe, Al, Cu, Ni, Co, Pb каби металларга хосдир.



2-расм. Кристалл панжараларнинг турли кўринишлари.

a — ҳажми марказлашган куб панжара;
b — ёқлари марказлашган куб панжара;
c — гексагонал панжара.

жисмларнинг микроструктуралари келтирилган.

Кристалл панжаралар одатда қуйидагича ҳосил қилинади: Қаттиқ ҳолатда металларнинг атомлари, аниқроқ қилиб айтганда, мусбат зарядли ионлари фазода муайян тартибда жойлашишининг схематик ифодаланиши натижасида ҳосил


3. Гексогонал панжара (2- расм, в). Бундай кристалл панжарада металл атомларининг 12 таси олти ёқли призманинг учларида, 2 таси призманинг устки ва остки асослари марказларида ва 3 таси призманинг ўрта қисмида жойлашган бўлади. Бундай кристалл панжара Zn, Mg, Ca, Ti, Be каби бошқа металларга хосдир.

Металл кристалл панжарасининг элементар катакчалари ўлчамлари — атом оралиқлари масофаси билан характерланиб, бу масофа кристалл панжара *параметрлари* (*ўлчамлари*) дейилади (2-а расмдаги оралиқ ёки масофа). Кристалл панжара параметри турли металларда турлича бўлиб, 1 ангстрем (A°) га етади. ($1\text{A}^\circ = 10^{-10} \text{ M}$ га тенгdir).

Юқоридаги панжара турларидан ташқари металларда яна атомлари зич жойлашган (компакт) гексогонал панжара, оддий тетрагонал панжара, ҳажми марказлашган тетрагонал панжара, ёқлари марказлашган тетрагонал кўринишдаги ва ҳоказо панжаралар ҳам бўлиши мумкин.

Металларнинг кристалланиши. Метал (қотишма) ларнинг суюқ ҳолатдан қаттиқ ҳолатга ўтиши натижасида ҳосил бўладиган кристаллари — уларнинг *бирламчи кристалланиши* деб аталади. Суюқ ҳолатдаги ҳар қандай металл (қотишма)ларни совитиш орқали қотиш ҳолатига айланishiда ҳосил бўладиган кристаллари уларнинг *иккиласми кристалланиши* дейилади.

Металлардаги кристалланиш процессини вақт счётичи ва тёрмоэлектрик пирометр ёрдамида ўлчанади. Тёрмоэлектрик пирометр термопара билан гальванометрдан тузилган ўлчов асбобидир. Натижалар пирометрнинг кўрсатиши автоматик равища ёзиб борувчи қурилма ёрдамида ёзиб борилади ва тегишли металл (қотишма)нинг бирор ҳолати учун температуранинг вақтга боғлиқ ҳолда ўзгариш графикаси ҳосил қилинади. Бундай усул (метод) билан ҳосил қилинган графикалардан тегишли металл (қотишма) учун унинг бир ҳо-



3-расм. Металлнинг эриш чизиги. а, в—критик нуқталар.

латдан иккінчи ҳолатта үтишини характерловчи (суюқ ҳолатдан қаттық ҳолатта, ёки аксинча) чегарасини (оралиғини) аниқловчы критик нұқталарни аниқлаймиз. 3-расмда металлни қиздириш процессидеги үзгариш графиги көлтирилген бўлиб, бунда *a* — нұқта суюқлашишнинг охирги нұқтаси, *в* — нұқта суюқлашишнинг охирги нұқтаси ҳисобланади, бошқача айтганда, графикадаги *ав* участка тегишли металлнинг қаттық ҳолатдан тамоман суюқ ҳолатта үтиш даврини характерлайди. Бундан ташқари, графикадаги *ав* тўғри чизиқ тегишли металлда вақт үтиши блан температуранинг ўзгармаслигини ҳам характерлайди, яъни бу оралиқда берилган температура ёки иссиқлик миқдори қаттық металлни суюқ ҳолатта ўтказиш учун сарфланган бўлади ва ҳоказо.

Бундай критик нұқталар ҳар бир металл қотишмалар учун ҳар хил температурада содир бўлади.

Шуни таъкидлаб үтиш лозимки, метал (қотишма)-ларнинг бир ҳолатдан иккінчи ҳолатта үтишидаги критик нұқта ёки чегара аморф жисмларнинг эриш ёки қотиш процессида содир бўлмайди, яъни аморф жисмларнинг эриш ёки қотиш процессида температуранинг вақт бирлиги ичидаги графикада *ав* тўғри чизиқли чегара ёки оралиқ мавжуд бўлмайди.

3- §. МАТЕРИАЛЛАРДАГИ АСОСИИ ХОССАЛАРНИ УРГАНИШ

Маълумки, ҳалқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлатиладиган ҳар қандай кўрнишдаги ёки турдаги конструкцион материаллар ўзларининг физик, химик, механик ва технологик хоссалари билан баҳоланади.

Материалларнинг физик хоссаларига: ранги, зичлиги, эриш температураси, электр ўтказувчанлиги, магнитланиш хоссалари, иссиқлиқ ўтказувчанлиги, иссиқлиқ сифими, қиздирилганда кенгайиши, совитганда эса қисқариши (торайиши) кабилар киради.

Химик хоссаларига: эрувчанлиги, коррозияга чидамилиги, иссиққа бардошлилиги, кислотали муҳитга бардошлилиги ва ҳоказо.

Механик хоссаларига: мустаҳкамлиги, қаттиқлиги, эластиклиги, пластиклиги, мўртлиги, қовушоқлиги ва ҳоказо.

Технологик хоссаларига: тобланувчанлиги, суюқ

оқувчанлиги, болғаланувчанлиги, пайвандланувчанлиги, кесиб ишлашлиги ва ҳоказо кабилардир.


Халқ хұжалиги соҳаларида түрли мақсадлар үчүн ишлатыладиган материалларни асосан иккى группага ажратыш мүмкін:

1. *Пластик материаллар*. Буларга пұлат, мис, дюралиминий кабилар киради. Бундай материаллар сезиларлы даражада деформация қолдириб емирилади.

2. *Мұрт материаллар*. Буларга чүян, бетон, гишт каби материаллар киради. Бу материаллар жуда оз деформация қолдириб емирилади.

Ташқи шароит таъсирига қараб, бир материалнинг ўзи баъзан мұрт ҳолатда, баъзан эса пластик ҳолатда бўлиши мүмкін. Масалан, мармар одатдаги шароитда мұрт бўлса, юқори босим остида пластик ҳолатга айланади, баъзи мұрт материаллар температуранинг кўтирилиши билан пластик бўлиб қолади ва ҳоказо.

Материалларнинг механик хоссаларини текшириш учун ундан маълум шаклдаги намуна (кўпинча кўндаланг кесими доира ёки түртбурчакли)лар ясалади (тайёрланади). Бу намуна қуйида келтирилган узиш машиналарининг қисқичларига маҳкамлаб, статик нағрузка (куч) таъсир иш орқали синалади.



3^a-расм. Ричагли узуучи универсал машинанинг схемаси.

Бундай синаш ишлари турли мөханика лабораторияларида ҳар хил ричагли ва гидравлик маркали (Р-5, УМ-5, ИМ-4Р, ИМ-12А, РМП, УММ-5, МР-0,05, МР-0,05, ДМ-30 М) синов (узиш) машиналарда бажарилиб, синалаётган намунага (5 : 500) КН гача зўриқиши (нагрузка) берилади, зарур маълумотлар, характеристикалар олинади.

З-а расмда юқорида маркалари келтирилган синов машиналаридан 5 КН ли ричагли узувчи универсал машинанинг схемаси келтирилган.

Машинада узун (*a*) ва қисқа (*a*) елкали ричаг бўлиб, қисқа елканинг *C* нуқтасига юқориги қисқич осилган, узун елканинг *B* тугунига синиқ ВДЕ ричаг ёрдамида маятник уланган. Машинанинг пастки қисқичи винтли стержень *L* ёрдамида тишли узатма орқали моторга туташади. Бу қисқичларга синаладиган намуна маҳсус мосламалар ёрдамида ўрнатилиб, пастки қисқични мотор ёки қўл кучи билан қўзғатиш орқали уни чўзиш ёки сиқиши мумкин. Бунинг натижасида, ричагнинг *C* нуқтаси кўчиб, бутун система пункттир чизиқ билан кўрсатилган вазиятни олади; намунага таъсир қўлувчи *P*, куч билан маятникинг юки *Q* орасида қўйдаги боғланиш бор:

$$Q_1 = Pa;$$

бундан ташқари,

$$Q_1 C = Q_1 l \sin \gamma$$

бу икки тенгламадан *Q*₁ ни чиқариб, *P* билан *Q* орасидаги боғланишни топиш мумкин:

$$P = Q \frac{al}{ac} \sin \gamma.$$

Агар $\frac{al}{ac} \sin \gamma$ нисбатни *m* ҳарфи билан белгиласак, юқорида ҳосил бўлган формулани $P = mQ$ кўринишида ёзиш мумкин. Охирги тенгламадан кўринадики, намунага таъсир қўлувчи куч маятник оғирлигига пропорционалдир, яъни маятник намунанинг узилиш ёки сиқилишига қаршилик (*P* динамометр орқали ўлчаниди) кўрсатади.

Намуналарнинг шакли цилиндрик ёки ясси (тўғри тўртбурчак ёки пластинкали) бўлиб, уларнинг узунлеклари билан синаладиган қисмидаги кўндаланг кесим

юзи орасида $l_0 = 11,3 F_0$ ёки, $l_0 = 10 d_0$ бөгланиш бўлиши керак.

Материалларнинг баъзи асосий механик хусусиятлари қўйидагича текширилади:

Материалларнинг чўзилишдаги мустаҳкамлигини синашда материалларнинг чўзилишдаги мустаҳкамлигидан ташқари, унинг эластиклиги ва пластиклигини ҳам аниқлаш мумкин. Бунинг учун материаллардан маҳсус намуна (юқорида кўрсатилган кўндаланг кесимларда ва тегишли ўлчамда) тайёрланади ва уни бирор маркадаги узиш машинасида статик нагрузка бериш орқали синалади. Намунаси синаш вақтида у узилмай бардош берган юзимал куч (P_{max}) нинг шу намуна кўндаланг кесимининг юзи (F_0) га нисбати тегишли материалнинг чўзилишдаги мустаҳкамлик чегараси деб аталади, яъни

$$\sigma_B = \frac{P_{max}}{F_0} [Н/мм^2].$$

Материални синаш процессида синмай фақат шаклини ўзгартириб, куч таъсири олингач, шу шаклни сақлаб қолиш хусусиятига унинг пластиклиги дейилади.

Металлнинг пластиклигини унинг нисбий чўзилувчанлиги бўйича характерлаб қўйидаги формула бўйича аниқланади (% ҳисобида):

$$\delta = \frac{l_1 - l_0}{l_0} \cdot 100;$$

бунда: l_1 — намунасининг узишдан кейинги узунлиги, мм;

l_0 — намунасиниг ҳисоб узунлиги, мм.


Шуни айтиш керакки, намунани узиш вақтида унинг узунлиги узайиб, кўндаланг кесимининг юзаси камаяди, узилиш жойида эса намунасиниг кўндаланг кесими энг кичик қийматга эга бўлади.

Нисбий торайиш (интичкаланиш) ҳам қўйидагича аниқланади (% ҳисобида):

$$\psi = \frac{F_0 - F}{F} \cdot 100 [\%];$$

бунда: F_0 — намунасиниг дастлабки кўндаланг кесим юзаси, $мм^2$;

F — намунасиниг узилган жойидаги кўндаланг кесим юзаси, $мм^2$. Мўрт материалларда σ ва ψ нинг



4-расм. Юмшоқ пўлатдан тайёрланган намунани синаш процессида ҳосил қилинган чўзилиш диаграммаси.

қийматлари нолга яқин бўлади; пластик материаллар учун эса (материаллар турига қараб) уларнинг қийматларини бир неча ўн процентгача ўзгартириш мумкин.

4-расмда юмшоқ пўлатни универсал узиш машинасида статик ҳолда чўзувчи нагрузка бериш орқали унда ҳосил бўладиган ўзгаришларни характерлайдиган чўзилиш диаграммаси тўғри бурчакли декарт координата системасида келтирилган.

Ордината ўқига статик P кучи H да, абсцисса ўқига эса Δl абсолют деформация ММ да қўйилган. Бундай диаграмма тегишли синов машиналарида материалларни синаш процессида автоматик қурилма ёрдамида намунадаги ўзгаришларни ёзib бориш орқали ҳосил қилинади.

Келтирилган диаграммада намунанинг механик ҳоссаларини ифодалайдиган қуйидаги характеристли чегаралар (нуқталар) (4-расмга қаранг) ҳосил бўлади.

Диаграммадаги OA участка пропорционаллик чегараси дейилади. Чунки бу участкада намунадаги узайиш миқдори таъсир этувчи чўзувчи кучга пропорционал ҳолда ўзгариб бориш қонунияти мавжуд.

Диаграммадаги A нуқтадан B нуқтагача бўлган оралиқ эластиклик чегараси дейилади. Бу чегараада куч билан Δl орасида пропорционаллик қонунияти бузила-

ди, яъни бу чегарага түгри келадиган куч (нагрузка) намунадан олингандан кейин унда қолдиқ деформация бўлмаслиги керак.

Диаграммадаги С нуқта оқувчанлик чегараси дейилади. Бу чегарада, диаграммадан кўринмоқдаки, кучнинг таъсири деярли ўзгармаса ҳам намунада узайиш ҳосил бўлмоқда, яъни синалаётган намуна металлида оқиш процесси намоён бўлмоқда. Бу чегарада түгри келадиган оқувчанлик чегараси ($\sigma_{ок}$) қўйидагича аниқланади:

$$\sigma_{ок} = \frac{P_c}{F_0}$$

Бунда:

P_c — С нуқтага түгри келадиган куч (нагрузка), Н;

F_0 — тегишли чегарада намунанинг кўндаланг кесим юзаси, мм².

Диаграммадаги D нуқта эса тегишли намунанинг энг максимал чўзувчи кучга бардош бериш қобилиятини характерловчи чўзилишидаги мустаҳкамлик чегараси дейилади.

Бу чегарадан кейин намунада аввал бўйинча, яъни ингичкаланиш, кейин эса шу қисмида узилиш (DK чегарада) содир бўлади. Бундай мустаҳкамлик чегараси тегишли намуна учун қўйидагича топилади:


$$\sigma_b = \frac{P_d}{F_0}$$

Бунда:

P_d — Д нуқтага түгри келадиган куч (нагрузка), Н.

Зарб қовушоқлиги. Материалларнинг зарбий (динамик) кучлар таъсирига синмасдан қаршилик кўрсата олиш хусусияти уларнинг зарбий қовушоқлиги дейилади. Бундай зарбий кучлар таъсирида ишлайдиган турли деталлар: тирсакли валлар, шатун ва бошқалар синалади. Бундай синаш ишларида деталлар маятникини коперда синдирилиб, мустаҳкамларий аниқланади. Натижада зарбий қовушоқлик $a_{эк}$ намунани синдириш учун сарфланадиган ишни, A намуна (деталь) нинг синган жойи кўндаланг кесимининг юзи F га бўлган нисбати билан ўлчанади, яъни:


$$a_{эк} = \frac{A}{F}$$



У.3666

17

Қаттиқлигини аниқлаш. Бирор зарурий материалнинг қаттиқлигини мураккаб бўлмаган намуналар тайёрлаш орқали жуда тез аниқлаш мумкин. Бирор материалнинг юзасига шу материалдан қаттиқроқ жисмнинг ботишига кўрсатган қаршилиги унинг қаттиқлиги дейилади. Материалнинг қаттиқлигини аниқлашнинг бир неча усули (методи) мавжуд, лекин бу усуллар ичida **Бринель усули** жуда оддийлиги ва тез натижалар бериши туфайли ундан зарурат бўлганда ҳозир ҳам фойдаланилади.



5-расм. Материалнинг қаттиқлигини Бринель усулида аниқлаш схемаси.

Қаттиқлиги аниқланиши керак бўлган материал (намуна)-га диаметри D (10,5 ёки 2,5 мм)-га тенг бўлган тобланган пўлат шарча бирор P куч билан астасекин ботирилади (5-расм). Натижада синалаётган материал сиртига пўлат шарчанинг изи шар сегменти сифатида қолади. Ана шу шар сегментининг диаметрини (d) ўлчаб олиб тегишли материалнинг қаттиқлиги аниқланади. Бринель усули бўйича қаттиқлик қуйидагича ҳисобланади, яъни:

$$HB = \frac{P}{F} = \frac{P}{\pi D/2 (D - \sqrt{D^2 - d^2})},$$

Бунда: P — пўлат шарча орқали бериладиган куч (нагрузка), Н;


F — материал сиртида шарчанинг қолдириган изининг юзаси, мм^2 ;

D — сиқувчи шарикнинг диаметри, мм;

d — намунада қолган изнинг диаметри, мм.

Шуни қайд қилиш керакки, P нинг ўзгариш қиймати турли материаллар учун ҳар хил бўлади, яъни пўлат ва чўян қаттиқлигини аниқлаш учун $P=30D^2$, мис ва унинг қотишмалари учун $P=10D^2$, баббитлар учун $P=2,5D^2$ чегарада қабул қилинади.

Бринель усулини қаттиқлиги $HB4500$ МПа дан юқори бўлган материалларга тадбиқ қилиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки сиқувчи пўлат шарчанинг ўзи ҳам



6-расм. Роквелл бүйича қаттиқликтің синаш схемасы (конусни ботириш тартиби;

деформацияланиб нотұғри натижалар беріши мүмкін вая бошқалар.

Баъзىи металларнинг зарурий хоссалари ва Бринель усули бүйича қаттиқлиги 1-жадвалда көлтирилген.

Роквелл усулида материалларнинг қаттиқлигі қуидагы топилади. Синалаётган материалга ёки ундағы тайёрланған намунага диаметри $d=1,58$ мм (1/16 дюйм) ли пўлат шарча ёки ўтқирилек бурчаги 120° га тенг бўлган олмос конусни нагрузка остида ботириш орқали аниқланади (6-расм).

Одатда қаттиқ ($HB4500$ МПа дан катта бўлганда) материалларни синашда 6-расмдагидек олмос конусни ботириш орқали аниқланади.

Бу ҳолда намуна Роквелл станогининг столига маҳкамланиб, кейин пўлат шарча ёки олмос конус билан контактда бўлгунга қадар столга маховикни ҳаракати орқали юқорига кўтарилади. Натижада пўлат шарча ёки олмос конус тегишли материалларга (намунага) изқолдира бошлайди ва бу процесс индикаторнинг кичик стрелкаси дастлабки нагруззкани ($P_0=98N$) кўрсатунга қадар маховикчанинг айланиси давом этиб, столчанинг намуна билан кўтарилиши давом этади. Пўлат шарча ёки олмос конусни намунага ботириш 5—6 с давом этади, кейин эса асосий нагруззка (P_1) тегишли рукояткани тескари айлантириш орқали туширилади. Шундан кейин эса индикаторнинг катта стрелкаси текширилаётган материалнинг қаттиқлигини кўрсатади. Синалаётгандан намунани олиш (тушириш) учун маховикчани тескари айлантириб столчани пастга тушириш керак.

Индикатор циферблата иккита шкала (қызил ва қора) мавжуд бўлиб, қызил *B* шкала орқали пўлат шарик ёрдамида ва қораси *C* шкала орқали олмос конусни намунага ботириш орқали қаттиқликни аниқлаша-да фойдаланилади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Роквелл усулида қаттиқликни аниқлаш шартли катталиkdir, чунки у намунада қолдирилган излар чуқурлигининг фарқи (айирмаси)ни характерлайди. Шкаладаги 1 бўлакча (оралиқ) олмос конуснинг (пўлат шарчанинг) намуна-та 2 мкм чуқурликка киришига мос келади. Роквелл усули бўйича қаттиқлик сони *HRC* ёки *HRB* билан белгиланади (олмос конус ёки пўлат шарча орқали қаттиқлик тегишлича аниқланганлигини ифодалайди). Агар синалаётган материалнинг қаттиқлиги жуда юқори бўлса, 588 Н куч таъсиридаги олмос конусни ботириш орқали аниқланаби, ҳисоботни қора шкаладан олинади ва қаттиқлик сони *HRA* деб белгиланади ва ҳоказо.

6-расмга мувофиқ умуумий нагруззка (куч) $P = P_0 + P_1$ бўлиб, бундан (тenglamадан) ҳамма ҳолатлар учун $P_0 = 100$ Н га тенг бўлади, асосий нагруззка P_1 ва уму-мий P эса қуйидаги қийматларга тенг бўлади, яъни:

а) пўлат шарчани сиққандан (*B* шкала бўйича)

$P_1 = 900$ Н бўлганда $P = 1000$ Н бўлади;

б) олмос конусни сиққандан (*C* шкала бўйича)

$P_1 = 1400$ Н бўлганда $P = 1500$ Н бўлади;

в) олмос конусни сиққандан (*A* шкала бўйича)

$P_1 = 500$ Н бўлганда $P = 600$ Н бўлади.

Шуни айтиш керакки, 600 Н нагруззка билан (*A* шка-ла бўйича) жуда қаттиқ ҳамда юпқа материаллар си-налади.

Шундай қилиб, Роквелл усули бўйича қаттиқлик сони (*HR*) қуйидагича топилади:

B шкала бўйича ўлчангандан $HR = 130$ — е

C ва *A* шкалалар бўйича ўлчангандан $HR = 100$ — е билан аниқланади. е катталиқ эса 6-расм бўйича қуйидаги формула орқали топилади, яъни:

$l = (h - h_0) / 0,002$ бўлиб, бунда h_0 дастлабки нагруззка P_0 таъсирида конус учининг синалаётган материалга кириш чуқурлиги; h умуумий нагруззка P таъсирида конус учининг синалаётган материалга кириш чуқурлиги бўлиб, асосий нагруззка P_1 таъсири олиб ташланган ҳолда ўлчангай (6-расмга қаранг).

1-жадвал

Баъзи металларнинг асосий ҳоссалари

Металлар номи	Белгиси	Зичлиги Г/см ³	Эриш температураси ° С	Чизиқли көзғалыш коэффициенті α ; (10^{-6})	0° Сда со-лиштирма электр үтказувчан-лиги α ; МСм/м ²	Бринель буйнча қат-тиқык НВ; МН/м ²	Мустаҳкам-лиқ чегара-си (вақттаң каршилик ծв МН/м ²)	Нисбий үзайиш $\delta = %$	Күндаланг кесимининг нисбий қискариши $\phi, %$
Алуминий	Al	2,7	660	24,0	37,0	200—370	80—110	40	85
Вольфрам	W	19,3	3410	4,0	18,1	1600	1100	—	—
Темир	Fe	7,87	1539	11,9	11,0	500	260—330	21—55	55—86
Кобальт	Co	8,9	1490	12,08	10,2	1250	700	3	—
Магний	Mg	1,74	651	25,7	23,0	250	170—210	15	20
Марганец	Mn	7,44	1242	23,0	22,7	200	мұрт	мұрт	мұрт
Мис	Cu	8,94	1083	16,42	64,0	350	220	60	75
Никель	Ni	8,9	1452	13,7	8,5	600	400—500	40	70
Қалай	Sn	7,3	232	22,4	8,5	50—100	200—400	40	74
Қүрғошин	Pb	11,34	327	29,5	4,9	40—60	18	50	100
Титан	Ti	4,5	1812	7,14	—	—	300—400	20—28	35—50
Хром	Cr	7,1	1900	8,1	38,4	1080	мұрт	мұрт	мұрт
Рух	Zn	7,14	419	32,6	17,4	300—420	150	5—20	—

0,002 — конус учининг ўқ бўйича тегишли силжиши бўлиб, қаттиқлик бирлиги сифатида қабул қилинган катталиктадир.

Виккерс методи бўйича юмшоқ, жуда каттиқ металла қотишмаларнинг қаттиқлигини аниқлаш имконияти мавжуд. Бу усулда ҳам тўрт қиррали олмос пирамидани (учининг бурчаги $d=136^\circ$) ботириш орқали аниқланади. Бунда бериладиган нагруззкаларнинг миқдори 10 дан 1200 Н оралиғида берилиши мумкин. Бирор материалдаги қаттиқлик (HV) ни топиш учун унинг сиртидаги қолган изнинг диагональ узунилиги микроскоп орқали кўрилади ва қўйидаги формула бўйича Виккерс усулида унинг қаттиқлиги аниқланади, яъни:

$$HV = \frac{2P}{d^2} \sin \frac{\alpha}{2} = 1,8544 \frac{P}{d^2};$$

Бунда P — пирамидага берилган нагрузка Н; d — издаги иккала диагоналларнинг ўртача арифметик узунилиги (нагрузка туширилгандан кейин), мм.

α — пирамиданинг қарама-қарши қирралари орасидаги бурчак бўлиб, у 136° га тенгdir.

Бу усулда синов ишларини олиб борища 10, 50, 100, 200, 300, 500, 1000... 1200 Н катталиктаги нагруззкалардан фойдаланилади.

Агар синалаётган материал ингичка кўндаланг кесимли ва сирт қатдами қаттиқ материал билан қопланган (масалан, цианланган, азотланган материаллар) бўлса, у ҳолда кичик нагруззкалар 10—50—100 Н дан фойдаланилади.

Қаттиқлик (HV) ни аниқлаш учун d нинг қийматига мос ҳолда тузилган маҳсус жадвалдан фойдаланилади.

4-§. МАТЕРИАЛЛАРНИНГ АСОСИЙ ХОССАЛАРИ

Материалларнинг технологик хоссаларига уларни технологик ишлаш (куйиш, болғалаш, пайвандлаш, кесиб ишлаш ва ҳоказо) учун зарурий хоссаларни кўрсатувчи, масалан, киришувчанлик, суюқ ҳолатда оқувчанлик, болғаланувчанлик, пайвандланувчанлик, кесиб ишланувчанлик каби бир қатор хоссалари киради.

Киришувчанлик деб қолипнинг ўлчамлари ва шу қолигга қўйиш йўли билан ҳосил қилинган қуйманнинг ўлчамлари орасидаги айирмага айтилади ва у процент-

да ўлчанади. Ҳар хил материаллар учун бу катталик турлича бўлади. Турли қотишмалар учун киришувчанлик (киришиш) даражаси ушбу қўлланманинг қўймакорлик саноати бобида (9-жадвал) берилган.

Суюқ ҳолатда оқувчанлик деб тегишли материалларнинг суюқ ҳолатда қолипни тўлдира олиш хусусиятига айтилади.

Болғаланувчанлик деб тегишли материалларнинг болғалаш, штамплаш ва прокатлаш вақтида ўз геометрик шаклини емирилмай ўзгартира олиш хусусиятига айтилади.

Пайвандланувчанлик деб турли материалларни пайвандлаш процессида пухта ва зич бирикма ҳосил қила олиш хусусиятига айтилади.

Кесиб ишланувчанлик деб вақт бирлиги ичидаги ёки маълум иш сарфланганда энг кўп йўниб туширилган қиринди оғирлиги билан баҳоланадиган миқдорга айтилади.

Юқорида келтирилган хоссалардан ташқари турли конструкцион материалларнинг баъзи технологик хоссаларини синаш орқали аниқлаш стандартлаштирилган ва уларга букилувчанликни синаш, совуқ ҳолатда чўкувчанликни синаш, ботирувчанликни синаш каби хоссалар киради ва ҳоказо.

5- §. МАТЕРИАЛЛАРНИ ФИЗИК-ХИМИК АНАЛИЗ ҚИЛИШ МЕТОДИ

Халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида ишлатида-диган турли конструкцион материалларни асосан макро- ва микроанализ қилиш орқали уларнинг таркиби ва хоссалари ўрганилади.

Металл ва қотишмаларнинг макроструктурасини ўрганишда йирик заготовка (қўйма, паковка ва бошқа) лардан ёки металл материаллардан намуналар кесиб олинади, бу намуналарнинг ихтиёрий бир юзаси олдин эговланиб, кейин жилвирланади ва унга маҳсус эритмалар (реактивлар) таъсир эттирилади. Намунанинг шу йўл ва метод билан тайёрланган юзаси (сирти) макрошлиф деб аталади. Макрошлифни бевосита ёки лупа орқали қараганда кўринадиган структураси макроструктура дейилади. Макрошлифни текшириш натижасида қўйма металл ёки қотишма доналарининг шаклини ва қандай жойлашганлигини: болғаланган ёки

штампланган заготовкалардаги толаларнинг (деформацияланган доналарнинг) қандай жойлашганлигини, металл ва қотишмалардаги баъзи нуқсонларни (турли дарзлар, шлак қўшилмалари, пулфакча ўринлари, бўшлиқлар ва бошқалар), қотишманинг кристалланиш процессида келиб чиққан турли жинслилигини ёки термик, ёхуд химиявий термик ишланиш натижаларини кўриш мумкин.

Масалан, пўлатда олtingугуртнинг қандай тақсимланганлигини аниқлаш зарур бўлса, шу пўлатдан тайёрланган макрошлифларга сульфат кислотанинг сувдати 5% ли эритмаси билан ҳўлланган фотоқоғоз (кумуш бромидли фотоқоғоз) қўйилади. Тайёрланган макрошлифда олtingугурт тўпланган жойлар бўлса, у кумуш бромид билан химиявий реакцияга киришиб, кумуш сульфид ҳосил қиласди, натижада фотоқоғозда қорамтири-сарфиш излар кўринади. Агар текширилган пўлат намунада фосфорнинг миқдори кўпроқ бўлса, бу фосфор ҳам кумуш бромид билан реакцияга киришиб, фотоқоғозда қорамтирироқ тусли кумуш фосфид ҳосил қиласди ва ҳоказо.

Металл ва қотишмаларнинг микроструктураси бўйича текшириш ўсули асосий усуллардан бири бўлиб, ундан амалда жуда кенг фойдаланилади.

Зарурий материалларнинг микроструктурасини текшириш учун ҳам улардан намуналар кесиб олинади ва унинг бир юзаси текис эговланади, сўнгра силлиқланади, кейин кўзгу сиртидек пардозланади ва зарурий шлиф ҳосил қилинади, охирида унга маҳсус реактив ҳам таъсир эттириб ювилади ва тозаланади. Ана шу йўл билан тайёрланган намуна (макрошлиф) микроскоп остида қўйилиб қаралганда кўринадиган структураси *микроструктура* деб аталади.

Турли металл ва қотишмалардан тайёрланадиган макрошлифлар (асосан цилиндр, куб ёки параллелипипед шаклида) нинг диаметри 10—15 мм, баландлиги эса 10—15 мм га teng бўлиб, уларни ҳосил қилишда турлича реактивлар ишлатилади.

Масалан, пўлатнинг структурасини аниқлашда нитрат кислота (HNO_3) нинг 1—5 мл нинг 100 мл спиртдаги эритмаси реактив сифатида, баъзан ўхшаш структураларни аниқлаш қийин бўлганда пикрин кислота (тринитрофенол) эритмаси (4 г. $C_6H_3O_7N_3$) нинг 100 мл спиртдаги эритмасидан фойдаланилади ва ҳоказо.

Металл ва қотишималарнинг намуналаридан тайёрланган микрошлифлар турли оптик металлографик микроскоплар ёрдамида текшириб анализ қилинади.

Бунинг учун тайёрланадиган ва текшириладиган намуналар қўйидаги қулай формаларда тайёрланади, яъни:

а) цилиндрик формада бўлиб диаметр d (10—12 мм) ва баландлиги ($0.7—0.8$) h ;

б) тўғри тўрт бурчакли намуна бўлиб асосининг юзаси 12×12 мм ва баландлиги 10 мм ли қилиб тайёрланади.


Шлифланган сиртларни микроанализ қилиш учун намуналар тегишли формадаги қурилмаларга ўрнатилиб текширилади.

Бундай намуналар формалари ва уларнинг ўлчамлари ҳамда намуналарни ушлайдиган қурилмалар 7-расм а, б, в, г да көлтирилган.


Иттифоқимизда МИМ-6, МИМ-7 (вертикал) микроскоп маркаларидан фойдаланилади, ҳозирги вақтда эса МИМ-8, МИМ-8М, ММУ-3 (горизонтал) металлографик микроскоплар (8-расм) ишлаб чиқарилмоқда ва улардан фойдаланилмоқда.

Бундай микроскопларга ўрнатилган қўшимча мосламалар ёрдамида шлифнинг структурасини фотосуратга олиш ҳам мумкин.

Текширилиши талаб этиладиган конструкцион материалларнинг структурасини янада аниқроқ анализ қилиш учун ҳозирги вақтда катталаштирилиши жуда юқори бўлган (100000 мартагача) электрон микроскоплардан кенг фойдаланилади. Лекин металл ва қотишималар учун, кўпинча 7000—25000 марта катталаштирувчи микроскоплардан фойдаланиш кифоя қиласди.



7-расм. Металлографик намуналарнинг нормал ўлчамлари (а ва б), ва ҷамуналарни тутиб турувчи қурилмалар (в ва г).



8-расм. Микроскоп МИМ-7

I — ёргулғын қисми; II — корпус қисми; III — юқори қисми.
 1 — диск; 2 — фонар; 3 — винтлар; 4 — винт; 5 — рукоятка; 6 — винтлар;
 7 — подкладка (таглик); 8 — вертикаль колонналар; 9 — пружинали қис-
 қичлар; 10 — предмет столчаси; 11 — тубус; 12 — окуляр; 13 — тубус;
 14 — микрометрик винт; 15 — рамка; 16 — заңа; 17 — линзалар; 18 — фо-
 тоавтор; 19 — поводок; 20 — винтлар; 21 — кожух; 22 — линзалар; 23 —
 диафрагма; 24 — рукоятка; 25 — винт; 26 — винт.

**Рентгеноструктуралы анализда рентген нурлари ор-
 қали металл ва қотишмаларнинг ички тузилиши тек-
 ширилади, улардаги кристалл панжараларнинг тури ва
 зарурий параметрлари аниқланади.**

**Материалларнинг ички тузилишини рентген нурла-
 рини таъсири эттириш орқали ўрганиш процесси рентге-
 ноструктуралы анализ деб аталади.**

Бундан ташқари, рентген нурлари билан ёритиш орқали турли металлардаги нуқсонлар (бегона қўшил-
 малар, бўшлиқлар, ички дарзлар ва бошқалар) ҳам аниқланади.

Пўлат ва чўян материаллардан тайёрланган детал-
 ларнинг ички тузилишидаги турли нуқсонларни аниқ-
 лаш учун магнитли майдон ва ультратовушли усуллар
 ёрдамида аниқлаш ҳам амалда кенг қўлланилмоқда.

6- §. РЕАЛ КРИСТАЛЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ

Биз юқорида реал кристалларнинг тузилиши билан танишиб ўтган әдик. Бундай реал кристалларнинг уларга нисбатан структураларидағи күпгина нұқсонлари (такомиллашмаган структура) мавжұд бұлады, бу нұқсонлар тегишли материалларнинг күпгина хоссаларига катта таъсир күрсатади. Бундай структуралы сезилувчанлик хоссаларига мустаҳкамлық, пластиклик, электр ўтказувчанлик ва бошқалар киради.

Маълумки, конструкцион материалга ташқи таъсир (деформация, температура, нурланиш ва бошқа)лар албатта уларнинг структурасини ва маълум бир миқдорда хоссаларини ўзgartираади.

Назарий ҳисоблашлар шунің күрсатадықи, идеал кристалларда мустаҳкамлық жуда юқори, реал кристалларнинг мустаҳкамлиги назарий мустаҳкамлика нисбатан 10—1000 марта пастдир.

Синаладиган материалларда асосан юзали (сиртли) чизиқли ва бошқа нұқсонлар бўлиб, булар бир-биридан ўзаро фарқ қиласади.

Агар материалларнинг кристалларыда юқоридаги бирорта нұқсонлар мавжуд бўлса, у ҳолда уларнинг кристалл панжараларида атомларнинг ўзаро жойлашиш тартиби бузилади, яъни тегишли кристалл панжаралар дефектли бўлади, уларнинг мустаҳкамлигига салбий таъсир күрсатади ва ҳоказо.

III б о б

ҚОТИШМАЛАРНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1-§. ҚОТИШМАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ

Икки ёки ундан ортиқ металлнинг суюқ ҳолатдаги бир жинсли аралашмаси ёки бу аралашманинг қотишидан ҳосил бўлган маҳсулот қотишма дейилади. Лекин баъзи қотишималарнинг таркибиға нометалл элементлар ҳам маълум миқдорда қўшилиши мумкин. Бунда қотишиманинг асосий металлик хоссалари сақланади. Соғ металларни ишлаб чиқариш технологиясига нисбатан қотишималар ишлаб чиқариш технологияси оддий ҳамда арzonдир. Қотишималарнинг механик ва технологик хоссалари соғ металларнинг шундай хоссаларидан

афзалдир. Шунинг учун ҳам қотишмалар машина ҳамда уларнинг механизмлари, қурилмалар, конструкцияларнинг деталларига асосий зарур материал ҳисобланади.

Узоқ йиллар давомида олиб борилган кўп кузатишлар шуни кўрсатдики, қотишмалар таркибларидағи металл атомларининг ўлчами кристалл панжаранинг хили ҳамда суюқланиш температураси, умуман металл атомларининг ўзаро муносабатига қараб қўйидаги турларга бўлинади.

1. Механик аралашмалар. Қотишма таркибидаги металл атомлари кристалланиш процессида ўзаро бирбирларини итарса, атомлари соғ метталл кристаллар ҳосил бўлади. Бунда кристаллар бир-бирлари билан кристалл юзалари билан боғланади, холос. Бундай қотишмалар металл кристалларининг механик аралашмаларидан иборат бўлади. Шунинг учун ҳам уларни *механик аралашма* деб аталади. Механик қотишма таркибига кирувчи металл атомларининг ўлчамлари бир-биридан 15% дан кам фарқ қиласлиги керак. Кўрошин-суръма системаси икки компонентли механик қотишмага мисол бўла олади.

2. Қаттиқ эритмалар. Қотишмаларнинг бу турига кирувчи қотишмалар суюқ ҳолатда ҳам, қаттиқ ҳолатда ҳам бир жинсли бўлади, яъни компонентлар бир-бирида чексиз эрийди. Бундай қотишмаларда металл атомлари умумий кристалл панжарага жойлашади, яъни эрувчи металлнинг атомлари эритувчи металлнинг кристал панжарадаги ўрнини алмашади. Демак, компонентлар қаттиқ ҳолатда ҳам бир-бирларида чексиз эрийди. Бундай хоссага эга бўлган қотишмалар қаттиқ эритмалар дейилади. Бинобарин, бундай эритмалар бир фазалидир.

Қаттиқ эритманинг микроскопик структураси.

Одатда, қотишма таркибидаги металл атомлари ўлчами орасидаги фарқ 15% дан кам бўлганда қаттиқ эритма ҳосил бўлади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, кўпчилик металлар, масалан Al билан Cu, Cu билан Zn, Cu билан Sn ва бошқалар бир металлнинг кристалл панжарадаги атомлари ўрнини иккинчи металлнинг атоми олиши натижасида қаттиқ эритмаларни ҳосил қиласади. Металлар билан металлмаслар, масалан, Fe билан C, Fe билан N, Fe билан O, Fe билан B, Fe билан H ва бошқалар бир-би-

ларига сингиши орқали, яъни биринчи компонентнинг кристалл ячейкаларининг бўш жойларига иккинчи компонент заррачалари жойлашиши натижасида қаттиқ эритмаларни ҳосил қиласди.

3. Химиявий бирикма ҳосил қилувчи қотишмалар. Бу турга кирувчи қотишмалар таркибидаги компонентлар ўзаро химиявий реакцияга киришиб химиявий бирикма ҳосил қиласди. Ҳосил бўлган химиявий бирикма атомларининг кристалл панжараси айrim компонентларни кристалл панжараларидан фарқ қиласди. Химиявий бирикма ҳосил қилувчи қотишмалар бир жинсли бўлиб, $MgSn$, Mg_2Pb , Mg_3Bi_2 , $MgSi$, MgS , Fe_3C , $NbCl$, $CaCl_2$, $CuZn$, $CuZn_8$, $CuZn_3$ каби бирикмалар шулар жумласига киради.

2- §. ҚОТИШМАЛАРНИНГ КРИСТАЛЛАНИШИ

Биз тоза металларнинг кристалланишида ташқи факторларнинг ўзгариши натижасида мувозанатнинг бузилиши ва система фазаларининг ўзгаришини кўриб ўтган эдик.

Суюқ ёки қаттиқ қотишманинг бошқа қисмларидан чегара сиртлари билан ажралган ҳамда химиявий таркиби ёки тузилиши билан фарқ қиласдиган қисми фаза дейилади. Мураккаб системалар бир неча фазадан иборат бўлиб, бир-биридан чегара сиртлари билан ажралив туради. Қотишмалар таркибидаги соф металлар, суюқ ёки қаттиқ эритмалар, химиявий бирикмалар фазалардир. Мувозанат ҳолатидаги фазалар йигиндиши система (қотишма)дир. Системанинг таркибий қисмлари компонентлар дейилади. Соф металлар ёки барқарор химиявий бирикмалар системанинг компонентларидир.

Система фазаларининг сонига ва хилига халал етказмай ўзгартирилиши мумкин бўлган ташқи ва ички факторлар сони (температура, босим ва концентрация) тегишли системанинг эркинлик даражалари ҳисобланади.

Гетероген системалар қонуниятларини 1873—1878 йилларда Д. В. Гиббс аниқлади ва системадаги умумий мувозанатнинг фазалар қоидасига бўйсунгандигини қуидагича ифодалади:

$$C = K + n - \Phi; \quad (I)$$

бунда: C — эркинлик даражалари сони, K — системани ташқил этган компонентлар сони, n — ташқи факторлар сони, Φ — системанинг мувозанат ҳолатидаги фазалар сони. K , n ва Φ — мувозанатнинг ўзгарувчи факторлари бўлиб, булар ўзаро боғлиқ эмас.

Агар металл системаларни текширишда босим ўзгармас деб олинса, у ҳолда системанинг эркинлик даражалари сони қўйидагича аниқланади:

$$C = K + 1 - \Phi. \quad (2)$$

Бу формуладан фойдаланиб, бир ва икки компонентли системаларнинг мувозанат ҳолатларини қўйидагича текшириш мумкин.

Агар $K=1$, $\Phi=1$ бўлса, 2-формуладан $C=1$ келиб чиқади. Бу шуни кўрсатадики, системани шу шароитда (маълум температурада) қиздириш ёки совутиш мумкин, холос. Бунда фаза ўзгармайди.

Агар $K=1$ ва $\Phi=2$ бўлса 2-формуладан $C=0$ келиб чиқади. Демак, айни шароитда система мувозанат ҳолатида бўлади. Фазалар қоидасига асосан бир компонентли системаларнинг фазалар сони иккidan ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Энди фазалар қоидасини икки компонентли Pb—Sb (қўрғошин ва суръма) системаси, яъни Pb—Sb қотишманинг суюқ ҳолатига тадбиқ этиб кўрайлик. Агар $K=2$ ва $\Phi=1$ бўлса, $C=2$ га teng бўлади. Бу шуни кўрсатадики, системанинг температураси ва компонентлар концентрациясини маълум чегарада ўзгариш мумкин бўлиб, фаза ўзгармайди.

3-§. ҚОТИШМАЛАРНИНГ ҲОЛАТ ДИАГРАММАЛАРИ

Қотишмалар ҳолатининг температура ва концентрацияга қараб ўзгаришини ёки бирор қотишманинг қайси температурада қандай вазиятда бўлишини кўрсатувчи диаграмма ҳолат диаграммаси деб аталади.

Қотишмаларнинг ҳолат диаграммаси баъзан мувозанат диаграммаси ҳам дейилади, чунки у баъзи шароитда (маълум температура ва концентрацияда) қандай фазалар ўзаро мувозанатда бўлишлигини ифодалайди.

Маълумки, икки элемент (масалан, қўрғошин билан суръма) суюқлантирилиб, сўнгра совутилганда механик аралашма (қотишма) ҳосил бўлади. Компонент-

лари механик аралашма ҳосил қиласиган қотишмаларнинг ҳолат диаграммалари биринчи тип ҳолат диаграммаси деб аталади.

Компонентлари механик аралашма ҳосил қиласиган қотишмалар жумласига $Pb - Sb$ системасидан ташқари $Bi - Cd$, $Sn - Zn$ ва бошқа системалар ҳам киради.

Суюқ ҳолатда ҳам, қаттиқ ҳолатда ҳам бир-бирида исталганча эрийдиган икки элементдан иборат қотишмаларнинг ҳолат диаграммаси иккинчи тип ҳолат диаграммаси деб аталади. Бундай ҳолат диаграммасига мис билан никель қотишмаларининг ҳолат диаграммаси мисол бўла олади.

Биринчи тип ҳолат диаграммаси билан иккинчи тип ҳолат диаграммаси бир тартибда (усулда) тузилади.

Иккинчи тип ҳолат диаграммаси ҳосил қиласиган системалар жумласига $Cu - Ni$ системасидан ташқари $Bi - Sb$, $Au - Pt$, $Au - Ag$, $Au - Pb$, $Fe - Cr$, $Fe - Ni$, $Fe - Co$, $Fe - V$ системалари ва баъзи бошқа системалари ҳам кириши мумкин.


Компонентлари қаттиқ ҳолатда механик аралашма ҳосил қиласиган, компонентлари бир-бирида исталганча эрийдиган қотишмалардан ташқари компонентлари бир-бирида маълум чегарагача эрийдиган, компонентлари бир-бири билан химиявий бирималар ҳосил қиласиган қотишмалар, шунингдек бирламчи кристалланиш натижасида ҳосил бўлган қаттиқ фазаларида иккиламчи ўзгаришлар (қайта кристалланиш) юзага келадиган қотишмалар ҳам бўлади. Бундай қотишмаларнинг ҳолат диаграммалари тегишлича учинчи, тўртинчи ва бешиничи тип ҳолат диаграммалари деб аталади. Бундай ҳолат диаграммалари билан биз металлушунослик курсида батафсил ўрганишимиз мумкин. Аммо шуни таъкидлаш керакки, бу турдаги қотишмаларни темир-углерод системасида учратамиш ва ўрганимиз.

Қотишмаларнинг ҳолат диаграммаларини ўрганиш керакли қотишмаларни термик ишлашда ниҳоятда катта аҳамиятга эга, чунки қаттиқ ҳолатда қотишмаларнинг ички тузилишида (структурасида) содир бўладиган ўзгаришларни билишга ва ўрганишга имкон бўлади. Шунга қарамасдан биз бу темага тааллуқли баъзи характерли диаграммаларни тузиш устида тўхтамай, тўғридан-тўғри келтирилган ҳолат диаграммаларидан

базыларининг тайёр ҳолдаги күришиларини көлтириш билан чегараландик (9-расм...), яъни:

1. Қотишма таркибиға кирудук компонентлар суюқ ҳолатда ҳам, қаттиқ ҳолатда ҳам бир-бирида исталганча эриб, химиявий бирикма ҳосил қылмаса, уларнинг ҳолат диаграммаси 9-расм, б да тасвирланғандек бўлади. Жумладан, Cu—Ni, Au—Ag, Au—Pb, Fe—Ni, Fe—Cu қотишмаларининг ҳолат диаграммалари ана шундай күришида бўлади. Агар бу диаграммани уч соҳага ажратсак, 1-соҳада суюқ эритма, 2-соҳада қаттиқ эритма (α_{kp}) + суюқ эритма, 3-соҳада эса қаттиқ эритма (α_{kp}) бўлади.

2. Қотишма таркибиға кирудук компонентлар суюқ ҳолатда бир-бирида батамом эриб, қаттиқ ҳолатида бир-бирида маълум миқдорда эрий олса, бундай қотишманинг ҳолат диаграммаси 9-расм, в да тасвирланғандек бўлади. Бундай диаграммага жумладан Al—Si, Cu—Sn қотишмаларининг ҳолат диаграммалари мисол бўла олади. Маълумки, қотишманинг хоссалари қотишма таркибиға кирудук компонентларининг тури ва ўзаро муносабатига боғлиқ. Фазаларнинг тури ва



9-расм. Тури соҳага кирудук қотишмаларининг ҳолат диаграммалари (Н. С. Курнаков бўйича).

миқдори қотишмаларнинг ҳолат диаграммасида аниқланиши уларнинг ҳолат диаграммалари билан хоссалари орасида борланиш борлигини күреатади.

Ҳолат диаграммаларининг асосий турлари, қотишмалар концентрациясининг ўзгаришига кўра, шу қотишмалар хоссаларининг ўзгариши келтирилган 9-расм, *a*, *b*, *c* да механик аралашма, қаттиқ эритма ва химиявий бирикма ҳосил қиласидаги қотишмаларнинг ҳолат диаграммалари ва хоссалари (қаттиқлиги)нинг ўзгариши тасвирланган. Бу диаграмма биринчи марта академиклар Н. С. Курнаков ва С. Ф. Жемчужнийлар төмонидан 1906 йилда ишлаб чиқилган ва амалда тадбиқ этилган.

IV боб

ТЕМИР-УГЛЕРОДЛИ ҚОТИШМАЛАР

Темирнинг ҳар хил элементлар билан ўзаро ҳосил қиласидаги турли қотишмалари амалда жуда кенг ишлатилиди. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, темир ва унинг асосий қотишмалари (қора металлургиянинг асосий маҳсулотлари) чўян ва пўлатдир. Шунинг учун чўян ва пўлат ҳақида қисқача тўхтalamиз.

Чўян деб темир (*Fe*) ва углерод (2,14% дан кўп *C*) элементларидан ҳосил қилинган қотишмага айтилади.

Пўлат деб темир ва углерод (2,14% гача) элементларидан ҳосил қилинган қотишмага айтилади.

Лекин шуни айтиб ўтиш керакки, *Fe* — *C* қотишмалари таркибида бошқа доимий аралашмалар сифатида *Mn* (0,3 ... 0,9% гача), *Si* (0,15—0,35% гача), *S* (0,05% гача), *P* (0,04 ... 0,07% гача) ҳамда зарарли ёки яширин аралашмалар сифатида *O₂*, *N* ва *H₂* элементлари ҳам мавжуд бўладики, унда нисбий узайиш ($\sigma = 40 \dots 50\%$) ва нисбий торайиш ($\phi = 80 \dots 85\%$) бўлади.

Бу компонентларнинг чўян ва пўлатларга бўлган ижобий ва салбий таъсиrlари билан шу бобда батафсил танишамиз.

Fe — *C* кўп компонентли қотишмаларининг тузилишлари ва хоссаларини аниқлаш ва ўрганишга катта эътибор берилган.

Темир — углерод (*Fe* — *C*) қотишмаларининг ҳолат диаграммасининг асосини биринчи бўлиб улуғ рус

олими Д. К. Чернов кашф этди өә амалда тадбиқ қилди. Д. К. Черновнинг бундай қимматли кашфиёти ҳозирги металлшунослик фанининг асоси бўлиб қолди.

1-§. ТЕМИР-УГЛЕРОДНИНГ ҲОЛАТ ДИАГРАММАСИ

Fe—C қотишмаларининг диаграммасини тузишдан олдин шу қотишма таркибидаги асосий компонентлар билан таништайлик.

Темир (Fe) табиатда соф ҳолда деярли учрамайди, яъни у бошқа элементлар билан бирикма ҳолда бўлади. Темир оч кумуш рангда бўлиб, зичлиги $\gamma = 7,86 \text{ г/см}^3$. Тоза техник темир таркибida ҳам 0,1...0,15% гача турли қўшилмалар мавжуд бўлади, унинг мустаҳкамлик хусусиятлари унча юқори эмас ($HV = 75 \dots 90$, $\sigma_b = 250 \dots 350 \text{ MPa}$, $\sigma_0,2 = 120 \dots 150 \text{ MPa}$ ва ҳоказо), лекин пластиклиги ($\delta = 40 \dots 50\%$, $\psi = 80 \dots 85\%$) жуда юқоридир.

Темирнинг хоссалари, худди бошқа металлардек, ўзининг тозалигига боғлиқ бўлади, яъни таркиби қанчалик соф бўлса, унинг пластиклиги шунча ошади, лекин мустаҳкамлиги ва катталиги пасайиб боради. Техник темир 1539°C да эрийди, яъни суюқланади.


Углерод эса металлмас материал бўлиб, зичлиги $\gamma = 2,5 \text{ г/см}^3$, эриш температураси 3500°C . Эркни ҳолатда уни олмос ва графит ҳолатда учратиш мумкин. Углерод темир қотишмаси таркибida металли хоссага эга бўлади.

Фаза деб темирни углерод билан таъсир эттирганда ҳосил бўладиган химиявий бирикма (цементит) ёки қаттиқ эритмаларга айтилади.

Цементит — бу темирнинг 6,67% C билан ҳосил қилинган химиявий бирикмаси бўлиб, бу бирикма темир карбиди Fe_3C дир. Цементит одатда мураккаб ромбаэдрли кристалл панжарага эга, эриш температураси 1600°C , қаттиқлигий $HV = 800$ дан паст эмас, жуда юқори даражада мўртдир, 210°C гача у ферромагнитли хоссага эгадир.

Цементитдан ташқари темир углерод билан бирикни бошқа юқори мўртликка эга бўлган химиявий бирикмалар ҳосил қилиши мумкинки, буларнинг унчалик амалий аҳамияти йўқ.

Шунинг учун Fe—C диаграммасини тўлиқлигича кўрмасдан, унинг бир қисми бўлган Fe— Fe_3C диаграмма-



10- расм. Ҳолат диаграммаси.

си анализ қилинади (10- расм). Қелтирилган диаграмма эса қуидаги тартибда түзилади.

Бунинг учун түғри бурчакли координата системаси олинниб, унинг ордината үки бүйіча температура (градусда) ва абсцисса үки бүйіча углерод (С) миқдори % ҳисобида құйылади. Натижада Fe—Fe₃C ҳолат диаграммаси қуидаги аналит қилинади. Диаграммадаги АСД чизиги ликвидус чизиги, АЕСF чизиги эса солидус чизигидир. Ликвидус чизиги—ликвидус нұқталари, яғни суюқ қотишманиң кристаллана бошлаш нұқталарыннан, солидус чизиги эса солидус нұқталари, яғни қотишманиң батамом кристалланиб бўлиши нұқталарининг геометрик ўрнидир. Бинобарин, ликвидус чизиги билан солидус чизиги орасида ҳам суюқ, ҳам қаттиқ (кристалл) ҳолатда, солидус чизигидан пастда эса фаят кристалл ҳолатда бўлади.

АС чизигида суюқ қотишмадан аустенит кристалла на бошлайди ва АЕ ҳамда ЕС чизигларида батамом

кристалланиб бўлади. СД чизигида суюқ қотишмадан цементит кристаллана бошлаб, СF чизигида кристаллашини батамом тугатади. Суюқ қотишмадан кристалланаидиган бу цементит *бирламчи* цементит деб аталади. ва Ц₁ билан белгиланади. С нуқтада (1147°C температурада), 4,3% углерод ва қолгани (100% га нисбатан) темирдан иборат суюқ қотишмадан эвтектика (аустенитли ледебурит) кристаллана бошлаб, шу температуранинг ўзида кристалланиб бўлади. ЕС чизигига етганда (температура 1147°C га тушганда) аустенит кристалланиб бўлгандан қолган суюқ қотишманинг, СF чизигига етганда эса бирламчи цементит кристалланиб бўлгандан қолган суюқ қотишманинг С нуқтадаги каби, яъни эвтектик бўлиб қолади ва у ЕСF чизигида (1147°C) кристаллана бошлаб, шу температуранинг ўзида кристалланиб бўлади. Ана шу АСF чизиги эвтектик ўзгариши (*процесс*) чизиги деб аталади.

AESGA сода нуқул аустенит кристалларидан иборат. GS чизигида аустенитдан феррит ажралиб чиқа бошлиди ва бу чизиқдан пастда, аустенитда углерод миқдори орта бориб PS чизигига етганда (температура 727°C га тушганда) аустенитдаги углерод миқдори S нуқтадаги каби (0,8%) бўлиб қолади. Демак, температура пасайған сари аустенит таркибида углерод миқдори ортиб боради. GS чизигидан PS чизигигача бўлган соҳада исталган темпертурадаги, масалан, *a* нуқтадаги аустенит таркибида углерод миқдори қанчага етганлигини аниқлаш қийин эмас. Буниң учун *a* нуқтадан концентрациялар ўқига параллел чизиқ ўтказилиди ва бу чизиқнинг GS чизиги билан кесишув нуқтасидан (*a* нуқтадан) концентрациялар ўқига тик чизиқ туширилади. Ана шу чизиқнинг концентрациялар ўқи билан кесишув нуқтаси аустенитнинг таркибида углерод миқдорини билдиради.

Юқорида айтиб ўтилганидек, температура пасайған сари углероднинг γ — темирда эрувчанлиги камаяди, шунинг учун аустенитдаги ортиқча углерод цементит тарзida ES чизиги бўйлаб ажралиб чиқади. Аустенитдан ажралиб чиқсан бу цементит *иккиламчи* цементит (Ц_{11}) деб аталади. Бинобарин, температура пасайған сари аустенит таркибида углерод миқдори камайиб боради. ES чизигидан SK чизигигача бўлган соҳада исталган темпертурадаги, масалан, *a* нуқтадаги аустенит таркибида қанча углерод қолганлигини аниқлаш мум-

кин. Бунинг учун (в) нүктадан концентрациялар ўқига параллел чизиқ ўтказилади ва бу чизиқнинг ES чизиги билан кесишув нүктаси (в) дан концентрациялар ўқига тик чизиқ туширилади. Ана шу тик чизиқнинг концентрациялар ўқи билан кесишган нүктаси аустенит таркибидаги углерод миқдорини кўрсатади (10-расмга қаранг). Демак, ES чизигидан пастга (SK чизигигача) қотишималар аустенит билан иккиламчи цементит кристалларидан, EC чизигидан пастга аустенит иккиламчи цементит ва аустенитли ледебурит кристалларидан, CF чизигидан пастга эса бирламчи цементит ва аустенитли ледебурит кристалларидан иборатdir.

GQ соҳа углероднинг α темирдаги сингиш қаттиқ эритмасидан, яъни ферритдан иборат. Юқорида айтиб ўтилганидек, температура пасайган сари углероднинг α темирда эрувчанлиги камаяди, шунинг учун, 727°C да α темирда эриган углероднинг ортиқча қисми ферритдан PQ чизиги бўйлаб цементит тарзида ажralиб чиқади, натижада ферритдаги углерод миқдори камайиб боради. Ферритдан ажralиб чиққан цементит учламчи цементит (Ц_u деб аталади. Бинобарин, PQ чизиги остида қотишималар феррит билан Ц_u дан иборат бўлади. S нүктада (727°C) аустенит (таркибида 0,8% углерод бўлган қотишма) цементит билан ферритдан иборат майнин механик аралашмага (эвтектоидга) парчалана бошлаб, шу температуранинг ўзида батамом парчаланиб бўлади, яъни аустенитнинг ҳаммаси перлитга айланади. Демак, S нүктадан туширилган тик чизиқдаги қотишма нуқул перлитдан иборатdir.

PSK чизигида (727°C температурада) қотишма структурасидаги аустенитнинг таркиби S нүктадаги каби, яъни 0,8% углерод билан, қолгани (99,2% и) темирдан иборат бўлиб қолади ва перлитга парчалана бошлаб, шу температуранинг ўзида батамом парчаланиб бўлади. Ана шу PSK чизиги эвтектоид ўзгариш (процесси) чизиги деб аталади. Бинобарин, бу чизиқдан пастда аустенит мавжуд бўла олмайди, қотишидаги бошқа фазалар эса диаграмманинг PSK чизигидан ўтишда ўзгармайди. Бас шундай экан, PS чизигидан пастда қотишималар иккиламчи цементит билан перлитдан, PSK чизигининг ES остидаги қисмидан пастда қотишималар иккиламчи цементит, перлит ва перлитли ледебуритдан, С нүктадан туширилган тик чизиқнинг PSK

чизигидан пастки қисмидан қотишма перлитли ледебуритдан, PSK чизигининг CF остидаги қисмидан пастда эса қотишмалар бирламчи цементит билан перлитли ледебуритдан иборат бўлади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, юқорида баён этилган ўзгаришлар $Fe-Fe_3C$ системаси жуда ҳам секин совитилгандагина содир бўлади. Қотишмалар тез совитилганда эса тামомила бошқача характердаги ўзгаришлар содир бўлади ва ҳоказо.

10-расмда келтирилган диаграммадаги Е нуқтадан ўтказилган тик чизиқдан чап қисми пўлатларга, ўнг қисми эса чўяnlарга тааллуқlidir. Бу диаграммага мувофиқ тегишли қотишма таркибида 0,8% гача С бўлса, эвтектоиддан олдинги пўлатлар деб, қотишма таркибида 0,8% С бўлса, эвтектоид пўлат деб, қотишма таркибида 0,8% дан 2,14% гача С бўлганда эвтектоиддан кейинги пўлат деб аталади.

Шунга ўхшаш, тегишли қотишма таркибида углерод 2,14% дан 4,30% гача бўлса, эвтектоиддан олдинги чўян, қотишма таркибида 4,30% С мавжуд бўлса, эвтектик чўян ва ниҳоятда қотишма таркибида 4,3 дан 6,67% гача углерод бўлса, унга эвтектикадан кейинги чўяnlар деб қабул қилинган.

Бундан ташқари, $Fe-Fe_3C$ ҳолат диаграммасида кўрсатилган структураларнинг энг характерлilари билан танишиш мақсадга мувофиқdir.

Феррит (Φ) — углероднинг α темирдаги қаттиқ эритмасидир. Ферритнинг қаттиқлиги ва механик хоссалари техник темирнинг хоссаларига жуда яқинdir. Феррит структурали қотишманинг чўзилишидаги мустаҳкамлик чегараси $\sigma_b = (250-300)$ МПа, нисбий узайиши $\delta = (40-50\%)$, зарбий қовушоқлиги $\alpha_{3k} = (250-300)$ МПа, қаттиқлиги эса НВ = 600—1000 МПа га тенгdir ва ҳоказо. Ферритнинг кристалл панжараси ёқлари марказлашган кубдан иборат.

Аустенит (A) структураси углероднинг γ темирдаги эритмаси бўлиб, бу эритма 1147°C да максимал 2,14% гача С мавжуд бўлади. Температура пасайган сари углероднинг γ темирда эриши сусая боради ва 727°C (диаграммада S нуқта)да углерод миқдори 0,765% гача камаяди. Лекин бу миқдор ҳам барибир ферритдагига нисбатан анча юқоридир (кўндири).

Аустенитнинг кристалл панжараси қиррали марказлашган куб панжарадан иборат бўлиб, пластиклиги

юқори ва $NB = 1500 - 2000$ МПа: нисбий узайиши $\delta \parallel$ 40-50% га тенгдир.

Цементит (Ц) — темирнинг углерод билан ҳосил қилган химиявий бирикмаси, бошқача айтганда, темир карбида (Fe_3C) бўлиб, таркибида 6,67% углероди бўлган мураккаб кристалл панжарали структурадир. Бу қотишма жуда қаттиқ бўлиб Бринель бўйича $NB = 8000 - 10000$ МПа, лекин жуда мурт ($\delta = 0$) бирикмадир.

Цементит M_p , S_c ва бошқа элементларни ўзида маълум миқдорда эрита олади, лекин ўзи маълум шароитда парчаланиб, эркин углерод (графит) ажратиб чиқара оладиган барқарор бирикмалар. Бирикмалар $NB = 7000 - 8500$, мустаҳкамлик чегараси 30 МПа гача бўлади.

Перлит (Π) — бу структура аустенитнинг аста-секин совишида феррит билан цементитнинг майдага доналарига парчаланишдан ҳосил бўлган механик аралашма эвтектоид деб ҳам аталади. Бундай структурада 0,8% углерод бўлади. Перлит структуралари қотишманинг хоссалари унинг таркибий қисмларига боғлиқ. Бринель бўйича қаттиқлиги $NB = 1800 - 2200$ МПа чегарада бўлади.

Ледебурит (L) — аустенит билан цементитнинг майдага доналаридан иборат механик аралашма бўлиб, уни эвтектика дейилади.

Бу қотишма таркибида 4,3% углерод бўлган чўяннинг кристалланишидан ҳосил бўлади. Бундай чўянларнинг хоссалари структура таркиби ва ҳарактерига боғлиқдир.

Графит — асосий металл массасида пластинка ёки шарсимионроқ шаклида бўладиган эркин углерод ҳисобланади. Графит қотишмада темир карбиднинг парчаланиши туфайли ҳосил бўлади.

2-§. АУСТЕНИТНИНГ ПАРЧАЛАНИШ (ИЗОТЕРМИК АИЛАНИШ) ДИАГРАММАСИ

Аустенит структураси ҳам бошқа структуралар каби темир-углерод қотишмаларининг ҳарактерли структураларидан ҳисобланади. Бу структура (аустенит) углероднинг ў темирдаги эритмасидир, бу эритманинг температураси 1147°C бўлганда унинг таркибида 2,14% гача углерод мавжуд бўлади.

Кўрсатилган температура пасайган сари углероднинг


γ темирда эриши сусая боришини юқорида қайд қилиб ўтган әдик.

Аустенит структурасининг парчаланиши асосан қотишманинг температураси 727°C дан (критик нүқта A_1 дан) пастга тушганда содир бўлади, чунки бу ҳолатда совитилган аустенитнинг эркин энергияси унга айланувчи маҳсулотлар (компонентлар) нинг эркин энергиясидан юқори бўлади.

Бу ҳодисадан шуни айтиш мумкинки, аустенитнинг парчаланиши учун тегиши қотишмани ҳаддан ташқари совитиш зарур экан. Шундай қилиб, аустенитнинг парчаланиши совитиш даражасига, яъни температуранинг пасайиши туфайли унинг айланиш тезлигига ва компонентлар тузилишидаги аустенитнинг парчалашиига боғлиқ бўлади.

Бу процесснинг асосий қонунияти аустенитнинг совитилиши туфайли ҳосил бўладиган изотермик айланиш диаграммаси, яъни аустенитнинг парчаланиши ($\ddot{\text{з}}\text{гармас температурада}$) билан характерланади.

Агар аустенит ҳолатигача қиздирилган пўлатни критик нүқта (A_1) дан паст температурагача тезгина совитиб, кейин шу температурада ушлаб турсак, у ҳолда аустенитнинг феррит-перлит аралашмага айланиши маълум вақтдан кейин содир бўлади. $\ddot{\text{з}}\text{гармас температурада}$ (изотермик процессда) аустенитнинг шундай айланиш процесси 11-расм, *a* да характерлаб берилган. Тетишли пўлатни A_1 критик нүқтадан паст температурагача совитгандан кейин аустенит маълум бир вақтгача бўлинмаслик ҳолатини сақлайди ва бу о—а кесмага тенг бўлиб, бу даврни *инкубация вақти* дейилади.



11-расм. Аустенитнинг изотермик айланишини характерлайдиган графики (а) ва эрги чизиги (б).

Инкубацион давр туғагандан кейин аустенитнинг феррит-цементит аралашмасига ўтиш учун парчаланиши бошланади. Вақт ўтиши билан аустенитнинг парчаланиши янада ошиб боради ва бу а—о кесмаси билан ифодаланади. Аустенитнинг тўла парчаланиши а—в кесмага тенг бўлган оралиқда (чегарада) тамом бўлади (11-расм, б).

Демак, маълум бир температурада аустенит парчаланиб феррито-цементит аралашмасига ўтиши учун маълум вақт талаб қилинар экан.

3-§. ПУЛАТЛАРНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Маълумки, жаҳонда бирлик сифатида қабул қилинган пўлатлар классификацияси йўқ. Капиталистик мамлакатлардаги компания ва фирмалар ўз классификациялари системасига эга. СССРда ҳам бу соҳада жуда кўпгина ишлар амалга оширилди, яъни пўлатлар ўз таркиби ва сифатига кўра турли навларга бўлингани, бу янги пўлат навларини яратиш ва керакли пўлатларни хусусиятларига кўра танлашда анча қулайликлар туғдиради.

Пўлатлар ўз ишлаб чиқарилиш усулларига кўра конверторли, мартенли ва электр пўлатларга бўлинади.

Химиявий таркибига кўра пўлатлар углеродли ва легирланган, вазифасига кўра эса конструкцион, инструментал (асбобсозлик) ва маҳсус пўлатларга ажрапади.

Пўлатлар бир-биридан ўзаро қуйидагича фарқ қиласиди:

$C < 0,25\%$ бўлса, кам углеродли,

$C \approx 0,25 \dots 0,60\%$ бўлса, ўрта углеродли,

$C > 0,6\%$ дан бошлаб эса юқори углеродли пўлатлар деб қабул қилинган.

Ҳозирги вақтда эса пўлатлар ўзларининг турли хосса (хусусият) ҳамда белгиларига кўра классификацияланади ва маълум стандарт бўйича ишлаб чиқарилади.

4-§. УГЛЕРОДЛИ КОНСТРУКЦИОН СИФАТЛИ ПЎЛАТЛАР

Бундай пўлатлар ГОСТ 1050—74 бўйича тайёрланаб, улар қуйидаги белгилари бўйича классификацияланади:

а) материални топшириш (етказиб бериш) ҳолати-

та қараб термик ишловсиз, термик ишланган — Т, нағартовкаланган — Н ва ҳоказолар;

б) ишлов бериш турига;

в) вазифасига қараб;

г) ошиш (ачиш) даражасига қараб;

д) механик хоссаларини синашдаги талаблар бўйича.

Оддий сифатли углеродли пўлатлар ГОСТ 380—71 бўйича тайёрланиб, вазифаларига кўра 3 группага бўлинади:

А — механик хоссалари бўйича топширилиши.

Б — химиявий таркиби бўйича топширилиши.

В — механик хоссалари ва химиявий таркиблари бўйича топширилиши.

Ҳар бир группадаги пўлатлар ўз норматив кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда категорияларга бўлинади, яъни:

А группа — 1, 2, 3; Б — группа — 1, 2; В группа — 1, 2, 3, 4, 5, 6.

Оддий сифатли углеродли пўлатлар қуидагича тайёрланади.

А — группа — Ст 0, Ст 1, Ст 2, Ст 3, Ст 4, Ст 5, Ст 6;

Б группа — БСт 0, БСт 1, БСт 2, БСт 3, БСт 4, БСт 5, БСт 6;

В группа — ВСт 1, ВСт 2, ВСт 3, ВСт 4, ВСт 5, ВСт 6.

1÷4 номердаги ҳамма группадаги пўлат маркала-рида ошиш даражасига қараб қайнайдиган, яrim тинч ва тинч; 5 ва 6 номерлари эса яrim тинч ва тинч кўри-нишларда тайёрланади.

Яrim тинч кўринишдаги пўлат маркаларидаги 1÷5 ларда марганец миқдори оширилган бўлади. Ст 0 ва ВСт 0 пўлат марқалари эса ошиш даражасига қараб бўлинмайди.

Юқорида келтирилган пўлат марқаларидаги «Ст» қисқартирилган ҳарфлар «Сталь» (пўлат), 0 дан 6 га-ча рақамлар эса тегишли пўлатларнинг химиявий таркиблари ва механик хоссаларига боғлиқ ҳолда шартли марка номерларини билдиради. Масалан: Ст 0, ст 1, Ст. 2. Агар пўлат марқалари олдида Б ва В ҳарфлар қўйилган бўлса, тегишли пўлатларининг қандай группага киришини (тааллуқли эканлигини) акс этти-ради.

А группага кирувчи пўлат марқалари олдида ҳеч

қандай тегишли ҳарф (А) қўйилмайди. Масалан Ст 3, Ст 4. ва бошқалар.

Пўлат маркаларидан кейин ошиш даражаларини индекс сифатида ҳам ифодалар кўрсатиш қабул қилинган, яъни, КП — қайноқ, ПС — яirim тинч, СП — тинч. Масалан, Ст3 кп, Ст 3 сп, ВСт 3 сп, Ст 3 пс кўринишларда ифодалаш мумкин.

Пўлат категорияларини пўлат маркаларида белгилайн тегишли категория рақамини пўлат маркасидан кейин қўшиб ифодаланади, масалан, Ст 3 пс 2, ВСт 3 кп 2, ВСт 4 пс 2. Биринчи категория пўлат маркаларини ифодалашда рақам кўрсатилмайди.

Агар пўлат маркаларida ошиш даражалари кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда тегишли пўлат категориялари дефис орқали ажратиб кўрсатилади (ёзилади), масалан, Ст3 -2, БСт 3-2 ва бошқалар.

Яirim тинч ҳолатдаги пўлатларнинг таркибида оширилган ёки кўпайтирилган марганец миқдори мавжуд бўлса, тегишли пўлат маркасидан кейин Г ҳарфи қўшилади, масалан, Ст 3 Гps, ВСт 3 Гps, ВСт 3Г пс 3.

Юқори кесиб ишланувчи хусусиятга эга бўлган конструкцион пўлатлар ГОСТ 1414—75 бўйича тайёрланади. Бундай пўлатлар химиявий таркибларига асосан олти груплага бўлинади: углеродли-сульфидли, углеродли-кўрошинли, углеродли сульфидоселенли, хромли сульфидоселенли, сульфидомарганец ва қўрошинли, легирланган қўрошиниллар.

Углеродли-сульфидли пўлатлар А11, А12, А20, А30, А35, А40, кўринишида маркаланади. Бу маркаларда ҳарфлардан кейинги рақамлар тегишли пўлат таркибидаги ўртача углерод миқдорини юзлик бирлиги процент ҳисобида эканлигини кўрсатади. Г ҳарфи эса тегишли пўлат таркибида марганец миқдорининг оширилганлигини билдиради.

Бундай пўлатлардан аниқлиги юқори даражада талаб қилинмайдиган деталлар: болтлар, гайкалар, шпилькалар, винтлар ва шунга ўхшашлар тайёрлаш учун ишлатилади.

5- ё. УГЛЕРОДЛИ ИНСТРУМЕНТАЛ (АСБОБСОЗЛИК) ПЎЛАТЛАР

Бундай пўлатлар ГОСТ 1435—74 бўйича тайёрланади. Бундай пўлатларнинг асосий маркаларига У7, У8, У8Г, У9, У10, У11, У12, У13, У7А, У8ГА, У10А, У9А,

У11А, У12А, У13А ларни мисол қўлиб келтириш мумкин.

Бундай маркалар таркибидаги У ҳарфи пўлатнинг углеродли эканлигини, ундан кейинги рақамлар эса ўннинг бир улушидаги углерод миқдори процент ҳисобида, Г — эса тегишли пўлат таркибида марганец миқдорининг оширилгани (кўпайтирилганлиги) ни, А — ҳарфи эса пўлатнинг юқори сифатли эканлигини ифодалайди.

Бундай пўлатларнинг маркалари ва ишлатилишини қўйидаги 2-жадвалда кўриш мумкин.

2- жадвал

Марка	Ишлатилиши
У7	Болғалар, дурадгорлик асбоблари.
У7А	Зубило, отвёртка, токарлик станокларининг маркалари.
У8	Пуансонлар, мисни кесиш учун кескичлар, кернерлар, подпятниклар.
У8А, УВГ	Пуансонлар, мисни кесиш учун кескичлар, кернерлар, подпятниклар, тиски жағлари ва бошқалар.
У9, У9А	Кернерлар, зубилолар
У10, У11	Кескичлар, пармалар, метчиклар, фрезалар ва бошқалар.

Бундай пўлатларни легирлашдан мақсад улардаги турли хусусият (хосса) ларни ўзгартиришдан, яъни: мустаҳкамлигини, қаттиқлигини, тобланувчанлигини, ейилишга бардошлилигини ва иссиқлик (температура) га чидамлилигини оширишдан иборатdir. Ана шу хусусиятлардан ёки характеристикалардан охиргиси турли пўлат навлари учун жуда муҳим аҳамиятга эга, чунки кесиш тезлигининг ошиши ёки деформацияланishi температуранинг ошишига олиб келади. Легирлаш вольфрам, ванадий, хром ва бошқа карбид ҳосил қилувчи элементлар пайдо бўлишига олиб келади. Легирланган пўлатлардан ясалган асбоблар тез кесувчилигидан ташқари, унча юқори бўлмаган иссиқликка бардош бериш хусусиятига ҳам эга бўлади. Лекин углеродли пўлатларга нисбатан бу пўлатлар катта тобланувчан ва ейилишга бардош бериб, зарб, нагруззакага яхши қаршилик кўрсатади. Вазифаси ва хусусият-

ларига күра асбобсозликада ишлатиладиган легирланган пўлатлар икки группага бўлинади:

1. Унча чуқур даражада ишлов беришга мўлжалланмаган кесувчи ва ўлчов асбоблари учун (7ХФ, 9ХФ, ХВ5 ва ҳоказо) ва чуқур ишлов беришга мўлжалланган тобланган (9ХС, 9ХВГ, 9Х5ВФ ва бошқалар) асбоблар учун.

2. Совуқлайн деформацияловчи штамплар учун (9Х, X6ВФ, X12Ф1 ва бошқалар) ва иссиқлайн деформацияловчи (3Х2В8Ф, 4Х8В2, 5ХНСВ, 4Х5В4ФСМ ва бошқалар); зарбли (урилиш) асбоблар (4ХС, 4ХВ2С, 6ХВ1 ва бошқалар) учун. Легирланган инструментал пўлатлар группасига тез кесувчи пўлатлар ҳам киради ва улар юқори температурага чидамли ҳисбланаби, ($600\dots 650^{\circ}\text{C}$ гача) бундай температурада ҳам ўз қобилияtlарини йўқотмайди. Улар билан металларни углеродли асбобсозлик пўлатлар учун рухсат этилган кесиш тезлигига нисбатан 3—4 марта тезроқ кесиш мумкин.

Кесгич асбоблари сифатида энг кўп тарқалган катта тезлик остида кесувчи Р12, Р18, Р6М5, Р6М3 ва ҳоказо пўлат маркалари ҳисбланади. Бу маркалардаги Р ҳарфи «рапид»— тезлик эканлигини, Р ҳарфидан кейинги рақамлар асосий легирловчи элемент— вольфрамнинг миқдорини (%) ҳисобида), кейинги ҳарфлар ва рақамлар эса бошқа легирловчи элементларнинг ўртаси миқдорини ифодалайди.

Тез кесувчи пўлатлардан динамик нагрузка остида юқори узатишда ишлайдиган асбоблар — фрезалар, долбяклар, прόтяжгалар ва ҳоказолар тайёрлаш учун фойдаланилади. Р9К5, Р9К10, Р18К5Ф2 пўлатлардан эса қаттиқ материалларни, иссиққа бардош берувчи ва зангламайдиган қотишмаларни кесиб ишлашда фойдаланиладиган асбоблар тайёрланади.

6- § ЛЕГИРЛАНГАН КОНСТРУКЦИОН ПЎЛАТЛАР

Бундай пўлатлар ГОСТ 4543—71 бўйича ишлаб чиқарилади. Бу пўлатларнинг таркибида ҳам темир-углерод ва легирловчи элементлар бўлади. Бундай пўлатлар легирловчи элементларнинг фойдаланишига боғлиқ ҳолда куйидаги группаларга бўлинади:
хромли (15Х, 15ХА, 20Х, 38ХА ва бошқалар);

марганецли (15Г, 20Г, 45Г, 35Г2 ва бошқалар);
хромомарганецли (18ХГ, 20ХГР, 30ХГТ, 25ХГМ ва
бошқалар);
хромокремнийли (33ХС, 38ХС, 40ХС);
хромомолибденли ва хромомолибден-ванадийли
(15ХМ, 30ХМ, 30ХМА, 30Х3МФ ва бошқалар);
хромоникельмолибденли (14Х2Н3МА, 20ХН2М ва
бошқалар).

Пўлатлар ўз химиявий таркиби ва хоссаларига қараб қўйидаги категорияларга бўлинади: сифатли, юқори сифатлиси — А, махсус юқори сифатлиси — Ш ҳарфлари билан белгиланади. Бу ҳарфлар (А, Ш) пўлат маркаларининг охирида қўйилади ва Ш ҳарфи қўйилганда эса тегишли пўлат маркаси охирида дефис билан ажратилади. Масалан: сифатли — 30ХГС, юқори сифатли — 30ХГСА, махсус юқори сифатли — 30ХГС—Ш, 30ХГСА — Ш ва ҳоказо.

Юқоридагилардан ташқари пўлатлар ишлов бериш, тури ва вазифаларига кўра ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Пўлат маркалари қўйидагича ўқилади. Маркадаги биринчи икки рақам шу пўлат таркибида углероднинг юзлик бирлигидаги миқдорини, ҳарфлар эса: Р — бор, Ю — Алюминий, С — кремний, Т — титан, Ф — ванадий, Х — хром, Г — марганец, Н — никель, М — молибден, В — вольфрамлигини ифодаласа, ҳарфлардан кейинги рақамлар тегишли пўлат таркибида неча процент миқдорда легирловчи элемент мавжудлигини, агар ҳарфлардан кейин рақамлар бўлмаса, тегишли легирловчи элемент миқдори 1,5% гача мавжудлигини ифодалайди ва ҳоказо.

Легирловчи пўлатлардан юқори талаблар (мустаҳкамлигӣ, ейилиши, иссиқбардошлиги, коррозиябардошлиги ва бошқалар) қўйиладиган деталларни тайёрлашда фойдаланилади. Бундай пўлатларнинг маркалари ва ишлатилишларини қўйидаги З-жадвалдан кўришумкин.

Кўйма ёки легирланган конструкцион пўлатлар ГОСТ 977—75 бўйича тайёрланади. Бундай пўлатларнинг вакилларига 15Л, 20Л, 30Л, 35Л, 45Л, 30ГСЛ, 20Г1ФЛ, 45ФЛ, 35ХМЛ, 30ХНМЛ, 20ДХЛ ва бошқалар киради.

Бундай пўлатларда ҳам биринчи икки рақами тегишли пўлат таркибидаги углерод миқдорининг юздан

3- жадвал

Марка	Ишлатилиши
15 X	Цементацияланувчи деталлар, поршень бармоқлари.
20X	Цементацияланувчи деталлар, кулачокли муфталар, тирсакли валлар, конуссимон тишли фидирлаклар.
30X, 35X, 38X	Тезликлар коробкасининг валиги, ўқлар, дифференциаллар учун тишли фидирлак, шатунлар.
40X, 45X	Юқори ишқаланишга бардош берувчи тишли фидирлаклар, тезликлар коробкалари, рессорлар.
40 XН	Термик ишланадиган деталлар, тирсакли валлар. Валлар, занжирли звенолар, тишли фидирлаклар.
12ХН2	Механик ишлов беришдан олдин нормаллаштириладиган деталлар, шатунлар, тирсакли валлар.
12ХН3А	Оғир ёки динамик нагрузканадиган деталлар: червякли ва тишли фидирлаклар, валлар.
20ХН3А	Термик ишланадиган, оғир шароитда эксплуатация қилинадиган деталлар.

бир улушини (% ҳисобида) билдирса, Л ҳарфи эса унинг қўйма (литъё) эканлигини билдиради.

Бундай легирланмаган конструкцион қўйма пўлатларнинг баъзи маркалари амалда ишлатилишларини қўйидаги 4- жадвалдан билиш мумкин.

4- жадвал

Маркалар	Ишлатилиши
15Л, 20Л25Л	Кронштейнлар, рамалар, колонкалар ва х. к.
45 Л, 30Л 35Л, 40Л	ТИШЛИ ФИДИРАКЛАР, ВИЛКАЛАР, АЙЛАНУВЧИ КУЛАЧОКЛАР, ТИШЛИ ҲАРАКАТЛАНУВЧИ ФИДИРАКЛАР, ТЕМИР ЙЎЛДА ҲАРАКАТЛАНУВЧИ СОСТАВЛАР УЧУН МАРКАЗИЙ ФИДИРАКЛАР.
50Л, 55Л	Юқори ишқаланишга чидамли фасонли қўйма (деталь)лар ва х. к.

7- §. ЛЕГИРЛОВЧИ ЭЛЕМЕНТЛАР ВА УЛАРНИНГ ПУЛАТ СТРУКТУРАСИ ҲАМДА ХОССАЛАРИГА ТАЪСИРИ

Маълумки, халқ хўжалигининг турли саноат тармоқларида бошқа пўлат навлари қатори легирланган

пўлатларни ишлатишга бўлган талаб йилдан-йилга ошиб бормоқда. Шунинг учун одатдаги пўлатлар таркибига маҳсус кўшимчалар — легирловчи элементлар кўшиш орқали специфик хусусиятга эга бўлган пўлатларни ҳосил қилиш мақсадга мувофиқdir. Келтирилган 10-расмдан кўриниб турибдики, $Fe - Fe_3C$ диаграммасидан легирловчи элементларниң таъсирига кўра улар икки группага бўлинади, яъни: 1) пасайтирувчи A_3 ва кўтарувчи A_4 , яъни стабилизацияланувчи аустенит; 2) пасайтирувчи A_4 , кўтарувчи A_3 , яъни стабилизацияланувчи феррит.

Биринчи групга Ni , Mn , Cu , C , N ва бошқалар, иккинчисига эса Cr , W , Mo , V , Si , Al , Ti , NB ва бошқалар киради. Табийики, кўпгина ҳолларда феррит ва аустенитни стабилизациялаш сифатида металлар ишлатилади.

Критик нуқталарга мёталларниң таъсири жуда қаттиқ бўлиши мумкин, яъни Ni ва Mn маълум концентрацияда ферритни йўқотиб, аустенитли пўлатни ҳосил қиласи ёки тескари ҳол ҳам бўлиши мумкин, яъни пўлатнинг таркибida кўп миқдорда легирловчи элементлар мавжуд бўлиб қолса, у ҳолда деярли ферритли пўлат ҳосил бўлиши мумкин.

Баъзи легирловчи элементларниң пўлат хоссаларига кўрсатадиган таъсирини қисқача кўриб ўтамиз.

Хром пўлатларининг қаттиқлигини ва мустаҳкамлигини оширади, қовушоқлиги сақланади, коррозияга қаршилик кўрсатиш қобилиятини оширади, аммо пластиклигини бир оз пасайтиради.

Никель пўлатларниң мусгаҳкамлигини, зарбий қовушоқлигини, коррозиябардошлигини, тобланиш чукурлигини оширади, иссиқликдан кенгайиш коэффициентининг ўзгаришига олиб келади. Никелли пўлат зич бўлади, чунки никель яхши қайтаришувчи металлайдир.

Вольфрам қўшилган пўлат жуда қаттиқ бўлади, чунки у углерод билан бирикиб, жуда қаттиқ химиявий бирикма — вольфрам-карбид ҳосил қиласи. Вольфрамли пўлат қизаргунча қиздирилганда ҳам ўз қаттиқлигини сақлаб қолади. Вольфрамли пўлат тоблангандан кейин бўшатилганда мўртлашмайди.

Ванадий пўлатларниң зичлигини оширади, доналарини майдалаб, қаттиқлигини ва мустаҳкамлигини оширади.

Кобальт пўлатларнинг зарбий қовушоқлигини, иссиққа бардошлигини ва магнит хоссаларини оширади.

Молибден пўлатларнинг эгилувчанлигини, мустаҳкамлигини, коррозиябардошлигини, иссиқбардошлигини ва куюндибардошлигини оширади.

Мис пўлатларнинг коррозиябардошлик хоссаларини кучайтиради.

Титан пўлатларнинг мустаҳкамлигини ва коррозиябардошлигини оширади, унинг кесиб ишланувчанлигиди яхшилайди. Титан яхши қайтарувчи металл бўлганлигидан пўлатнинг зичлигини оширади.

Ниобий пўлатларнинг коррозиябардошлигини ва кислотабардошлигини оширади.

Алюминий пўлатларнинг иссиққа бардошлигини (қотишмага кремний ҳам қўшилса, коррозияга чидамлилиги ҳам яхшиланади), куюндибардошлигини оширади.

Цирконий майда доначали пўлатларни ҳосил қилишга имконият беради, чунки пўлатга тегишли миқдорда цирконий қўшиш ўйли билан унинг доналарини зарур ўлчамга келтириш мумкин.

Лантан неодим пўлатлардаги говакликларни, олтингурут миқдорини камайтиради, пўлат юзасининг сифатини яхшилайди, пўлатни майда донали қиласди.

Церий пўлатларнинг пухталигини ва айниқса, пластиклигини оширади. Легирловчи элементлар сифатида юқорида кўриб чиқилган элементлардан ташқари, бор, азот, фосфор, селен ва бошқа элементлар ҳам ишлатилиди ва ҳоказо.

8- §. ПУЛАТЛАРНИНГ ХОССАЛАРИГА УГЛЕРОД ВА ДОИМИЙ ҚУШИМЧАЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Маълумки, ҳар қандай пўлат таркибида углерод асосий элемент сифатида (миқдоридан қатъи назар) мавжуд бўлади.

Углеродли пўлат структураси мувозанат ҳолатида асосан феррит ва цементитдан иборат бўлади. Булардан эса цементит пўлат таркибидаги углероднинг миқдорига тўғри пропорционал ҳолда ўсиб боради, яъни углерод миқдори 0,38% га етганда цементит миқдори 5% бўлади. 2,0%. С миқдорига эса 30% цементит миқдори тўғри келади. Бундан ташқари, пўлатлар таркибида углероднинг миқдори ошиб борган сари тегишлий пўлат-

нинг мустаҳкамлик хусусиятлари (НВ , $\sigma_{\text{B},\sigma} 2,0$) ошиади, пластиклиги (ψ) эса камайди. Лекин шуни қайд қилиш зарурки, пўлатларнинг таркибида углероднинг ошиб бориши тегишли пўлатларнинг технологик хоссаларини, яъни кесиб ишланиш, пайвандланиш, иссиқда ва хусусан совуқ ҳолатда деформацияланишини пасайтиради (ёмонлаштиради).

Пўлатларнинг таркибидаги асосий элемент (компонент) лар Fe ва C дан ташқари, маълум бир миқдорда доимий қўшимча элементлар бўладики, бу компонентлар ҳам тегишли пўлатларнинг хоссаларига турлича таъсир кўрсатади. Шунинг учун баъзи доимий қўшимчаларнинг таъсири ҳақида тўхташ мақсадга мувофиқдир.

Марганец ва кремний ферритда эритма ҳосил қилиб, пўлатнинг мустаҳкамлик хоссаларини оширади (чунки зич пўлатлар ҳосил қилинади) ва пўлат таркибида кислород ва олtingугуртнинг салбий таъсирларини камайтиради.

Одатда углеродли пўлатлар таркибида ($0,5, \dots 0,8\%$) Mn ва ($0,3 \dots 0,5\%$) Si бўлади.

Олtingугурт ва фосфор асосан пўлатлар таркибига чўяндан ўтади (қўшилади) ва пўлат учун бу компонентлар жуда заарлидир. Чунки улар темир билан химиявий реакцияга киришади ва FeS , Fe_3P каби бирикмалари юқори температурада ҳам мўрт бўлади. Айниқса, пўлат учун S жуда ҳавфли компонентdir, чунки ҳосил бўладиган учламчи эвтектика ($\text{FeS} + \text{FeO} + \text{Fe}$) нинг эриш тэмпературандаги жуда пастдир.

Таркибида олtingугурт миқдори юқори бўлган пўлат чўғланганда, синувчан бўлганлигидан, бундай пўлатни қиздириб туриб болғалаш, прокатлаш, штамплаш ва умуман, қиздириб туриб босим билан ишлаш мумкин бўлмайди.

Фосфор феррит ва аустенитда эриб, уларнинг пластиклигини пасайтиради. Фосфор пўлатнинг мўрт ҳолатига ўтиш температурасини ҳам оширади.

Пўлат таркибида углерод миқдорининг ошиб бориши эса фосфорнинг зарарини тегишли равишда оширади, холос.

Кислород, азот ва водород элементлари умуман пўлатлар учун яширин заарли қўшилмалар бўлиб, пўлатлар таркибидаги темир билан турли химиявий бирикмалар (қаттиқ ва мўрт нитридлар) ҳосил қила-

ди. Ишлаб чиқарыш усулларига қараб үглеродли пўлатлар таркибида 0,01 дан 0,1% гача кислород, электр усули билан ишлаб чиқарилган пўлатда 0,008 дан 0,01% гача, мартен пўлатида 0,004 дан 0,006% гача, бессемер пўлатида эса 0,01 дан 0,014% гача азот бўлади.

Водород эса пўлатнинг пухталигини (σ) нисбий узайиш (δ) ва нисбий торайиш (ϕ) хоссаларини пасайтиради.

V б о б.

РАНГЛИ МЕТАЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ҚОТИШМАЛАРИ

I-§. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

СССР халқ хўжалигини янада ривожлантириш фантехника революциясини амалга оширишда рангли металларнинг ва улардан ҳосил қилинадиган қотишмаларнинг аҳамияти каттадир. Чунки бу конструкцион материаллар халқ хўжалигининг турли соҳаларида, масалан, авиация саноати, ракетасозлик, электротехника, радиотехника ва ҳоказо тармоқларда жуда кенг ишлатилади.

Рангли металларнинг асосий вакиллари олтин, кумуш, платина, рух, мис, титан, никель, магний, алюминий, қўрошин қалай, хром, вольфрам, ванадий, кобальт, молибден, ниобий, цирконий, лантан ва бошқалардир.

Улуғ Октябрь революциясига қадар чор Россиясида фақат баъзи рангли металлар: мис, қўрошин, жуда оз миқдорда эса рух ишлаб чиқарилар эди. Асосий ва энг зарурий рангли металлар: никель, хром, алюминий, вольфрам, қалай ва бошқалар эса чет эллардан келтириларди. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Улуғ Октябрь революциясидан кейин рангли металлар ишлаб чиқаришни жадал суръатлар билан ривожлантиришга алоҳида эътибор берди. Бунинг учун тезлик билан рангли металлар ишлаб чиқарадиган янги технологик процесслар асосида янгидан-янги саноат корхоналари барпо этилди ва ривожлантирилди. Бундай саноат корхоналари революциядан кейин фақат марказий шаҳарлардагина барпо этилмасдан, балки кейинчалик

иттифоқдош республикаларнинг кўпгина бошқа шаҳарларида ҳам қурила бошланди.

Бундай саноат корхоналарида рангли металлар ишлаб чиқариш учун уларнинг тегишли рудалари қайта ишлана бошлади. Ҳозирда Иттифоқимизда бундай рудалар запаси жуда кўп бўлиб, у турли рангли металл рудаларининг запаслари бўйича дунёда энг юқори ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

2-§. МИС ВА УНИНГ ҚОТИШМАЛАРИ

Мис Д. И. Менделеев даврий системасининг I группасига мансуб химиявий элемент. Тартиб номери 29, атом оғирлиги 63, 546. Табии мис иккита турғун изотоп (65 Си 69, 1%) ва 67 Си (30,9%) дан иборат. Сунъий радиоактив изотоплардан 61 Си ва 64 Си амалий жиҳатдан ҳам муҳим ҳисобланади.

Мис инсониятга қадимдан маълум рангли металлардан бири бўлиб, унинг қотишмалари кишилик жамияти моддий маданиятини ўстиришда катта аҳамиятга эга бўлган. 1976 йили Онега кўли яқинидаги жойлашган қирғоқ карьеридан оғирлиги 200 кг га яқин мис ёмбиси топилган. Бу соғ ҳолдаги мис СССР Фанинг Карелия филиалига қарашли тарих, адабиёт ва тил институтининг археология музейида сақланмоқда.

Мис рудалари. Мис табиатда соғ ҳолда кам учрайди, унинг рудалари асосан иккиси асосий группага бўлинади:

1. Сульфидлар, уларнинг таркибида мис, S билан бириккан ҳолдаги минераллар;

2. Оксидли бирикмалар, уларнинг таркибида мис оксидлари мавжуд.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, саноатда ишлатиладиган мис рудалари ичидаги табиии рудалар (таркибида мис миқдори 99,9%) ниҳоятда жуда кам ишлатилади ва бу бутун жаҳондаги мис бойлигининг 5% ини ташкил қиласи.


Сульфидли мис бирикмалар (рудалар) энг кўп тарқалган бўлиб, жаҳон запасининг 80% ига яқинини ташкил қиласи. Бундай рудалардан энг кўп тарқалгани халькоприте (мис колчедани) CuFeS_2 , кейин эса ҳалкозин Cu_2S , борнит Cu_3FeS_3 ва ковеллин CuS дир.

Мис оксидли рудалар жаҳон запасининг 15% ига

яқынйин ташқыл қиласи. Бунинг вакйлларыга малахит $\text{CuCO}_3 \cdot \text{Cu}(\text{OH}_2)$, күпрут Cu_2O , тенорит (мелаконит) CuO , азурит $2\text{CuCO}_3 \cdot \text{Cu}(\text{OH})_2$ ва бошқалар киради. Саноатда ишлатиладиган рудаларда миснинг микдори 1—2% дан иборат бўлса, ўртача 0,5% бўлганда камбағал рудалар, 3% ва ундан кўп бўлса энг бой руда ҳисобланади. Саноат миқёсида камбағал рудалар, албатта, бойитилади. Мис рудалари таркибидаги бекорчи жинслар жумласига қум, гилтупроқ, оҳактош, кварци, барит, кальций ва ҳар хил алюминосиликатлар киради. Лекин ҳар хил жойларда қазиб олинадиган рудаларнинг таркибидаги моддаларнинг хиллари ва миқдорлари ҳамда турли жинслари (компонентлар) ҳар хил бўлиш мумкин.

Совет Иттифоқида мис рудалари қазиб олинадиган жойлар асосан Жанубий Урал, Козофистон, Закавказье, Узбекистон, Тожикистон ва Таймирдир.

Масалан, Узбекистон ССРнинг Олмалиқ шаҳри территориясида қазиб олинадиган руданинг таркибидаги кварц, дала шпати, серицит, ангидрид, пирит, молиб-



12-расм. Рудаларни бойитиш учун ишлатиладиган флотаций машинанинг схемаси.

1 — тўқимадан қилинган туб; 2 — бункер; 3 — кўпик; 4 — кўлик чиқариш учун тешик; 5 — суя учун труба; 6 — бекорчи жинсларни чиқариш учун тешик; 7 — бекорчи жинслар; 8 — ҳаво учун труба.

дёнйт, магнетит, халькопирит, ковелин ва ҳоказо бириммалар бор.

Мис рудасини бойитиш усули. Мис рудаларини одатда бойитиш учун унинг тарқибидаги кераксиз моддаларни (чиқиндиларни) ажратиб, мис концентратларини ҳосил қилиш учун тегишли руда флотацион усулида бойитилади.

Флотация операциялари флотацион машиналари ёрдамида бажарилади. Бунинг учун аввал ишлов бериладиган руда шарли тегирмонда эзib майдаланади (бўлакчалар ўлчамини 0,05—0,5 мм гача қилиб). Кейин эса майдаланганди рудага мойсимон синтетик модда қўшиб аралаштирилади, натижада мис сульфиди сиртида мойли парда ҳосил бўладики, бу ҳолат Cu_2S ни турли чиқиндилардан ажратишга қулай имконият яратади.


Ана шундай тартибда тайёрланган руда бункердан флотацион машинанинг (12-расм) сув билан тўлдирилган камераси (2) га тушади. Машинага труба (8) билан узлуксиз ҳаво бўриб турилади, бу ҳаво эса тубдаги тешик (1) орқали ўтиб ваннага боради.

Натижада, ёмон ҳўлланган руда бўлакчаларига ҳаво пуфакчалари ёпишиб уларни ванна суюқлиги сиртига кўпик қатлами (3), сифатида олиб чиқади, бу кўпик нов (4) орқали чиқарилади ва кейин қуритилади. Натижада, таркибида 15—20% миқдорида мис бўлган концентрат ҳосил бўлади.

Қўшимча аралашмаларнинг бўлакчалари эса сувда яхши ҳўлланади ва машина тубига (7) чўкади, бу чўкма тешик (6) орқали чиқарип юборилади ва ҳоказо.

Мисни рудадан олиш. Ҳозирги вақтда 80% гача ҳамма мислар пиromеталлургия усули билан руданинг таркибидан ажратиб олинади, яъни сульфидли мис концентратидан (аввал руда флотацион усулида бойитилади) эритиш орқали олинади. 20% га яқин мис эса турли рудалардан гидрометаллургия усулидан фойдаланиб, яъни зарурий руда тўрли эритмалар ёрдамида ишлов бериш орқали мисни эритмаларга чўктириш ёки химиявий усул билан ажратиб олинади.

Мисни саноат йўли билан олиш тартиби ёки усули жуда кўп. Пиromеталлургия усулида мис ажратиб олиш учун тегишли рудалар турли конструкциялардаги печлар ёрдамида (алангали, электр, шахтали печ-



13-расм. Пирометаллургик усулда мис олиш технологик процесси: нинг соддалаштирилган схематик ифодаси.


лар, конверторлар ва бошқаларда) эритилиб олинади. Бу усул билан сульфидли рудалардан мис олиш технологияси қуйидагилардан иборат (13-расм).

Расмдан күриниб турибдики, мис олиш күпгина технологик процесслардан иборат. Бунинг учун зарурый руда бойитилади, кейин пиширилган концентратни печга солиб эритиб, суюқ штейн (Cu_2S билан FeS аралашмасы) олинади. Штейн таркибида 20—50% Си, 20—40% Fe, 22—25% S, кислород ва қўшимча элементлар Au, Ag, Pb, Zn ва бошқалар 8% га яқин бўлади. Натижада, ҳосил қилинган суюқ штейн диаметри 2,3—4 м, узунлиги 4,3—10 м бўлган маҳсус конверторларда (бундай конверторлар бир циклдаги процессида 100 тоннагача мис бера олиш қобилиятига эга) бессермерланиб (10—12 соат штейн мисидан камбағал бўлса, икки сутка давомида), хомаки мис олинади. Штейндан хомаки мис олишда конверторда қуйидаги химиявий реакциялар содир бўлади, яъни суюқ штейнга босими 80—120 КПа бўлган ҳаво юборилади ва кварцли флюс ҳўшилади, бунда $\text{FeS} + 1,5\text{O}_2 \rightarrow \text{FeO} + \text{SO}_2$ дан темир оксиди флюс билан қўшилиб шлакка айланади, яъни:



бўлиб, ҳосил бўлган конвертордаги шлак ковшларга қўйилиб алангали печларга транспортировка қилинади ва унинг таркибдаги зарур модда ёки элементлар ажратиб олинади.

Натижада конверторда қолган деярли тоза ҳолдаги мис сульфид (Cu_2S) — оқ штейн (таркибида 80% Си) ҳосил бўлади, қора штейн олиш учун мис сульфиднинг оксидланиши содир бўлади, яъни: $\text{Cu}_2\text{S} + 1,5\text{O}_2 \rightarrow \text{Cu}_2\text{O} + \text{SO}_2$ даги Cu_2O тоза мис сульфиди (Cu_2S) ёки оқ штейн билаң реакцияга киришиб, тоза мис ҳосил қиласди, яъни:



Химиявий реакциялар натижасидаги S ва Fe ни оксидлантириш учун конвертордаги тэмпературани (1250—1350°C) мъълум чекланишда сақлаш керак бўлади ва ҳоказо.

Юқоридаги процесслар орқали ҳосил бўлган хомаки мисни ёниб турган аралашмадан тозалаш операцияси асосан эритиш, чиқиндиларни оксидлаш ва уларни турли газлар билан бирга чиқариб юбориш ва уни эритиш каби процесслар йиғиндисидан иборатdir.

Хосил бўлган хомаки мис эритмасидан янада тозароқ мис (99,99% ва ундан юқори) олиш учун электролитик рафинлаш операцияси бажарилади.

Электролитик рафинлаш натижасида электротехника саноати учун юқори тозаликдаги мис ва руда таркибида мавжуд бўлган олтин, кумуш, селен, теллур ва бошқа қимматбаҳо элементларни ҳам йўл-йўлакай ажратиб олинади. Чунки бундай қимматбаҳо элементлар деярли доимо конвертордаги мисда мавжуд бўлади. Ҳозирги вақтда бизнинг мамлакатимизда олинадиган миснинг 25% га яқини ана шу электролитик рафинлаш методи орқали олинади.

Электролитик рафинлашда мис анод-плитали (ўтили рафинлаш процессидан кейин қуйилган бўлади) кўришида фойдаланилади. Натижада анод — плиталар мис сульфатнинг сувдаги эритмаси билан сульфат кислота (200 г л га яқин), яъни электролит билан тўлдирилган ваннага ботирилади ва уни ток манбанинг мусбат қутбига уланади.

Ваннадаги электролит ичига ботирилган мисли анодлар ўрталарига қалинлиги 0,6—0,7 мм дан иборат бўлган, тоза мисдан тайёрланган пластинкалар маҳсус мис таёқча (стержень) орқали осиб қўйилади ва булар электр ток манбанинг манфий қутбига уланади.

Натижада (ток манбай тўлиқ улангандан кейин) тегишли аноддаги мислар тўлиқ ажралиб таёқчада зич қатлам ҳосил қилиб, катодларга ўтиб ёпишади. Бу процесс давомида ваннадаги электролитнинг тэмператураси 50—55°C оралиғида бўлади. Аралашмадаги бир қисм моддалар (рух, никель, темир ва бошқалар) анодда эрийди ва электролитга аралашиб уни ифлослайди (тиниқлигини ўзгартиради). Бошқа эримайдиган аралашмалар (кумуш, олтин, селен, теллур) қаттиқ бўлакчалар ҳолида майдаланади ва ванна тубига йиғилади. Ванна тубида тўпланган масса секин-аста ваннадан чиқарилади ва таркибидаги қимматбаҳо рангли металлар ундан ажратиб олинади. Бундай процесс анча арzonга тушади, яъни бу процесни бажариш учун сарфланадиган харажатлар ҳатто ванна тубида ҳосил бўладиган майда бўлакчалардан иборат ноёб металларнинг миқдоридан ҳам камдир.

Ванна тубида ҳосил бўладиган бўлакчаларнинг ўртача миқдори анод оғирликлариининг 0,2—0,5 процента ташкил қиласи.

Электролитик рафинлаш учун зарур бўлган ток зичлиги 1 м^2 катодлар учун 100—200 А, кучланиш 0,3—0,35 В га тенг бўлади.

Ваннадаги модданинг анодлардан ажралиш вақти 20—30 суткани ташкил қиласи. Катодлар эса ҳар 7—15 сутка давомида алмаштирилади, 1 т катодли мис олиш учун 700—1100 МЖ электр энергияси сарфланади.

Натижада чиқарилган мисли катодлар ювилиб электр, алангали печларга солиниб эртиллади ва про-катлаш учун зарур заготовкалар қуилади, агар зарурат бўлса, миснинг ҳар қандай (МОО, М4 ва бошқалар) ўнлаб қотишмалари тайёрланади.

Ана шундай мис қотишмаларининг навлари ва уларнинг химиявий таркиблари (%) ҳисобида) қўйидаги 5-жадвалда келтирилган.

Мис қотишмалари икки группага: латунлар группаси ва бронзалар группасига бўлинади.

Латунлар группаси деб мис билан руҳдан иборат қотишмаларга айтилади. Баъзан бундай латун (қотишма) ларни жезлар деб ҳам юритилади. Техник латунлар таркибида рух миқдори 48—50% га етади.

ГОСТ 15527-70 бўйича мис руҳли латунларнинг олти нави (маркаси) мавжуд- Л96, Л90, Л85, Л80, Л70, Л68, Л62. Бундай маркалашнинг маъноси шундаки, Л ҳарфи латунлар ва қотишманинг номини билдиради. Махсус (мураккаб) латунли қотишмалар, яъни мис билан руҳдан бошқа элементлар (легирловчи сифатида) қўшилган бўлса, у ҳолда тегишли элементларни билдирувчи ҳарфлар ва тегишли рақамлар билан маркаланади. масалан, ЛС 74-3, ЛО 70-1, ЛАН 59-3-2, ЛМц 58-2 ва ҳоказо. Маркалардаги биринчи рақам миснинг, ундан кейинги сонлар эса тегишли элементларниң % ҳисобидаги ўртача миқдорини кўрсатади.

Латунларга қўшиладиган асосий легирловчи элементлар русча номларининг биринчи ҳарфлари бўйича ифодаланади; қалай—О, рух—Ц, қўрошин—С, темир—Ж, марганец—Мц, никель—Н, кремний—К, алюминий—А ва ҳоказо. Масалан, махсус латун қотишмаларидан ЛМц 58—2 навдаги (маркадаги) Мц марганецни, 58 рақами мис миқдорини, 2 эса марганец миқдорини билдиради, қолганий (умумийсий 100% бўлиши ке-

5- жадвал

**Турли мис маркаларининг химиявий таркиби
(ГОСТ 859-66)**

Мис навлари	Мис миқдори, камида	Компонентлар миқдори, кўпли билан										
		Висмут	Суръма	Мишъяк	Темир	Никель	Кўрғошин	Қалай	Олтингугурт	Кислород	Фосфор	Жами
МОО	99,99	0,0005	0,001	0,001	0,001	0,001	0,001	0,001	—	0,001	0,001	0,01
МО	99,95	0,001	0,002	0,002	0,004	0,002	0,004	0,002	0,002	0,002	0,002	0,05
МОб	99,97	0,001	0,002	0,002	0,004	0,002	0,004	0,002	—	0,002	0,002	0,03
М1	99,50	0,001	0,002	0,002	0,005	0,002	0,005	0,002	0,05	—	—	0,1
М1р	99,80	0,001	0,002	0,002	0,005	0,002	0,005	0,002	0,01	0,04	0,04	0,1
М2	99,70	0,002	0,005	0,01	0,05	0,2	0,01	0,05	0,07	—	—	0,3
М2р	99,70	0,002	0,005	0,01	0,05	0,2	0,01	0,05	0,01	0,04	0,04	0,3
М3	99,50	0,003	0,05	0,05	0,05	0,2	0,05	0,05	0,08	—	—	0,5
М3р	99,50	0,003	0,05	0,05	0,05	0,2	0,03	0,05	0,01	0,04	0,04	0,5
М4	99,0	0,003	0,2	0,2	0,1	—	0,3	—	0,15	—	—	1,0

рәк), яъни 40 проценти рух бўлади. Латун маркасининг охирида Л ҳарфи бўлса, унинг қуймабоп латун эканлигини билдиради, масалан ЛК 80-3Л, ЛАЖ 60-1-1Л ва ҳоказо. Маркасининг охирида Л ҳарфи бўлмаган латунлар дерформациябоп латунлардир.

Қуймабоп латунлардан санитария-техник системалар учун турли арматуралар, кранлар, аралаштиргичлар, подшипник втулкалари, коррозиябардош деталь ва бошқалар қўйилади.

Деформациябоп латунлардан радиатор наилари, гофрланган трубалар, тўғри труба, сим ва бошқалар тайёрланади.

Бронзалар группаси. Техниканинг турли соҳаларида миснинг деярли ҳамма мёталлари билан (рух ва никелдан ташқари) қотишмалари кенг ишлатилади ва булар **бронзалар** деб аталади. Ҳосил қилинган бундай бронзалар жуда яхши қўймакорлик ва антифрикцион хусусиятларга эга бўлиб, коррозияга чидамлидир. Бронзалардан тайёрланадиган асосий буюмлар (деталлар) қўйма, босим билан ишлаш ва кесиш орқали ҳосил қилинади. Бронзалар таркибидаги компонентларига кўра қалайли, қўрғошинли ва бошқаларга бўлиниади.

Бронза *Бр* ҳарфлари билан маркаланади. Бр нинг ўнг томонида эса бронзага кирувчи элементлар ёзилади ва шу тегишли элементларнинг % ҳисобидаги ўтча миқдорини кўрсатувчи рақамлар билан маркаланаиди. Масалан, Бр ОНС 11-4-3 марка бронзанинг таркибида ўтара ҳисобда 11% қалай, 4% никель, 3% қўрғошин ва қолгани мисдан (мис миқдорини % ҳисобида ифодалайдиган рақамлар бронза маркасига ёзилмайди) иборат эканлигини билдиради.

Қалайли бронзанинг таркибига кирувчи элементлардан қалай мисга нисбатан қиммат ва камёб бўлганлиги учун бундай бронзаларнинг таркиби ўзgartирилиб, бошқа маркадаги бронзалар ишлаб чиқарилмоқда. Бундай бронзаларга алюминийли бронза Бр АБ ва жуда мураккаб алюминий темир-марганецли бронза Бр АЖ Мц 10—3—1,5 ва бошқалар киради.

Қалайли бронзалар (фақат мис билан қалайдан иборат) инсониятга жуда қадимдан маълум. Лекин бундай бронзаларнинг таркибида қалай миқдорининг ошиб бориши мақсадга мувофиқ эмас, чунки бронзаларнинг пластиклиги ва ёпишқоқлиги пасайиб, мўрт-

лиги ошиб боради. Шу бойсдан таркибида 14% дан күп қалай миқдори бўлган бронзалар деярли ишлатилимайди.

Шунинг учун қўймали бронзалар таркибидаги қалай миқдорига қараб бир фазали (α) ва икки фазали ($\alpha + \delta$) бўлиши мумкин.

Қалайли бронзаларнинг хусусиятларини ошириш мақсадида уларга легирловчи элементлар қўшилади. Масалан: бронзаларнинг механик хусусиятларини ошириш учун легирловчи элементлар Ni, Zn, P, технологик хусусиятларини ошириш учун Pb, Zn, Ni антифракцион хусусиятларини ошириш учун Pb, P ва коррозияга чидамлилигини ошириш учун Ni элементлари қўшилади.

Турли буюмлар ҳосил қилиш усули бўйича бронзалар деформацияланувчи (бир фазали) ва қўймали (икки фазали) ларга бўлинади. Деформацияланувчи бронзалардан турли пружина ва пружиналанувчи материалылар, қўймали бронзалардан махсус вазифаларни бажаришга мўлжалланган сирпанувчи подшипниклар (катта тезлик ва босим остида ишлайдиган), турли арматуралар, юқори иссиқбардош ва электр ўтказувчан ҳамда коррозиябардош деталлар, нақшли ва бадий қўймалар олиш учун фойдаланилади.

Кейинги вақтларда қалай камчил бўлганлиги учун бронзанинг бошқа махсус навлари ишлаб чиқилмоқдаки, улар ўзларининг турли хусусиятларига кўра қалайли бронзага нисбатан юқори сифатли ҳисобланади ва техниканинг турли соҳаларида жуда кенг ишлатилмоқда.

Алюминийли бронза (таркибида 5... 11% Al) юқори антикоррозион ва механик хоссаларга эгадир, лекин қўймакорлик хоссаси бўйича қалайли бронзадан устунлик қилолмайди. Бундай бронзадан асосан турли тишли фидираклар, турбина деталлари, втулкалар, клапан седлолари ва ҳоказолар ишлаб чиқарилади.

Кремнийли бронза (1.. 4% Si) — легирланган никель, марганец ва рух ўзларининг механик хоссалари бўйича пўлатга яқинлашади ва қимматбаҳо қалайли ва бериллийли бронзаларни алмаштириш учун ишлатилади. Бундай бронза турларидан ишқаланувчи шароитда 250°C гача температурада ишлайдиган деталлар ишлаб чиқариш учун фойдаланилади.

Кўргошинли бронза (25.. 30% Pb) ҳам антифрикцион хусусиятга эга бўлиб, яхши кесиб ишланади, ури-

лиш нагружасини яхши қабул қиласы да толиқиши мустаҳкамлиги катта. Бундай бронза турларидан нағрузка күп тушадиган, юқори тезлик шароитида ишлатыладын авиация двигателининг подшипниклари, дизелларнинг турбиналари да бошқа деталлар ишлаб чиқарылады.

Бундан ташқари, қимматлироқ бўлишига қарамасдан бериллийли бронза (3% гача Ве бўлади) ҳам турли соҳаларда кенг ишлатылади. У ўзининг жуда юқори механик хусусиятлари тоблангандан кейин ейилишга бардошлилиги, коррозияга чидамлилиги, юқори иссиқлик ва электр ўтказувчанлиги (500°C температурада буларнинг мустаҳкамлиги ҳудди 20°C даги алюминийли бронзанинг мустаҳкамлигидек) билан характерлайдир. Ундан жуда юқори талабга жавоб берадиган маҳсус деталлар: аниқ приборларда эластик элементи бўлган мемброналар, сирпанувчи контактлар, пружиналар, кулачоклар, шестернялар, чёрвякли узатмалар, юқори тезлик ва температурада ишлайдиган подшипниклар ва ҳоказоларда ишлатылади.

Бройзалар. Бр. ҳарфлари билан маркаланади ёки ифодаланади. Бундай ҳарфлардан кейин легирловчи элементларнинг ҳарфий ифодалари ва уларнинг процент ҳисобидаги миқдорларини ифодаловчи рақамлари берилган бўлади. Масалан, Бр ОЦС-8-4-3 (8% Sn, 4% Zn, 3% Pb қолгани мис), Бр Б2 (2% Be), Бр АЖН 10—4—4 (10%, 4%, Fe 4% Ni қолгани мисдир). Булардан ташқари яна мис-никелли қотишмалар ҳам жуда кенг ишлатылади. Улар мельхиорлар, нейзильберлар ва бошқалардир.

Мельхиорлар вакили МН (19% Ni) бўлиб, денгиз сувида органик кислоталарда, тузли эритмаларда юқори коррозион хусусияти билан ажралиб туради. Шунингдек, у юқори пластиликка эга бўлганлиги учун денгиз кемалари қурища, алмашинувчи чақа тангалар, медтехника асбоблари, юқори аниқликдаги механизм деталлар тайёрлашда ишлатылади.

Нейзильберлар (мис қотишмаси бўлиб, 5 дан 35% ва 13 дан 45% гача Zn) вакилларидан МНЦ 15—20 (15% Ni + CO₂ 20% Zn) бўлиб, мельхиорларга нисбатан юқори мустаҳкамликка эга, коррозияга чидамли, чиройли кумуш рангда бўлади.

Нейзильберлардан турли соат механизмлари, юқори

аңиқлікдәgi приборлар, аппаратураларнинг деталлари-ни ишлаб чиқариш учун кенг фойдаланилади.

§. АЛЮМИНИЙ ВА УНИНГ ҚОТИШМАЛАРИ

Маълумки, алюминий мономорфли металл бўлиб, ранги кумуш — оқдири.

Юқори электр ва иссиқлик ўтказувчи, зичлиги паст ($\gamma = 2,7^2/\text{см}^2$), атмосферада, денгиз суви, сирка ва азотли кислота ҳамда бошқа шу каби шароитларда коррозияга бардош беради, босим остида яхши ишланади ва пайвандланади, кесишга ноқулай, қўймалик хусусияти ҳам унча юқори эмас.

Таркибидаги чиқиндилаrinнig миқдорига қараб, алюминий махсус A999 (99,999% Al), юқори A 99 (99,99% Al) ва техник тозалик A9 (99,9% Al), A7 (99,7% Al), AO (99% Al) ва ҳоказоларга ажралади. Чиқиндилаrinнig физик-химиявий хусусияти ва пластиклигини пасайтириш билан бирга, унинг мустаҳкамлиги ва қаттиқлигини оширади. Алюминийдан ўтказгич материал сифатида фойдаланилади.

Техниканинг турли соҳаларида алюминийли қотишмалар юқори инерцион ва динамик нагрузкаларга бардош бериш қобилиятларига қараб, худди юқори мустаҳкамликка эга бўлган пўлатлардек турли соҳаларда жуда кенг ишлатилади, чунки уларнинг зичлиги $\gamma = 2,85 \text{ г см}^3$ бўлганда солиштирма мустаҳкамликлари (σ_b/γ , $\sigma_b = 500 \dots 700 \text{ МПа}$) тёнг бўлади.

Ишлаб чиқарилиши усули бўйича алюминийли қотишмалар деформацияланадиган, қўймаланадиган ва пишириладиганларга бўлинади. Деформацияланувчи алюминий қотишмаларига дюралюминийлар, болғаланувчи ва юқори мустаҳкамликка эга бўлган алюминий қотишмалари киради.

Дюралюминийлар (навлари D1, D2... D16) таркибида 3,8...4,9% мис (асосий легирловчи элемент сифатида), магний ва марганец мавжуд бўлади. Дюралюминий навларидаги рақамлар ошиб борган сари ундаги магний миқдори ҳам ошиб боради, бу эса қотишманинг мустаҳкамлигини оширади. Агар дюралюминий таркибига титан қўшилса, бунда ҳам қоришманинг мустаҳкамлиги ошади.

Деформацияланувчи алюминийлар таркибida асосан мис, магний, марганец ва кремний бўлади. Бундай

юқори сифатлы қотишмалардан мұраккаб формадаги штамповка ва чекиичлар тайёрланади. АҚ1, АҚ5, АҚ8 каби қотишмаларидан асосан 100°C дан паст иссиқликда ишлайдиган деталлар тайёрлашда ишлатилади.

Иссиқбардош (300°C гача) қотишмалар, таркибида асосан никель, темир, титан мавжуд бўлиб, улардан мұраккаб интерметаллидлар ҳосил қилинади ва бу қотишмаларнинг рекристалланишини қийинлаштиради.

Юқори мустаҳкамликка эга бўлган қотишмалар (В) таркибида мис ва магнийдан ташқари рух ҳам мавжуд бўлади. Бундай интерметаллидларнинг мавжуд бўлиши ҳосил бўладиган қотишмаларга юқори мустаҳкамлик беради, ($\sigma_b = 500 \dots 700$ МПа). Масалан, В95 ва В96 каби қотишмалар узоқ вақт 20 ... 100°C гача температура шароитида ишлайдиган самолётсозликда турили деталлар тайёрлаш учун ишлатилади. Лекин шуни ҳам қайд қилиш керакки, юқори мустаҳкамликка эга бўлган қотишмалар дюралюминийга нисбатан бир қатор камчиликлардан ҳам холи эмас, яъни: кучланиш концентрациясига сезгирилиги, чарчаҳ мустаҳкамлигининг пастлиги ва кучланиш таъсирида коррозияга учраши талабга жавоб бермайди. Лекин бундай қотишмаларга термик ишлов бериш орқали уларнинг мустаҳкамликларини ошириш мумкин.

Қуймабоп қотишмалар эса яхши оқувчанликка, кам чўкмали, юқори механик хусусиятларга эга. Энг яхши бундай қуймабоп хусусиятга эга бўлган қотишмалар вакилига силуминлар мисол бўла олади. Улардан АЛ енгил қуймали қотишка бўлиб, Al — Si системасининг таркибида алюминий, кремний ва бошқа элементларнинг бирикишидан ҳосил қилинади. Таркибида 5—14% Si бўлған силуминлардан кенг фойдаланилади ва унинг структурасида эвтектика мавжуд бўлганлиги учун қуймабоп хусусияти яхшидир. Шунинг учун силуминларнинг хоссалари уларнинг химиявий таркибига, тайёрланиш технологияси ва термик чидамлигига боғлиқдир. Масалан, марганец коррозияга чидамлилигини, мис эса кесиб ишланишини ёки мис ва магний қўшилмаси термик ишлов беришда уларнинг мустаҳкамлик қобилиятини оширади ва ҳоказо.

Пиширилган алюминийли қотишмалар САС таркиблари стандартлаштирилган порошоклардан олинади ва пиширилган алюминийли пурдалардан (САП) эса турили қотишмалар тайёрланади. Пиширилган қотиш-

малар суюлтирилган алюминийни пуркаш, легирловчи элементлар ва берилган таркибли қотишмалар, порошокларни пресслаш ва пишириш орқали олинади. САС порошокли қотишмалардан Д 16П, АК4П навларини кўрсатиш мумкин. Бундай қотишмалар кичик доначали структуралардан иборат бўлиб, фазалари анча текис тақсимлангандир, уларнинг нуқсонлари йўқ бўлгандиги сабабли юқори температурада (250..350°C) ҳам ўзининг юқори мустаҳкамлигини узоқ сақлаб қола олади. САС нийг бошқа қотишмалари ҳам мавжуд.

САС қотишмалари ҳам А 97 маркали суюқ алюминийни пуркаш орқали ҳосил қилинади. Бу норошоннинг таркибига қанчалик кўп Al_2O_3 қўшилса, қотишманинг мустаҳкамлиги, қаттиқлиги ва иссиқбардошлиги шунда юқори бўлади. Шунинг учун ҳамма алюминий қотишмалари ичida САС лар энг юқори температурага бардошлидирлар. Улар 450°C температурада ҳам узоқ нагрузка таъсирига бардош бера оладилар. Лекин Д 21, АК4—1 ва бошқа маркали иссиқбардош қотишмалар 350°C дан юқори температурада узоқ муддат ишлаш қобилиятига эга эмас.

САС қотишмалари жуда яхши деформацияланади, енгилгина кесиб ишланади, солиштирма мустаҳкамликка ва коррозияга бардош бериши юқоридир. Бундай қотишмаларнинг ана шундай ижобий ва зарурий хусусиятлари туфайли самолётсозлик ва кемасозлик, атом реакторлари ҳамда электротехник ва химия саноатларининг турли тармоқларида кенг ишлатилади. Кўпгина ҳолларда поршень штоклари, компрессор куракчалари, элекстродвигатель ўрамлари, иссиқ алмашинувчилар, реактивдвигателларда бошқариладиган системанинг вентиллари ва бошқа шу каби қисм ёки узеллар шу қотишмалардан ишлаб чиқарилади.

4-§. МАГНИЙ ВА УНИНГ ҚОТИШМАЛАРИ

Магний мономорф металл бўлиб оқ рангдадир, зичлиги $\lambda = 1,7 \text{ г/см}^3$, эриш температураси 651°C, мустаҳкамлик чегараси $\sigma_b = 110 \dots 180 \text{ МПа}$, пластиклиги $\delta = 4 \dots 8\%$, қаттиқлиги $HV = 300 \text{ га тенгдир}$.

У ҳавода актив ҳолатда бижийди ва температуранинг кўтарилиши билан эрий бошлайди. Шунинг учун магний механик хусусиятининг пастлиги шундаки, ундан турли соҳада конструкцион материал сифатида

фойдаланиш имконияти йўқ. Магний металлургия саноатида темир, никель ва бошқа қотишмаларни бижитмоқ ҳамда пиротехника соҳаси учун юқори енгил қотишмалар олиш учун ишлатилади.

Магний қотишмалари яхши кесиб ишланади, пайвандланади ва қониқарли даражада солиштирма мустаҳкамликка эга. Бундай қотишмалардан қўйма ёки босим билан ишлаш орқали кам зичликка эга бўладиган деталлар тайёрланади.

Саноат миқёсида магнийли қотишмаларнинг алюминий, рух, кадмий билан бирикмалари жуда кенг ишлатилади. Улар магний-алюминий қотишмасида ($\geq 2,6\%$ Al), магний-рұх қотишмасида ($\geq 0,4\%$ Zn) бўлиб, буларни термик ишлаш орқали мустаҳкамлаш мумкин.

Деформацияланадиган магнийли қотишмалар MA ҳарфлари билан, қўймаси—ML ва рақамлар билан маркаланади. MA1 маркали магний қотишмаларидан цайванд баклар, кам нагруззакда ишлайдиган самолёт деталлари; MA5 қотишмасидан эса болғалаш ва штамплаш орқали юқори мустаҳкамликка эга бўлган деталлар, ML5 қотишмасидан эса самолёт деталлари, двигателлар, приборларнинг корпуслари ва бошқалар тайёрланади.

5-§. ТИТАН ВА УНИНГ ҚОТИШМАЛАРИ

Титан-полиморф металл бўлиб, кумӯш-оқ рангда, зичлиги $\gamma = 4,5 \text{ г}/\text{см}^3$, эриш температураси 1665°C дир. $882,5^\circ\text{C}$ да α — фазали титаннинг гексагональ зич жойлашган (ГПУ) панжараси, β — фазадаги ҳажмий марказлашган куб (ОЦК) панжарасига ўтади.

Титаннинг хусусиятини унинг таркибидаги чиқиндилар (қўшилмалар) миқдори жуда тез ўзгартириши мумкин. Тоза титан пластик ($\delta = 40 \dots 70\%$) бўлади, мустаҳкамлиги паст ($\sigma_b = 230 \dots 250 \text{ МПа}$). Техник тоза титан (ВТ-1) да ($\leq 0,8\%$ чиқинди миқдори) $\sigma_b = 300 \dots 350 \text{ МПа}$ ва $\delta = 20 \dots 30\%$.

Нормал температурада титан ўзининг юқори коррозион ва химиявий чидамлилиги билан ажralиб туради, чунки атмосфера шароитида унинг сирти мустаҳкам ва зич ўралган парда қатлами билан қоплангай бўлади. 500°C гача қиздирилгандага, титан жуда актив элемент бўлиб қолади. Лекин шу билан бирга титанди

асосий камчиликлар ҳам мавжуд, яъни ёмон кесиб, ишланади, паст антифрикцион хусусиятга эга.

Титан қотишмалари юқори коррозияга чидамли ва юқори солиширма мустаҳкамликка эга. Агар титанли қотишмаларда $\sigma_b = 800 \dots 1500$ МПа оралигидә бўлса, у ҳолда яхши пластик ($\delta = 12 \dots 25\%$) ҳолатида бўлади. Шунинг учун бундай қотишмалар самолётсоэзликда, ракета техникасида кенг ишлатилиб, деталларнинг умумий массаси бўйича 40% гача металл тежаш имконияти мавжуд.

Бундан ташқари, титанли қотишмаларнинг коррозияга чидамлилиги туфайли химия саноатида турли трубопроводлар, насослар, реакторлар тайёрланади.

Титан ва унинг қотишмаларига (алюминий, марганец, молибден, хром ва бошқа элементлар билан) босимда яхши ишлов берилади, енгил пайвандланади, юқори қўймабоп хоссаларга эга.

Агар $\alpha \rightarrow \beta$ га ўтишда аралашмалар (чиқиндилар) температурасини оширса (азот, водород, кислород, углерод, алюминий ва бошқалар), бунга $\alpha - \beta$ стабилизаторлар дейилади. Улар эса титан билан аралашиб, бир фазали $\alpha - \beta$ қаттиқ аралашма ҳосил қидинади. Бундай $\alpha - \beta$ стабилизаторлардан амалий аҳамиятга эга бўлгани фақат алюминийdir, чунки бошқаси қотишмани муртлаштиради. Агар титанли қотишмалар таркибига 2 ... 7% Al қўшилса, бундай қотишмалар анча мустаҳкам, иссиқбардош, «водород касаллиги»га чидамли бўлади (агар водород 0,02 ... 0,05% дан кўп бўлмаса).

Бир фазали қотишмалар (ВТ-5, ВТ-5-1) механик хусусиятга эга ва иссиқбардошdir (400...500°C гача), юқори коррозияга чидамли, яхши пайвандланади ва қониқарли даражада кесиб ишланади. Лекин буларнинг асосий камчиликлари шундаки, технологик пластиклиги паст, термик ишлашда мустаҳкамлиги ошмайди. Агар ВТ-5-1 қотишмасига қалай қўшилса, унинг технологик пластиклиги, иссиқбардошлиги ва ёйилувчанликка қаршилиги ортади.

6-§. НИКЕЛЬ ВА УНИНГ ҚОТИШМАЛАРИ

Никель мономорф металл бўлиб, кристалл панжараси қирралари марказлашган кубдан иборат, зичлиги $\gamma = 8,0$ г/см³, эриш температураси $t_{эрш} = 145^\circ\text{C}$, юқори

мустаҳкамликка ($\delta_s = 400 \dots 500$ МПа) эга, пластиклика ва химиявий тәсірларға чидамлидир.

Саноат миқёсида ишлатиладиган техник никель маркаларыда 0,01...2,4% гача турли құшимча элементлар (темир, кремний, мис, кобальт ва бошқалар) мавжуд бўлади. Агар никель қотишмалар таркибиға кобальт, темир, мис ва бошқалар қўшиш орқали қаттиқ қотишмалар ҳосил қилинса, уларнинг механик хусусиятлари бир қадар ошади, лекин электр ўтказувчалиги пасаяди. Заарарли элементлар эса (олтингугурт, висмут, кўрошин, мишъяқ, углерод, суръма кабилар) никель қотишмаларини мўртлаштиради, босим ишлари қийинлашади ва механик хусусиятини пасайтиради.

Никелнинг мис, темир, марганец билан қотишмалари бир фазали структурадан иборат (α — қаттиқ эритма) ва юқори коррозияга бардошли, механик хусусиятларга, иссиқ ва совуқ ҳолатида қониқарли технологик пластиклика эга. Масалан, НМЖМц 28—2,5—1,5 (68% Ni + CO, 28% Cu, 2,5% Fe, 1,5% Mn) маркали қотишмадан турли муҳитда ишлайдиган буюмлар тайёрланади.

Никель қотишмаларининг 9% ли хром билан (хромель) биргаликдаги қотишмаси турли термопара материалы сифатида ишлатилади.

Нихромлар — никель қотишмаларининг 20% ли хром билан (Х20Н80) ва ферронихромлар никель қотишмаларининг хром ва темир билан аралашмаси (Х15Н60) эса қотишмалар қаршилиги сифатида ишлатилади.

Никель асосидаги иссиқбардош қотишмалар «нимонклар» дейилади.

Бундай қотишмалардан газ турбиналарининг 650 ... 850°C температурада ишлайдиган сопло куракчалари ва бошқа деталлари тайёрланади. Энг кўп ишлатиладиган никелли қотишмалардан XH 77 T (19 ... 22 Cr, 2,3 ... 2,7 Ti, 0,55 ... 0,95 Al) ва XH 77 ТЮР, бром билан қўшимча легирланган (лекин 0,01% дан кўп эмас) қотишмалар шулар жумласидандир.

7- §. АНТИФРИКЦИОН ҚОТИШМАЛАР

Сирпаниш подшипникларини қўйиш учун мўлжаландайдиган қуймалар юқори температурада эрийди. Улар микрөроваклиги, ёпишқоқлиги, паст ишқаланиш

коэффициентига эга бўлиши, юқори иссиқлик ўтказувчанлиги, яхши ишланиши, коррозияга чидамлилиги, вал бўйинчасини ейилишдан сақлаши билан ажралиб турди.

Бундай хусусиятлар уларни асослари юмшоқ бўлган структуралар билан таъминлади. Антифрикцион материаллар сифатида кулранг чўян, қалайли ва қўрғошинли бронзалар, порошокли материаллар ва бабитлар ишлатилади. Шунинг учун кўпгина ҳолларда ишлатиладиган баббитлар, яъни асослари қалай ёки қўрғошиннинг суръма, мис ва бошқа элементлари билан ҳосил қилинадиган қотишмаларини батафсилроқ кўриб ўтдайлик. Баббитлар ўзларининг ишланишга яхшилиги ва паст ишқаланиш коэффициентига эга эканларни билан ажралиб турди. Баббитлар ўртасида энг яхши хусусиятларга эга бўлгани қалайлисиdir. Буларнинг таркиби қалайдан ташқари суръма ва мис ҳам киради.

Қотишмаларнинг структураси енгил асосли (таркибли) бўлиб, α — фазали (Sb нинг Sn даги қаттиқ әритмаси) ва β — фазали ($Cu-Sn$ ва $Sn-Sb$ ларнинг) қаттиқ химиявий бирикишларидан иборат бўлади.

Баббитларнинг Б 83 ва Б 88 маркалиларидан юқори талабларга жавоб берадиган, яъни юқори тезлик ва нагрузкалар шароитида ишлайдиган подшипниклар тайёрлаш учун фойдаланилади. Бундай подшипниклар техникада кўпинча буг турбиналари, трубокомпрессорлар, дизеллар ва ҳоказоларда ишлатилади.

Подшипниклар тайёрлашда қалайни тежаш мақсадида қалай-қўрғошинли баббит қотишмаларидан фойдаланилади. Булардан тайёрланган подшипниклар эса асосан статик нағрӯзка остида ишлатилади. Агар қалай-қўрғошинли қотишмаларга қўшимча кадмий, никель, мишъяқ (BN бабити) қўшилса, у ҳолда унинг оқувчанлиги, иссиқлик ўтказувчанлиги ва ейилишга бардош бериши яхшиланади. Бу эса қалайли баббитлар ўрнига ички ёнув двигателлари, буг машиналари, турбина ва ҳоказо подшипникларни тайёрлаш учун қулайдир.

Баббитлар ичида энг арзони қўрғошинлисиdir. Уларнинг асосий таркиби қўрғошиндан иборат бўлиб, қўшимча сифатида кальций ва натрий қўшилганда БКА, БК2 баббитлари ҳосил қилинади. Булардан шаҳар ва темир йўл транспортларида, тог-кон машиналарида

ишилтиладиган сирпаниш подшипниклари учун вкладышлар тайёрлашда дойдаланилади.

8-§. ҚИЙИН ЭРИЙДИГАН МЕТАЛЛИ ҚОТИШМАЛАР

Кейинги йилларда техниканинг янада ўсиб, ривожланиб бораётганлиги ҳамда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш зарурлиги туфайли ноёб, кам тарқалган ва қийин эрийдиган металларнинг қотишмаларидан янада кенгроқ фойдаланишга талаб кучайиши табиидир. Бундай қийин эрийдиган металлар (вольфрам, ниобий, тантал, молибден, рений) порошокли металлургияда методлардан фойдаланиб ҳосил қилинади ва уларнинг кристаллик панжаралари ҳажми марказлашган куб күренишидан иборат бўлади. Агар бундай қийин эрувчи металлар ўзаро таъсир этганда ҳосил бўладиган қаттиқ бирикмаларга углерод, водород, кислород, азот каби элементлар ҳам қўшилса, у ҳолда бирикма мўртлаша боради.

Энг қийин эрийдиган металл **вольфрам** бўлиб, эриш температураси $t_{эриш}$ — 3410°C дир. Унинг қотишмасидан электротехникада рентген трубкаси учун катодлар сифатида, плазмали ва ионлидвигателлар ва ҳоказоларда кенг фойдаланилади. Яна юқори легирланган вольфрамли қотишмалар (рений 30% гача, молибден 15 ... 25% қўшилганда) ҳам техниканинг маҳсус соҳаларида ишилтилади.

Рений элементи ҳосил бўладиган қотишмаларнинг пластиклигини оширади, мўрт ҳолатга ва рекристалланиш температурасига ўтиш температурасини дарҳол ёки тезда пасайтиради, босим билан ишлашни яхшилайди ва электр ўтказувчанигини пасайтиради. Рений — жуда ноёб металл. Шунинг учун ундан соғ ҳолатда фақат зарур ҳоллардагина фойдаланилади.

Молибден ва унинг қотишмалари ҳам энг муҳим саноат материаллари ҳисобланади. Улар электролампа саноатида, радиоэлектротехникада ва электровакуум корхоналарида, юқори температурали вакуумли печларда, ракета техникасида ва бошқаларда ишилтилади. Қўшимча легирловчий элемент сифатида цирконий, углерод, ниобий ва гафний, шунингдек, унинг бир фазали қаттиқ эритмали қотишмаларидан ҳам кенг фойдаланилади. Молибден хоссаеига рений ҳам яхши таъсир қўрсатади.

Молибден ренийга чисбатан камроқ самара берадиган легирловчи элементdir. Қотишма ҳосил қилиш вақтида унга құшимча сифатида (0,1... 0,2 Zn әуе 0,005% гача) углерод құшилади. Охирда әса юқори дисперсияланган карбидлар ҳосил қилинады, бу қотишмани сезиларлы даражада мустаҳкамлайды.

Ниобий ва унинг қотишмалари янги техника учун перспектив қонструкцион материалdir. Шунинг учун ниобий қотишмалари химия саноати учун түрли аппаратуралар (Nb — Та лар), юқори үтказувчан материаллар Nb — Sn, Nb — Zr ракеталар техникасыда, Nb — W — юқори қувваттаға әга бўлган атомли тезлаштиргичлар ва ҳоказолар ишлаб чиқариш учун фойдаланилади.

Тантал ва унинг қотишмаларининг вольфрам, молибден, ниобий билан құшилмалари ниҳоят даражада юқори, химиявий таъсирларга ўта бардошлилиги билан ажralиб туради. У кучли кислоталар ва ишқорли эритмаларда ҳамда металларда, электровакуум, химия саноати, радиоэлектроника саноати тармоқларида кенг ишлатилади.

Иссикбардошли материал сифатида ҳам танталнинг 5% гафний билан биргаликдаги қотишмасидан фойдаланилади. Бу қотишманинг 1200°C даги мустаҳкамлиги $\sigma_b = 360$ MPa га тенг бўлади.

Камёб металлар (гафний, рений, осмий, платина ва бошқалар) аввал құшимча сифатида ишлатилиб келинган бўлса (металл ва қотишмалар ҳоссаларини яхшилаш мақсадида), эндилликда улардан соғ ҳолатида ҳам атом энергетикаси, радиоэлектроника ва вакуумли техника, электротехника, сунъий тола ишлаб чиқарадиган корхоналардаги қурилмалар учун фильералар (айниқса рений) ва бошқаларда кенг ишлатиладиган бўлинди.

VI б о б.

ПОРОШОКЛИ МАТЕРИАЛЛАР

Турли порошоклардан ҳар хил буюмлар ишлаб чиқариш, асосан порошокли металлургия ёки металлокерамика техникаси соҳасига тааллуклидир. Бундай усуллар билан турли вазифаларга мўлжалланган жуда кўп турдаги қотишмалар ҳосил қилинади.

Шунинг учун биз саноат миқёсида энг кўп ишлати-

ладиган баъзи металлокерамик қотишмалар ҳақида маълумотлар беришни лозим топдик.

Қаттиқ қотишмалар. Порошокли материалларнинг асосий таркибий қисмини қийин эрийдиган элементларнинг қаттиқ карбидлари ташкил этади, темир металлар группаси эса уларнинг боғловчиси бўлиб, буларга қаттиқ қотишмалар дейилади.

Булар юқори қаттиқликка эга ($HRA=860 \dots 920$ МПа) ва температурага чидамлидир. ($800 \dots 1000^{\circ}\text{C}$). СССР да асосан вольфрамли (ВК группаси), титан-вольфрамли (ТК группаси) ва тантал — титан — вольфрамли (ТТК) қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқарилади (б-жадвалга қаранг).

Жадвалда ҳамма маркалардаги «К» ҳарфларидан кейинги турган рақамлар кобальтнинг миқдорини, «Т» дан кейинги рақамлар эса ТК қотишмалари таркибидаги титан карбиди (TiC) нинг миқдорини ифодалайди. ТТК қотишмасидаги биринчи рақамлар титан ва тантал карбидларининг ($\text{TiC} + \text{TaC}$) йифинди миқдорларини ифодалайди. WC кўринишидаги қотишмаларда вольфрам карбидларининг миқдорини унинг таркибидаги ҳамма ташкил этувчи бошқа моддалар йифиндиси 100% дан айрган қийматига tengdir.

ВК группасига киравчи қотишмалариning микроструктуралари эса вольфрам карбидининг кристаллари ва вольфрам қаттиқ эритмаси ҳамда кобальтдаги углеродидан иборат бўлади. WC маркали вольфрам карбидлари юқори мустаҳкамлик, температурага чидамли ва мўртлик хусусиятларига эга. Кобальт эса вольфрам карбидининг кристалларини ўзига бирлаштириб (боғлаб), ҳосил бўладиган қотишмаси ёпишқоқ ва мустаҳкам бўлади. Қаттиқ қотишмада кобальтнинг миқдори камайгандা унинг қаттиқлигини пасайтиради ва ёпишқоқлигини эса оширади. Агар қотиши таркибида (кобальт миқдорининг қанча бўлишидан қатъи назар) вольфрам карбиди доначалари қанчалик майдаланса, ҳосил бўладиган қаттиқ қотишмаларнинг қаттиқлигини ва кесинш хусусиятини шунча оширади.

ТК типидаги қаттиқ қотишманинг структурасида вольфрам карбидидан ташқари яна титан карбиди, цементацияланган кобальт кристаллари ҳам намоён бўлади. Булар эса материалларнинг қаттиқлигини оширади ва эгилишдаги мустаҳкамлигини пасайтиради. Шунинг учун ТК қотишмасидан тайёрланган кескич-

Баъзи лиширилган қаттиқ қотишмаларнинг маркаси, таркиби, хусусияти ва уларнинг ишлатилиши

Қотишмалар хруппаси	Қотишмалар маркаси	Химиявий таркиби			TaC	Қаттиқ- лиги NRA , МН/м ²	Этилиш- даги мустак- камлик чегараси, МПа	Ишлатилиши
		Wc	C _o	T ₁				
Вольфрамли	BK 2	98	2	—	—	990	1100	чўяйнларга, рангли металларга, шиша, фарфор, пластмассаларга тоза ишлов бериш учун; иссиқбордош пўлатларга ва қотишмаларга, қаттиқ чўяйнларга, металлмас материаллар ва ҳоказоларга ишлов бериш учун:
	BK 3	97	3	—	—	900	1100	
	BK6M(кичик доначали)	94	6	—	—	900	1350	
	BK6B(кatta доначали)	94	6	—	—	880	1200	
	BK 8	92	8	—	—	875	1600	
Титановоль- фрамли	BK 15	85	15	—	—	860	1750	тоғ жинсларини қазиб олиш, пармалаш; урилиш нагрузкасида ишлайдиган чўяйнларга, рангли металларга ва бошқаларга юра ишлов бериш учун; прокатлаш, штамплаш ва ковлаш асбоблари учун; пўлатларга юқори тезликда тоза ишлов бериш учун; пўлатларга юра, ярим тоза ишлов бериш ва фрезерлаш учун;
	TЗОК 4	66	4	30	—	920	900	
	T15 K6	79	15	6	—	900	1150	
	T5 K 10	85	9	6	—	885	1350	
	TT7 K 12	81	12	4	3	875	1600	
Титанотан- талёволь- фрамли	TT10 K8E	82	8	3	7	895	1400	пўлатларнинг турли поковка ва қўймаларига юра ишлов бериш ва фрезерлаш учун; пўлат поковкаларини, штамповкалари ва қўймаларини йўниш ва тоза ишлов бериш учун, қийин ишлов берилладиган пўлат ва қотишмаларга кесиб ишлов бериш учун.

нинг металлни кесиш процессида ушлаш ёки ёпиштириш температураси ВК қотишимасидан тайёрланган кескичга нисбатан 100—150 градусгача юқори бўлади. Бундан ташқари ТК қотишимасини қиздиргандага оксидланиши кам бўлади ва температурага яхши бардош беради.

Шунинг учун бундай қотишималардан тайёрланган кескичларнинг чидамлилиги тез кесувчи пўлатлардан тайёрланган кескичларнинг чидамлилигидан 2..5 ма-ротаба катта бўлади. Қаттиқ қотишималардан тайёрланган кескичларни ишлатганда уларнинг кесиш тезлигиги ни 1000 ... 2500 м/мин га етказиш мумкин. ТТК қотишимасига тантал карбидини қўшсак, 20 градус температурада унинг статик ва чарчаш мустаҳкамлигини ҳамда юқори температурада қаттиқлиги ва термик мустаҳкамлигини оширади. Бу эса тегишли қотишималарнинг оғир шароитда ишлатилишига имкон беради.

Жадвалда келтирилган қотишималардан ташқари бошқа маркадаги қаттиқ қотишималар ҳам мавжуд. Вольфрамнинг камёблиги туфайли бошқа элементлар ҳисобига ҳам қаттиқ қотишималар яратишга эришилди. Масалан, бор карбиди (B_4C) асосида яратилган қотишима ВК6 қотишимасига нисбатан ўзининг қаттиқлиги ва ёйлишга бардошлиги билан бир неча маротаба юқоридир.

Ҳозирги вақтда олмос — металл аралашмасидаги композиция жуда катта қизиқиш уйғотмоқда. Металл компонентлар сифатида у турли қотишималарнинг по-рошокларидан иборат бўлиб, асосан темир ва мис, вольфрам қотишималарининг мис ва никель ҳамда бошқа металлар билан ҳосил қилинадиган аралашмасидан кенг фойдаланилмоқда. Бундай материаллар юқори қаттиқликка эга бўлганниклари учун турли шиша материалларни, керамика, қимматбаҳо тошларни пардозлаш, тўғрилаш (режалаш) ҳамда қаттиқ қотишималарга ишлов беришда ишлатилади.

Бунда ВК группасига кирувчи қотишималарнинг микроструктуралари асосан вольфрам карбиди, вольфрамнинг қаттиқ эритмаси ва кобальтдаги углеродидан иборат. Вольфрам карбиди (WC) юқори қаттиқликка, оловга бардошлиқ ва мўртликка эга. Кобальт эса карбиднинг кристалларини боғлаб (бирлаштириб), тегишли қотишималарга ёпишқоқлик ва мустаҳкамлик беради. Вольфрам карбиди доначаларининг майдала-

ниши эса қаттиқ қотишмаларнинг қаттиқлигини ва кесиши хусусиятини (уларда кобальт миқдори қанча бўлишидан қатъи назар) оширади.

ТК типидаги қаттиқ қотишмаларнинг структураларида WC кристалларидан ташқари титан карбиди, цементацияланган кобальт кристаллари ҳам намоён бўлади. Булар эса материалларнинг қаттиқлигини оширади, лекин эгилишдати мустаҳкамлигини камайтиради. Шунинг учун ТК қотишмаларидан тайёрланган кескичлар ВК группасига кирувчи қотишмалардан тайёрланган кескичга нисбатан ($100 - 150^{\circ}\text{C}$) юқори-роқ температура остида металларга ишлов бериш имкониятига эга.

Бундан ташқари ТК қотишмалари қизиганда кам оксидланади ва температурага яхши бардошлидир. Шунинг учун ТК қотишмаларидан ясалган кескичларнинг кесиши процесидаги мустаҳкамлиги тез кесувчи пўлатлардан ясалган кескичларнинг мустаҳкамлигига қараганда 2...5 маротаба юқоридир. Қаттиқ қотишмалардан тайёрланган кескичлар ёрдамида кесиши процессида тезликни $100 \dots 2000$ м/мин гача етказиш мумкин.

Агар ТТК қотишмасига тантал карбидини қўйсак, у ҳолда унинг статик ва ҷарчаш мустаҳкамликлари ҳамда юқори температурада қаттиқлиги ва термик мустаҳкамлиги ошади. Бу эса бундай қотишмаларни қийин ёки маҳсус шароитда кесиб ишлаш имкониятини туғдиради. Лекин шуни айтиб ўтиш керакки, вольфрамнинг қимматлиги ва камёблиги туфайли бошқа элементларни биринкириш орқали (бор карбиди асосида B_4C) ВК б қотишмаларига нисбатан бир неча мартаба юқори қаттиқликка эга бўлган қотишмалар ҳосил қилинади. Масалан, B_4C порошокларидан тайёрланган учли қаламлардан пардозловчи дискаларни тўғрилаш (текислаш) ва рёжалаш учун ишлатилади ва ҳоказо.

Ҳозирги вақтда бирикмалар (40% бор ва 50% азот) орқали ҳосил қилинган қотишмаларнинг қаттиқлиги олмос қаттиқлигидан анча юқори, температурага бардошлиги 1930°C гача етади. Лекин бундай қотишмалар (боразонлар) нинг асосий камчиликлари уларнинг мўртлигидадир.

1-§. МИНЕРАЛОКЕРАМИК МАТЕРИАЛЛАР

Бундай материаллар юқори қаттиқлик (HRA=91...93) ва температурага чидамлилигига (1000...1200°C гача)-эга бўлса ҳам мўртлиги катта бўлғанлиги учун ишлатилиш имконияти чегаралангандир. Бундай материаллардан энг кўп қўлланиладиганларидан микролит ва термокорундларни мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Микролит (ЦМ 332) асосан корунддан иборат бўлиб, қўшимча сифатида Mg_2O ҳам бўлади. Al_2O_3 корунд доначаларининг ўлчамлари 2 мк дан кичик бўлиб, минерал боғловчи синтетик шишанинг камроқ миқдори билан аралашган бўлади. Бундан ташқари магний оксиди ҳам яхши боғловчи модда ҳисобланади. Микролит асосан прокатлаш корхоналарида жуда кенг ишлатилади, аммо металларни кесиб ишлашда анча кам фойдаланилади. Микролитларнинг мустаҳкамлиги тез кесувчи пўлатларнига нисбатан 10 маротаба камдир. Минералокерамикадан тайёрланган буюмларнинг кесиши қобилиятини ошириш учун уларни пишириш вақтида W, Mo, Ti, Ni (10% гача) элементлар қўшилади. Бундай металларни қўшиш орқали минералокерамик материалларнинг мўртлиги камайтирилади, ейилишга чидамлилиги эса оширилади.

2-§. ИССИҚЛИККА МУСТАҲКАМ ВА ИССИҚБАРДОШ МИНЕРАЛОКЕРАМИК МАТЕРИАЛЛАР

Бундай материалларга асосан кермитлар киради. Кермитлар керамик материалларнинг энг яхши хусусиятлари сақланган ҳолда ва уларнинг камчиликлари (юқори мўртлиги ва термик чидамлилигининг пастлиги) йўқотилган ҳолда ҳосил қилинади.

1100°C дан юқори бўлмаган температурада ишлаш учун кермитлар асосан TiC дан тайёрланади, яна ҳам юқори температура шароитида ишлаш зарур бўлиб қолса, $B_4C + SiC$ базали композицияларидан (бундай бирикмалар қисқа вақт ичida ҳатто 3000°C гача температурага чидаш бериши мўмкин) фойдаланилади. Боғловчи моддалар сифатида бундай композицияларнинг таркибига Cr, Ni, Co каби элементлар ҳам қўшилади. Кермитлар халқ хўжалигининг қийин шароитларида (юқори температура ва химиявий агрессив газлар таъсирида) кенг ишлатилади. Уларнинг асосий

таркибий қисмлари боридлардан (боролитлар) иборат. Бундай, боролитлар учун боғловчи элементлар сифатида Сг, Мі ва уларнинг қотишмалари ишлатилади.

Боролитлар асосан ракета двигателларининг деталларини тайёрлаш ва ейилишини мұхофаза қилиш учун қонланувчи материал сифатида ишлатилади.

Юқори эксплуатацион характеристикалардаги керметлар таркиби асосан 70% Al_2O_3 ва 30% Cr компонентларидан иборат бўлиб, $(1300 - 1500)^\circ\text{C}$ температурагача ишлатиш мүмкун ва ҳоказо.

3-§. ГОВАКЛИ МАТЕРИАЛЛАР

Ярим тайёр ва тайёр буюмлар 10% дан 80% гача говаклик мавжуд бўлса, говакли керметлар дейилади. Булардан асосан подшипник, фильтр ва турли бошқа деталлар тайёрланади. Масалан, говакли подшипниклар паст тезликда ва кичик нагружкада жуда яхши антифрикцион ҳусусиятга эга. Лекин бундай керметларнинг қўйма подшипникларга нисбатан мустаҳкамлиги паст бўлади. Шунинг учун говакли материаллардан двигателлар учун турли шатунлар ва туб подшипниклар тайёрлаш учун ишлатилмайди. Одатда булар темир ёки бронзали порошокларнинг (1...2% графитдан) аралашмасидан тайёрланади.

Юқори говакли (говаклиги 80% гача) металл фильтрлар (бронза, мис қотишмасининг никель билан ва тоза никель порошокларининг аралашмалари), асбест, техник материал ва қоғозга нисбатан қаттиқлиги, температурага чидамлилиги, мустаҳкамлиги ва ҳоказо афзалликлари билан ажралиб туради.

4-§ ЭЛЕКТРОТЕХНИК МАТЕРИАЛЛАР

Электротехника саноати тармоқларида керметлар жуда кенг ишлатиладиган бўлди. Бундай материаллардан турли электр чўткалар ёки электромашиналар учун сирпанувчи контактлар (бронза порошоклар ва графит аралашмаси бўлиб, чўткаларни ротор металли пайвандлашдан сақлади), турли контактлар W, Mo, Wn ларнинг Ag ва Cu юқори электр ўтказувчи металларнинг порошоклари билан аралашмалари (индукцион катушкаларнинг ўзаклари) темир ва унинг қотишмалари бўлиб турли локлар, пластмассалар билан.

қопланган бўлади), доимий магнитлар (ални Al+Ni порошокларининг қотишмалари, алнико Al+Ni+Co, алсифер, Al+Si ва бошқалар), трансформаторлар, стартерлар ва бошқалар учун магнит ўтказувчи ўзаклар (пермаллоj порошоклари бўлиб, 30% Fe+25% Co ва 45% Ni ва ҳоказолардан иборат) тайёрлашда фойдаланилди.

5-§. ФРИКЦИОН ҚОТИШМАЛАР

Машинасозлик саноати тармоқлари учун тормоз ва муфта улагичларни қоплашда фрикцион материаллардан фойдаланилди ва бундай материаллар асосан Cu, Si, Fe, SiO₂,

Р ва графит порошокларнинг аралашмаларидан тайёрланади.

Бундан ташқари кермитлар турли жинсли металларнинг икки ёки кўп қатламли бирикмаларини, масалан; Cu+Fe+Al+Fe ва бошқаларни ҳосил қилиш учун ҳам ишлатилади ва кичик нагруззка шароитида ишлайдиган машиналар учун кичик деталлар тайёрлашда фойдаланилди.

6-§. АКУСТИК МАТЕРИАЛЛАР

Халқ хўжалигининг турли тармоқларида асосан қора ва рангли металлар, уларнинг қотишмалари, металлокерамик, нометалл материал (ёғоч, пластмасса, резина, асбест, лак, мой, бўёқ ва ҳоказо) лардан кенг фойдаланилди.

Бу конструкцион материаллардан олдиндан қўйиладиган турли талабларга мувофиқ фойдаланиш тавсия қилинади. Конструкцион материаллардан машинасозлик саноати тармоқларида фойдаланиш учун зарурый материалларнинг мустаҳкамлиги олдиндан белгиланган муддат давомида ишлаши, минимал массали ва машина-габарит ўлчамларига эга бўлиши тақозо қилинади. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда конструкцион материаллар қўйидаги шартларга асосан танланниши керак:

- a). Эксплуатацион — ҳар қандай конструкцион материаллардан тайёрланган деталлар тегишли машина ва механизмда иш шароитини тўлиқ таъминлаши;
- b). Технологик — тегишли конструкцион материаллар.

ни тайёрлаш учун минимал мөхнатнинг сарфланиши; в). Иктисодий — у ёки бу конструкцион материалларни тайёрлаш учун сарфланадиган ҳамма күринишдаги ҳаражатларни ҳисобга олганда ҳам фойдали бўлиши керак ва ҳоказо.

Юқоридаги шартларни бажариш учун тайёрланган деталларнинг сиртига ва ҳажмига қўйиладиган талабларни таъминлаш талаб қилинади, яъни: ейилишга чидамли, контакт ёки ҳажм мустаҳкамлиги, қаттиқлиги, коррозиябардошлиги, иссиқлик ўтказувчанлиги ва бошқалар.

Юқоридаги кўрсаткичлардан ташқарӣ конструкцион материалларда қўйидаги асосий мустаҳкамлик характеристикалари ҳам бўлиши керак.

Булар жумласига вақтли қаршилик (δ_r), оқувчаник чегараси (σ_r), чидамлилик (δ_R), бўйлама эластиклик модули (E), силжиш модули (Q) киради. Бу модуллар орасида ўзаро қўйидаги боғланишлар мавжуд:

$$Cs = E/[2 - (1 - M)]$$

Юқоридагилардан ташқари нисбий узайиш (σ , % ҳисобида) ва урилиш ёпишқоқлиги (a) бўлиб, улар тегишли материалнинг пластиклигини характерловчи катталиkdir.

Қаттиқлик (H), солиширма иссиқлик миқдори (C) ва солиширма иссиқлик миқдорининг коефициенти (λ) ҳамда суюқ материалларга хос бўлган ёпишқоқлик каби катталиклар ҳам мустаҳкамлик характеристикасини белгиловчиларdir.

Маълумки, ҳозирги вақтда саноат корҳоидаридаги мавжуд машина-механизмлар, конструкция ва қурилмаларнинг иш унумини ошириш мақсадида нафакат уларнинг сони, балки истеъмол қиласидаги қуввати ва тезлик параметрларини ҳам ошириш, арzon конструкцион материаллардан фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Лекин иш унумини оширувчи бундай омиллар ўз навбатида, тегишли корхоналарнинг асосий цехларида технологик машиналарнинг сезиларли даражада механик ва аэродинамик шовқинлар миқдори ва структурасини ошириб юбормоқдаки, бу кишиларнинг организмига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳозирда мавжуд ёки бундан кейин лойиҳаланадиган машина, механизм, конструкция ва қурилмаларнинг қисмлари ёки деталларини тайёрлашда рационал ва

оптималь конструкцион материалларни танлаш - нихоят да катта роль йинайди.

Акустик материаллар жумласига товуш изоляцияли, товуш ютувчи, виброизоляцияли ва вибросүндиргичли материаллар киради. Лекин булардан товушни пасайтиришда энг яхши самара берадигани товуш изоляцияси жумласига кирувчи материаллардир.

Бундай конструкцион материалларга: алюминий, мис ва магний қотишмалари, асбокартон, асбошищали қоғоз, қайнитли фанера, бетон, қаттиқ битум, гетинакс, органик шиша, минерал пахтали ва шиша пахтали плиталар ҳамда бўйралар, «Агат» (пластмасса тури), поливинилхлоридли линолеум, каучук, қаттиқ резина, титанли қотишмалар, қўрғошин, силикатли шиша, слюда пўлат, шишапластик, фибра, тул, битум ШВИМ-18, ТУ-МПХ-446-55 каби маҳсус мастикалар ва бошқалар киради.

Яна шуни таъкидлаш зарурки, бизнинг мамлакатимизда кейинги йилларда саноат миқёсида янги виброДемиферланувчи материаллар (антивибратор, феольгонзол, маҳсус пластмассалар) тадбиқ қилинмоқда, улар ёрдамида турли машина ва қурилмаларда вибрацияни 10—15 дБ га, шовқинни эса 8—10 дБ га камайтиришга имконият яратилди.

Айниқса «Акмигран» жуда самарали товуш ютиш (акустик) хусусиятига эга бўлганлиги туфайли ҳалқ хўжалигининг турли соҳаларида жуда кенг қўлланилмоқда.

Хозирги саноат корхоналарида ишлатиладиган турли конструкция ва қурилмалардаги механик ва аэродинамик шовқинларни кўпайтириш (ошириш) сабабчиларидан биттаси вибрация процессини ҳам ҳисобга олиш зарурдир.

Бу процесс турли кўчлар таъсирида машиналардаги ҳаракатланувчи деталлар даврий характерга эга бўлиши туфайли эластиклик деформацияси вужудга келадики, натижада, бу деформация туфайли вибрация ва инерция кучи ҳосил бўлади.

Вибрация туфайли машина-механизм қисмларида турли тебранишлар, деталларнинг ўзаро урилиши, вал ва подшипникларда қизиш ҳоллари, тегиб турган сирт (юза) ларнинг интенсив ейилиши содир бўлади. Шу билан бирга вибрация миқдорининг нормативдан ошиши яна қўшимча кучланиш (нагрузка) ни, деталнинг

чидаллилік чегарасыннң ошишига ҳамда деталларда синиш ҳолларининг вужудға келишига ҳам сабаб бўлади. Шунга асосан турли машина-механизмлардаги механик узатмаларнинг мавжуд деталларида содир бўладиган вибрациялар қўшимча шовқинни келтириб чиқарадики, бу тегишли саноат корхоналарининг цехларида иш комфортининг бузилишига сабаб бўлади.


Шундай қилиб, саноат миқёсида ишлатиладиган турли технолоѓик машина, механизм ва қурилмаларда шовқин ва вибрациянинг олдини олиш учун зарурй чора-тадбирларни белгилаш зарур. Масалан, шовқин ва вибрация манбаларига вибросүндиригичлар, демпферлар ва машиналар таянчларига турли амортизаторлар қўйиш керак. Тайёрланадиган деталларнинг сирт (юза) ларидаги нотекисликларни камайтириш; айланма деталларнинг мувозанатсиз (дисбаланс) лигини йўқотиш, деталларга тўғри келадиган нагрузкалар иложи борича текис тақсимланишига эришиш, юқорида келтирилган конструкцион материалларнинг қисмлар учун тўғри танланиши ҳам шовқин ва вибрациянинг камайшига сабаб бўлади.

VII б.б.

МЕТАЛЛ ВА ҚОТИШМАЛАРГА ТЕРМИК ИШЛОВ БЕРИШ

Турли металл ва қотишмаларни иссиқ ҳолатда ишлаш процессида уларнинг структура ва хоссаларининг ўзгартилишига термик ишлов бериш дейилади. Қадим замонларда ҳам металларга термик ишлов берилган, лекин унинг назарий асослари фақатгина XIX асрнинг иккинчи ярмида рус олимни Д. К. Чернов томонидан ҳар томонлама очиб берилган. Кейинчалик эса металларнинг тузилиши ва хоссалари (хусусиятлари), иссиқлик таъсери натижасида ўзгариш қонуниятлари илмий асосда А. А. Байров, С. С. Штейнберг, А. А. Бочвар, Г. В. Курдюмов, Р. Д. Садовский, А. П. Гуляев, Ф. Осмонд, Э. Бейн ва бошқалар томонидан такомилластирилиб, ривожлантирилди.

Хозирги вақтда термик ишлов бериш практикаси машинасозлик ва металлургия заводларида ё оралиқ, ёки охирги операция сифатида жуда кенг ишлатилади. Бу операцияларда металл ва қотишмаларнинг техно-



14-расм. Термик ишлаш режимларини ифодаловчи графикалар
а — оддий; б — мураккаб.

логик хусусиятларини (кесиб ишлаш, босим билан ишлов бериш ва ҳоказолар) яхшилаш кўзда тутилган.

Маълумки, машинасозликда кўпгина пўлат ва чўяnlардан, шунингдек, рангли металларнинг қотишмалиридан (бронза, латунь, дуралюминий ва бошқалардан) ясалган буюмларнинг физик, химиявий, механик ва технологик хоссаларини зарур томонга ўзгартириш мақсадида уларга термик, химиявий-термик ва механик-термик (буларни термик ишлашнинг классификациялари ҳам дейилади) ишлов берилади. Бу эса ёғигил, пухта ва чидамли машиналар тайёрлашда, металларни тежашда, хуллас, уларнинг таннархини камайтиришда катта роль ўйнайди.

Пўлатларга термик ишлов бериш процесси ҳам $Fe - Fe_3C$ ҳолат диаграммасига (10-расм) асосланган бўлиб, тегишли диаграмманинг пўлатга доир қисмидан фойдаланиб изоҳланади.

Термик ишлов бериш учун асосий факторлар температура ва унда материални сақлаш ҳамда вакт ҳисобланади. Шунинг учун термик ишлов бериш процесси график ҳолатда ифодаланади. Агар термик ишлов бериш процесси бир операциядан иборат бўлса, оддий (14-расм, а), бир неча операциядан иборат бўлса, мураккаб (14-расм, б) ишлаш процесси дейилади.

1-§. ТЕРМИК ИШЛАШ КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Академик А. А. Бочвар томонидан термик ишлаш классификациялари тавсия этилди. Бу эса ҳозирда

илмий асосда тузилган классификация ҳисобланиб, стандартлаш бўйича маҳсус комиссия томонидан қабул қилинган. Бу эса иссиқлик таъсирида металларда бўладиган физик процессларнинг ўзгариш мөҳиятларини ҳисобга олинган ҳолда тузилган.

Термик ишлашнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Шахсий термик;
2. Химик-термик;
3. Термомеханик.

Шахсий термик ишлаш турли иссиқлик билан қайта ишлашнинг ҳар хил кўринишларини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, металларнинг структураси ва физик-механик хусусиятларини ўзгартиради.

Химик-термик ишлов бериш процессида металл сиртларини бошқа элементлар билан тўйинтириш, қоплаш орқали қаттиқлигини, ейилишга чидамлилигини, коррозиябардошлигини ва шунга ўхшацларини оширидан иборат. Бу диффузияли процесс бўлиб, у қаттиқ ҳолатда содир бўлади, уни юқори температурада узоқ вақт ушлाश ҳам талаб қилинади.

Термомеханик ишлов бериш процесси ҳам металларга янгича метод билан ишлов бериш процесси бўлиб, оддий тоблаш ва юмшатиш вақтида ҳосил қилинадиган механик хусусиятга нисбатан юқори ёки оширилган механик хоссаларга эга бўлган қотишмаларни ҳосил қилишга имкон беради. Бу эса пластик деформациянинг термик ишлов билан биргаликда содир бўлишидир.

2-§. ПЎЛАТЛАРНИ ТЕРМИК ИШЛАШ ТУРЛАРИ

ПЎлатларни термик ишлаш турларига асосан юмшатиш, нормаллаш, тоблаш ва бўшатишлар киради. Бу турларни алоҳида-алоҳида қисқача кўриб чиқайлик (14-расм).


1. *Юмшатиш.* Бу қотишманинг доналарини майдаштириб пластиклигини ошириш, ички нагрузкаларини (кучланишларни) йўқотиб химиявий жиҳатдан структурасини бир жинсга келтиришдан иборатdir.

Саноат миқёсида юмшатишнинг турли хилларидан кенг фойдаланилади:

а) рекристаллизацион юмшатиш асосан совуқлайнин босим остида ишланган буюмларнинг мўртлигини ва ички кучланишларни йўқотиши керак бўлган ҳолларда қўлланилади. Бу хил юмшатишда пўлат буюм (деталь) нинг рекристалланиш температураси (600—

700°C) дан бир оз юқориоқ температурагача қиздириб, шу температурда маълум вақт тутуб турингач, кейин аста-секин совитишга ўтилади. Юмшатиш режимини танлашда албатта буюмнинг материали ва навидан ташқари, деформацияланганлик даражаси, шакли ва габарит ўлчамларини ҳам эътиборга олинади;

б) тўла юмшатиш. Бунда йирик донали қуйма пўлатлар ҳамда поковкаларнинг доналарини бир текис, майда донали қилиш билан ички кучланишларни йўқотиш учун фойдаланилади. Бу хил юмшатишда пўлат буюм маркасига кўра темир-цементит диаграммасидаги GSE чизигидан (30—50°C юқориоқ температурагача қиздирилиб, шу температурда буюмнинг бутун ҳажми бўйича структураси аустенитга ўтгунча тутуб турилади ва аста-секинлик билан совитилади. (14-А расм);



14-расм. Пўлатларни турлича термик ишлов беришда қиздириш температуралари ораликларини ифодаловчи график.

е) чала юмшатиш. Ундан қуйма поковка буюмлардаги (деталлардаги) ички кучланишларни йўқотиш ҳамда механик ишлашдан аввал унинг структурасини яхшилаш мақсадида фойдаланилади. Бунинг учун эвтектоидгача бўлган пўлат буюмлар A_{c1} критик нуқта билан A_{c3} критик нуқта чегарасидаги температурагача, эвтектоиддан кейинги пўлат буюмлар эса A_{c1} критик нуқта билан A^{cm} критик нуқта чегарасидаги температурагача қиздирилиб, шу температурда маълум вақт тутуб турингач, аста-секин совитилади. Натижада, фа-

қат перлит структурасынан қайта кристалланади, қолган структуралар ўзгармайды, шу сабабли бу процесс чала юмшатиш дейилади;

г) диффузион юмшатиш. Гомогенлаш орқали қотишмалар (айниқса, легирланган пўлатлар) химиявий таркибининг нотекислигини йўқотиш мақсадида амалга оширилади. Бўнинг учун пўлат буюм (деталь) Ас₃ критик нуқтадан (200—300°C) юқори температурагача, қиздирилиб, шу температурада 10—15 соат тутиб турйлгач, секин совитиш процессидан иборатdir.

Бу ишловда буюм юқори температурада узоқ вақт тутиб турилиши сабабли унинг доналари асосан йириклишади, шунинг учун, диффузион юмшатилган пўлат буюмни майда донали қилиш мақсадида у қўшимча равишида тўла юмшатилади;

д) сфероидловчи донадор структура учун юмшатиш. Эвтектоиддан кейинги ва легирланган пўлат буюмларни яхши кесиб ишланувчан қилиш мақсадида унинг структурасидаги цементит пластинкаларини шарсимов майда заррачаларга айлантириш учун юмшатилади. Бунинг учун эвтектоиддан кейинги пўлатлар Ас₁ критик нуқтадан юқорироқ (750—760°C) температурагача қиздирилиб, шу температурада маълум вақт тутиб турйлгач, кейин зарурый тезликда совитилади. Маълумки, пўлатни Ас₁ критик нуқтадан юқори температурагача қиздирилганда, перлит аустенитга айланиб, ортиқча цементит эса ўзгармай қолади. Натижада, бу вазиятда структура A + Ц_{II} дан иборат бўлади ва ҳоказо;

е) изотермик юмшатиш. Бу асосан тўла юмшатидаги каби мақсадларда қўлланилади. Бунда эвтектоидгача бўлган пўлат Ас₃ критик нуқтадан, эвтектоиддан кейинги пўлат эса Ас₁ критик нуқтадан (30—50°C) юқори температурагача қиздирилиб, сўнгра Ас₁ критик нуқтадан пастроқ температура (кўпинча 577—650°C) гача тез совитилади-да, бу температурада аустенит феррит билан цементитга батамом парчалангунча тутиб турилади. Шунинг учун бу процессни изотермик юмшатиш дейилади. Изотермик юмшатишда бу юмни тутиб туриш температураси қанчалик паст, яъни ўта совиши даражаси қанчалик юқори бўлса, цементит доначалари шуича майда бўлади. Одатда бу процесс икки печда ёки температура зоналари ҳар хил бўлган печларда ўтиказилади.

Бу процесс циклик тұла юмшатишдагига қаралғанда 3—4 марта қисқароқ, гомогенлаш даражасы анча юқори структурали бўлиб, буюм қирқими бўйича қаттиқлиги текисроқ бўлади. Ана шу афзаликларига кўра изотермик юмшатиш легирланган пўлатларни юмшатишида кенг қўлланилади.

2. Нормаллаш. Бу тур қотишмалардаги (14-расм) ички кучланишларни йўқотиши билан бир жинсли донали структура олишида кенг қўлланилади. Нормаллаш учун эвтектоидгача бўлган пўлат буюмларни Ас₃ критик нуқтадан, эвтектоиддан кейинги пўлатларни эса А_{et} критик нуқтадан (30—50°C) юқори температурагача қиздириб, шу температурада маълум вақт тутиб турилгач, ҳавода совитилади. Нормаллаш натижаси пўлатнинг маркасига ва нормаллаш режимига кўра турлича бўлади. Нормалланган кам углеродли (С < 0,3%) пўлатларнинг структураси феррит билан перлитдан иборат бўлиб, унинг хоссалари юмшатилган пўлатларнидан бир оз фарқ қиласди, холос. Шу сабабли амалда вақтни тежаш мақсадида бундай пўлатлар юмшатилмай, балки нормалланади. Уртacha (С=O, 3÷0,5%) углеродли пўлатларда нормаллаш билан юмшатиш бир-биридан фарқ қилганилиги сабабли нормаллаш юмшатишнинг ўрнини боса олмайди. Лекин шуни ҳам айтиш лозимки, нормаллаш баъзи ҳолларда мураккаб термик ишлаш (тоблаб бўшатиш) нинг ўрнини боса олади.

3. Тоблаш. Кўп ҳолларда конструкцион пўлатлардан тайёрланган буюмларнинг (деталларнинг) пухталигини, асбобсозлик пўлатидан қилинган буюмларнинг қаттиқлиги ва кескирлигини, шу билан бирга пўлатларнинг ейилишга ва коррозияга чидамлилигини ошириш мақсадида улар тобланади. Пўлатларни тоблаш учун GSK чизиқдан (30—50°C) юқорироқ температурагача қиздирилиб, бу температурада маълум вақт тутиб турилгандан кейин тез совитилади (10-расм). Углеродли пўлатлар учун совитувчи муҳит сифатида, кўпинча, совуқ сувдан, легирланган пўлатлар учун эса минерал мойлар ва бошқа эритмалардан фойдаланилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, таркибидаги углерод 0,25% дан кам бўлган пўлатлар амалда тобланмайди, чунки пўлатда углероднинг камлиги аустенитнинг мартенсит структурага ўтиш температурасини кўта-

риб, вужудга келувчи қаттиқ әритманинг қисман парчаланишига олиб келади. Пўлатларни тоблашда пўлат буюмнинг сиртқи қатлами ички қатламига қараганда тезроқ совиши ва структура ўзгаришлари ички кучланишларни вужудга келтириб буюмнинг зўриқишига сабаб бўлади. Ички кучланишлар, кўпинча, тоблашда буюмларнинг дарз кетиб ёрилишига олиб келиши ҳам мумкин, шунинг учун деталь материалыга, шакли ёки ўлчамига ва бошقا сабабларга қўра тоблаш режимларини тўғри белгилаб, технологияларига риоя қилиш шарт.

Тобланган пўлат буюмлардаги ички кучланишларни камайтириш мақсадида тобланган буюм албатта бўшатилади.

4. *Бўшатиш*: Бунда тобланган пўлат буюмларнинг мўртлигини ва ички кучланишларни камайтириш билан бирга уларнинг структураларини яхшилаш мақсадида бўшатилади. Пўлат буюмларни бўшатиш учун улар Ас₁ (727°C) критик температурадан пастроқ температурагача қиздирилиб шу температурада маълум вақт тутиб турилгандан кейин совитилади.


Практикада тасдиқланишича, бўшатиш температураси қанча юқори бўлса, тобланган пўлат буюмнинг қаттиқлигини сақлаб қолган ҳолда ички кучланишлардан холи қилиш мақсадида, буюмлар турли температуralарда турлича бўшатилади, яъни (180—220°C) оралиғида бўшатишга паст температурали бўшатиш дейилади. Зарб билан ишлайдиган тобланган конструкцион пўлат буюмлар, одатда (300—400°C) температура оралиғида бўшатилади ва бундай бўшатиш ўртacha температурали бўшатиш дейилади. Бундай термик ишлашда пўлатнинг мартенсит структураси парчаланиб жуда майда феррит ва цементит заррачалари аралашмасини ҳосил қиласи. Бу структура троостит деб аталади. Агар тобланган сифатли конструкцион пўлат буюмлар (500—600°C) бўшатилса, феррит ва цементит заррачалари аралашмаси ҳосил бўлади ва бу структура сорбит дейилади ва ҳоказо.

Юқоридаги маълумотлардан маълумки, турли температурагача қиздирилганда пўлат буюмларни ҳар хил тўзликда совитиш турлича структура ўзгаришларига олиб келар экан. Шунга қўра, турли хил структура берувчи термик ишловларга турлича ном берилган.

3- §. ПҮЛАТНИ СОВУҚ ҲОЛАТДА ТОБЛАШ

Бу метод 1937 йилда А. П. Гуляев томонидан тақлиф этилган.

Бу методга асосан құшымча қолдик аустенитни түлиқ мартенситтегі айлантириш мақсадыда тобланған пүлатни $+20^{\circ}\text{C}$ дан паст, лекин $t_b - t_o$ интервалдаги температурада совитишни давом эттириш орқали амалға оширилиши күзде тутилған.



15-расм. Мартенситтегі айланышда башланғыч (t_b) ва охирги (t_c) температураларыга углероднинг таъсири.

маълум қисмини ташкил қиласы да уни тоблаш процессидан кейин дархол ўтказиши зарур, акс ҳолда аустенитнинг совиши стабиллашади ва ишлов бериш самарааси қамаяди. Совитиб ишлов бериш натижасыда тегишли материалнинг қаттықлиги ошади, ҳажми ўзгаради, деталлар ўлчамлари стабилланиб барқарор бўлади. Саноат миқёсида энг кўп тарқалған совитиб манбаси қуруқ музнинг ацетон билан (-78°C) аралашмаси ҳисобланади.

4- §. ПҮЛАТЛАРГА ТЕРМИК ИШЛОВ БЕРИШДА ҲОСИЛ БУЛАДИГАН СТРУКТУРАЛАР

Турли илмий, назарий ва практик кашфиётлар, текшеришлар ва кузатышлар шуни кўрсатади, аустенит структуралари пүлат буюм (деталь) ни термик

Совуқ ишлов бериш шундай пүлатлар учун мақсадра мувофиқки, уларнинг мартенситтегі айланиси (t_o) даги охирги нуқтаси хона ҳароратидан паст бўлиши керак. Бундай методни таркибида 0,6% дан юқори бўлган углеродли пүлатларга ишлов беришда қўллаш мақсадга мувофиқидир (15-расм). Шуни таъкидлаш керакки, совуқ ҳолатда ишлов бериш термик ишлов беришдаги умумий циклнинг

ишиш процессида тез совитилса, аустенит перилитга айланишга улгурға олмай, совитиш тезлигига қараб сорбит, троостит ва мартенситга айланади. Аустенит ҳолатидаги пўлатларни совитишда аустенитнинг мартенситга айланишини таъминловчи совитиш тезлиги тобланишнинг критик тезлиги дейилади.

Пўлатларда углерод ва легирловчи элементлар (Со-дан ташқари) қанча кўп бўлса, критик тезлик шунчак кичик бўлади. Шундай қилиб, аустенит структуралари буюмни (детални) маълум тезликда совитиш йўли билан уни бошқача хоссали структурага айлантириш мумкин.

Худди шундай, пўлатларни тез совитиш натижасида вужудга келадиган структуралар билан қисқача танишайлик.

Сорбит — бу перлит структураси сингари ферритнинг цементитли механик аралашмасидан иборат. Унда феррит ва цементит доналари анча майдада бўлади, чунки пўлатни совитиш тезлиги бу доналарнинг ўсигига тўқсинглик қиласи. Сорбит, одатда, аустенитнинг 50—70 град/с тезлик билан совитиландаги парчаланиш маҳсулотидир. Бу структуранинг қаттиқлиги $HB=2300 \div 3200$ МПа оралиғида ўзгаради.

Троостит — структураси ҳам механик аралашма бўлиб, унда феррит ва цементит доналари сорбит доналарига қараганда янада майдароқдир. Троосит одатда, аустенитни 80—100 град/с тезлик билан совитиб ҳосил қилинади, структуранинг қаттиқлиги $HB=3300 \div 4200$ МПа чегарада ўзгаради.

Мартенсит структураси аустенитнинг секундига 150°С дан юқориго тезликда совитилиши орқали ҳосил қилинади. Мартенсит углероднинг темирдаги қаттиқ эритмаси бўлиб, унинг қаттиқлиги анча юқори, яъни $HB=6000 \div 6500$ МПа оралиқда бўлиши мумкин.

5-§. РАНГЛИ МЕТАЛЛАР ҚОТИШМАЛАРИНИ ТЕРМИК ИШЛАШ

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, турли металлургия ва машинасозлик корхоналаридаги металл ва қотишмаларни термик ишлаш цехлари мавжуд. Ана шу цехларда рангли металлар қотишмаларининг фи-

зик-механик хоссаларини яхшилаш учун термик ишлешнинг ҳамма турлари (қўринишлари) бўйича ишлов берилади.

Бундан ташқари баъзи зарурий рангли қотишмаларга химик-термик ва термик-механик ишлов берилиши мўмкин.

Шунинг учун баъзи рангли (алюминийли, мис ва титанли) қотишмаларга термик ишлов бериш тартиблари ёки процесслари билан қисқача танишиш мақсадга мувофиқдир.

Алюминийли қотишмалар. Саноат миқёсида ишлов бериладиган алюминий қотишмалари таркибида 10% дан камроқ легирловчи элементлар бўлади; уларнинг структуралари эса кам легирланган қаттиқ эритмадан ва ажралиб чуқувчи интерметаллидлар (Al_2Cu , $Al_2CuMg \cdot MgSi$ ва бошқалар) дан тузилган. Бу қотишмаларда фақат бир кўринишдаги фазали айланишлар кузатилади, яъни қиздириш (совитиш) вақтида интерметаллидларнинг парчаланиш процесси содир бўлади.

Амалда алюминийнинг ҳамма қотишмалари мувозанат ҳолатида жуда юқори пластикликка ва кам мустаҳкамликка эга бўлади, лекин уларнинг структуралари ҳар доим ҳам мувозанатда бўлавермайди.

Интерметаллидли қўйма қотишмалар нотекис совитилиши туфайли уларнинг доначалари атрофида қаттиқ эритма бўлакчалари ҳосил бўладики, бу мувозанатсиз совиш ва қотишлар, тегишли қотишманинг пластиклигини жуда тез пасайтиради. Натижада, бу мувозанатсизлик ҳолатини йўқотиш учун деформацияланувчи алюминий қотишмалари қўшимча юмшатилади, натижада қотишма доначалари тартибга келтирилади. Юмшатилиш температураси эса ҳолат диаграммасидан одинади ёки танланади.

Алюминийли қотишмалар саноат учун гомогенлаш (текислаш ёки тартибга солиш) температураси (450 ... 520°C) оралиғида бўлиб 4 ... 40 соат давомида ушланади. Юмшатилиш натижасида уларнинг коррозияга чидамлилиги ошади.

Юмшатиш режими одатда иккӣ шароитга (факторга) қараб танланади:

1. Диффузион процессларнинг боришини тезлаштиридиган температура таъминланган бўлиши зарур.

2. Практик вақти қулай (оптимал) бўлиши керак.

Саноат қотишишмалари ($350 \dots 450^{\circ}\text{C}$) да 1 ... 2 соат давомида юмшатилади.

Тоблаш орқали ҳам алюминийли қотишишмаларнинг мустаҳкамлигини ошириш мумкин. Масалан, Д16 (дуралюминий) қотишишмани $495 \dots 505^{\circ}\text{C}$ сувда тоблаш орқали $\sigma_{\text{в}}$ нинг қиймати 200 дан 300 МПа ва $\delta = 23 \dots 25\%$ га кўтаришиши мумкин.

Титанли қотишишмалар. Бундай турдаги қотишишмаларнинг хоссаларини яхшилаш учун термик ишлаш турларини юмшатиш, тоблаш химик-термик ишлаш усулларидан фойдаланилади.

Титан ва унинг α — қотишишмаларидан ички кучланишларни тушириш учун юмшатилади. Бунинг учун юмшатиш температураси рекристалл юмшатиш температурасидан юқори бўлиши керак, лекин барibir бу температура $\alpha \rightarrow \beta$ қотишишмага ўтиш давридаги температурадан ошмаслиги керак. Шунинг учун титан ва унинг α — қотишишмаларини юмшатиш температураси ($670 \dots 800^{\circ}\text{C}$), вакуумда 3 соат давомида ушлаш орқали бажарилади.

Мис ва унинг қотишишмалари. Тоза ва техник тоза мисни совуқ ҳолда прокатлашдан олдин у ($500 \dots 600^{\circ}\text{C}$ гача) қиздирилиб пластиклиги оширилади. Мис қотишишмалари асосан ($600 \dots 700^{\circ}\text{C}$) оралиқда юмшатилади.

Совитиш сув ёки ҳавода олиб борилади. Кичик доначали структуралари 2 — латунларни олиш, яхши сифатли сиртларни таъминлаш учун юмшатиш температураси $450 \dots 550^{\circ}\text{C}$ дан ошмаслиги керак. Қалайли бронзаларни эса $700 \dots 300^{\circ}\text{C}$ да юмшатилганда уларнинг химиявий таркиби тартибга солинган бўлади. Бундай қотишишмалар таркибида $8 \dots 14\%$ Sn бўлса ва узоқ вақт сақланса, у ҳолда бир фазали α — структуралари қотишишмалар олишга имкон бўлади. Агар бронзалар таркибида 14% дан кўп Sn бўлса, у ҳолда юқоридаги режим бўйича юмшатиш процессидан кейин ҳам барibir маълум миқдорда мўртлик хусусияти сақланиб қолади ва $700 \dots 750^{\circ}\text{C}$ температура таъсирида тоблаш процессида қизитиб босим билан ишланишин анча яхшилади.

Алюминий бронзаларнинг $800 \dots 900^{\circ}\text{C}$ температурада структураларидаги доначалар текисланади, $650 \dots 800^{\circ}\text{C}$ да рекристал юмшатилиб, термик ишлашни мустаҳкамлайди. Термик мустаҳкамланган бронза-

Бр. АЖН 10—4—4 980°C да тобланади ва 400°C да юмшатилади. Мис қотишмалари учун термик ишланинг бошқа режимлари, яъни: 900°C да сувда тоблаш, 650°C 1,5...2 соат давомида юмшатиш кабилардан фойдаланилади.

Тобланган шу маркадаги бронзалар учун механик хоссалар $\sigma_b = 600 \dots 650$ МПа, $NB \approx 4000$ МПа, $\delta = 5\%$ дан иборат бўлади.

Термик мустаҳкамланиши мумкин бўлган бронзалардан Бр. АЖМцК 10—4—1—0, Бр. МцК 12—2, Бр. Б2 ва бошқалар шулар жумласидандир.

6-§. ПУЛАТЛАРНИ ХИМИЯВИЙ-ТЕРМИК ИШЛАШ

Маълумки, халиқ ҳўжалиги соҳаларида турли мақсадлар учун фойдаланиладиган ҳар хил конструкциядаги механизм — машиналарга турли конструкцион материаллардан тайёрланган жуда кўп деталлар, қурилмалар ва асбоблар ишлатилади.


Ана шу деталлар, қурилмалар ва асбобларининг (турли тишли ғилдираклар, калибрлар, кескичлар ва ҳоказолар) пухталигини ёки қаттиқлигини ошириб, ейилишга чидамли қилиш мақсадида шу металл химиявий-термик ишланади. Бунда химиявий актив муҳитнинг атомлари деталь юзасига диффузияланиб, уни тўйинтира боради, маълум қалинликгача (қатламгача) ўтади. Агар худди шундай муҳит — газлардан фойдаланилса (газ муҳит $CO; NH_3$ бўлса), у ҳолда бундай муҳит молекулаларининг металлда эрийдиган актив эркин атомларга парчаланиши, бу атомларининг металл юзасига ютилиб, чуқурроқ қатламларига ўтиши мумкин.

Қотишмаларни химиявий-термик ишлаш турларига асосан цементитлаш, азотлаш, цианлаш, хромлаш, алюминийлаш ва бошқалар киради. Ана шу химиявий-термик ишлаш турларининг баъзи саноат миқёсида кўпроқ ишлатиладиганлари билан қисқача таништириб ўтамиз.

Цементитлаш процесси асосан тегишли буюмларнинг (деталларнинг) сиртқи қатламини углеродга тўйинтиришдан иборат. Масалан, кам углеродли пўлат ($0,1 - 0,3\% C$ ли) буюмларнинг сиртқи қатлами углеродга тўйинтирилганда сиртининг қаттиқлиги

ошиб; ички қисми эса юмшоқ ва қоңушоқлигича қолади. Бу эса тегишли детални (буюмни) зарбий күчдар таъсирига чидамли, кам ейнладиган қилади. Пўлат буюмларнинг сирт қатламини углеродга тўйинтириш процесси қўйдаги муҳитларда олиб борилиши мумкин.

1. Қаттиқ моддалар муҳитида (карбюризаторларда) цементит ишланадиган буюмлар углеродга бой моддалар билан маълум тартибда темир қутига (идишга) жойланиб, қути қопқоқланганча, унинг мавжуд тирқишилари ўтга чидамли гид билан зич қилиб шувалади, кейин қутини тегишли печга киритиб 910—980°C температурада қиздирилади ва шу температурада бир неча соат тутиб турилади. Бунда қутидаги углеродга бой моддалар (писта кўмир ва карбонатлар) орасидаги ҳаво кислороди углерод билан реакцияга киришади, қути ичидаги кислород миқдори оз бўлғанлиги учун CO₂ ўрнига CO ҳосил бўлади. CO гази бу температурада барқарор бўлмагани учун пўлат буюмга (деталга) текканд парчаланиб, атом холидаги углеродни ажратиб чиқаради, яъни:



ажралиб чиқсан углерод атомлар буюм юзасига ўтиб, уни углеродга тўйинтиради.

2. Газ моддалар муҳитида деталларни термик ишлаш процессида 910—930°C температурада қиздирилган герметик печь камерасидаги буюмдан маълум тезликда углеводород газлари ўтказиб турилади. Бу шароитда печь камерасидаги газларнинг парчаланиши натижасида ажралган атомлар углерод буюмларнинг сиртқи қатламларига диффузияланади, яъни углерод қатлами билан қопланади.

3. Суюқ муҳитларда цементитлаш учун деталларнинг сиртқи қатламларини ўглеродга тўйинтириб, юпқа (0,5 мм гача) қатлам олишда фойдаланилади. Одатда, процесс 75—85% Na₂CO₃, 10—15% NaCl ва 5—10% SiC аралашмаларини 820—850°C температурагача қиздириладиган ванналарда олиб борилади. Тузлар аралашмасида кремний-карбид ва сувсизлантирилган сода мавжудлиги туфайли ванинада қўйидаги реакция боради, яъни:



бўлиб, ажралган углерод атомлар буюмнинг сиртқи қатламига ўтади.

Ваннада буюм (деталь) 30 минутдан 2 соатгача тутиб турилиши натижасида 0,5 мм гача цементитланган қатлам ҳосил қилинади.

Азотлаш процесси тегишли буюмларнинг сиртқи қатламини азотга тўйинтиришдан иборат. Бу процесс таркибида 0,1 — 0,4% гача углероди бўлган пўлатларга татбиқ қилинади.

Масалан, оғир шароитда ишлайдиган деталлар (двигатель гильзалиари ва бошқалар) нинг сиртқи қатламини жуда қаттиқ, ейилишига чидамли ва коррозияга бардошли қилиш билан толиқиши чегарасини орттириш мақсадида азотга тўйинтирилади. Бу процесс, одатда, герметик реторталарда (муфелларда) 500—600°C температурада олиб борилади. Бунинг учун буюмни печь ретортасига жойлаб, кейин унга баллондан маълум тезликда аммиак юборилади. Бу шароитда аммиакнинг парчаланиши ($2\text{NH}_3 \rightarrow 2\text{N} + 3\text{H}_2$) натижасида ажралган атомлар азот буюм юзасига ютилади. Худди шундай Al, Cr, Mo ва бошқа элементлар ҳам ютилиб, ниҳоятда майдаги натриидлар (AlN, CrN) ҳосил бўлади. Бунинг ҳисобига буюм сиртқи қатламиниң қаттиқлиги юқоридаги цементитлаш усулидагидан анча юқори (Бринель бўйича HB=1000—1200 МПа) бўлади. Азотланган қатлам қалинлиги азотлаш температурасига, вақтига, буюм материалыга, газнинг тозалигига ва бошқа факторларга боғлиқ бўлади.

Цианлаш процесси тегишли буюмларнинг (дёталларнинг) сиртқи қатламларини бир вақтда ҳам углерод, ҳам азот билан тўйинтиришдан иборат. Бу процесс таркибида (0,2 — 0,4) гача углерод бўлган конструкцион пўлатларга татбиқ қилинади. Шунинг учун бу усулда ишлов берилган деталь ва кесувчи асборларнинг сиртқи қатлами қаттиқлашади ва ейилишига чидамли бўлади. Бу процесс 820—950°C температурада қаттиқ масалан, (30 — 40%) сариқ кон тузи ($\text{K}_4\text{Fe}(\text{CN}_6)$, 10% сода (Na_2CO_3) ва қолгани писта кўмирдан иборат аралашма ёки ционли тузлар, масалан, 6% NaNC , 80% BaCl_2 , 14% NaCl дан иборат аралашмалар эритмаларида, ёхуд газ муҳитида (ёритиш гази билан аммиак аралашмасида) олиб борилади. Процесс давомида С билан N атомлари ажралиб,

буюм юзасиға ютилади. Одатда юқори температурада цианланған буюмлар тобланиб, сүнгра бұшатилади. Лекин бу усулнинг асосий камчилиги шундан иборатки; процесса зақарлы циан газлари ажралади, шу сабаби буюмларни цианлашда тегишли хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилиш лозимдир.

7-§. ПУЛАТНИ ТЕРМОМЕХАНИК ИШЛАШ

Бирор тегишли материални ёки конкрет ҳолда пўлатни АС₃ критик нуқтадан юқорироқ температурагача қиздириб, зарур вақт шу температурада тутиб турилғандан кейин, ё шу температуранинг ўзида ёки рекристалланиш температурасидан пастроқ температурада совитилғач босим билан унга ишлов берилиб, сўнгра тоблаш ва тобланғандан кейин паст температурада уни бұшатиш процесси термомеханик ишлаш процесси деб аталади. Бинобарин, деформациялаш температурасига кўра термомеханик ишлаш юқори температуралари ва паст температуралари термомеханик ишлашларга бўлинади.

Юқори температуралари термомеханик ишлаш (ЮТТМИ) процесси АС₃ критик нуқтадан юқори температурагача қиздириш, шу температурада зарур вақт тутиб туриб, пўлат структурасини аустенитга айлантириш, сўнгра босим билан ишланғандан кейин тез совитишдан (тоблашдан), яъни аустенитни мартенситга айлантиришдан иборат.

Паст температуралари термомеханик ишлаш (ПТТМИ) да пўлат АС₃ критик нуқтадан юқорироқ температурагача қиздирилиб, унинг структураси аустенитга айлантирилади. Шундан кейин пўлат рекристалланиш температурасидан паст (400—500°C) температурагача тез совитилади ва шу температурада босим билан ишланади. Босим билан ишланған пўлат маълум вақт ўтгандан кейин совитиб, аустенит мартенситга айлантирилади. ЮТТМИ да ҳам, ПТТМИ да ҳам материал тобланған паст температурада бұшатилади.

ЮТТМИ да пўлатнинг пухталиги анча юқори $\sigma_b = 2200—3000 \text{ Mn/m}^2$ бўлади, бунинг сабаби шуки, пўлат босим билан ишлагайда аустенит доналари майдаланади ва майда пластинкалар ҳосил бўлади.

ЮТТМИ процессида ишлов бериладиган буюм 1050...1100°C температурагача қиздирилиб, 900—950°C

гача совутылганда 25 ... 30% гача деформацияланади, мартенситда тобланади ва паст температурада бұшатылади.

ЮТТМИ дан кейин конструкцион пұлатлар (хромникелли, хромоникеломолибденли) юқори мустақамлиги ($\sigma_B = 1800 \dots 2600$ МПа), яхши пластикликлари ($\delta = 8 \dots 12\%$) ва юқори урилиш ёпишқоқлиги билан бир-биридан ўзаро фарқ қиласы.

ПТТМИ процессида 1050 ... 1100°C дан 450—550°C оралиғида мартенситта тобланган ўрта углеродлы легирланған пұлатларнинг урилиши ёпишқоқлиги 1,5 ... 2 мартоба күпаяди, пластиклари 6—8% оралиқда сақланганда $\sigma_B = 2800 \dots 30000$ МПа бўлади.

ПТТМИ процессида кристалл панжаралардаги деформация натижасида ҳосил бўладиган нүқсанлар ҳам аниқланиши мумкин. Деформацияланган аустенитни тоблашда анча майда мартенсит доначалари ҳосил бўлади, ички кучланиш ҳам камаяди. ЮТТМИ анча осон (оддий), ПТТМИ эса мураккаброқ процесидир.

Паст температурада термомеханик ишланган пұлатнинг пухталыги юқори температурада ишланган пұлатницидан анча юқори бўлади. Масалан, лиғирланған конструкцион пұлатлар ПТТМИ дан кейин уларнинг чўзилишидаги мустақамлик чегараси $\sigma_B = 2700 \dots 3200$ Мн/М² бўлиб қолади. Бунинг сабаби шуки, ПТТМИ да босим билан ишлаш температурасида пұлатда рекристалланиш процессининг дастлабки босқичлари содир бўлиши мумкин, чунки бунда пұлат рекристалланиш температурасида юқори босим билан ишланади.

Термомеханик ишлашнинг афзаллilikлари шундаки, бу процессда пұлат тоблаш учун қайта қиздирилмайди, бинобарин, вақт ҳам, энергия ҳам тежалади, шунинг учун қиздириш печларига бўлган эҳтиёж камаяди, пұлатнинг механик хоссалари анча ошади. Демак, термомеханик ишлаш усули бошқа термик ишлаш усулларига нисбатан анча прогрессив ҳисобланади.

8-§. ТЕРМИК ИШЛАШ ЦЕХЛАРИДАГИ АСОСИЙ ҚУРИЛМАЛАР ВА АСБОБЛАР

Маълумки, ҳар қандай машинасозлик корхоналаридан термик ишлаш цехлари мавжуд бўлиб, бу цехлар асосан турли конструкциядаги қиздириш печлари, тоблаш (совитиш) қурilmалари, температура режимлари-

ни контролъ қилиш асбоблари (турли термометрлар) пиromетрлар, терморостлагичлар ва ҳоказолар), ювиш машиналари ва бошқалар билан жиҳозланган бўлади. Ана шу асосий қурилма ва асбоблар ва уларнинг ба-жарадиган ишлари билан танишамиз.

Қиздириш печлари асосан конструкциялари бўйича камерали (даврий ишлайдиган), методик (узлуксиз ишлайдиган) печларга: иссиқлик ҳосил қилиш жиҳатидан нефть печлари, газ печлари ва электр печларига; вазифаси жиҳатидан эса юмшатиш, тоблаш, бўшатиш, цементитлаш, цианлаш печлари ва бошқаларга бўлиниади.

Термик ишлаш учун қиздирилаётган деталларга иссиқликнинг берилиши жиҳатидан олинганда, тегишли қиздириш печлари бевосита иссиқлик узатиладиган печлар, билвосита иссиқлик узатиладиган печлар ҳамда ванна печларига бўлинади.

Бевосита иссиқлик узатиладиган печларга камерали ва методик печлар, *бильвосита иссиқлик узатиладиган печларга* эса муфелли печлар мисол бўла олади. *Ванна печлар* махсус тигеллардан иборат бўлиб, бу тигелларда суюқлантирилган туз, металл (қўрошин) ва бошқалар бўлади. Деталлар муайян температурали ана шу суюқликларга ботириш йўли билан қиздирилади ва ҳоказо.

Юқорида номлари келтирилган печлар конструкциясининг баъзиларида деталларни термик ишлаш тартиби ва вазифалари қўйидагилардан иборат:

Камерали печларда махсус камералар бўлиб, қиздириладиган деталлар ана шу камераларга жойланади ва ёқилғи ёки электр энергияси иссиқлиги ҳисобига қиздирилади. Камерадаги деталларга иссиқлик алансгадан ва қизиган газлардан бевосита ёки электр билан қиздириш элементларидан нурланиш орқали ўтади.

Даврий равишда ишлайдиган печлар ичida туби қўзғалмас камерали печлардан, айниқса, деталларни яккалашиб ва майда сериялаб ишлаб чиқаришда термик ва химиявий-термик ишлашда кенг кўламда фойдаланилади. Иирик деталларни термик ишлашда (юмшатиш ва нормаллашда) туби (пастки қисми) сурилма камерали печларда фойдаланилади. Тубининг сатҳи қўзғалмас камерали печларда $0,5$ дан 6m^2 гача, тубининг сатҳи қўзғалувчи камерали печларда эса 3 дан 20 m^2 гача етади.

Муфелли печларда деталлар қалпоқ (муфель) би-дан беркитилади, муфель эса аланга ва қизиган газлар ёки электр энергияси билан қиздирилади. Бинобарин, деталларга аланга ҳам, қизиган газлар ҳам тегмайди. Бундай печлар қиздирилаётган деталларга аланга ёки қизиган газлар тегмаслиги керак бўлган ҳолларда, ма-салан, деталларни оқартма юмшатишда, газ муҳитда цементитлаш ва бошқаларда ишлатилади.

Нефть печларида иссиқлик суюқ ёқилғи мазутнинг ёниши ҳисобига ҳосил қилинади, мазут эса форсунка орқали пуркаш йўли билан ёндирилади. Нефть печлари конструкциясига кўра, туби қўзғалмас ва туби қўзғалувчи камерали ва методик печларга бўлинади. Каме-рали печлар ҳам даврий, методик печларга бўлинниб; узлуксиз равишда ишлади. Лекин методик печлар каме-рали печларга қараганда унумлироқ бўлади.

Газ печларида иссиқлик ёнувчи газларнинг ёниши ҳисобига ҳосил қилинади. Газ печлари конструкцияси жиҳатидан туб сатҳи қўзғалмас ва туб сатҳи қўзғалув-чи камерали печларга, муфелли ва муфелсиз печлар ва бошқаларга бўлинади. Газ печлари нефть печларига қараганда анча тежамли бўлади ва металлнинг яхши ҳамда бир текис қизишини таъминлайди.

Ҳозирги вақтларда кўпгина заводларнинг термик ишлаш цехларида радиацион (иссиқлик нури сочувчи) трубалар билан ускуналанган муфелсиз печлар ҳам ишлатиладиган бўлди. Бундай печларда газ иссиқка бардошли пўлатдан сиртқи диаметри 80—90 мм, девор-рининг қалинлиги эса 4—6 мм қилиб тайёрланган тру-баларда ёндирилади, натижада трубаларнинг деворла-ри юқори температурагача қизиб, иссиқлик сочувчи манба бўлиб қолади.

Электр печларда иссиқлик электр энергияси ҳисоби-га ҳосил қилинади. Электр печлар ҳам, конструкцияси-га кўра камерали, шахтали, барабанли ва бошқа печ-ларга бўлинади.

Тоблаш (совитиш) қурилмалари жумласига тоблаш баклари ва ювиш машиналари киради.

Тоблаш баклари асосан совитувчи воситалар (сув, тўз, ишқорлар ва ҳоказо) нинг сувдаги эритмалари, эмульсиялар, минерал мойлар ва бошқалар солинган идишлардир. Бундай баклар механизациялаштирилма-ган ва механизациялаштирилган (конвейерли) бўлиши мумкин. Одатда тоблаш баклари қиздириш печларининг

ёнига ўрнатиласи. Бундай бакдаги суюқлик деталларни тоблашда исиб кетмайдиган миқдорда бўлиши лозим. Масалан, тобланган 1 кг пўлатга 5—6 литр сув ёки 10—12 литр мой тўғри келиши керак. Лекин механизациялаширилмаган бакларнинг сифими турлича бўлиб, бир неча ўн куб метрга етади. Баъзан, қўшалоқ мойли ва сувли баклар биргаликда ишлатилиши мумкин.

Ювиш машиналари орқали тобланган деталларни қурумдан, тузлар ва мойдан тозалаш учун конвейерли ювиш машиналаридан фойдаланилади. Бундай машиналар узлуксиз ишлаб туради. Ювиш эритмаси сифатида ишқорнинг (каустик соданинг) сувдаги эритмаси ишлатилади, машина бакида бу эритманинг температураси $80\pm90^{\circ}\text{C}$ оралигига сақланади. Натижада, тобланган деталлар машинанинг конвейер лентасига берилади ва лента билан бирга ҳаракатлана бориб, қайноти эритманинг кучли оқими таъсирида тозаланади.

Деталларни термик ишлаш цехидаги печлар ва қурилмаларнинг зарурӣ температуралари турли термометрлар, термоэлектрик ва оптик пиromетрлар ҳамда потенциометрлар (терморостлагичлар) ёрдамида контролъ қилиниб турилади.

Спиртли ва симобли термометрлар ана шундай асбоблардандир. Улардан суюқ ва газ муҳитларнинг -150 градусдан $+600$ градусгача бўлган температураларини ўлчашда фойдаланилади.

Термоэлектрик пиromетрлар деярли барча термик ишлаш процесслирида ишлатилади. Бундай пиromетрлар термопара ва гальванометрдан иборат бўлади. Масалан, 600 градусгача температураларни ўлчаш учун хромель ва копель симларидан, 1000 градусгача температураларни ўлчаш учун эса платина ва платина-радий қотишмаси симларидан тайёрланган термопаралардан фойдаланилади.

Оптик пиromетрлардан 600 градусдан юқори температураларни контролъ қилиш учун фойдаланилади. Бундай конструкциядаги пиromетрларнинг ишлаш принципи металлининг чўғланиш ранги асбоб лампочкаси толасининг чўғланиш ранги билан таққослашга асослангандир.

Ҳозирги вақтда термик ишлаш цехларида электронли терморегуляторлар ҳам кенг қўлланилмоқда.

VIII б о б

МЕТАЛЛАР ҚОРРОЗИЯСИ ВА ҮНГА ҚАРШИ КУРАШ УСУЛЛАРИ

Коррозия деб металларнинг ташқи муҳит билан таъсирланиши натижасида ейилиши, ёки парчаланишига айтилади. Коррозия ўта заарли бўлиб, халқ хўжалиги учун катта зарар келтиради. Масалан, коррозия таъсирида йўқотилган заарни тиклаш учун эритиладиган металларнинг 10% ини сарфлаш керак. Бундан ташқари турли қурилмалар, иншоотлар, машина, механизм қисмларининг коррозияланиши туфайли турли аварияларнинг содир бўлиши ва уларни тиклашга қилинадиган сарф-харажатлар экономикамизга катта салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун коррозияга қарши курашиш энг актуал масалалардан биридир.

Коррозияланиш иккى хил — химиявий ва электрохимиявий коррозияланишларга бўлинади.

Химиявий коррозия асосан металларга қуруқ газлар ва суюқ ноэлектролит (нефть, бензин, спирт ва ҳоказо) ларнинг ўзаро таъсири натижасида содир бўлади, яъни металл сиртида коррозия қатлами ҳосил бўла бошлияди. Газли коррозия энг кўп тарқалган химиявий коррозия турларидан бўлиб, у температура ошганда содир бўлади. Температуранинг ошиши билан химиявий реакциянинг тезлиги ва оксидланувчи атомларнинг коррозия қатлами (пардаси) бўйлаб диффузияланиши ҳам ошади.

Масалан, углеродли пўлатлар, титан, тантал оддий шароитда жуда чидамлидир, лекин температура 600 градусдан ошиши билан уларнинг коррозияланишлари тезлашади. Газли коррозия жуда хавфли бўлиб, у температура ошиши билан газ трубиналарининг курраклари, реактив двигателларнинг соплолари ва бошқаларнинг тезда ишга яроқсиз бўлиб қолишига сабаб бўлади.

Электрохимиявий коррозия асосан металларнинг электр ўтказувчи суюқликлар — электролитлар билан контактда бўлганида вужудга келади. Бундай коррозия турли металл ҳажмли идишлар, трубопроводлар, машина деталлари ва иншоотларнинг (қурилмаларнинг) стационар қисмларга турли кислоталар, ишқорлар, денгиз, дарё, нам тупроқ сувлари, нам ҳаво ва ҳозазоларнинг таъсири натижасида содир бўлади.

Металл ионларининг мусбат зарядлари электролит

эритмасига теккизилгандан унинг мусбат зарядлари эритмага ўтади ва металл манфий зарядланади, электролит эса мусбатлашиб қолади. Натижада металл ва электролит орасида потенциаллар айрмасининг фарқи ҳосил бўлади. Шунинг учун у ёки бу металлнинг коррозияга чидамлилигини билиш ёки аниқлаш учун ундаги потенциал шартли ҳолатда нолга тенг деб қабул қилинган водороднинг потенциали билан солиштирилди ва тегишли хулоса чиқарилади. Металларнинг электрохимиявий потенциаллари ҳар хил бўлади, шунинг учун баъзи металлар қаторида уларнинг электрохимиявий потенциалларининг камайиши тартибида куйидагича жойлаштириш мумкин; яъни Au, Ag, Cu, Bi, Sn, Pb, Ni, Co, Fe, Cr, Zn, Mg, Al ва ҳоказо.

Емирилиш характеристи бўйича коррозиялар тўлиқ, маҳаллий, танлаш, кристаллараро ва кучланиш таъсиридаги коррозиялардан иборат бўлиб, улар ўзаро қуидагича фарқ қилинади. Текис (тўлиқ) коррозияга учраган металлнинг бутун сирти ёки юзаси тахминан бир хил тезликда емирила боради. Маҳаллий коррозияда металлнинг алоҳида катта ёки кичик конструкция қисмлари емирилади. Қотишманинг танланган қисмлари коррозияланган тақдирда уларнинг баъзи структуралари емирилиши мумкин. Кристаллараро коррозияда, эса чегаралардаги коррозияланган доначалар аралашган бўлади. Бу коррозия жуда хавфлидир, чунки унинг ўз вақтида аниқланиши ва ривожланиш даражасини аниқлаб олиш мушкул. Шунинг учун баъзи ҳолларда конструкцияларда тўсатдан фожиали бузилишлар ёки қўпоришлишлар содир бўлади. Юқорида қайд қилинган коррозия турларининг ҳаммасидан ҳам хавфлироғи кучланиш таъсирида бўладиган коррозиядир. Бу коррозия металл конструкциясида чўзувчи кучланиш мавжуд бўлса, унинг маълум бир таркибида коррозион муҳит содир бўлади.

1-§. КОРРОЗИЯГА ҚАРШИ КУРАШ УСУЛЛАРИ

Ҳозирги вақтда коррозияга қарши курашишнинг турли усуллари маълум. Биз уларнинг баъзилари хусусида тўхталиб ўтамиз. Легирлаш ёки қоплаш йўли билан металл сиртига мустаҳкам ва зич оксидли парда ёки бошқа материал қоплаш орқали коррозиядан муҳофаза қилиш мумкин. Титан, хром, никель ва бошқа

Химиявий элементлар лөгирлөвчүй элемент бўлиши мумкин. Коррозияланиши мумкин бўлган сирт ёки юзани лөгирлөвчий металл ёки қопланган бошқа элементнинг пардаси пассивлаштирганлиги учун уни *пассивлаштириш ҳодисаси* дейилади. Агар металл сиртини лөгирлөвчи ёки қопловчи компонентлар қатлами зич ва текис бўлмаса, у ҳолда металлнинг коррозияланиши давом этаверади. Пассивлаштириш ҳодисасидан турли занѓламайдиган, кислоталарга чидамли ва бошқа қотишмалар ҳосил қилишда фойдаланилади. Қопловчи материаллар сифатида никель, мис, қўрғошин, углеродли ҳамда кам лөгирланган пўлат ва ҳоказолардан фойдаланиш мумкин. Уларнинг коррозия бардошлиги сақловчи материал (металл) ларга нисбатан юқори бўлганлиги учун *катодли қопланалар* дейилади. Агар қопловчи металларнинг коррозия бардошлиги қопланishi керак бўлган металларнидан паст бўлса, *анодли қопланалар* дейилади.

Коррозиядан сақлаш учун металларни оксид пардаси билан қоплаш методи ҳам қўлланилади. Қўпроқ қора металлар оксидлантирилади, яъни қиздирилган NaOH ва натрий нитрат эритмасига металл ботирилади, натижада у Fe_3O_4 нинг қора ёки сариқ пардаси билан қопланади. Бу усул анодлаштириш усули дейилади. Алюминий ва унинг қотишмаларини сульфат ва бошқа кислота эритмаларига ботириш орқали коррозиядан муҳофаза қилинади. Оксидли пардалар кумуш, латунь ёки бронза рангидаги бўллади. Шунингдек пўлатлар сиртига эримайдиган фосфатли пардалар қоплаш билан ҳам уларни атмосфера коррозиясидан сақлаш мумкин.

Булардан ташқари бирор металлга, бошқа коррозияга бардошлиги юқори бўлган металлни қоплаш орқали ҳам коррозия бардошликни ошириш мумкин. Бу усул қўпроқ денгиз транспортининг пўлат корпусли қисмларини коррозиядан муҳофаза қилишда қўлланилади. Бундай қисмлар маълум вақт ўтгач, рухли пластинка билан қопланаб турилади.

Бу усул шунингдек самолётсозликда, буғ қозонлари, трубопроводлар ва бошқаларни коррозиядан ҳимоя қилишда ҳам қўлланилади.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқариладиган деярли ҳамма металл буюмларнинг 60 проценти турли нометалл материаллар билан қопланган. Бундай нометалл материаллар жумласига турли лок бўёклари, алифлар,

мойлар, смолалар, пластмассалар, резина ва уларнинг аралашмалари киради. Улар билан қоплаш бөшқа, юқоридаги усулларга нисбатаң, жуда оддий, камхаражат бўлганлиги учун ҳалқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида кенг қўлланилади.

2- §. ЗАНГЛАРНИ ЙЎҚОТАДИГАН БИРИКМАЛАР

Техника, турли уй-рўзгор анжомлари учун тайёрланган деталлар аксарият занглаған бўлади. Бундай зангларни механик усулда йўқотиш керак. Бунинг учун қумқоғозлар, наждак, пўлат чўткалар ва ҳоказалардан фойдаланиш зарур. Лекин бу усул жуда кўп меҳнат талаб қиласи. Шунинг учун саноат миқёсида зангларни йўқотишда иш унумли ва тайёрланган буюм сифатли чиқиши учун химиявий усулларнинг қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

Зангларни йўқотиш учун саноат миқёсида П-1, П-2, В-1ГП, «Омега-1» ва ҳоказо шу каби аралашмалардан фойдаланилади.

Масалан, «Омега-1» суюқлигидан автомобилнинг металл қисмидаги зангларни йўқотишда фойдаланиш мумкин. Бу қисмларнинг узоқ муддат ишлаши, коррозиябардошлигини оширишнинг зарур воситаларидан биридир. Юқоридаги аралашмалардан, шунингдек уй-рўзгор буюмларини зангдан ҳалос қилишда кенг фойдаланса бўлади.

IX боб

МЕТАЛЛМАС МАТЕРИАЛЛАР

Ҳалқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлатиладиган металлмас материалларни ишлатилишига кўра икки группага ажратиш мумкин:

1. Машина қисмларининг айрим деталларини тайёрлашда фойдаланиладиган материаллар (пластмасса, ёғоч, резина, шиша, керамика ва бошқалар).

2. Махсус материаллар (қофоз, елим, лак, эмаль, бўёқ ва бошқалар).

1- §. ЕФОЧ МАТЕРИАЛЛАР

Ефоч ва ёфоч материаллар ҳалқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида кенг қўлланилади. Ундан қурилиш

ва иншоотларда, автомобилсозлик, вагонсозлик, химия ва кўмир саноатида, қофоз-целлюзода саноатида, фанер, мебель, спорт инвентарлари, гугурт ишлаб чиқариш, этил спирти, синтетик каучук, турли поклар, бўёклар ишлаб чиқариш соҳаларида ҳам кенг фойдаланилади.

Ёғоч материалларнинг бундай кенг кўламда ишлатилишига сабаб техник хоссаларининг юқорилиги ва қулайлигидир. Ёғочни ишлаш анча осон. Вазни енгил, пухталиги юқори, иссиқлик ва электр токини ёмон ўтказади, кислота ва ишқорлар таъсирида тез емирилмайди. Кўпчилик ёғочларнинг ташки кўриниши чиройли бўлиб, пухта елимланувчи бўлади ва яхши пардозланади. Шунга қарамасдан, ёғочлар турли камчиликлардан ҳам холи эмас, яъни, температура, намлик ўзгариши натижасида ёғоч қуриб, тез деформацияланади (тоб ташлайди), нам тортиб шишиди, ёрилади ва ҳоказо.

Ёғочнинг пишиқлиги, қаттиқлиги ва бошқа механик хоссалари, металлардаги сингари, турли йўналишда турличадир. Нам таъсирида ёғочнинг механик хоссалари кескин ўзгарамади. Ёғоч осон алганланади, чиришга, ҳашаротларнинг кемиришига қаршилик кўрсата олмайди, бу эса унинг сифатини пасайтиришга олиб келади.

Ҳозирги вақтда ёғочни қайта ишлаш саноати корхоналарида механик хусусиятлари янада юқори бўлган янги тур ёғоч материаллар ишлаб чиқарилмоқда ва халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг ишлатилмоқда. Ёғоч ишлаш корхоналарида чиқадиган чиқиндилар — қипиқ ва пайраҳаларни пресслаш йўли билан тайёрланаётган ёғоч материаллар табиий ёғочларда учрайдиган ҳар қандай нуқсонлардан, камчиликлардан холи, пухталик жиҳатидан устун бўлиб, айrim ҳолларда металл ўрнини ҳам босмоқда (прессланган ёғоч материаллардан ҳатто подшипниклар ва машина деталлари тайёрланади). Саноатда ишлаб чиқарилаётган айrim прессланган ёғоч материаллар қурилишларда, мебель ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам кенг ишлатилмоқда.

Ёғоч материаллардан турли буюмлар ишлаб чиқариш учун энг аввало, тегишли материалдан тўғри ва тежамкорлик билан фойдаланиш, тайёрланган буюмнинг сифатига эътибор бериш, ишлатиладиган ёғоч ма-

териалнинг турини, тузилишини, хусусиятини, унга ишлов бериш технологиясини билиш жуда катта аҳамиятга эга.


Шунинг учун ҳар қандай ёғоч материаллар тэхникикада асосий қирқим (кўндаланг, радиаль ва тангенциаль) бўйича текширилиб, маълум соҳада ишлатиш учун тавсия қилинади (16-расм).

2- §. ДАРАХТНИНГ ТУЗИЛИШИ

Табиатда ўсиб турган ҳар қандай дарахтни шартли ҳолатда уч қисмдан иборат дейиш мумкин. Булар: томирлар, тана ва шох-шаббалардан иборат.

Дарахтнинг томирлари мураккаб, ҳар томонга тармоқлаган кўп функцияли системаидир. Томирлар системасига кирувчи майда томирчалар эса тупроқдан турли минерал тузларни, углекислоталарни сув орқали тортиб, йирик томирлар, сўнгра дарахтнинг танаси орқали шох-шаббаларига узатади. Йирик томирлар дарахтни вертикал ҳолатда ушлайди ва унинг ҳаёти учун турли озуқаларни тўплаб, сақлайди.

Дарахтнинг танаси асосий қисм бўлиб, уни шартли равишда ингичка (юқори) қисм ва йўғон (пастки) қисмга бўлиш мумкин.



16-расм. Дарахт танасининг тузилиши.

Дарахтнинг шох-шаббаси, асосан, тананинг юқори қисмидаги ингичка тана қисми бўлиб, унга шох-шаббалар, барглар ва бошқалар киради. Шох-шаббалар дарахт ҳаёти учун жуда катта роль ўйнайди. Дарахт барглари эса қўёш энергияси таъсирида озуқабоп моддаларни ҳосил қиласди, бу дарахтнинг ўсиши учун зарурдир, яъни фотосинтез жараёнини амалга оширади.

Тананинг бош қирқимлари. Ҳар қандай дарахтда тананинг қирқими асосий қирқимлардан бири ҳисобланади, чунки бу қирқим унинг капилляргини, говаклик, тузилиш табиятини акс эттиргани учун бош қирқим дейилади. Дарахт учта бош қирқимдан иборат бўлиб, уни ўзаро фарқ қилиш керак. Кўндаланг қирқим дарахт танасининг ўқига перпендикуляр текислик билан кесиш орқали, радиаль қирқим тананинг узунлиги ва маркази (ўқи) бўйлаб ўтказилган текислик билан кесиш орқали, тангентал қирқими эса тананинг ўзуилиги ва марказидан (ўқидан) ўтмаган текислик билан кесиш орқали ҳосил қилинади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, юқорида қайд қилинган дарахт қисмлари ҳам, ўз навбатида, бир неча қисмларга бўлинади.

Тананинг асосий қисмлари. Ҳар қандай дарахтнинг кўндаланг ва радиаль қисмларida унинг асосий анатомик структураларини, яъни ўзаги, магизи, марказий қисми, пўстлоғ ости, пўстлоғини ва ҳоказоларни кузатиш мумкин.

Ўзак. Тахминан тананинг марказига жойлашган бўлиб, кўпгина дарахтларда у қорамтири рангда намоён бўлади, формаси эса айланасимон бўлиб, диаметри тахминан 2—5 мм (баъзи дарахт турнида 10 мм гача) бўлади. Ўзак нозик, тез чирийдиган бўлади. Чириш ўзакдан бошланса, пўстлоққача тарқалиб дарахтни йўқ қилишгача олиб келади. Ўзак говак хужайралардан иборат бўлиб, у бутун тана бўйлаб ўтади. Ўзакдан пўстлоққа қараб ўзак нурлари ўтади (16-расм).

Ўзак нурлари ҳамма дарахт турларида мавжуд бўлиб, шакли ва жойланишларига кўра, бир-биридан фарқ қиласди. Ўзак нурларини тананинг ҳар қандай қирқими бўйича кўриш мумкин. Бирламчи деб аталувчи ўзак нурлари ўзакдан бошланниб, пўстлоққа қадар

давом этади, иккиламчи деб аталаувчи ўзак нурлари ўзакдан турліча масофада бошланиб, пўстлоққа қадар етиб боради. Ўзак нурларининг эни 0,005—1 мм атрофига бўлади.

Ўзак нурлари тананинг түрли қирқимида ҳар хил кўринишга эга бўлади. Радиаль қирқимда ўзакдан пўстлоққа томон йўналган энсиз чизиқлар кўринишида, тангенталь қирқим бўйича узуқ-узуқ чизиқлар кўринишида, кўндаланг қирқимда радиус бўйича йўналган чизиқлар кўринишида намоён бўлади.

Марказий қисм. Тананинг асосий массасини ташкил қиласиди. Бу қисмининг ранги орқали дараҳтцинг турларини, магизилигини ва магизсизлигини ажратиш мумкин, чунки магизли дараҳт турларидаги марказий қисми (магизи) қорамтири рангда, магизнинг периферияси бўйича чегараланган қатлами очиқ рангда бўлиб, пўстлоқ ости (зоболон) деб айтилади.

Агар магизнинг ранги пўстлоқ ости қатламиининг рангидан фарқ қиласа, дараҳт етилган ҳисобланади.

Пўстлоқ. Та什қи, ички қатламдан иборат бўлиб, та-на ҳажмининг 6—25% ча қисмини (миқдорини) ташкил этади. Пўстлоқнинг ташқи қисми *пўк қатлам* деб аталағидан қаттиқ қатламдан иборат. У ёғочни турли ташқи таъсирлардан, иссиқ-совуқдан, механик таъсирлардан, турли заарқунанда ҳашаротлардан сақлайди.

Дараҳт пўстлоғининг ички қисми *луб қатлами* дейилади. Луб қатлам кўзга кўринмайдиган майда толалар (капиллярлар) дан иборат.

Пўстлоқ қалинлиги дараҳт танасининг турли қисмларидаги турлича бўлади. У тананинг учки қисмидаги юпқа бўлиб, пастга тўшган сайин қалинлашиб боради. Бундан ташқари, дараҳтларнинг пўстлоғи турли дараҳтлар учун ташқи кўриниши, ранги турлича бўлиб, ўзаро фарқ қиласиди. Масалан, дараҳтларнинг пўстлоғи оқ тусдан (оқ қайнин) тўқ жигар ранггача (арча) ўзгариб боради.

Ёш дараҳтларнинг пўстлоғи силлиқ ва юмшоқ бўлиб, тана йўғонлаша борган сари, пўстлоқ ёрилиб, дағаллашиб, қаттиқлашиб боради.

Дараҳт пўстлоғи ҳозирги вақтда халқ хўжалигидаги турли соҳаларида ишлатилмоқда. Крим, Кавказ, Узоқ Шарқ ва Сахалин зоналарида ўсадиган пробкали эман дараҳтининг пўстлоғи қалин бўлиб, улардан

пробкалар, иссиқлик-изоляцион материаллар (плиталар) ва шу кабилар тайёланади.

Камбий. Бу луб билан ёғоч орасида жойлашган ширавли қатлам бўлиб, у тирик ҳужайралардан иборатdir. Камбийни оддий кўз билан кўриш жуда қийин, уни кўриш учун кўзни қисман «қуроллантириш» керак бўлади. Уни баҳорда танадан пўстлоқ шилиб олинган пайтида кўриш мумкин. Бу вақтда камбий ҳужайраларининг бузилиши натижасида ширавли, шиллиқ парда — суюқлик оқиб чиқади.

Камбий луб орқали шохдан келувчи озуқа билан озиқланади.

Камбий ўсаётган дараҳт учун ҳаётий манба ҳисобланади. Камбий ҳужайраларининг бўлиниши дараҳтнинг бутун яшаш даврида рўй бериб туради. Фақат қишида камбийнинг ривожланиши тўхтаб, баҳорда яна бошланади. Баҳорда камбийнинг ривожланиши шохлардан, тананинг учки қисмидан бошланиб, у аста-секин тана ва илдизга ўта боради. Агар дараҳт танасининг пўстлоғи ҳалқа шаклида қирқиб олинса, дараҳт ўсишдан тўхтаб, қурий бошлайди.

Ёғочлик. Дараҳтдаги тананинг ёғочлик қисми (пўстлоқ) ост, мafиз ва ўзакдан иборат. Камбий ҳужайраларининг ривожланиши (кузда сусайиб, ёзда тезлашади) натижасида, йиллик ҳалқалар ҳосил бўлади. Чунки камбий ҳужайраларининг ривожланиши ва бўлинишидан ҳосил бўлган янги ҳужайраларнинг тананинг ёғочлик қисмига ўтадиган миқдори кўп бўлиб, улар йирик ва юпқа пўстлоқли бўлади. Натижада, ёғочликнинг баҳор фаслида ҳосил бўлган қисмидаги ғовак тўқиманинг зичлиги кам ва юмшоқ бўлади. Ёғочда, хусусан, кузда камбийнинг активлиги сусаяди, ҳужайралар майдаланиб, қалин пўстлоқли бўла боради ва зичлиги ортади. Оқибатда, ёз фаслида ҳосил бўлган ёғочнинг қаттиқлиги юқори бўлади. Ёғочликка ўтган камбий ҳужайраларнинг зичлиги кам бўлган қисми оқишироқ тусга эга бўлиб, зичлиги ортиқ бўлган қисмининг ранги қорамтири бўлади. Бу ҳол дараҳтнинг ўсиш даврида ҳар йили такрорланиб, ўз навбатида, йиллик ҳалқаларнинг ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Шунинг учун дараҳт ёшини аниқлаш мақсадида кесилган гўлаларнинг кўндаланг қирқимидағи йиллик ҳалқалар ҳисобланади. Йиллик ҳалқаларнинг ортиши натижасида тана йўғонлаша боради. Баъзи бир дараҳт

ёғочлигіда йиллик ҳалқалар әнлик бўлиб аниқ кўрйади, айримларида эса энсиз, билинар-билинмас бўлади. Бу дарахтнинг ёшига, турига, ўсиш шароитига ва тананинг қаердан арраланганлиliga боғлиқ. Йиллик ҳалқаларнинг эни ва ранги ёғочнинг сифати ва хусусиятига таъсир этади. Баргли дарахтларнинг йиллик ҳалқалари қанча әнлик бўлса, зичлиги ортиқ бўлиб, у шунча қаттиқ пухта бўлади. Йиллик ҳалқалар ёғочнинг учки қисмida кам бўлиб, пастки (йўғон) томонида кўп бўлади.

Ёғочнинг кўндаланг қирқими бўйича қарағанда, ҳалқалар айлана шаклда, радиаль қирқими бўйича, тўғри чизиқлар кўринишида ва тангенталь қирқими бўйича қарағанда, учи шох томонга қараган бурчаклар шаклида намоён бўлади. Дарахтнинг ёшига қараб, ҳалқаларнинг зичлиги ва қаттиқлиги орта боради. Пўстлоққа яқин жойлашган йиллик ҳалқаларнинг зичлиги кам, ғовак бўлиб, у орқали илдиздан олинган озуқа моддалар пастдан юқорига қараб кўтарилади.

Ёғоч турлари. Ёғочнинг қарағай, арча, тилоғоч, оқ қарағай, кедр, зирк, арғувон, оқ қайнин, қора қайнин, тоғ тераги, терак, ёнғоқ, чинор, нок, заранг, эман, шумтол, қайрағоч каби бир неча турлари ҳалқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлатилади. (Бундай дарахт турларининг баъзи хоссалари, хусусиятларини билиш учун Ж. Рамизов ва С. Маҳкамовлар авторлигида ёзилган «Ўқув устахоналарида ўтказиладиган практикум», «Ўқитувчи», Т., 1978 китобининг 4- бобига қаралсин.)

Ёғочларнинг ишлатилиши уларнинг физик ва механик хоссаларига, ишлатилиш шароитига, миқдорига ва ҳоказоларга боғлиқ бўлади. Техника юксак тараққий этган ҳозирги даврда саноатда ёғоч материаллардан фойдаланиш доираси янада кенгайиб бормоқда.

Ёғочларнинг хусусиятлари. Ҳалқ хўжалигига турли конструкцион материаллар сифатида ёғочлар маълум физик, механик хусусиятлари билан характерлади.

Ёғочнинг физик хоссалари. Тегишли материалнинг бутунлигига таъсир этмайдиган ва унинг химиявий таркибини ўзгартирумайдиган хоссалари, яъни унинг ранги, товланиши, тоб ташлаши, эгилиши, табиий гули (текстураси); ҳиди, нам тортиши, қурувчанлиги, зичлиги, нам ўтказувчанлиги ,иссиқлик ва товуш ўтказув-

чанлиги, электр ўтказувчанлиги ёғочнинг физик хоссалари деб аталади.

Ана шу физик хоссалардан баъзилари билан қисқача танишамиз.

Ёғочнинг ранги ёғоч материалларнинг турларини ва уларнинг сифатларини аниқлашга имкон берадиган муҳим хоссаларидан биридир. Ёғочнинг ранги, аввало, унинг турига ва ўсиш шароитига боғлиқ. Кўпчилик ёғочлар (қайин, тол, аргувон, терак, арча) оқиш рангли бўлиб, нурсиз излари бўлади. Эман, шумтол — жигар ранг, қора қайин, акация — оқ қизғиш, ёнғоқ, қайроғоч — қорамтири бўлади.

Кўпчилик дараҳтлар кесилгандан сўнг уларнинг ёғочлиги қорамтири бўлиб қолади. Бу нарса ҳаво таркибидаги кислороднинг таъсири натижасидир.

Ёғочнинг товланиши (ялтироқлиги). Ёғоч нурларнинг йўналиши ва зичлигига боғлиқ ҳолда товланади. Ёғочнинг товланишини сунъий равишда орттириш учун локлаш, политурлаш ва мумлаш мумкин.

Ёғочнинг текстураси (табиий гули). Рандалаш, йўниш процессида ёғоч толалари, ўзак нурлари ва йиллик ҳалқаларни кесиши натижасида ёғочнинг текстураси намоён бўлади. Шуни қайд қилиш керакки, ёғоч материалларнинг зичлиги қанчалик юқори бўлса, уларнинг текстураси (табиий гули) кўнинча бир хил кўринишда бўлади. Лекин турли баргли дараҳтларнинг тузилиши бир-биридан фарқ қилганлиги сабабли уларнинг текстураси ҳам ҳар хил кўринишда бўлади. Ёғочнинг текстураси йиллик ҳалқаларининг энига, эртанги ва кечки ёғочлик қисмининг рангларидаги фарқига, толаларнинг ирик, майинлигига ва йўналишига ҳам боғлиқ бўлади. Ёғочни кесиши йўналиши текстуранинг ўзгаришида катта роль йўнайди. Масалан, радиаль ва тангенталь йўналиш бўйича тилинган тахталарни рандалаш натижасида ҳосил бўладиган текстура турлича кўринишда бўлади, радиаль йўналиш бўйича, текстура наараллел тўғри чизиқлардан иборат бўлса, тангенталь йўналиш бўйича эса бурчак ёки конус шаклидаги текстуралар мавжуд бўлади. Ўзак нурлари ва йиллик ҳалқалари аниқ кўринмайдиган ёғочларнинг текстуралари унча аниқ ва чиройли кўринмайди.

Ўзак нурлари ва йиллик ҳалқалари аниқ билинадиган ёғочларнинг табиий гуллари жуда чиройли бўлади. Текстуралари чиройли бўлган ёғочлардан мебель кор-

хоналаридә пардоз материали сифатида, қоплөвчи материал — шпон тайёрлашда кенг фойдаланилади. Ейғоқ, нок, чинор, шумтол, эман каби ёғочлар радиаль ва тангенталъ йұналишда тилинганда чиройли күриниш (гул) лар ҳосил бўлади.

Ёғочларда сунъий гуллар ҳам ҳосил қилинади. Бунинг учун толаларнинг йұналишига параллел қилиб ёки маълум бурчак остида бўёқлар суртилади.

Ёғочнинг ҳиди. Ёғочлар таркибидаги смолалар, эфир мойлари, ошлаш кислоталаридан қайси бирининг мавжудлигига ва миқдорига боғлиқ ҳолда ҳар хил ҳидли бўлади.

Ёғочнинг ўзак қисмі ўткир ҳидли бўлиб, унда юқоридаги моддалар кўп бўлади. Янги кесилган, шунингдек иғна баргли дараҳтлар янада ўткир ҳидли бўлади. Ёғоч қуриган сайин ҳидсизланиб боради, баъзан ҳиди ўзгариб боради. Ёғоч ҳидининг бундай ўзгариб бориши унинг таркибидаги турли моддалар миқдорларининг ўзгариши орқали содир бўлади. Ҳиднинг ўзгариши ёғочнинг бузилишига ҳам боғлиқ бўлади.

Ёғочнинг намлиги. Ёғочларнинг намлиги деб солишим тирма намлик миқдорининг абсолют қуруқ ёғоч намуна-массасига бўлган нисбатига айтилади. Абсолют қуруқ ёғоч эса лаборатория шароитида олинган намунани қуритиш шкафларида (печларида) қуритиш орқали ҳосил қилинади.

Корхона шароитида ёғочларнинг намлиги, асосан тортиш ва электр методи билан аниқланади. Тортиш методи бўйича намлик қуйидаги формула билан топилади:

$$W = [(m - m_0)/m_0] \cdot 100 \quad [\%]$$

бунда m — намунанинг қуритишдан олдинги массаси; m_0 — шу намунанинг абсолют ҳолатигача қуритилгандан кейинги массаси.

Тортиш методи бўйича абсолют намликни аниқлаш учун тегишли ёғоч материаллардан $20 \times 20 \times 30$ мм ли призматик намуналар тайёрланиб текшириш мақсадга мувофиқдир. Тайёрланган бундай намуна нотекисликлардан ва ёғоч кипиқларидан тозаланади, кейин эса $0,01$ г аниқликда тортиб, $103 \pm 2^\circ\text{C}$ температураси бўлган қуритиш шкафида қуритилади. Қуритиш процесси $12 \dots 24$ соатгача давом этиши мумкин (ёғоч турига боғлиқ ҳолда) ёки жуда тез ҳолда (бу унча аниқ

метод эмас) ёғочларнинг электр ўтказувчанлигига асосланган электровлагомер ёрдамида ўлчаш орқали уларнинг намлигини ациқлаш мумкин. Ёғочларнинг намлигига қараб: ҳўл, чала қуруқ, очиқда қуриган, уйда қуриган ва абсолют қуруқ деб бир-биридан фарқ қилинади. Янги кесилган дарахтнинг намлиги турига, кесилган вақтига қараб 40% ва ундан юқори бўлади, яъни ҳўл ёғочнинг намлиги 23% дан ортиқ; чала қуруқ ёғочнинг намлиги 18—23% гача, очиқ ҳавода қуриган ёғочнинг намлиги 12—18% гача уй ичидә қуриган ёғочнинг намлиги 8—12% гача бўлади. Абсолют қуруқ қуриган ёғочнинг намлиги 0% бўлиб, бу лаборатория шароитидагина ҳосил қилинади.

Ёғочнинг оғирлиги унинг турига, тузилишига ва намлигига боғлиқ. Ёғочнинг солиштирма ва ҳажмий оғирлиги бўлади.

Солиштирма оғирлик — ҳеч қандай ғоваклиги, намлиги, ҳавоси бўлмаган абсолют ёғочнинг оғирлиги ҳисобланаб, бирлиги Г/см³ ларда ифодаланади. Ҳамма турдаги ёғочларнинг солиштирма оғирликлари — тахминан 1,5 га тенг бўлади.

Ҳажмий оғирлиги деб ёғочнинг ғоваклиги, намлиги, ҳавоси ва смоласи билан қаттиқ моддасининг биргаликдаги оғирлигига айтилади.

Бу оғирлик ёғочнинг асосий сифатларини, механик хоссаларини кўрсатувчи факторлар бўлиб, катта амалий аҳамиятга эга. Турли ёғочларда ҳажмий оғирлик турлича бўлади. Ҳатто, турли жойларда ўсган бир турдаги ёғочнинг ҳажмий оғирлиги ҳам бир хил бўлмайди.

Булардан ташқари, ёғочларнинг физик хоссаларига: ёғочларнинг қуриши, нам тортиб букилиши, тоб ташлаб қийшайиши, ёрилиши, ёғочларнинг зичлиги, товуш, иссиқлик, электр ўтказувчанликлари ҳам киради.

3- §. ЁҒОЧЛАРНИНГ МЕХАНИК ХОССАЛАРИ

Ёғоч материалларнинг турли ташқи кучларининг таъсирига қаршилик кўрсата олиш ёки бузилмаслик (ўзгармаслик) қобилияти уларнинг механик хоссалари деб аталади.

Курилишда турли иншоотларда, инженерлик конструкцияларида ёғочлар турли катталиқдаги статик ва динамик характеристердаги сиқувчи, чўзувчи, эгувчи, кесув-

чи, ёки ёрувчи кучлар таъсирида бўлиши мумкин. Бундай кучлар турли факторларнинг таъсири (юклар, кишилар, машина ва механизмлар, қор ва шамолнинг таъсири) туфайли вужудга келади. Ёғоч материалларнинг ташки куч таъсирида шакл ва ўлчамларини ўзгартириши унинг деформацияланиши деб аталади. Бундай деформациялар эластик ва пластик кўринишда бўлиши мумкин. Ёғочларнинг механик хоссаларига (7-жадвал) яна уларнинг пухталиги (бикрлиги), қаттиқлиги, эластиклиги, қовушқоқлиги, муртлиги ёрилувчанлиги ва михланувчанлиги киради. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ёғочларнинг юқоридаги хусусиятларидан ташқари, технологик хоссалари ҳам мавжуд бўлиб, бунда сифат жиҳатидангина хулоса чиқарилади, яъни бундай синаш йўли билан ёғочларнинг қаттиқлигини аниқлашда арралаш, рандалаш, ўйиш-тешиш, михлаш усуllibаридан фойдаланилади.

4- §. ЕГОЧ МАТЕРИАЛЛАР ТАИЕРЛАШ

Ёғоч материалларга қўйиладиган талаблар тегишли ГОСТ билан белгиланади. ГОСТда ёғоч материалларнинг ўлчамларига, руҳсат этиладиган нуқсонларга, ишлов бериш сифатига, ўлчаш усулига, сортларга ажратиш, маркалаш ва ҳисоблашга нисбатан қўйиладиган талаблар кўрсатилади.

Халқ хўжалигининг турли соҳаларида асосий ёғоч материаллари — турли ходалар, тахта материаллари, бруслар, фанерлар (рандаланган, тилинган, йўнилган, елимланган фанерлар ва ҳоказолар), дурадгорлик плиталари, ёғоч пайрахали плиталар кенг ишлатилади. Бундай ёғоч материалларининг баъзилари саноат миқёсида қандай ишлаб чиқарилиши ва ишлатилиши ҳамда баъзи хусусиятлари билан қисқача таништириши мақсадга мувофиқ деб топдик.

Хода — шоҳ-шаббалари кесилган, пўстлоғи тозалangan дараҳт танасининг бир қисмидир. Ходалар З группага бўлинади, яъни ингичка ходалар (кичик диаметрли) — диаметри 8—13 см гача; ўртача ходалар (ўрта диаметрли) — диаметри 14—24 см гача; йўғон ходалар (кatta диаметрли) — диаметри 25 см ва ундан йўғонроқ бўлади.

Ходаларнинг асосий узунлиги 6,5 м бўлиб, қурилиши-

Еғочларнинг асосий механик хоссалари

Еғоч турлари	Намлигি %	Мустаҳкамлик чегарали, МПа			Қаттиқликлари МПа		
		толалар йўналиши бўйича сиқилишдаги	толалар йўналиши бўйича чўзилишдаги	статик эгилишдаги	Кўндаланг қирқимдаги	радиал қирқимдаги	тангентал қирқимдаги
Қарағай	12, 30 ва орт.	48,5 21,2	103,5 79,2	86,0 49,5	28,5 13,5	24,0 11,2	25,0 11,5
Арча		44,5 19,6	103,0 78,8	79,5 43,9	26,0 12,2	18,0 8,5	18,0 8,6
Тилоғоч	— « — » —	64,5 25,3	125,0 96,4	111,5 61,7	43,5 20,4	29,0 13,7	29,0 13,8
Оқ қарағай	— « — » —	39, 0 17,5	67,0 51,5	68,5 40,4	28,5 13,5	17,0 8,0	—
Кедр	— « — » —	42,0 18,5	90,5 69,4	73,5 42,3	22,0 10,4	—	—
Зирк	— « — » —	44,0 23,6	101,0 75,8	80,5 49,4	40,0 24,0	27,5 16,2	28,0 17,2
Арғувон	— « — » —	45,5 24,2	121,0 91,2	88,0 54,2	26,0 15,3	17,0 10,2	18,0 10,6
Оқ қайин	— « — » —	55,0 22,4	168,0 126,7	109,5 59,7	46,5 27,6	37,0 21,9	33,0 19,6
Қора қайин	— « — » —	55,5 25,9	123,0 92,6	108,5 64,6	61,0 36,3	43,5 25,7	44,5 26,3

ларда ишлатиладиган ходалар кўпинча 4—7 м узунликда тайёрланади.

Тахта материаллар. Йўғон ходалар пилорамалар, лента аррали, диск аррали станоклар ёрдамида тилиниб, улардан ҳар хил тахта материаллар ҳосил қилинади. Бундай тахталарнинг қалинлиги: 7, 10, 13, 16, 19, 22, 25, 32, 40, 45, 50, 60, 70, 75, 100 мм ва эни 80 дан 250 мм гача (10 мм дан оралатиб) тайёрланади. Саноат миқёсида тайёрланадиган тахта материалларининг қалинлиги одатда, уч сон билан ёзилади. Масалан: $6,5 \times 18 \times 40$ бўлиб, бундаги 6,5 — тахтанинг узунлиги метрда, 18 — эни см ҳисобида, 40 — қалинлиги мм ҳисобида ифода этилади.

Фанер — ғўлаларни тилиш, рандалаш, йўниш йўли билан олинадиган юпқа ёғоч-такта материал. Тайёрлаш усулига қараб тилинган, рандаланган, йўнилган, елимланган фанерлар бўлади. Тилиб, рандалаб олинадиган фанерлар эман, шумтол, ёнгоқ, қайроғоч, заранг, нок ва бошқа қимматбаҳо ёғочлардан тайёрланади. Фанерлар ҳар хил дурадгорлик ишларида, мебелсозликда қоплама материал сифатида ишлатилади.

Рандаланган фанерлар — фанер рандаловчи маҳсус станокларда ёғочларни рандалаш йўли билан ҳосил қилинади. Бундай фанерларнинг қалинлиги 0,8—1,5 мм, эни 80 мм ва ундан ортиқ, узунлиги 100 мм ва ундан ортиқ бўлади.

Тилинган фанерлар — буранг ёки яшма буғлаш на-тижасида мўрт бўлиб қоладиган баъзи ёғоч ғўлалари ни тилиш йўли билан ҳосил қилинади. Йўғон ғўлаларни радиал йўналиш бўйича тилиш йўли билан олинадиган фанерлар бошқа йўналиш бўйича тилиб олинган фанерларга қараганда юқори баҳоланади. Чунки радиал йўналиш бўйича тилинган фанерларда ўзак нурлари жуда чиройли текстура ҳосил қиласиди. Бу ҳолда, фанерлар қимматбаҳо мебеллар тайёрлаш ва қоплаш мақсадида ишлатилади. Тилинган фанерларнинг қалинлиги 0,8—2 мм гача бўлади. Фанернинг намлик дара-жаси 10% бўлишига рухсат этилади.

Йўнилган фанерлар (шпон) лар эса йўнувчи станокларда тайёрланади. Йўнилган фанернинг қалинлиги 0,3 : 3,5 мм гача, эни эса ғўланинг тегишли узунлигига teng бўлади.

Бутун ғўлани йўниш вақтида спиралсимон шпон чи-қарилади. Шу йўл (усул) билан заранг, Карелия қай-

нидан «қүш күзи» деб аталувчи чиройли гулли шпон олинади.

Елимланган фанерлар йўнилган шпонларнч бир-бира га елимлаш йўли билан тайёрланади. Бундай фанер 3—15 тагача бўлган тоқ сондаги шпон варақаларидан тайёрланади.

Елимланган фанерлар беш хил ўлчамдан тайёрланади: 1830×1220 ; 1525×1525 ; 1525×1220 ; 1525×750 ва 1220×725 мм; уларнинг қалинлиги 1,5; 2; 2,5; 3; 4; 5; 6; 9; 10; 12 мм гача бўлади.

Фанерлар казеинли, альбуминли елимлар билан ва синтетик смолалар билан елимланади.

Елимланган фанерлар тахта материалларга қарангандо бир қатор афзаликкларга эга:

1. Ҳамма йўналиши бўйича пухталиги бир хил.
2. Тахта материалга нисбатан кам тоб ташлайди. Рўй берган тоб ташлаш елимлаш йўли билан осон бартараф этилади.

3. Кам ёрилади. Ёриқларнинг бир томондан иккичи томонга ўтиши мутлақо рўй бермайди.

4. Фанер тахталарининг ўлчами катта бўлганлиги учун тахта материалларни йифиб, йигма тайёрлаш ишидан ҳоли қиласди, ишни қисқартиришга, соддалаштиришга ёрдам беради.

5. Осон эгилади (хусусан, буқлангандан сўнг).
6. Тешиш учун қулай ва ҳоказо.

5- §. ДУРАДГОРЛИК ПЛИТАЛАРИ

Бир-бира га елимлаб ёпиширилган ёки ёпиширилмаган рейкалардан йигилган ва икки томонига бир ёки икки қават шпон ёпиширилган ёғоч шчит дурадгорлик плитаси деб аталади. Дурадгорлик плиталари чиройли гулли, рандалангандан фанерлар билан ҳам қопланади. Булар бир томонлама ёки икки томонлама қопланади.

Дурадгорлик плиталарининг қалинлиги 16 дан 50 мм гача, эни 1220 дан 1525 мм гача, узунлиги 1800 дан 2500 мм гача қилиб тайёрланади.

Плиталардан шчитли мебеллар, эшик, тўсиқ, полка-лар, диван ва бошқалар тайёрланади.

6- §. ЕФОЧ ПАИРАХАЛИ ПЛИТАЛАР

Еғочни қайта ишлаш корхоналарида хода ва фўлаларни тилиш, рандалаш вақтида, фанер ва шчит тайёр-

лашда күплаб қипиқ, пайраха, тахта, рейка ва фанерларнинг чиқиндилари ҳосил бўлади. Улардан плиталар тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Плита тайёрлаш технологияси қуидагичадир.

Ёғоч ишлаш станокларида ҳосил бўлган пайраха, қипиқ ва ёғоч чиқиндилар плита тайёрлаш цехига юборилади. Бу ерда катта ўлчамдаги ёғоч чиқиндилар майдаланади ва вибрацион элакларда эланиб, чангдан тозаланади. Тозаланган тараша майдаланиб, пайрахалар билан биргаликда қуритгичга юборилади. Бу ерда пайраха намлиги 4—6% га тушгунча қуритилиб, арапаштиргичга юборилади ва синтетик смола билан арапаштирилади. Синтетик смоланинг миқдори қуруқ пайраха оғирлигининг 6—8% ини ташкил этади.

Натижада, ҳосил қилинган аралашма тайёрланадиган буюм ва мебель қисмларининг шакл ҳамда ўлчамларига эга бўлган маҳсус қолилларга тўкиб ёйилади ва текисланади. Ёйилган пайраханинг қалинлиги тайёрланадиган буюм қалинлиги ва зичлигига қараб ҳар хил бўлади. Қолип совуқ прессга ўтказилиб, унда пайрахани 40—45 мм қалинликкача прессланади. Сўнгра иссиқ прессга ўтказилади. Иssiқ прессда пресслаш + 140° гача температурада олиб борилади. Тегишли корхоналарда ёғоч пайрахали плиталар тайёрлаш билан боғлиқ бўлган технологик процесс ярим автомат ва автомат линиялар ёрдамида олиб борилади.

Ёғоч пайрахали плиталар қалинлиги 5—100 мм гача, эни 1200—2400 мм гача, узунлиги 5400 мм гача қилиб тайёрланади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, бундай плиталарнинг хоҳлаган узунликдагисини узлуксиз пресслаш орқали ҳосил қилиш мумкин.

Бундай плиталарнинг пухталиги ва тузилиши ҳамма йўналишда бир хилдир.

Уларга раңдаланган фанер, пардоз шпони қоплаш ўёли билан сифатини ошириш ва турли мақсадларда фойдаланиш мумкин. Улар мих, бурама мих ёрдамида тирноқли бирикмалар ҳосил қилиш ўёли билан осон биритирилади.

Ёғоч пайрахали плиталар мебель корхоналарида ишлатиладиган барча ёғочнинг 85% гача қисмини ташкил этади. Плиталар пол тайёрлаш, девор ва шипларни қоплаш, эшик қанотлари тайёрлашда ишлатилади.

7- §. ЕГОЧЛАРДА УЧРАЙДИГАН НУҚСОНЛАР

Тегишли санбат корхоналарыда ҳосил қилинадиган ёки тайёрланадиган ёғоч материаллар ҳамма вақт ҳам юқори сифатли бўлавермайди.

Ёғоч материалларнинг сорти (нави), сифати, техник хоссаларини пасайтирувчи, ишлатиш соҳаларини чекловчи, хизмат муддатини қисқартирувчи, ишга яроқсиз ҳолга келтирувчи табиий ҳолда мавжуд бўлган ёки кейинчалик ҳосил бўлган бу хил камчиликлар ёки кўринишлар ёғочларнинг нуқсонлари дейилади.

Ёғочларда учрайдиган кўпчилик нуқсонлар, асосан, ўсиш даврида ҳосил бўлиб, баъзан эса материал тайёрлаш, ташиш, сақлаш, ундан фойдаланиш вақтида ҳам содир бўлади.

Ёғоч материалларда табиий мавжуд бўлган ва кейинчалик содир бўладиган нуқсонлар — бутоқлар, ёғоч рангининг бузилиши, чириш, турли ёриқлар, ҳашаротлар билан шикастланиш шулар жумласидандир.

8- §. ПОЛИМЕР МАТЕРИАЛЛАР, УЛАРНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ ВА ХОССАЛАРИ

Металлмас материалларнинг асосий таркиби қисмлари юқори молекуляр боғланиш (полимер) лардан иборат бўлиб, катта молекуляр массага эга бўлган мурракаб моддалардир.

Сунъий равища тайёрланган, муайян температура ва босим остида (таъсирида) пластик хоссаларга эга бўлган материаллар пластмассалар дейилади.

Полимерлар, одатда, бир неча мингдан тортиб, то бир неча миллионгача атомдан иборат бирикмалардир. Полимерлар табиий (натурал каучуклар, жун, ипак, целялюз, оқсиллар, табиий смолалар ва бошқалар), сунъий (табиий полимерларни қайта ишлаш орқали олинади) ва синтетик (фено-формальдегидли ва карбамидли смолалар, полиэтилен, полистирол, полиамидлар, эпоксидли смолалар ва бошқалар) бўлади.

Полимерларнинг молекулалари ўзаро чизиқли, тармоқланган, тўрсимон ёки фазовий тузилиш структураларидан иборат бўлади. Ҳар қандай полимерларнинг физик ҳолати ва уларнинг физик-механик характеристикалари асосан, молекуляр тузилишлари, молекуляр өғирликларига боғлиқ бўлади.

Масалан, агар полиэтилен 20 звенодан иборат бўлса, суюқ ҳолатда бўлади, 1500—2000 звенода — қаттиқ ва эластик материал бўлиб, бунда унча қаттиқ бўлмаган конструкциялар учун деталлар тайёрланади (турли плёнкалар, шланглар ва ҳ. к.), 5000—6000 звенодагиси эса жуда қаттиқ материал бўлганлиги учун ундан турли қаттиқ конструкциялар тайёрлачи учун ишлатилади.

Пластмассаларни таркибига кўра қўйидаги икки группага ажратиш мумкин:

1. Оддий пластмассалар, асосан, бир компонент смоладан иборат бўлади (плексиглас, полистирол, полиэтилен).

2. Мураккаб пластмассалар. Булар бир неча компонентдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири маълум функцияни бажаради (фенопластлар, фторопластлар, текстолитлар, стеклопластиклар),

Мураккаб пластмассаларнинг таркибида жуда кўп компонентлар бўлиши мумкин, бу компонентлар маълум бир функцияга мўлжаллангандир. Масалан, боғловчи моддалар пластмасса таркибидаги айrim зарражаларни ўзаро боғлашга хизмат қиласди. Боғловчи моддалар сифатида смолалар, битумлардан фойдаланилади.

Тўлдиргичлар пластмассаларнинг физик-химиявий хоссаларини яхшилайдиган ва нархини арzonлаштирадиган моддалардир. Вакиллари сифатида ёғоч, ёғоч уни, тўқума, чиқинди иплари, қофоз ва ҳоказолар ишлатилади.

Пластификаторлар, асосан, пластмассаларнинг таркибий қисми бўлиб, уларнинг пластиклигини оширишга хизмат қиласди. Камфора, канакунжут мойи, дубутилфтолат ва бошқалар унинг вакиллари ҳисобланади.

Катализаторлар эса полимер металларнинг қотиш процессини тезлаштирувчилар бўлиб, уларга магнезия, утротропин, оҳак ва бошқалар киради.

Бўёқлар пластмасса буюм (деталь) ларга декоратив тус бериш билан бирга, уларнинг иссиқлик ютиш ёки иссиқлик чиқариш хоссаларини ўзгартиришга хизмат қиласди. Уларнинг вакиллари сифатида хром ва рух оксидлари, алюминий кукуни, белила, сурик, охра, қурум ва бошқа моддалардан фойдаланилади.

Мойловчи моддалар пластмассалардан пресслаш йўли билан буюмлар тайёрлашда массанинг прессформа деворига ёпишиб қолмаслигини таъминлаш учун хизмат

қилади. Унинг вакиллари сифатида стеарин ва бошқа моддалардан фойдаланилади.

Пластмассалар ўзларининг физик-механик хоссаларига кўра термопласт ва термореактив пластмассаларга бўлинади. Термопластик пластмассалар (термопластлар) оддий групга пластмассалари бўлиб, улар маълум температурада қиздирилса ёки совитилса, ўзининг агрегат ҳолатини (қаттиқ ҳолатдан суюқ ҳолатга ва аксинча) бир неча марта ўзгартира олади. Термопластлар жумласига фторопласт, органик шиша, целлулоид, винилпласт, капрон, полиэтилен, этирол, полистирол ва бошқалар киради.

Бундай пластмассалар чизиқли, тармоқланган, фазовий, занжирли структурали бўлиб, бу структуралар ўзаро молекуляраро кучлар билан боғланган айрим

макромолекулалардан иборат бўлади (17-а, б, в расм).

Термореактив пластмассалар — реактопластлар бир марта қиздирилиб, босим билан ишлагандан кейин қайта суюқланмайди.

Фенолформальдегид смолалари термореактив пластмассаларининг асосини ташкил этади. Бу группа пластмассалар жумласига текстолит, асботекстолит, гетинакс, эпокспластлар, аминопластлар ва бошқалар киради. Бундай пластмассалар фазовий структуралардан иборат бўлади.

17-расм. Пластмассаларнинг структуралари.

а — чизиқли; б — тармоқланган; в — фазовий.

9-§. ПЛАСТМАССАЛАРДАН ТУРЛИ БЮОМЛАР ЯСАШ УСУЛЛАРИ

Маълумки, полимерлар қиздирилганда макромолекулаларнинг ҳаракат энергияси ортиб, уларнинг қиймати молекулалараро боғланиш кучидан ошиб кетади ва

суюқ ҳолатга ўта бошлайди. Бундай ҳолда, кичик күч таъсирида, химиявий боғланиши бузмасдан, турли хил буюмлар олишда катта технологик қулайлайлар туғилади. Бундан ташқари, пластмассалар енгил, аммо етарли даражада пухта, химиявий таъсириларга чидамли, иссиққа бардош берадиган, ишқаланиш коэффициенти кичик бўлади. Пластмассалар бошқа шу каби зарурий хоссаларга ҳам эга бўлганлиги учун улардан хилма-хил буюм (деталь) лар тайёрлашда фойдаланилади.

Пластмассалардан, асосан, қолиплаш, қуйиш, пресслаш, сиқиб чиқариш ва бошқа усувлар билан буюмлар тайёрланади.

Уларни металл кесувчи станоклар ёрдамида осонгина кесиб ишлаш, қирқиш, фрезерлаш, пардозлаш, жилвирлаш мумкин.

Қолиплаш орқали пластмассалардан мураккаб шаклли катта буюм (деталь) лар олинади. Бу усулда буюмнинг модели (қолипи) майдалаб қирқилган тола, эпоксид смола ва қотиргич аралашмаси билан қопланади. Бунинг учун маҳсус пуркагич — «пистолет» дан фойдаланилади. Зарурий материаллар суюқ ҳолатда пуркагичнинг аралаштириш камерасига берилади, ундан эса сиқилган ҳаво босими остида «пистолет» нинг соплоси орқали модель сиртига пуркалади, натижада моделнинг сирти аралашма билан бир текис-қопланади ва қотиб, зарур буюм ҳосил бўлади.

Босим остида қуйиш орқали турли пластмассалар (полиэтилен, капрон ва бошқалар) дан деталлар тайёрлашда қўлланилади. Бу усулда босим остида қуйиш машиналаридан фойдаланилади. Қуйиш машинасининг цилиндрида пластмасса зарур температурагача қиздирилади ва жуда қовушоқ ҳолатга келтирилади. Шундан кейин, пластмасса пресс қолипга босим остида тўлдирилади. Буюм қотгач, қолин очилиб, тайёр буюм қолипдан чиқарилиб олинади.

Хозирги вақтда мавжуд қуйиш автоматлари орқали соатига 2000 та гача буюм ишлаб чиқарилади. Босим остида қуйиш йўли билан олинган буюмлар зич, текис ва аниқ чиқади.

Босимсиз қуйиш орқали қуйма буюмлар (деталлар) олишда пластмассанинг таркибий қисмлари аралашмаси суюқлантирилади ва тегишли қолипларга қуйилади. Қолипларга қуйилган пластмасса қотгандан кейин қо-

липдан ажратиб олинади ва керакли қисмларига ишлөв берилади.

Пресслаш усулида қиздирилган прессформа бўшлигига тегиши материал солиниб, пуансон билан босилади. Қиздирилган прессматериал прессформа бўшлигини тўлдиради. Материал қотгач, босим олинниб, буюм ажратилади.

Термореактив пластмассалардан буюмлар олиш учун уларни оқиши чегарасигача қиздириб, маълум босим берилади, пластмассалар маълум шаклга ўтиб, полимеризация реакцияси натижасида қотади ва натижада тегиши ҳосил бўлган буюм ажратиб олинади. Бундай технологик процесси бажариш учун ишлатиладиган гидравлик прессларнинг босим кучи 10—60 МПа гача бўлиши мумкин.

Сиқиб чиқариш усули орқали пластмассалардан кўндаланг кесимлари турлича бўлган буюмлар (чексиз трубалар, стерженлар, ленталар ва бошқалар) ҳосил қилинади. Бунинг учун, тегиши материалылар оқувчанлик ҳолатигача қиздирилиб, масалан, полиэтилен экструдер (червякли пресс)нинг тешигидан калибрловчи қурилмасига шнек (винт ёки конвойер) ёрдамида узлуксуз равишда сиқиб чиқарилади. Зарур шаклга кирган пластмасса калибрловчи қурилмадан ўтаётгандага совийди ва қотиб, пухта буюмга (деталга) айланади.

Узлуксиз сиқиб чиқариш усулидан фойдаланиб, полиэтилен плёнкалар ҳам олинади.

Вакуум ва пневматик усулда органик шишадан мураккаб формага эга бўлган буюмлар (оптика ва ёруғлик техникаси учун турли калпаклар ва деталлар) ҳосил қилинса, реактопластларга турли тўлдирувчи материалылар (шиша тола, шиша мато ва бошқалар) қўшиш орқали йирик ўлчамга эга бўлган буюм (деталь)лар тайёрланади.

Пайвандлаш усулида термопластдан ясалган деталлар контакт методидан фойдаланиб уланади. Реактопластларни пайвандлаш эса, юқори частотали ток (ТВЧ) ёки ультратовуш орқали амалга оширилади.

Елимлаш усули орқали турли пластмасса буюмлардан ўзаро ёки металл буюмлар билан қаттиқ ва мустаҳкам бирикмалар ҳосил қилинади. Бунинг учун $B\Phi=2$, $B\Phi=4$, карбинолли, $VK=32=200$, $PK=5$ ва бошқа маркадаги елимлар ишлатилади.

Органик шишаларни ва уларга бөшқа материалларни ўзаро елимлаш учун 3%ли полиметилметакрилатнинг дихлорэтандаги эритмаси ва ВК=32=70, В=31=Ф9 маркали елимлар ишлатилади.

10- §. РЕЗИНАЛИ МАТЕРИАЛЛАР

Маълумки, ҳозирги замон техникасини резинасиз тасаввур этиб бўлмайди, яъни автомобиль, самолёт, велосипед шиналари, ўтказгичларининг изоляциялари, сув остида юрувчиларнинг костюмлари (кийимлари), аэростат баллонлари, шланглар, ҳаво пурковчи лодкалар, противогазлар, шунингдек кўпгина халқ хўжалиги машина-механизмлари, қурилмалар ва инженерлик конструкцияларида резина жуда кенг ишлатилади.

Резинали материаллар, асосан, каучукни турли тўлдирувчилар, пластификаторлар, вулканизацияловчи агентлар, тезлаштирувчилар, активаторлар ва бощқаларни қўшиб, қайта ишлаш орқали ҳосил қилинади. Резина жуда кўп хусусиятларга эга бўлган конструktion материалdir. Булардан энг муҳими унинг юқори эластикланувчанлигидir, яъни унда катта деформация (100% гача) дан қайтиш хусусияти мавжуд.

Резина ҳосил қилиш учун асосий материал каучукдир, яъни резинадаги аралашманинг 10...98% ни каучуклар ташкил қиласи.

Каучуклар, асосан, табиий ва синтетик полимерлар бўлиб, оддий ҳолатдаги температурада юқори эластиклик хоссасига эга.

Табиий полимер-каучук, асосан, ҳиндларнинг «као-чу» сўзидан олинган бўлиб, «дараҳт йиғиси» деган ибёрани Англатади, яъни каучукли дараҳтларни кесгандан ундан суюқлик ажралиб чиқади демакдир. Шунинг учун ҳиндлар жуда қадимдан оқ ёроч смолоси (каучук) дан фойдаланиб келганлар. Шундай қилиб, натурал каучук (НК) каучук ташувчи (ҳосил қилувчи) ўсимликлар (дараҳтлар)дан олинади. У эфирда, бензинда, минерал мойларда яхши эрийди, сувда эса эримайди. Каучук 90°C гача қиздирилганда юмшаб, жуда ёпишкоқ бўлиб қолади, 0°C дан паст температурада эса қаттиқлашиб, мўртлашиб боради.

Техниканинг жуда интенсив тараққиёти туфайли фақат НК дан фойдаланилмасдан, балки синтетик кау-

чуклар (СК) ҳосил қилиниб, улардан кеиг фойдаланишга түгри көлмоқда.

Хозирги вақтда турли мамлакатларда тегишли саноат корхоналарида жуда ранг-баранг синтетик каучук ва шунга ўхшаши конструкцион материаллар ишлаб чиқарылмоқда. Этил спирти, ацетилен, бутан, этилен, бензол, изобутилен, баъзи галогенли углеводородлар ва бошқалар синтетик каучук ҳосил қилувчи асосий материаллар ҳисобланади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, натурал каучукларнинг синтетик каучукларга нисбатан мустаҳкамлиги юқоридир, лекин НК ларнинг совуққа ва турли эритмалар таъсирига бардош бериш хусусиятлари СК га нисбатан анча паст.

СССРда синтетик каучук олиш методи академик С. В. Лебедев томонидан ишлаб чиқилди. Шунга асосан, дунёда биринчи бўлиб, Совет Иттифоқида 1932 йили дивинилдан синтетик каучук олиш корхонаси ишга туширилди ва зарурий маҳсулот ишлаб чиқарила бошлади.

Резиналар вазифасига ёки ишлатилишига қараб, умумий ва маҳсус кўринишларга (турларга) бўлинади. Умумий ишларга мўлжалланган резиналар сувда, кислота ва ишқорларнинг кучсиз эритмаларида, ҳавода (температура 50°C дан 130°C гача) ва бошқа муҳитларда ишлатилиши мумкин. Бундай резинадан машина шиналари, турли тасмалар, шланглар, транспортёр ленталари, кабелларининг изоляциялари (қопламалари) ва турли буюмлар ишлаб чиқарилади.

Маҳсус вазифаларга мўлжалланган резиналар, ўз навбатида, мой-бензинга, иссиқ ва совуққа чидамли, электроизоляцияли; газларга ва суюқликларга чидамли бўлган турларга бўлинади. Бундан ташқари, маҳсус резина турига арматурали резиналар (пресслаш ва вулканизациялаш процессида металл тўрлар, прокладкалар резинали аралашма орасига қўйилади ва бу билан тегишли резинанинг мустаҳкамлиги ва эгилувчалиги оширилади) ҳам киради. Бундай арматурали резиналардан автомобиль шиналари, приводли тасмалар, транспортёр ленталари ва бошқалар тайёрланади.

Кишлоқ хўжалигидаги корхоналарда ишлатилиши учун саноат миқёсида резиналар, асосан, техник мақсадларга мўлжалланган листли резиналар, ипсизон рези-

налар, резина-материалли ленталар, текис тасмалар, шланглар ва трубалар, кўп қатламли резиналар (тасмалар), техник резина трубкалар, шевронли мато резиналар, резинали жипслагичлар, сальниклар, зичлаштирувчи ҳалқалар ва бошқа кўринишларда ишлаб чиқарилади ва фойдаланилади.

11- §. РЕЗИНА ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Резина ва резинали деталларни тайёрлаш учун, асосан, резинали аралашма (хом резина) тайёрланиб, ундан яром фабрикатлар ёки деталлар ҳосил қилинади ва ундан кейин вулканизацияланади.

Бундай технологик процессда резина трубасимон жўвалар оралиғидан ўтказилади, каландрланади, заготовка ҳосил қилинади, қуилади ва вулканизациялаб, ҳосил бўлган буюмга (деталга) тегишли ишлов берилади.

Хом резинани тайёраш учун НК ёки СҚ кесиб, бўлакчаларга бўлинади ва пластик ҳолатга келтириш учун қарама-қарши томонга айланувчи трубасимон жўвалар орасидан ўтказилади. Кейин эса маҳсус аралаштиргичга каучук билан порошоксимон компонентлар (вулканизацияловчи ва вулканизацияни тезлаштирувчи моддалар, тўлдиргичлар ва бошқалар) маълум миқдорда (дозада) аралаштирилади. Бундай аралаштиришни жўвалар орасидан ўтказиш процессида ҳам бажариш мумкин. Натижада бир жинсли, пластик ва кам эгилувчан масса — хом резина ҳосил қилинади. Ҳосил бўлган хом резина енгйилгина формалаштирилади, органик эритмаларда эрийди ва қиздирилганда елимсимон бўлиб қолади.

Жўвалар орасидан ўтказилган резинали аралашма каландрга узатилади ва каландрда маълум қалинликка эга бўлган резинали листлар ҳосил қилинади.

Резинали аралашмани прессформага солиб, тўғри ва қўйма пресслаш методлари орқали резинали деталлар ҳосил қилинади. Мураккаб конфигурацияли деталлаш тайёрлаш зарур бўлиб қолса, босим остида (таъсирида) қўйма методидан фойдаланилади.

Лекин шуни айтиб ўтиш керакки, резина аралашмаларидан резинали буюмлар ҳосил қилиш учун каттароқ босим берувчи пресслар ишлатилмайди. Бундай прессларнинг босими 5 МПа гача бўлади, баъзи ҳолларда эса прессдаги босим кути 1—2 МПа бўлиши ҳам мумкин.

12- §. ЕЛИМЛІ МАТЕРИАЛЛАР

Халқ хұжалигининг турли соқаларида турли деталдардан (буюмлардан) ажралмас бирикмалар ҳосил қишлих учун енимлаш процессидан кеңг фойдаланылади. Бунинг учун аниқ мақсадға мүлжалланған турли навдати (турдаги) енимлардан фойдаланылади.

Енимлар — муайян шароитда қаттық парда ҳосил қилиб, уланадиган конструкцион материалларни (буюмлар ёки деталлар) бир-бирига мақсам өпиширадигаи өзишкөң материаллардир.

Халқ хұжалигининг турли соқаларида ишлатыладын енимлар, асосан, ҳайвон, үсимлик ва смола енимлари каби З группага бўлинади.

Ҳайвон елимининг асослари (негизлари) органик моддалардан, үсимлик енимлари — оқсиллардан, смола енимлари эса синтетик моддалардан ташкил тоғган.

Ҳайвон енимларига коллаген ёки тахта енимлар, шунингдек, казеинли ва альбуминли енимлар, үсимлик енимларига соя, канакунжут, вика (хашаки нұхат)лар, смола енимларига Б—3, КБ—3 маркалы финол-формальдегидли, МК—1, М—2, КМ—12, К—17 маркалы карбамидли (мочевина формальдегидли) ҳамда ЦНИИПС—2 енимлари ва бошқалар киради.

Енимлар қандай моддалардан тайёрланишига қараб, гўштпарда, сүяқ, балиқ, казеин, альбуминли ҳайвонот енимлари, ловия, нұхат, кунжут, картошка, жўхори, гуруч крахмалларидан үсимлик енимлари ва смолалардан тайёрланадиган енимларга бўлинади.

Фанерлар тайёрлашда, асосан, альбумин, казеин, үсимлик енимларидан фойдаланылади. Намға, сувга чидамли фанерлар ва енимланған ёғочдан қурилиш конструкциялари тайёрлашда смолали енимлардан фойдаланылади.

Гўштпарда ва сүяқ енимлари дурадгорлик енимлари ҳисобланыб, гўштпарда еими күшхона ва тери заводларida ҳосил бўладиган чиқиндиларни пишириш йўли билан тайёрланади.

Шуни қайд қилиш керакки, кейинги вақтларда синтетик моддалардан тайёрланған енимлар халқ хұжалигининг күргина соқаларида бошқа енимларга нисбатан кеңроқ ищлатилмоқда Чунки, фақат шулар туфайли ҳар хил хусусиятга эга бўлган конструкцион материалларни ўзаро бириктириш мумкин.

Хозирги вақтда ишлаб чықарыладын енимлар туғайлы пластмассаларни, силикатли ва органик шишиларни, натурал ва сунъий чармларни, каучук ва резиналарни, форфор, керамика, бетон ва қоғоз буюмларни, түрлі ёғоч материалларни, пахта ва жүй газламаларни, синтетик толалардан тайёрланған буюмларни ҳамда пүлаг, кумуш, мис, алюминийли, магнийли, титанли қотишмаларни, бошқа металл ва нометалл материалларни ҳамда уларнинг турли жинсли материалларини үзаро елемлаб, турли ажралмас бирикмалар ҳосил қилиш мүмкин.

Таркиби синтетик материаллардан иборат бұлған елемларнинг асосий ҳамда зарурий хусусиятлари шундай иборатки, ҳосил бўладиган бирикмалар атмосфера-га, коррозияга ва чирицга чидамлидир. Елемларнинг яна бир афзаллуклари шундаки, елемли бирикмалар ҳар қандай ажралувчи (болтли, шпилькали, винтли ва ҳоказо) ва ажралмас (михпарчинли, пайвандли) бирикмаларга нисбатан анча ёнгил бўлади, таңнархи арзор, елемлаш конструкцияси содда бўлади.

Турли материалларни елемлаш учун синтетик елемлар, айниқса, автомобиль, авиация, кемасозлик, электро ва радиотехника, химиявий, ёғоч ишлаш, пойабзал, полиграфия ва бошқа ҳалқ ҳўжалигининг бошқа түрлі тармоқларида кенг ишлатилмоқда.

Елемланган бирикмаларнинг пухталигини таъминлаш учун қуйидаги шарт ва чора-тадбирлар амалга оширилиши керак:

а) елемланадиган сиртлар силлиқ бўлмаслиги, яъни сиртлар тирналган, ғадир-будир, нотекис бўлиши керак;

б) елемланган бирикмани елим қуриб, қотунга қадар қайта ишлаш ёки пардоэлашга руҳсат этилмаслиги керак;

в) ҳосил қилинган бирикмани қисқичлар орасига олиб қуригунга қадар қўзғатмай сақлаш керак.

Мактаблар, билим юртлари ва олий ўқуи юртларининг ўқув устахоналаридан кўпроқ ишлатиладиган баъзи елемларнинг таркибий қисмлари ва хусусиятлари ҳамда елемлаш технологияси ҳақида қисқача маълумотлар қуйидагилардан иборат.

Металлар ва конструкцион нометалл материалларни термоизоляцияларга, газламаларга ва декоратив қоплаш материалларига елемлаб бириктириш учун ВК-32-2,

ВКТ-2, 88Н, ПУ-2М, АК-20, ПК-10, ХВК-20 ва бошқа маркадаги енимлар көнг ишлатилади.

Металлмас материаллар (ғөочлар, шиша, пластмасалар, текстолитлар, пенопластлар ва бошқалар) ВИАМ-БЗ ва ПУ-2 маркалы енимлар билан енимланиб, бирикмалар ҳосил қилинади.

Органик шишага бошқа материалларни енимлаш учун ВЗ-Ф9, ВК-32-70 ва ПУ-2 маркалы енимлар ишлатилади. Резиналарни ўзаро ва металлар билан 88Н, КР-6-18, ЧНБ, ВКР-7, КТ-15, КТ-25 маркалы енимлар билан бириктирилади.

Енимлаш процесси қуйидаги тартибда бажарилиши керак:

а) еимланадиган юзалар турли ифлосликлардан тозаланиши ва нотекис сиртларга айлантирилиши керак;

б) ҳамма уланадиган сиртларнинг бир томонига қўлда, чўтка ва пульверизатор ёрдамида елим суртиш керак;

в) бириктириладиган деталларни ҳавода ушлаш лозим (хона температурасида), яъни елим таркибидаги учувчи моддалар ажралиб чиқиши керак;

г) бириктириладиган сиртларни бирлаштириш ва қисувчи ёки босувчи қурилмалар ёрдами билан қисиш керак;

д) қисилган ёки босилган деталларни маълум температурада ушлаш (сақлаш) лозим, чунки вақт ва температура турли енимлар учун турлича бўлади;

е) бириктирилган деталларни тозалаш ва бирикманинг мустаҳкамлигини текшириш керак (бу ҳолда ишланган сиртларда уланмаган қисмларнинг борлигига эътибор бериш керак) ва ҳоказо.

Суяк елими ёғсизлантирилган ҳайвонот суюклари ва шохларини пишириб тайёрланади. Енимлаш хусусиятларига кўра гўштпарда елими суяк елиминдан устун туради.

Гўштпарда ва суяк енимлари қаттиқ плита шаклида тайёрланади. Плиталар тиниқ, сарфиш ёки қорамтир рангда бўлади. Тоза, сифатли енимларнинг синиғи шишиасимон кўринишга эга бўлади.

Қуруқ енимлар толқон, тугмача ва бошқа кўринишларда ҳам тайёрланади.

Енимлаш совуқ (-12 — 30°C) да, иссиқ ($+40$ — 70°C)

да ва қайноқ (80°C ва ундан юқори) ҳолда олиб борилиши мүмкін.

Буюм ёки деталларни бириктиришда, фанерларни елимлашда нормал қуюқликдаги елим эритмасидан фойдаланилади. Суюқ елим эритмаси, асосан, елимлаш (грунтовка қилиш) мақсадида ишлатилади.

Елимларнинг пухталигини аниқлаш учун елимланган чокни (бирикмани) тажриба йўли билан текширилади. Бунинг учун намлигӣ $7:12\%$ оралиқда бўлган шумтот ёки эман ёғочидан намуналар (кесими тўғри тўрт бурчакли параллелепипедлар бўлиб, ўлчамлари $25\times50\times50$ ва $25\times50\times65$ мм) олиб, толалар йўналиши бўйича бир-бираига параллел қилиб елимланади, сўнгра намуна бирикманинг елимланган чоки исказа ёрдамида ёрилади.

Агар ёриш вақтида елим парда ажратилмасдан ёғоч ёрилса, ёки кўчуб чиқса, елиминг ёпиштириш хусусияти яхши, елим чоки пухта деб ҳисобланади. Лаборатория шароитида эса елимланган чокнинг пухталигини пресс ёрдамида сурувчи кучнинг қийматини ортира бориш йўли билан текширилади ва ҳоказо.

Дурадгорлик елимлари нам таъсирнида пухталигини йўқотади (намга чидамсиз бўлади). Щунинг учун нам жойларда сақланадиган буюмлар намга чидамли маҳсус елимлар билан елимланади.

Альбуминли елим ҳайвонларнинг қонига оҳак аралаштириш йўли билан олинади. Альбуминли елим билан елимланган бирикма иссиқ ҳолатда прессслаб ёпиштирилади. Елимланган жойда қорамтири чок ҳосил бўлади. Альбуминли елимлар фақат елимланган фанерлар учун ишлатилади.

Казеин елимининг асосий таркибий қисмини ёғи олинган сутдан тайёрланган қуруқ сузма ташкил этади. Қуруқ казеин елими 5—10 мм лик қаттиқ доначалар кўринишида ёки оқиши, баъзан оч сариқ тусли порошок ҳолида тайёрланади. Порошок (толқон ҳолидағи казеин елими) казеин, сўндирилган оҳак, натрий фторид, содда дарпаранг (мис купороси) ва керосиннинг аралашмасидан иборат. Бундай моддалар тегишли елимининг турли хусусиятларини яхшилаш учун қўшилади. Масалан, дарпаранг моддаси елиминг нам ва сувга чидамлилигини ошириб, чиришдан сақлайди; керосин эса толқоннинг (порошокнинг) тош бўлиб қотмаслигини таъминлайди; натрий фторид ва сода эри-

түвчи сифатида қўшилади; сўндирилган оҳак елимнинг ўта пухталигини таъминлайди.

Саноат миқёсида казеинли елимларнинг «Экстра» ва оддий сортлари (навлари) ишлаб чиқарилади.

Казеин елими беш ой муддат ичидаги фойдаланиш учун яроқлидир.

Юқорида номлари қайд қилинган елимлар фақат ёғоч материалларни ўзаро бириттириш учун мўлжаллангандир.

Шунинг учун тури хил материалларни бир-бираига елимлаб ёпиштириш учун карбинооли елимлардан кенг фойдаланилади.

Карбиноол елими (МПФ-1, ВК-2, Л-4 ва бошқалар) ташқи кўриниш жиҳатидан рангли глицеринга ўхшаш хушбўй ҳидли, оч сариқ рангли, тиниқ суюқликдир.

Материал устига юпқа қилиб суртилган бундай елим тезда қотиб, бензинда, мойларда эримайдиган, сув ва кислота таъсирига чидамли парда ҳосил қиласди.

Карбиноол елими билан ёғочни металлга, металлни шиша, чарм, мармарга ёпиштириб, мустаҳкам, ажралмас бирикмалар ҳосил қилинади.

Глютинли елим. Ҳозирги вақтда бундай турдаги елимлар ўзларининг кўлгина ижобий хусусиятлари (юқори мустаҳкамликка эга бўлган бирикмалар ҳосил қилиши, тайёрланишининг оддийлиги, химиявий инертилиги, зарарсизлиги (кўл билан елимлашда) тайёр елимни сақлаш жуда осонлиги ва бошқалар) туфайли саноат миқёсида синтетик елимларни деярли сиқиб чиқармоқда.

Лекин, бундай елимлар билан бирикмалар ҳосил қилганда елим қатлами жуда узоқ қотадики, бу хусусият уларнинг камчиликлари ҳисобланади.

Глютинли елимлар таркибида дастлабки моддаларга қараб, гўштпарда, сукя ва балиқ елимларига бўлинади.

Поливинилацетатли елимлар. Турли чарм, қофоз, ёғоч, мато, шиша ва металларни бириттириш (елимлаш) учун ишлатилади. Айниқса, абразив саноати тармоқларида жуда кенг ишлатилади. Поливинилацетатли елимлар: полимерлар эритмаси (елими); таркибида учувчи (буғланувчи) моддалар бўлмаган елимлар; эмульсион таркибли елимлар каби группаларга бўлинади. Шуни айтиб ўтиш керакки, ўқув устахоналарида

турмушда күпинчә сув-эмulsionли елимлар кенг ишлатилади, чунки бундай елимларнинг таннархи арzon, зарарсиз, ёнмайдиган бўлганлиги учун елимли чоклари номаълум (рангсиз) бўлади.

Резинали елимлар, асосан, эритмаларга қаучукларни ёки резинали аралашмаларни қўшиб эритиш орқали ҳосил қилинади. Бундай елимлар группаларига вулканизацияловчи (натурал каучукнинг органик эритмасидаги аралашмаси), иссиқда вулканизацияловчи ($140-150^{\circ}\text{C}$ температура таъсирида) ва ўзи вулканизацияловчи (хона температурасида) елимларга бўлади. Иккинчи ва учинчи группага кирувчи елимларга, асосан, синтетик смолалар қўшилади. Бундай ҳолда, ҳосил қилинадиган елимлар билан ҳосил қилинган бирималар вулканизацияловчи елимлар билан ҳосил қилинган бирималарга нисбатан анча мустаҳкам бўлади. Резинали елимлардан энг кўп тарқалгани ва фойдаланиладиганлари 88 ва 88Н навлари ҳисобланади. Бундай елим навлари, асосан, резинали аралашмаларни ва бутилфенолформальдегидли смолаларни этилацетат ва бензинда эритиш орқали ҳосил қилинади.

Резинали елимлар орқали резинани резина билан, металлар, шишалар ва бошқалар билан бириттириб, елимли бирималар ҳосил қилинади.

Бундан ташқари, металларни ўзаро нометалл конструкцион материаллар билан елимлаб, биримка ҳосил қилиш учун техниканинг турли соҳаларида таркиблари синтетик смолалар ва синтетик каучукдан иборат бўлган елимлар (БФ-2, БФ-4, ВС-10Т ВК-32-200, ВК-3, ВК-4, К-153) ва эпоксидли елимлар (Пр ва ПВК-1, ВК-7, ПУ-2, ВК-5) ҳам кенг ишлатилади.

13- §. ЛОК ВА БҮЕҚ МАТЕРИАЛЛАР

Халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлатиладиган лок ва бўёқ материаллар, асосан, суюқ, сузма (паста) ва порошоксимон кўринишларида бўлиши мумкин.

Ҳар қандай лок ёки бўйқ материаллар билан турли сиртларни қоплаганда юпқа парда ёки қатлам ҳосил бўлади. Ҳосил бўладиган бундай қатлам тегишли буюм (деталь) материалини коррозиядан (металл ва қотишмаларга хос), эгилиш (букилиш) ва намланишдан (ёғоч

ва пластмассаларга хос жаңалайды ёки уларга ташқи чирий, эстетик күркемлилік бағш этади.

Шунинг учун ҳозирги вақтда деталларни (буюмларни) лок-бүек материаллар билан қоплаш ёки мұхофаза қилиш саноат мінёсіда көнт құлланылмоқда. Лекін шуны ҳам таъкидлаб үтмоқ лозимки, лок-бүек материаллар билан қопланған деталлар (буюмлар) нынг үзөк вақт күрнешінин ва хусусиятини йүқтотмаслиги күпгина факторларға боянып бўлади. Масалан, лок-бүекларни түтры таълаш, тегищли қоидага риоя қилингани ҳолда қоплаш, ёпишқоқлик кучининг катталигига (адгезия), лок-бүек материаллари билан қопланадиган деталь (буюм) материалларининг термик кенгайиш коэффициентига, буюмни эксплуатация қилиш шароитига (муҳит, температура ва бошқалар) боянип ҳолда, эксплуатация қилиш муддатини ошириш мүмкін бўлади.

Лок-бүек материаллар мустаҳкам парда ҳосил қилювчи турли табиий моддалардан (шлак, битумлар, асфальт, ва бошқалар), синтетик смолалар (фенолли) үсімлік мойлари (канопля, зигір, пахта), минерал мойлар, тұлдирувчилар, сиккативлар, пластификаторлардан иборат бўлган смолалар, пигментлар (оқ рангдаги рух оксиди, кўргошин тузи, сарық рангдаги өхралар, қизил рангдаги темир ва кўргошин оксидлари, қора рангдаги сажалар ва бошқа күрнешдеги пигментлар), тұлдирувчилар (пигментларға тальк, каолин ва бошқа материалларни қўшиш орқали ҳосил қилинады), пластификаторлар (зигір ёғи ва бошқалар) қўшиш орқали эса ҳосил бўладиган сиртдаги қатламга эластиклик, совуққа бардошлилнрни ошириш ва бошқа хусусиятларини яхшилаш учун қўшилади.

Лок ва бүеклар ўзларининг таркибларига қараб, локлар, эмадлар, грунтлар ва шпаклөвкаларга бўлинади.

Локлар органик эритмаларга (спиртга, эфирга, скапидарга), асосан, смола ва смолага ўхшаш маҳсулотларни қўшиш орқали қопловчи парда ҳосил қилювчи эритма мөддасидир. Локлар турли буюмлар (деталлар) ни қоплаш орқали уларни турли таъсирлардан мұхофаза қилиш ва декоратив тус бериш учун, турли материалларни электроизоляциялаш ҳамда эмаль бүеклар тайёрлаш учун халқ хўжалигининг турли саноат тармоқларида кенг ишлатилиди. Локлар, асосан, табиий (мойли) ва сунъий (хлорвинилли, бакелитли ва бошқалар) күрнешларида бўлади.

Эмаль бүёклар, асосан, турли пигментларни локларга күшиш орқали ҳосил қилинади Эмаллар билан қоплов-чи парда ҳосил қилиш типига қараб, эмалли бүёклар, нитроэмаллар (интроверглюолали локларга), смолали, мойли ва бошқа күринишдати бүёклар ҳосил қилинади.

Булар орасида нитроэмал жуда тез қурийди. Шунинг учун интроверглюоллар ва интролокларнинг ГОСТ бўйича 507, 508, 907, 230 маркаларидан юк автомобиллари-ни, кабиналарини, капотларини бўяш учун ишлатилади, ГОСТ бўйича 660 маркали қора рангдагисидан эса рамалар ва трансмиссияларни бўяшда фойдаланилади.

Нитроэмалнинг ГОСТ бўйича НЦ-11 маркалиси енгил машиналарни бўяш учун ишлатилади. Лекин таркиби, асосан, синтетик смолалардан иборат бўлган, локлардан ҳосил қилинадиган тегишли деталь ёки буюмининг қопловчи пардаси химиявий ва термик чидамлилти жиҳатидан анча юқори бўлади.

Грунтлар локларга 50 ... 70% турли пигментлар (хромли кислотанинг тузи, қўргошинли сурик, титаннинг бирикиши ва бошқалар) қўшиш орқали тайёрланади ва бундай моддалар турли металларни коррозийдан, ёғочларни чиришдан муҳофаза қилиш учун мўлжаллангандир.

Грунтлар, асосан, елимли, мойли ва нитровелюло-зали күринишларда бўлади. Буюм (детал)ни шпаклёвкалашдан олдин грунтовка бажарилади ва ҳоказо.

Шпаклёвкалар. Жуда майдаланган минерал порошоклар (бўр, гипс, оҳак каби) ни турли мойли, елимли, локли ва бошқа боғловчи моддалар билан аралаштириб, асосан, паста ёки сузма күринишидати қуюқ модда — шпаклёвкалар ҳосил қилинади.

Шпаклёвка деталь (буом) сиртидати турли ёриқларни, тешик-көвакларни, тирқишиларни тўлдириб, сиртининг текис бўлишини таъминлаш мақсадида ишлатилади. Шунга кўра, шпаклёвка қуюқ ва суюқ ҳолда тайёрланади. Шпаклёвка бир ёки бир неча бор маҳсус қуракча — шпатель билан суртилади. Шпаклёвкани, асосан, иш жойида ишлатиш вақтида тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

Шпаклёвкалар таркибидаги қўшилувчи моддаларнинг миқдорига (дозасига) қараб, ҳар хил бўлинни мумкин. Масалан, елимли шпаклёвканинг таркибida 3% дурад-горлик елими, 65% бўр ва пигмент, 30% сув бўлади. У

тез қотади. Унинг юмшоқ ва ёпишқоқ бўлишини таъминлаш учун таркибига 2% алиф қўшилади.

Мойли шпаклёвканинг таркибида 70% бўр ва пигмент, 30% лок бўлиб, елимли шпаклёвкага қараганда мустаҳкам бўлади, лекин секин қурийди.

Агар юзаларни жуда узоқ муддатга муҳофаза қилиш талаб қилинса, у ҳолда, ундан юзаларни кўп қатламили қопламалар билан, яъни, грунтovка, шпаклёвка, эмаль, лок қатламлари билан қоплаш мақсадга мувофиқдир.

Лекин шуни айтиб ўтиш керакки, умуман сиртлардаги шпаклёвка қатламининг қалинлиги 2 мм дан ош маслиги керак.

Вазифаларига кўра шпаклёвкаларнинг турли марказлари мавжуд. Масалан, машиналарни қоплаш учун ПФ-002, МС-006, НЦ-007, НЦ-008, НЦ-009 маркали шпаклёвкалар ишлатилса, қўпол ва катта чуқурларни йўқотиш учун ЭП-0010 эпоксидли шпаклёвкалар ишлатилади.

14- §. ЛОК-БҮЕҚ МАТЕРИАЛЛАРНИ ҚОПЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Турли деталлар (буюмлар), конструкциялар, машина ва механизмлар сиртларини турли лок, бўёқлар билан қоплашнинг бир неча методлари мавжуд. Қўлда чўтика ёки тампон (тоза дока ёки сурпга ўралган оппоқ пахта ёки кигиздан иборат) ёрдамида бўяш, пневматик ёки сиқилган ҳаво орқали электростатик майдонида пуркаш каби методлар шулар жумласидандир.

Агар сиртларда нотекисликлар, ўнқир-чўнқирликлар мавжуд бўлса, бундай сиртлар грунтovкадан кейин шпаклёвка қилинади, кейин эса тегишли лок-бўёқлар билан қопланади ва қуритилгандан кейин эса эксплуатацияга тайёр деб қабул қилинади.

1- §. ШИША МАТЕРИАЛЛАР

Шиша ҳам бошқа нометалл материаллар каби халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида (курилишларда, электроника ва радиотехникада, ўқув лабораторияларида ва ҳоказоларда) жуда кенг ишлатилади. Турмушимизни шишиасиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Шиша бу аморф жисмдир.

Шиша материаллар, асосан, сунъий усулда ишлаб чиқарилади. Шиша ҳосил қилиш учун кварц қуми, борат кислотаси, танокор, бўр, мармар тоши, доломит, сода ва оҳактошдан иборат аралашмани тегишли печларда ($1300-1500^{\circ}\text{C}$ температурада) суюқлантириш йўли билан тайёрланади. Шиша материалларни чўзиш, сиқиш, куйдириш, пресслаш, буриш, совитиш процессли орқали турли шаклдаги буюмлар ясалади. Шиша материаллар ўзларининг таркибидаги мoddалар (элементлар ва бирималар)нинг турлари ва миқдорларига қараб, жуда кўп хиллари мавжуд. Масалан, силикатли шишанинг таркибий қисмини унинг формуласидан англаш қийин эмас, яъни $\text{Me}_2\text{O} \cdot \text{RO} \cdot 6\text{SiO}_2$ бўлиб, бундаги Me_2O группаси ишқорий металларнинг оксидларини (Na_2O , K_2O , Li_2O); RO , ер ишқорий металларнинг оксидларини (CaO , BaO) ҳамда қўрғошин, рух ва бошқа металларнинг оксидларини ифодалайди. Ишқорий ва ер ишқорий металлар модификаторлар дейилади. Шиша материаллар саноатда дераза ойнаси, витриналарга мосланган ясси ва эгилган ойналар, мустаҳкам ойна, тобланган ойна —«Сталинит», нақшли ойна, хира ойна, тарам-тарам эговли ойна, биологик нурларни ўтказадиган ўта тиниқ ойна, рангли ойна ҳамда колбалар, найчалар ишланадиган шиша ва бошқа силлиқланганга ва силлиқланмаган ойналар кўринишларида ишлаб чиқарилади.

Рангли шиша материалларни ҳосил қилиш учун шиша материалларига (юқорида номлари мавжуд хомашёларга) қўшимча кристаллар (селен, хром, кадмий ва бошқа металларнинг оксидлари ҳамда олтин) қўшилади. Шиша масса ишлаб чиқариш учун, аввало, шиша таркибига кирувчи хомаки материаллар (хомашёлар) тайёрланади: улар қуритилади, эланади, майдаланади ва яхши аралаштирилади. Агар майдаланган материаллар бир жинсли бўлса, ундан ҳосил қилинадиган шишанинг сифати жуда юқори бўлади. Натижада, тайёрланган (аралаштирилган) хомаки материалларни пишириш учун ваннали печларга, узлуксиз ва даврий таъсир этувчи мартен печларига солинади ва тегишли температура (1200°C) да шиша материалга айлантирилади. Печлар, асосан, газ ва қаттиқ ёқилғилар билан ишлайди. Энг катта печда бир суткада 200 тоннагача шиша масса ишлаб чиқариш мумкин. Пиширилган шиша массадан буюм ишлаб чиқариш учун турли формалардан ва турли прин-

ципда ишлайдиган машиналардан фойдаланилади. Масалан, хўжалик ишлари ва қурилиш учун шиша блоклар ишлаб чиқариш учун пиширилган шиша массаларни пресслаш орқали ҳосил қилинади. Агар маълум бир қалинликдаги шиша листлар ишлаб чиқариш керак бўлса, шиша масса ичи бўш валиклар орасидан ўтказилиб про катланади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, шиша массадан турли буюм (детал)лар ишлаб чиқариш процессида уларда қолдиқ деформация содир бўлмаслиги керак, акс ҳолда шиша буюмнинг мўртлиги ошади ва тез синиши мумкин. Бундай ҳолларда тегишли шиша буюмлар 500 ... 600°C гача қиздириласди ва кейин секинлик билан совутилади.

Агар юқори мустаҳкамликка эга бўлган шиша ҳосил қилиш талаб қилинса, шиша тобланади, яъни юмшатиш температураси (15 ... 20°C) дан юқори температурагача қиздириласди ва сиқилган ҳаво пуркаш орқали тезда совутилади. Шиша буюмларга фақат термик усулда ишлов бермасдан, ҳимиявий ва механик ишлов ҳам бериш мумкин.

Х б о б

МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1- §. МЕТАЛЛУРГИЯ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Маълумки, ўрта мактаб программаларида металлургия саноатининг иши ва кўрсаткичлари билан қисқача таништириллади, яъни қора металлургия (чўян ва пўлат ишлаб чиқариш) ва рангли металлургия (мис, алюминий, магний, титан ва бошқалар ишлаб чиқариш)даги технологик процесслар, қурилмалар ҳақида дастлабки тушунчалар берилади. Металлургия саноати турли ҳимиявий бириқмалардан иборат бўлган рудалардан турли металларни ажратиб олиш ва уларни турли кераксиз табиий жинслардан (глинозём, кремнизём, оҳак ва бошка жинслар) тозалаш процессидан иборатдир. Рудаларнинг таркибидан металларни ажратиб олишнинг бир неча усуlldари бор.

1. Пирометаллургия энг кўп тарқалган усул бўлиб, рудаларни суюқлантириб, ундан металларни суюқ ҳолда ажратиб олишга асослангандир. Бу усул, асосан,

рух, мис, қалай, магний ва бошқа металларни олишда ишлатилади.

2. **Гидрометаллургия** турли суюқликлар, эритмалар ёрдамида рудаларни чўқтириш ёки электролизлаш орқали металларни ажратиб олишга асосланган усулдир. Бу усул орқали бой ва камбағал рудалардан рух, мис ҳамда бошқа қимматбаҳо металларни ажратиб олишда ишлатилади.

3. **Электрометаллургия.** Бу усул рудаларни, металларни эритиш ёки электр печларда тузларнинг эритмаларидан металларни электролиз қилишдан иборат. Электролиз, асосан, алюминий, магний ва тоза мис олишда қўлланилади. Рудаларни электропечларда эритиш эса фақат электроэнергияга бой ва арzon бўлган мамлакатлардагина мумкин бўлади.

4. **Химиявий металлургия**да титан, ванадий, цирконий, ниобий каби ноёб элементлар қайтадан тўкланади. Ҳозирги замонавий металлургияда, асосан, дастлабки материалларни тайёрлаб эритишга катта эътибор берилмоқда. Масалан, темир рудаси қоидага кўра, аввал бойитилади, чунки домна печида доимий (оддий) рудаларнинг ўрнига таркибида юқори процентли темир ва минимал чиқиндилари мавжуд бўлган рудаларгина ишлатилади.

5. **Порошокли металлургия** методи эса кетма-кет та-комиллашадиган операциялардан иборат бўлиб, турли порошокларни ҳосил қилиш, уларни преслаш ва пиширишдан иборат. Бу усулда турли антифрикцион, қаттиқ қотишмалар ва бошқалар ҳосил қилинади.

2- §. ЕҚИЛҒИЛАР, ФЛЮСЛАР ВА УТГА ЧИДАМЛИ МАТЕРИАЛЛАР

Металлургия саноатида қиздирадиган, эритадиган печларга ва қурилмаларга ёқилғилар ёқилади. Ҳамма турдаги (кўринишдаги) фойдаланилайдиган ёқилғилар органик моддалар ҳисобланади. Уларнинг состави, асосан, углерод, водород, кислород, азот ва олтингугурт ҳамда ёқилғи кули ҳосил қиласидиган ва нам берувчи минерал аралашмадан иборат бўлади. Энг кўп ишлатиладиган ёқилғилар, асосан, кокс, мазут ва табиий газлар ҳисобланади.

Кокс. Унинг иссиқлик бериш қобилияти 23520 кЖ/кг. Кокс тошкўмирнинг алоҳида нави (коксланувчи кўмир)-

ни ҳаво кирмайдиган махсус печларда 950—1000°C гача қиздириш (қуруқ ҳайдаш) йўли билан олинади. Коксланувчи кўмир қуруқ ҳайдалганда учувчан моддалар чиқиб кетади ва қолган қисми қовушиб, мустаҳкам ҳамда ғовак массага, яъни коксга айланади. Тошкўмирни коксга айлантириш процесси 12—15 соат давом этади. Коксланувчи тошкўмирнинг ҳар бир тоннасидан 800 кг гача кокс ва 350 м³ гача ёнувчи газ чиқади. Кокс, асосан, Донецк, Кузнецк, Қарағанды ва Печора конларидан қазиладиган кўмирлардан олинади.

Пистакўмир. Қаттиқ ёқилгининг бу тури ёғочни ҳаво кирмайдиган жойда 350—500°C гача қиздириш (қуруқ ҳайдаш) орқали олинади. Унинг иссиқлик бериш қобилияти 31500 кж/кг га етади. Пистакўмирдан олтин-гугурт ва кул жуда кам ажralиб чиқсанлиги учун уюқори сифатли чўянлар олишда ишлатилади.

Утин. Ёқилгининг бу тури янги қурилган ёки ремонтдан чиқсан metallurgия печларини ишга тушириш вақтида тутантариқ сифатида ишлатилади. Утинга олтин-гугурт деярли бўлмайди. Утин ёқилгандага жуда оз (0,5% гача) кул чиқади. Ҳавода қуритилган (намлиги 20—25% бўлган) утингининг иссиқлик бериш қобилияти 13500 кж/кг га етади.

Табиий газ. Домна печларida кокснинг ўрнини қисман босиши мумкин бўлган ёқилғи бу табиий газлардир. Табиий газ коксга қараганда анча арzon бўлиб, коксни 10—15% гача тежаш имконини беради, натижада чўяннинг таннархини бирмунча пасайтиради.

Флюс домна печларida бўладиган процесс учун зарур маҳсулотdir. Домна печларida чўян суюқлантириб олишда рудадаги ортиқча жинсларни ва ёқилғи ёнгандага чиқадиган кулни бирга суюқлантириб, шлакка айлантириш учун ишлатиладиган материаллар флюс дейилади. Агар рудадаги кераксиз жинсларда кислотали (кислота харakterидаги) оксидлар бўлса, флюс сифатида асос харakterидаги материаллардан оҳактош (CaCO_3) доломит ($\text{CaCO}_3 \text{ MgCO}_3$) ва бошқалардан, ортиқча жинсларда асосий (асос харakterидаги) оксидлар бўлса, кислота харakterидаги материаллардан, масалан, қумтупроқ (SiO_3) ва бошқалардан фойдаланилади.

Домна печига солинган флюс рудадаги кераксиз жинслар, ёқилғи кули ва олtingугурт билан бирикиб, осон суюқланувчан енгил жисм ҳосил қиласди. Бу жисм

суюқ чүян сиртига йиғилади. Ана шу жисм шлак дейілади.

Флюс сифатида, одатда, мартен печларидаң чиқадиган асос характеристидаги шлак ҳам ишлатилади, чунки унда оxaқ анча күп бўлади ва оxaқтошни тежашга имкон беради. Бундан ташқари, мартен шлаги таркибидаги темир ва марганецдан ҳам фойдаланса бўлади.

Металлургия печлари, шу жумладан, домна печлари қуришда ва уларни ремонт қилишда, ковш ва юқори температура таъсирида бўладиган бошқа мосламалар тайёрлашда ўтга чидамли материаллардан фойдаланилади, шунинг учун, бундай материаллар билан танишиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳаво. Домна печига солинган ёқилгини ёндириш учун кўп миқдорда ҳаво бериш зарур. Масалан, 1 т чүян эритиб олиш учун 1,8 т чамаси руда, 0,2: 0,5 т флюс, 0,65—1,2 т кокс сарф бўлса, уни ёндириш учун тахминан 4000m^3 ёки 3,5 т ҳаво сарф бўлади. Умуман, печга бериладиган ҳаво оғирлиги жиҳатидан печга солинган ҳамма материалларга деярли тенг бўлади. Печга ҳаво 1000—1100°C гача қиздирилган ҳолда, қуввати 10000 ва ундан ҳам ортиқ от кучига эга бўлган дамлаш машиналари ёрдамида 2 атмосфера босими остида берилади.

3- §. МЕТАЛЛУРГИЯДА ИШЛАТИЛАДИГАН ЎТГА ЧИДАМЛИ МАТЕРИАЛЛАР

Турли печларни ва иссиқлик қурилмаларини қуришда ҳар хил ўтга чидамли материаллар ишлатилади. Бундай материаллар юқорида кўрсатилган иссиқлик агрегатларида бўладиган юқори тэмпература ҳамда физик, физик-химиявий процессларга бардош бера оладиган бўлиши керак.

Ўтга чидамли материаллар саноатда гишталар, турли фасонли буюмлар ва порошоклар сифатида ишлатилади.

Химиявий таркиби жиҳатидан олганда, ўтга чидамли материаллар кислотали, ярим кислотали, асосий (асос характеристидаги) ва нейтрал материалларга бўлинади.

Кислотали материаллар жумласига динас гишти, кварц кукуни ва кварц қуми киради. Динас гишти янчилган табиий кварцдан тайёрланади, унинг таркибida

93—95% қум тупроқ (SiO_2) ва 15% Al_2O_3 бўлади. Динаснинг ўтга чидамлилиги 1600—1730°C га тенг, яъни у 1730°C гача бўлган температуralар таъсирига чидайди.

Динас ғишти 1730—1830°C да эрайди. Кварц кукуни ва кварц қуми домна печларининг ремонтида ишлатилади.

Ярим кислотали материаллар кварцли жинслардан: кварц, қум, кварцит ва бошқалардан тайёрланади. Бундай материалларда, одатда, 70—80% қумтупроқ, 30—20% гилтупроқ бўлади. Утга чидамлилиги 1700°C дан паст. Унча муҳим бўлмаган иссиқлик атрегатларига териш учун динас ғишти ўрнида ишлатилади. Вағранка ва бошқа печларнинг ички қисми ярим кислотали материаллардан ишланади.

Асосий материаллар жумласига магнезит (MgCO_3), доломит ($\text{CaCO}_3 \cdot \text{MgCO}_3$) ва хром магнезит киради.

Магнезитнинг ўтга чидамлилиги 2000—2200°C га, доломитники эса 1900—2000°C га тенг. Хром-магнезит ғишти хромли темиртош ($\text{FeO} \cdot \text{Cr}_2\text{O}_3$) билан магнезитдан тайёрланади. Унинг ўтга чидамлилиги 2000—2200°C га баравар.

Нейтрал материалларга шамот билан хромли темиртош киради. Шамот, асосан, гилтупроқ (30—40% Al_2O_3) билан қум тупроқ (50—60% SiO_2) дан иборат. Шамот ғиштининг ўтга чидамлилиги унинг таркибидаги гилтупроқ миқдорига боғлиқ. Таркибида 45—60% гилтупроқ бўлган шамотнинг ўтга чидамлилиги 1790°C га, таркибида 75% гилтупроқ бўлган шамотники эса 2000°C га етади.

Углеродли, ўтга чидамли материаллар 2050°C гача иссиққа бардош бера олади. Уларнинг таркибида 90% гача углерод бўлади. Улардан электр ёй печлари учун кўмир ва графит электродлар, металл эритиладиган тигеллар, металл қуийладиган ковшларнинг пробкалари ва ҳоказолар тайёрланади.

4.8. ЧУЯН ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ДАСТЛАБКИ ХОМ АШЕЛАР ВА УЛАРНИ ЭРИТИШ

Чўян, асосан, домна печларида темир рудаларидаи пиromеталлургия усулида олинади. Бинобарин, чўян ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида турли темир

рудалари, кокс, флюс, ҳаво ва бошқа материаллардан фойдаланилади.

Темир рудалари. Таркибидан чүян ишлаб чиқариш учун арзийдиган миқдорда темир бўлган тоғ жинслари темир рудалари дейилади. Руда таркибидаги темир кераксиз жинслар билан аралашган оксидлар ёки тузлар тарзида бўлади. Темирнинг ҳозирги вақтда кенг кўламда ишлатиладиган рудалари билан танишиб чиқамиз.

Қизил темиртош. Қизил тусли руда. Унинг таркибидан темир Fe_2O_3 формула билан ифодаланадиган оксид тарзида бўлади. Қизил темиртош минерал гематит деб аталади. Рудадаги темир миқдори 55—60% ни ташкил этади. Қизил темиртош темир рудаларининг энг яхшиларидан бири, таркибидан олтингурут ва фосфор кам, ундан темир осон қайтарилади. Қизил темиртошнинг йиррик запаслари Курск магнит аномалияси районида ҳам бор.

Магнитли темиртош. Бу руда қорамтири тусада бўлиб, магнитлик ҳоссасига эга, унинг таркиби темир Fe_2O_4 формула билан ифодаланадиган оксид тарзидадир. Магнитли темиртош минерали магнетит деб аталади. Бу рудада темирнинг миқдори бошқа рудалардагига қараганда кўпроқ бўлиб, 45—70% ни ташкил этади. Магнетит темирнинг бошқа рудаларига қараганда зич бўлганлиги учун ундан темир анча қийин қайтарилади. Магнитли темиртош конлари, асосан, Уралда Магнитная, Високая ва Благодать тогларида. Унинг запаслари Козогистоннинг Кустанай областида ҳам учрайди.

Кўнғир темиртош. Бу руда сарғиш қўнғир рангда бўлиб, унинг таркиби темир $\text{mFe}_2\text{O}_3 \cdot \text{nH}_2\text{O}$ кўринишдаги умумий формула билан ифодаланадиган оксидлар тарзидадир. Кўнғир темиртошда 35 дан 60% гача темир бўлади. Унда олтингурут билан фосфор миқдори темирнинг бошқа рудаларидагига қараганда кўпроқ. Бу рудадан темир осон қайтарилади. Кўнғир темиртош конлари Уралда, Керчъ ярим оролида, Кола ярим оролида, Тула областида, Козогистонда ва бошқа жойлардадир.

Шпатли темиртош. Сарғиш кул ранг тусли руда. Унда темир FeCO_3 формула билан ифодаланадиган карбонат тарзида бўлади. Шпатли темиртош конлари Уралда

(Зластоуст конлари), Киров области ва бошқа жойлардадир.

Чўян metallurgиясида юқорида тилга олинган рудалардан ташқари, комплекс рудалардан ҳам фойдаланилади. Комплекс рудаларда эса темир билан бир қаторда хром, никель, титан, ванадий ва баъзи бошқа металлар ҳам бўлади. Комплекс рудалар жумласига темир-марганецли, темир-хромли, темир-хром-никелли, темир-ванадий-титанли рудалар киради.

Темир-марганецли рудалар таркибида, темирдан ташқари, 20% гача марганец ҳам бўлади. Темир-марганецли рудалар кони, асосан, Қозоғистондадир.

Темир-хромли рудалар таркибида, темир Н-оксиди—FeOдан ташқари, хром III-оксиди (Cr_2O_3) ҳам бўлади. Домна печларида феррохром (темир билан хром қотишмаси) суюқлантириб олиш учун ишлатилади. Хромит конлари Урал ва Қозоғистондадир.

Темир-хром-никелли (хром-никелли) рудалар. Бундай рудалар жумласига таркибида темирдан ташқари озроқ миқдори хром ва никель ҳам бўлган рудалар киради. СССРда хром-никелли рудалар кони кўп, улардан энг асосийси Орск-Халиловск конидан чиқадиган рудалар — қўнғир темиртош типидаги рудалар бўлиб, уларда 35—48% темир, 1,3—1,5% хром ва 0,3—0,5% никель бор.

Темир-ванадий-титанли (титан-магнетитлар) рудаларда 42—48% темир, 0,3—0,4% ванадий, 2,7—7,8% титан бўлади. Титан-магнетит конлари, асосан, Уралдадир.

Суюқлантириб олинадиган чўян таркибида марганец миқдорини ошириш, шунингдек, маҳсус чўян, ферромарганец (темир билан марганец қотишмаси) ишлаб чиқаришда марганец рудаларидан фойдаланилади.

Марганец рудалари юмшоқ, сочилувчан ва гигроскопик бўлиб, уларда марганец миқдори 28% дан 40% гача етади. Таркибида марганец миқдорининг кўплиги жиҳатидан олганда, Кавказдаги Чиатура кони муҳим аҳамиятга эга, бу кондан чиқадиган руда таркибида 52% гача марганец бўлади. Марганец рудалари кони Украина (Никопольска), Сибирда (Ачинск шаҳри ёнида) Урал ва Қозоғистонда ҳам бор.

Кондан қазиб олинган рудани домна печига солишиндан олдин ўнга тегишли ишлов берилади, яъни руда суюқлантиришга тайёрланади.

5- §. РУДАНИ СҮЮҚЛАНТИРИШГА ТАЙЁРЛАШ

Рудани сүюқлантиришга тайёрлаш, асосан, майдалаш, ғалвирдан ўтказиш, ювиш, электромагнит ёрдамида бойитиш, қиздириш, агломератлаш операцияларидан иборат.


Рудани майдалаш. Домна печига йирик ва зич бўйлаклардан иборат руда солинса, темирнинг қайтарилиш процесси сусаяди ва печнинг унуми пасайиб кетади. Шу сабабли йирик бўйлаклардан иборат руда маҳсус машиналарда майдаланиб, унинг бўйлаклари маълум ўлчамга келтирилади.

Рудани ғалвирдан ўтказиш. Майдалангандан руда маҳсус ғалвирдан ўтказилиб, маълум ўлчамли бўйлакларга ажратилади, яъни сараланади. Бунда руда кераксиз жинслардан ҳам маълум даражада тозаланади. Бу мақсадда турли конструкциядаги ғалвирдан фойдаланилди.

Рудани ювиш. Агар руда таркибидан кераксиз жинслар кўп бўлса, бундай руда ювилади, натижада руда темирга бойитилган бўлади.

Рудани электромагнит ёрдамида бойитиш. Бу усул руданинг магнитлик хоссасига асосланган. Бойитилиши (тозаланиши) керак бўлган руда электромагнитли сепаратордан ўтказилади. Электромагнитли сепараторнинг схемаси 18-расмда тасвирланган.

Схемада кўриниб турибдики, иккита шкивга узлуксиз лента ўтказилган, шкивлардан бирининг ичига эса электромагнит ўрнатилган, майдалангандан руда электромагнитнинг таъсир зонасига келганда руданинг темирли қисми лентага тортилади, бекорчи жинслар эса инер-



18-расм. Электромагнит сепараторнинг схемаси.

ция кучи таъсирида узокроқса бориб тушади. Лентага тортилган руда электромагнитнинг таъсир зонасидан чиққач, махсус яшикка тўкилади. Бойитишнинг бу усули руда таркибидаги темир миқдорини 5% дан 15% гача ошириш имконини беради.

Рудани қиздириш. Рудаларни кристаллизация сувидан, қисман олтингугуртдан ва бошқа учувчан моддалардан тозалаш учун улар маълум температурагача қиздирилади. Қиздириш температураси руданинг турига боғлиқ бўлади. Рудани қиздириш учун ҳар хил конструкциядаги печлардан фойдаланилади. Руда қиздирилганда унинг ғоваклиги ортади, бундай рудадан эса металл осон қайтарилади.

Рудани агломератлаш. Кондан қазиб олинган руда баъзан майда бўлади, уни ташиш ва бойитища у янада майдаланади, бундай рудадан эса домна печида суюқлантириб чўян олиш жуда қийин бўлади. Шунинг учун майда рудалар махсус машиналарда йирикроқ бўлакларга айлантирилади (агломератланади). Ҳозирги замон домна печлари фақат флюсланган агломерат билан ишлайди, натижада печларнинг унуми 20% гача ошади, юксарфи эса 10—15% камаяди.


Флюсланган агломерат ҳосил қилиш учун майда руда, флюс ва бошқа материаллар сараланади ва майдаланади, руда ҳимиявий таркиби жиҳатидан ўрталанади (таркибидаги темир миқдори бараварлаштирилади) ва бойитилади. Шундан кейин, аралашма қаттиқ қиздирилади, натижада ғовак массали агломерат ҳосил бўлади.

Агломератлаш машиналарининг иш унуми суткасига 2000 т га етади. Домна печларидаги чўян ишлаб чиқаришда руда билан бир қаторда, ёқилғи ва флюс ҳам зарур бўлади.


6- §. ДОМНА ПЕЧИДА СОДИР БУЛАДИГАН ПРОЦЕССЛАР

Домна печига солинган шихтага қизиган газлар таъсир этиши натижасида содир бўладиган процесслар туфайли чўян, шлак ва колошник газлари ҳосил бўлади. Домна печида содир бўладиган процесслар, асосан, ёқилғининг ёниши, темир оксидларидан темирнинг қайтарилиши, темирнинг углеродга тўйиниши, марганец, кремний ва бошқа қўшимчаларнинг қайтарилиши ҳамда шлак ҳосил бўлишидан иборат.


Еқилғининг ёниши. Домна печига солинган әқиғи (кокс) пастға томон тушар экан, күтарилувчи газлар таъсирида қизий боради ва формалар рўпарасига етганда, горнга ҳайдалган ҳаво таркибидаги кислород ҳисобига тўла ёнади, яъни кокс углероди билан қислород реакцияга киришади, натижада карбонат ангидрид ҳосил бўлади ва маълум миқдорда иссиқлик ажралиб чиқади:



Ҳосил бўлган карбонат ангидрид юқорига кўтарилади ва қаттиқ қизиган кокс қатламлари орасидан ўта туриб, кокс таркибидаги углерод билан реакцияга киришади, натижада углерод II оксид (ис гази) ҳосил бўлади ва маълум миқдорда иссиқлик ютилади:



Бу реакция билан бир вақтда, печга ҳайдалган ҳаво таркибидаги сув буғидан углерод водородни қайтаради, натижада водород билан углерод II оксид аралашмаси ҳосил бўлади ва маълум миқдор иссиқлик ютилади:




Юқорида келтирйлган реакциялар натижасида ажралиб чиқсан, углерод II оксид (CO) хамда водород (H_2) ва ҳаво билан бирга кирган азот (N_2) дан иборат газлар аралашмаси юқорига томон кўтарилади ва пастга тушаётган шихта билан учрашиб уни қиздиради. Шу билан бирга, бу газларин байзилари, масалан, CO шихта материали билан реакцияга ҳам киришади.

Шихтанинг юқориги қисмida — тэмператураси 300° гача бўлган зонасида шихта материаллари қуриб, улардан гигроскопик сув, $300-500^\circ\text{C}$ ли зонасида эса кристаллизацион сув буғ ҳолида ажралиб чиқади. Сув буғи CO билан реакцияга киришиб, қўшимча газлар CO_2 , CO ва H_2 ҳосил қиласади.


Шихта таркибида карбонатлар бўлса, улар парчаланади. Масалан, $350-400^\circ\text{C}$ ли зонада темир II карбонат парчаланади:



5000°C дан сал юқори температурали зонада марганец карбонат парчаланади:



900°C чамаси температурали зонада эса кальций қарбонат парчаланади:



Бу реакцияларнинг ҳаммасида иссиқлик ютилади. Демак, 350 дан 900°C гача температураларда флюс ва руда карбонатлардан холи бўлади. Қарбонатларнинг парчаланишидан ҳосил бўлган кальций ва магний оксидлари ҳамда бошқа баъзи оксидлар печнинг юқориоқ температурали зонасига тушганда бекорчи жинслар билан қўшилиб, суюқланади-да, шлак ҳосил қиласди.


Шлак ҳосил бўлиши. Шлак домна печининг распар ва заплечик қисмларида руда таркибидаги бекорчи жинслар, ёқилғи кули ва олтингурут ҳамда рудадаги қўшимчаларнинг флюс билан қўшилиб суюқланишидан ҳосил бўлади. Домна процессида шлакнинг аҳамияти жуда катта, чунки олинадиган чўяннинг сифати шлакнинг характеристига боғлиқдир. Масалан, чўянда марганицнинг миқдори кўп бўлиши талаб этилса, шлакда оҳак миқдори кўп бўлиши керак, негаки бундай шлакда MnO ёмон эрийди, натижада марганец қайтарилиб чўянга ўтади. Агар чўян таркибида кремнийнинг миқдори кўп бўлиши талаб этилса, аксинча, шлакда оҳак миқдори кам бўлиши керак ва ҳоказо.

Ҳосил бўлган суюқ шлак горндағи суюқ чўян устига йигилади.

7-§. ДОМНА ПЕЧИННИГ ТУЗИЛИШИ

Ҳозирги замон домна печлари жуда катта иншотлар бўлиб, бўйи 70 м (фойдали баландлиги 35 метргача) га етади, ҳажми эса 2000...5000 м³дан ошади. Битта домна печида суткасига +10000 т дан кўпроқ чўян ишлаб чиқарилади. Домна печлари, барча шахта печлари каби, қарши оқим принципида ишлайди, яъни ёқилғи (кокс), руда ва флюс домна печининг тёпасидан туширилади. Улар ўз оғирлиги таъсирида печининг тубига томон узлуксиз тушиб туради, печнинг тубидан эса ёқилғининг ёнишидан ҳосил бўлган махсулотлар — юқори температурали газлар тепага узлуксиз кўтарилиб туради. Домна печи (19-расм) бешта асосий қисмдан, горн, заплечик, распар, шахта ва колошникдан иборат.

Горн. Домна печининг бу қисмida ёқилғи ёнади, суюқ чўян ва шлак йигилади. Горннинг туби лешчадъ деб аталади, суюқ чўян ана шу лешчадъ (1)га оқиб тушади. Горнда лешчадъ садхидан сал баландга чўян чи-



19- расм. 5000 м³ ҳажмли домна печининг схемаси.

1 — чүян чиқарыш нови; 2 — шлак чиқарыш нови; 3 — фурмалар; 4 — лещадь (туб); 5 — чүян ташувчи вагонетка; 6 — шлак ташувчи вагонетка; 7 — газ чиқарыш трубаси; 8 — таъмнилович воронка; 9 — фундамент; 10 — ҳаво ҳайдовчи труба; 11 — кичик корпус; 12 — катта конус; 13 — ўтга чидамли гиштдан терішілген дөвр; 14 — кожух.

қарыш учун тешик (2), ундан юқоригоққа эса шлак қызариш учун тешик қилингандык. Горнинг юқоридаги қисмидан айланада бүйлаб фурмалар (3) ўрнатилғандык, бул фурмалар сони үн олтита ва ундан ортиқроқ бүлади, еқілғининг ёниши учун зарур бүлгандык ҳаво печга ана шу фурмалар орқали ҳайдалади. Қиздирилғандык ҳаво фурмаларга ҳалқа труба (10) дан келади. Горнда температура 1800°C дан ошади.



Заплечик. Домна печининг бу қисми — катта асоси, тепага қараган кесик конус шаклида бўлиб, унда температура 1900°C га етади ва металл билан шлак суюқланишда давом этади.

Распар. У домна печининг кенг қисми бўлиб, цилиндр шаклидадир. Распарда температура 1400°C ва ундан юқоригоқ бүлади. Домна печининг бу қисмидан металл суюқланади ва шлак ҳосил бўла бошлайди.

Шахта. Домна печининг энг асосий ва энг катта (узун) қисми бўлиб юқоридан пастга томон кесик конус шаклида бўлади.

Печининг бу қисмидан мавжуд хом ашёлар қурийди ва рудалар дарз кетади. Шахтанинг колошник томонидаги қисмидан температура (ишданган газни қызариш трубаси олдида) 200 — 300°C ни ташкил қиласа, шахта пастидан (распар томонидаги қисмидан) эса температура 1200 — 1300°C ни ташкил қиласади.

Шахтанинг юқори (400 — 600°C да) ва пастки қисмидан (900 — 950°C да) темир оксидларига углерод оксид (CO) таъсирида темир қуйидаги схема бўйича тикланаиди, яъни;



Колошник. Колошник домна печининг энг устки қисми бўлиб, унга шихта солиш аппарати ўрнатилади. Печга шихта порциялаб туширилади, печга туширилайдиган шихтанинг ҳар бир порцияси колоша деб аталади. Колошник деган термин ана шундан келиб чиққан бўлиб, колошник сўзи колошадон деган иборани англатади.

Шихта солиш аппарати шихтанинг бир текисда тақсимлаш учун хизмат қиласади ва пеъ газларининг атмосферага чиқишига, атмосфера ҳавосынинг эса печга киришига йўл қўймайди.

Шихта солиши аппаратининг тўрли конструкциялари мавжуд бўлиб, улардан энг кўп тарқалган тури кичик конус (11) ва катта конус (12) дан иборат конструкциядир. Ўндай конструкциялий аппарат шихтанинг йирикроқ бўлакларини печнинг марказига томон, майдароқ бўлакларини эса печнинг деворлари томон туширди, шихтанинг зичлиги пеъч деворлари томонида каттароқ, марказида эса кичикроқ бўлади. Домна печида пастдан юқорига кўтарилаётган газларнинг кўпи, одатда, пеъч деворлари ёнидан, оз қисми эса марказидан ўтади. Шихтанинг юқорида айтиб ўтилган тарзда тақсимланиши газларнинг пеъч жўндаланг кесими бўйича бир текисда ўтишига шаронт яратади, натижада рудадай металла анча тўла қайтарилади.

Домна пеъчи колошнитининг ён деворига труба (7) ўрнатилган бўлиб, пеъча ҳосил бўладиган ёнувчи газлар, қарбонат ангидрид, чант, ҳаво билан кирган изот ва бошқалар аралашмаси ана шу трубадан газ тозалаш аппаратига юборилади. Бу газлар аралашмаси домна гази ёки колошник гази деб аталади. Колошник газининг пеъчдан чиқиши олдидағи температураси 300°C га етади.

Домна пеъчининг темир-бетондан ишланган оғир фундаменти бўлади. Пеъчининг шахтаси ана шу фундаментга ўрнатилган колонналарга таянч ҳалқа (9) орқали мустаҳкамланган. Домна пеъчининг девори (18) юқори сифатли шамот ғиштидан терилган бўлиб, 15—20 мм қалинликдаги шулат қожух (14) билан ўплланган.

Гори, заплечик, распар ва шахта ҳажмларининг йиғиндиси домна пеъчининг фойдали ҳажми дейилади. Ҳозирги баъзи домна пеъчларининг фойдали ҳажми 5000 m^3 дан ошади.

8- ё. ДОМНА ПЕЧИННИГ ёРДАМЧИ ҚУРИЛМАЛАРИ

Домна пеъчига жуда кўп миқдорда шихта материаллари солиб турилади, домна пеъчининг иш унумини ошириш учун эса унга ҳайдаладиган ҳаво маълум температурагача қиздириб олинади. Шихта материалларини келтириш ва уларни домна пеъчига солиши, ёқилгининг ёници учун зарур бўлган ҳавони қиздириш ва уни домна пеъчига ҳайдаш ишлари домна пеъчининг ёрдамчи қурилмалари воситасида бажарилади. Домна пеъчи, юқорида айтиб ўтилгандек, 8—10 йил тўхтосиз ишлайди.

Домна печининг бундай узоқ-узоқ вақт ишлашини таъминлаш учун унинг ёрдамчи қурилмалари жуда пухта бўлиши ва бўзилмай ишлаши керак, яъни улар ишончли бўлиши зарур. Домна печининг ёрдамчи қурилмалари жумласига кўтариш ва тўкиш механизмлари, қўйиш сарой (майдонча) лари, ҳаво қиздиргичлар, газ тозалаш аппаратлари, ҳаво ҳайдаш машиналари ва бошқалар киради.

9- §. ДОМНА ПЕЧИННИГ ИШЛАШИ

Домна печининг янги конструкциялари 8—10 йилгача кечаю кундуз тўхтовсиз ишлайди. Домна печининг тўхтовсиз ишлаш вақтига компания даври деб аталади. Компания даврида домна печининг қандай ишлаётганлиги контрол-ўлчаш асбоблари ёрдамида аниқлаб турилади. Домна печидан суюқ чўян нов (1) орқали (19-расмга қаранг) ҳар 3—4 соатда, суюқ шлак эса нов (2) орқали ҳар 1,5—2 соатда чиқариб турилади. Чўян чиқариш учун, ўтга чидамли материал билан уриб қўйилган тешик (дарча), шлак чиқариш учун эса тешик очилади, бунинг учун махсус асбоблардан фойдаланилади. Шлак ва чўян ҳар гал чиқарилгандан кейин бу тешиклар махсус асбоб ёрдамида ўтга чидамли материал билан яна бекитиб қўйилади.

Суюқ чўян домна печидан махсус транспорт (вагонетка, ковш ва ҳ. к.) ларга туширилади ва шу транспортларда пўлат олиш цехига юборилади ёки ковшларга солиниб, улардан қолипларга қўйилади. Пўлат олиш цехига суюқ чўян миксер деб аталадиган идишлар орқали тўлдирилиб келтирилади.

10- §. ДОМНА ПЕЧИДАН ОЛИНАДИГАН МАҲСУЛОТЛАР

Домна печидан олинадиган маҳсулотлар жумласига чўян, шлак, домна гази ва колошник чанги киради. Бу маҳсулотларнинг ҳар бири билан алоҳида танишиб ўтамиш.

Чўян. Чўян домна печидан олинадиган асосий маҳсулотdir. Унинг таркибида 2,14% дан 4,5% гача углерод, 0,50% дан 4,25% гача кремний, 0,2% дан 3,5% гача марганец, 0,10% дан 1,30% гача фосфор, 0,02% дан 0,20% гача олтингугурт ва жуда оз миқдорда бошқа баъзи элементлар бўлади. Бинобарин, чўян темир билан углероднинг муроққаб қотишимасидир. Ишлатилиш

соҳасига кўра, чўян учта асосий группага бўлинади: қайта ишланувчи чўян, қўймакорлик чўяни ва ферро-қўтишмалар (махсус чўянлар) дир.

11- §. ҚАЙТА ИШЛАНУВЧИ ЧЎЯН

Бу чўян домна печидан олинадиган барча чўяннинг 80% дан ортигини ташкил этади. Қайта ишланувчи чўян таркибидаги углероднинг ҳаммаси ёки кўп қисми темир билан химиявий бириккан ҳолда, яъни темир карбид (цементит), Fe_3C ҳолида бўлади. Унинг суюқ ҳолатда оқувчанлиги паст, шунинг учун у қолипнинг нозик жойларини яхши тўлдира олмайди. Бундай чўяннинг синиқ жойи оқиш тусда бўлганлиги учун уни оқ чўян деб ҳам айтилади. Оқ чўян қайта ишланаб, ундан пўлат олинади. Унинг қайта ишланувчи чўян деб аталишининг сабаби ҳам ана шундадир.

Пўлат олиш усулига кўра, қайта ишланувчи чўян учтурга: мартен, бессемер, томас чўянларига бўлинади. Мартен чўяни М-1 ва М-2 билан, бессемер чўяни Б-1 ва Б-2 билан, томас чўянни эса Т-1 билан маркаланади. Қайта ишланувчи чўянлардан баъзиларининг химиявий таркиби 9- жадвалда келтирилган.

Қўймакорлик чўяни. Қўймакорлик чўяни домна печидан олинадиган ҳамма чўяннинг тахминаи 18% га яқинини ташкил этади. Бу чўяннинг суюқ, ҳолатда оқувчанлиги юқори бўлади ва қолипнинг нозик жойларини ҳам яхши тўлдиради, шу сабабли у ҳар хил қўймалар олиш учун ишлатилади. Унинг қўймакорлик чўяни деб аталишининг сабаби ҳам ана шундадир.

Қўймакорлик чўяни таркибидаги углероднинг кўп қисми эркин ҳолатда, графит тарзида бўлади ва синиқ жойи кул ранг тусда кўринганлиги учун кул ранг чўян деб ҳам аталади.

Қўймакорлик чўянининг химиявий таркиби 9- жадвалда келтирилган. Домна печида қўймакорлик чўяни ҳосил қилиш учун шихтада етарли миқдорда қумтупроқ бўлишига эришиш керак. У таркибидаги графитнинг қандай шаклда бўлишига қараб, кул ранг, оддий, жуда пухта ва боғланувчан чўянларга бўлинади. Оддий кул ранг чўян графит пластинкалар шаклида бўлади; бу чўян СЧ ҳарфлари ва икки хонали иккита сон билан маркаланади, масалан, СЧ 12-28. Бу маркадаги

Баъзи чўян навларининг химиявий таркиблари ва механик ҳоссалари

Чўянилар номи	Чўян маркалари	Химиявий таркиби						Механик ҳоссалари			Бринель бўйича қаттиқлағати, НВ.	
		C	Si	Mn	P	S	Cr	Ni	цўз, МПа	эрг, МПа	Имсойи үзай, %	
Кайта ишланувчи чўянилар	M1		0,76— 1,50	1,50— 3,56	0,15— 0,30	0,3— 0,07						
	Б1		0,90— 1,60	0,60— 1,20	0,07	0,06— 0,08						
	T1		0,29— 0,60	0,80— 1,30	1,60— 2,00	0,08						
Қўймакорлик чўянилари	ЛК 0		3,26— 3,75	0,50— 1,30	0,10— 1,20	0,02— 0,03						
	ЛК 2		2,26— 2,75	0,50— 1,30	0,10— 1,20	0,03— 0,04						
Оддий кул ранг чўянилар	СЧ12-28	3,3— 3,6	2,2— 2,5	0,6— 1,0	0,4	0,15	0,15	0,5	120	28,0		143—229
	СЧ32-52	2,7— 3,0	1,1— 1,5	0,8— 1,2	0,2	0,12	0,3	0,5	320	520		187—255
Жуда пухта чўянилар	ВЧ60-2	—	—	—	—	—	—	—	600	2		197—269
	ВЧ40-10	—	—	—	—	—	—	—	400	15		156—108
Болғаланувчи чўянилар	КЧ30-6	2,7— 3,1	0,7— 1,1	0,3— 0,6	0,2	0,18			300	6		163
	КЧ63-2	2,2— 2,6	0,7— 1,1	0,4— 1,0	0,2	0,12			630	2		241

СЧ ҳарфлари (русча серий чугун сүзларининг биринчи ҳарфлари) кул ранг чўян эканлигини, биринчи сон (12) чўзишишдаги мустаҳкамлик чегарасини МПа ҳисобида, иккинчи сон (28) эса эгилишдаги мустаҳкамлик чегарасини (МПа ҳисобида) билдиради. Оддий кул ранг чўяннинг маркалари химиявий таркиби ва механик ҳоссалари 9- жадвалда берилган.

Жуда пухта чўянда графит шар шаклида бўлади: бу чўян ВЧ ҳарфлари (русча высокопрочный чугун сүзларининг биринчи ҳарфлари) ва иккита сон билан маркаланади. Масалан, ВЧ 45-5. Бу маркадаги ВЧ ҳарфлари жуда пухта чўянни, биринчи иккита сон (45 сони) чўяннинг чўзишишдаги мустаҳкамлик чегарасини (МПа ҳисобида), иккинчи сон (5 сони) эса нисбий узайишини (%) ифодалайди.

Болғаланувчан дегандা, бу чўянни фақат болғалаш йўли билан ишлаб бўлади, деб тушуниш ярамайди. Бу ном шу чўяннинг кул ранг чўянга қараганда пластикроқ бўлганлиги учун берилган номдир, демак у шартлидир.

Болғаланувчан чўянда графит — бодироқ шаклида бўлади, бу чўян ҳам иккита ҳарф кетма-кет келадиган иккита сон билан маркаланади. Масалан, КЧ 50-4. КЧ ҳарфлари (русча ковкий чугун сүзларининг биринчи ҳарфлари) чўяннинг болғаланувчан чўян эканлигини, биринчи иккি сон (50) чўяннинг чўзишишдаги мустаҳкамлик чегарасини ($\text{Н}/\text{м}^2$ ҳисобида), иккинчи сон (4) эса нисбий узайишини (%) ҳисобида) анѓлатади. Болғаланувчан чўяннинг химиявий таркиби ва механик ҳоссалари ҳам 8- жадвалда келтирилган.

Ферроқотишмалар (махсус чўянлар). Бундай чўянлар таркибида кремний ва марганец миқдорлари одатдаги чўянлардагига қараганда анча кўп бўлади. Ферроқотишмалар уч турга бўлинади: ферросилиций ялтироқ чўян ва ферромарганец. Ферроқотишмалар чўяндан пўлат олишда темир II оксидидан темирни қайтариш, шунингдек, пўлатни легирлаш учун ишлатилади. Чўяннинг юқорида айтиб ўтилган турларидан ташқари, легирланган чўянлар деб аталадиган хили ҳам бўлади. Бундай чўянлар таркибига чўянда доимо бўладиган: хром, никель, мис, титан, молибден ва бошқа элементлар ҳам киради. Бу элементлар чўяннинг физик-механик ҳоссаларини яхшилайди. Легирланган чўянлардан тир-

сакли валлар, прокатлаш станларининг жўвалари, компрессор деталлари, поршень ҳалқалари, шестерялар ва бошқа деталлар қуийлади.

Чўянларнинг тузилиши ва хоссалари унинг таркибидаги элементларга боғлиқ ҳолда турли хусусият (хосса) ларга эга бўлиши мумкин (8- жадвалга қаранг).

Лекин кейинги вақтларда чўянлар металлургия саноатида янги стандартлар бўйича ишлаб чиқарилмоқда:

- а) кул ранг чўян қўймаси ГОСТ 1412-79;
- б) болғаланувчи чўян қўймаси ГОСТ-1215-79;
- в) юқори мустаҳкамли чўян қўймаси ГОСТ-7293-79;
- г) антифрикцион чўян қўймаси ГОСТ-1885-79.

Буларнинг бундай турли навлари зарурий саноат корхоналарида кенг фойдаланилмоқда.

Маълумки, кул ранг чўянлар яхши қўймалик хосса-сига эга бўлиб, ўртача мустаҳкамликка эга.

Янги стандартга кўра, бундай чўянларнинг СЧ10, СЧ15, СЧ18, СЧ20 ... СЧ40, СЧ45, (икки хонали рақамлар юқорида белгилангандек, чўзилишидаги мустаҳкамлик чегараларини ифодалайди) номерлари ишлаб чиқарилмоқда.

Бундай навли кул ранг чўянлардан турли блоклар, барабанлар, подшипник корпуслари, стойкалар, тишли ва червякли фидираклар, роликлар, кожухлар, кришклар, втулкалар, станиналар, 930°C гача температура таъсирида ишлайдиган печларнинг деталлари, насосларнинг корпуслари, катоклар, юлдузчалар ва бошқалар тайёрлашда ишлатилади.

Болғаланувчи чўянлар, асосан, оқ чўянларни термик ишлов бериш орқали ҳосил қилинади ва машинасозликнинг турли соҳаларида жуда кенг ишлатилади.

Бундай чўянлар ҳам 8- жадвалда ифодалангандек, маркаланади ва ўқилади.

Болғаланувчи чўянларда, асосан, турли арматура ва трубкаларни улаш қисмлари, ричаглар, кулачоклар, шкифлар, рукояткалар, пластинкали занжирлар, муфга колодкалари, контргайкалар каби деталь ва қисмлар ишлаб чиқарилади.

Кремнийнинг таъсири. Кремний чўянда графит ҳосил бўлиш (графитланиш) процессини кучайтиради, шунинг учун чўяннинг тузилишига, айниқса, катта таъсир этади. Кремний чўяннинг суюқ ҳолатда оқувчанлигини оширади ва демак, кул ранг чўян ҳосил бўлишига ёр-

дам беради. Бинобарин, таркибидаги кремний миқдори-ни ўзгартириб, тузилиши ва механик хоссалари турли-ча бўлган чўянлар ҳосил қилиши мумкин.

Марганецнинг таъсири. Марганец чўянга кремний-нинг аксича таъсир этади, яъни у графитланиш процес-сига тўсқинлик қиласди — оқ чўян ҳосил бўлишига олиб келади, чунки марганец углерод билан бирикиб, Mn₃C таркибли карбид ҳосил қиласди ва углероднинг эркин ҳолатда ажралиб чиқишига тўсқинлик қиласди.

Фосфорнинг таъсири. Фосфор графитланиш процес-сига унча таъсир этмайди, чўяннинг суюқ ҳолатида оқувчанлигини оширади. Бу жиҳатдан олганда фосфор фойдали элемент ҳисобланади. Аммо у чўяннинг пухта-лигини пасайтириб, мўртлигини оширади; чунки у нис-батан осон (950°C да) суюқланадиган учлама эвтекти-ка ҳосил қиласди; бу эвтектика эса чўяннинг қотиши пайтида кўп фосфорли аустенит цементит ва темир фос-фид (Fe₃P) дан иборат бўлади. Кўп фосфорли чўяннинг суюқ ҳолатда яхши оқувчан бўлишига сабаб ҳам осон суюқланадиган ана шу учлама эвтектикадир.

Олтингугуртнинг таъсири. Олтингугурт чўяннинг су-юқ ҳолатида оқувчанлигини пасайтиради ва қуйманинг киришувчанлигини оширади. Олтингугурт ҳам, худди марганец каби, графитланиш процессига тўсқинлик қи-ласди, яъни оқ чўян ҳосил бўлишга олиб келади. Де-мак чўянда олтингугурт бўлиши маъқул эмас, яъни у зарарли элементdir.

Шлак. Шлак домна печидан олинадиган қўшимча маҳсулот бўлиб, унинг миқдори олинадиган чўян оғир-лигининг тахминан 60 процентини ташкил этади. Шлак асосий (асос) характеристида) ёки кислотали (кислота ха-рактерида) бўлади. Кислотали шлак таркибida кўп миқдорда қумтупроқ ва озроқ оҳак, асосий шлак тарки-бida эса, аксинча, кўп миқдорда оҳак ва оз миқдорда қумтупроқ бўлади. Домна шлаги жуда арzon ва юқори сифатли қурилиш материали тарзида ишлатилади. Ма-салан, асосий шлакдан цемент, бетон ва фишт тайёрла-нади, кислотали шлакдан одатда, иссиқлик изоляцияси материали сифатида фойдаланилади, бу материалга эса шлак пахтаси деб аталади ва суюқ ҳолатдаги кислота-ли шлакдан босим остида буғ ёки ҳаво ўтказиш йўли билан олинади:

Домна гази. Бу газни колошник гази ҳам деб атала-

ди. Корошник гази ҳам домна печидан чиқадиган құшимча маҳсулоттадыр. Унинг ўртача химиявий таркиби қуидаги: (26—32) % CO; (1,0—4,5) % H₂; (0,2—0,4) % CH₄; (8—10) % CO₂ ва (56—63) % N₂. Корошник газида күп миқдордаги ёнувчи газлар бўлганлиги учун у юкори калорияли ёқилғи сифатида ишлатилади. Маълумки, домнадан чиқкан газлар аралашмасига домна чанги ҳам қўшилган бўлади, шунинг учун улар ишлатилишидан олдин маҳсус аппаратларда ана шу чангдан тозаланади. Тозаланган 1 м³ домна гази ёнганда ўрта жисоб билан 4500 кж иссиқлик чиқади. Чангдан тозаланган газдан ҳаво қиздиргичларда, мартен печларида, буғ қозонларида ва бошқаларда ёқилғи сифатида фойдаланилади. Домна печида ёқиладиган кокснинг ҳар тон-насидан 4000 м³ чамаси корошник гази чиқади.

Корошник чанги. Домна печидан чиқадиган бу қўшимча маҳсулот шихта материалларининг домна газига қўшилиб чиқадиган жуда майдар заррачаларидан иборат. Корошник чанги домна газини маҳсус апнаратларда тозалаш вақтида йиғилиб қолади. Бу чангдан агломерат тайёрлаш учун қўшимча хом ашё сифатида фойдаланилади, чунки унинг таркибида маълум миқдорда руда ва кокс бўлади.


12- §. ПУЛАТ МЕТАЛЛУРГИЯСИ

Пўлат темир билан углероднинг қотишмаси эканлигі ва унинг таркибида 2,14% гача углерод бўлиши юкорида (IV бобда) айтиб ўтилган эди. Пўлат ҳозирги замон техникасининг барча соҳаларида хилма-хил деталлар, машиналар, конструкциялар ҳамда қурилмалар деталларини тайёрлаш учун ишлатиладиган асосий материаллар. Техникада ишлатиладиган пўлат таркибида, углероддан ташқари кремний, марганец, фосфор, олтингутурт ва бошқа элементлар ҳам бўлади ва асосан, чўяндан олинади. Пўлатнинг чўяндан фарқи шундаки, пўлат таркибида углерод ва бошқа элементлар чўянданга қараганда кам бўлади. Демак, чўяндан пўлат олиш процесси чўяни таркибидаги углерод ва бошқа элементлар миқдорини камайтиришдан иберат. Ҳозирги вақтда пўлат олишнинг учта усули, конвертор, мартен ва электр усувлари мавжуд. Пўлат олишнинг ана шу усувлари билан қисқача танишиб ўтамиз.

13. §. КОНВЕРТОР УСУЛИ

Конвертор усули фақат суюқ чүяндангина пұлат олишда құлланилади. Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, суюқ чүян конвертор (баъзан конвертер) деб аталадиган ва олдиндан қаттиқ қиздириб олинган идишига еолинади ва чүян орқали ҳаво ҳайдалади. Ҳайдалған ҳаво таркибидаги кислород чүндаги углеродни ва құшимча элементларни оксидлайди (ёндириб юборади), натижада чүян таркибидаги углерод билан құшимчалар миқдори камаяди ва пұлат ҳосил бўлади.

Конвертор (20-расм) 15—25 мм қалынликдаги пұлат лист (1) дан нок шаклида ясалған идиш бўлиб, унинг ички девори ўтга чидамли гиштдан терилған. Ички деворнинг қалынлиги, конверторнинг сиримига қараб, 75



20-расм. Конверторнинг түзилиш схемаси:

1 — пұлат көкүх; 2 — ўтга чидамли гиштдан терилған ички девор; 3 — ичи ковак цапфа; 4 — яхлит цапфа; 5 — тицшли ғиддирек; 6 — тицшли рейка; 7 — ҳаво күтпеси; 8 — алмаштириладиган туб; 9 — фурмалар; 10 — оғиз.

дан 400 мм гача бўлади. Конверторнинг ўрта қисми сиртига пўлат ҳалқа (тасма қилинган). Бу ҳалқага иккита цапфа (3 ва 4) маҳкамланган, бу цапфалардан бирининг ичи ғовак (бўшлиқ) бўлиб, цапфалар фундаментга ўрнатилган колонналарга таяниб туради. Конверторга ҳайдаладиган ҳаво ичи ғовак цапфа (3) орқали ҳаво қутиси (7) га ва ундан фурмалар (9) орқали конвертор ичига кириб, суюқ чўяндан ўтади. Яхлит цапфа (4) нинг учига тишли фидирлак (5) ўтказилган, тишли фидирлак эса тишли рейка (6) билан тишлаттирилган. Тишли рейка ҳаракатланганда тишли фидирлакни ва у билан бириктирилган конверторни зарур бурчакка буради, тишли рейканни ва электр двигатели ёки гидравлик юритмани ҳаракатга келтиради. Конверторнинг пастки қисмida алмаштириладиган туб (8) бор, бу туб ўтга чидамли материалдан ясалган бўлиб, ундағи каналларга маҳсус трубалар — фурмалар (9) тифиз қилиб ўтказилган. Конвертор ичига ҳаво ана шу фурмалар орқали киради.

Конвертор усулида чўяндан пўлат олиш учун тишли рейка ҳаракатлантирилиб, конвертор горизонтал вазиятга келтирилади ва унга фурмалар сатҳидан сал пастроққача суюқ чўян қуйилади. Шундан кейин конверторга ҳаво ҳайдай бошлайди ва айни вақтда конвертор се-кин-аста вертикал вазиятга келтирилади. Конверторни вертикал вазиятга келтириш билан бир вақтда ҳайдалаётган ҳаво босими ошириб бориллади. Конвертор вертикал вазиятга келганда ҳаво босими $0,25 \text{ М н/м}^2$ га етказилади.

Конверторга ҳайдалган ҳаво суюқ чўян орқали ўтатётганда унинг кислороди чўян таркибидағи углероднинг маълум қисмини ва қўшимчаларни оксидлайди, натижада чўян пўлатга айланади. Шундан кейин конвертор горизонтал вазиятга келтирилиб, ҳаво ҳайдаш тўхтатилади, пўлатнинг химиявий таркиби текшириб кўрилади ва суюқ пўлатга ферросилиций, ферромарганец ва зарур бўлган тақдирда, алюминий ҳам қўшиб, пўлат оксидлантирилади, яъни темир II оксидидан темир қайтарилади да, конвертордаги тайёр пўлат ковшларга қуийб олинади. Конверторнинг ички девори 1000 дан 2000 мартағача пўлат олишга чидайди, туби эса 20—30 марта пўлат олингандан кейин ишга яроқсиз бўлиб қолади ва янгисига алмаштирилади.

Конвертор процессининг икки тури мавжуд, булардан бири бессемер процесси, иккинчиси эса томас процессидир.


14- §. МАРТЕН УСУЛИ

Конвертор усулиниң бир қатор муҳим камчиликлари бор, чунончи, бу усулда темир-терсак, металл ишлаш саноатининг пўлат ва чўян чиқиндилари (қиринди, брак ва бошқалар) дан, шунингдек, қаттиқ чўяндан пўлат олиш мумкин эмаслиги мартен усулиниң пайдо бўлишига олиб келди. Мартен усулини 1864 йилда француз металлурглари Пьер ва Эмиль Мартенлар кашф этдилар ва шу йили 1,5 т сифими печ қуриб, унда темир-терсак ва қаттиқ чўяндан сифати қониқарли бўлган пўлат ҳосил қилдилар. Улар қурган печь регенаторли, яъни печга ҳайдаладиган ёнувчи газ ҳаво шу печнинг ўзидан чиқувчи тутун гази (ёниш маҳсулотлари) ҳисобига қиздириб олинадиган печь эди. Ана шундай печь ихтириочилар шарафига мартен печи деб аталади.

Мартен усули темир-терсак, пўлат ва чўян чиқиндилардан фойдаланиб, хилма-хил пўлатлар ишлаб чиқаришга имкон беради. Бундан ташқари, мартен печида пўлат ҳосил бўлиш процессини осон бошқариш, уни текшириб туриш ва ҳатто, автоматлаштириш ҳам мумкин.

Россияда биринчи мартен печи 1869 йилда Сормово заводида қурилган бўлиб, унинг сифими атиги 2,5 т эди. Ҳозирги мартен печларидан ҳар бирининг сифими 900 т га етади, аммо сифими 150—300 т бўлган печлар кўптарқалган. Мартен печларида ёқилғи сифатида домна гази билан кокс гази аралашмаси ишлатилади. Мазут ва табиий газ ишлатиладиган печлар ҳам йўқ эмас.

Мартен печларидан бирининг тузилиш схемаси 21-расмда келтирилган. Унинг энг муҳим қисми иш бўшлиғи (1) бўлиб, унда ёқилғи ёнади, шихтадаги қўшимча элементлар оксидланади, шихта суюқланади ва шлак ҳосил бўлади. Иш бўшлиғи гумбаз (2), туб (3), олдинги ва кетинги деворлар ҳамда головкалар (ён деворлар) билан чегараланган. Печнинг олдинги деворига юклаш дарчалари (4) қилинган бўлиб, печнинг катта-кичиклигига қараб, дарчалар сони 3 та дан то 7 тагача бўлади, печнинг иш бўшлиғига шихта материаллари ана шу дарчалар орқали солинади. Бу дарчалар орқали печа бораётган процесслар кузатиб туриласди, металлдан на-



21- расм. Мартен печининг тузилиш схемаси.

муналар олинади ва зарур бўлган тақдирда печнинг туби ремонт қилинади. Юклаш дарчалари ўтга чидамли эшикчалар билан беркитилади. Печнинг орқа деворига шлак ва тайёр пўлат чиқариш тешиклари қилинган. Бу тешиклар ўтга чидамли материал билан уриб қўйилади, шлак ва пўлат чиқариш вақтида эса очиласди. Печнинг головкаларида каналлар (5 ва 6) бўлади; канал (5) орқали печнинг иш бўшлиғидаги ҳаво, канал (6) орқали эса ёнувчи газ киради, ёниш маҳсулотлари ҳам ана шу каналлар орқали чиқади. Канал (5) ҳаво қиздириш учун хизмат қиласидиган регенератор (7) билан, канал (6) эса ёнувчи газни қиздириш учун хизмат қиласидиган регенератор (8) билан туташган, регенераторлар ўтга чидамли фиштдан катақ-катақ қилиб ишланган камералар бўлиб, пастки томондан каналлар (9 ва 10) билан туташган. Канал (9) дан регенератор (7) га ҳаво, канал (10) дан эса регенератор (8) га ёнувчи газ киради; регенераторлардан ўтган ёниш маҳсулотлари

ҳам ана шу каналлар орқали тутун трубасига чиқиб кетади. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, иш бўшлиғида ёқилғининг ёнишидан ҳосил бўлган юқори температурали газлар (ёниш маҳсулотлари) печнинг бир томонидаги, масалан, чап томонидаги регенераторлардан ўтиб насадкаларини қиздиради-да, тутун трубасига чиқиб кетади, бу вақтда ёнувчи газ билан ҳаво печнинг ўнг томонидаги регенераторлар орқали ўтиб, маълум температурагача қизийди-да, иш бўшлиғига киради. Шундан кейин, клапанлар (11) нинг вазияти ўзгартирилади, бунда иш бўшлиғига ёзувчи газ билан ҳаво печнинг чап томонидаги қизиган регенераторлар орқали киради ва регенераторларнинг насадкалари иссиқлиги ҳисобига маълум температурагача қизийди; бу вақтда иш бўшлиғида ҳосил бўлган ёниш маҳсулотлари печнинг ўнг томонидаги регенераторлар орқали ўтиб, уларнинг насадкаларини қиздиради ва тутун трубасига чиқиб кетади. Шундай қилиб, печнинг регенераторлари ёнувчи газ билан ҳавони галма-гал қиздиради ва ўзи ҳам галма-гал қизийди. Ёнувчи газ, ҳаво ва ёниш маҳсулотларининг ҳаракат йўналиши эса клапанлар (11) ёрдамида ўзгартириб турилади.

Мартен печининг тўхтовсиз ишлашини таъминлаш учун унда камида икки жуфт (иккала томонида бир жуфтдан) регенератор бўлиши керак. Суюқ ёқилғи билан ишлайдиган мартен печларида бир жуфт (иккала томонида биттадан) регенератор бўлишининг ўзи кифоя, чунки уларда суюқ ёқилғи форсункалар воситасида тўғридан-тўғри иш бўшлиғига пуркалади, регенераторлар эса ҳавони қиздириш учунгина хизмат қиласди.

Мартен печлари ҳам, хўдди конверторлар каби, асосий ва кислотали бўлиши мумкин. Аммо асосий печлар кислотали печларга қараганда кўп тарқалган. Асосий печларнинг туби ва деворлари асос характеридаги ўтга чидамли фиштдан — магнезит фиштидан, кислотали печларники эса кислота характеридаги ўтга чидамли материал—динас фиштидан терилади. Асосий печларнинг ҳам, кислотали печларнинг ҳам шиши, жўпчилик ҳолларда, кислотали материал—динас фиштидан терилиб, деворларидан нейтрал-фишт билан ажратилади. Ҳозирги йирик печларнинг туби ҳам, девори ҳам, гумбази ҳам асосий фиштдан—хром-магнезит фиштидан терилади.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқариладиган ҳамма пўлат-

нинг 80% га яқини мартен усулида олинади. Мартен печларида пўлат олиш учун хом ашё сифатида темир-терсак (скрап) M 1 ва M 2 маркали қаттиқ ва суюқ чўян (қайта ишланувчи чўян), темир рудаси ишлатилади, флюс сифатида эса, асосан, оҳактошдан (оҳакдан) фойдаланилади. Буларнинг ҳаммаси шихтани ташкил этади.

Шихта таркибидаги чўяннинг миқдорига қараб, мартен процесси скрап-руда процесси, скрап процесси, чўян-руда процесси ва карбюратор процессига бўлинади. Бу процесслар ичida энг кўп қўлланиладигани скрап-руда процесси ҳисобланади.

15- §. МАРТЕН ПЕЧЛАРИ ИШИНИНГ ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ ҚУРСАТКИЧЛАРИ

Бу кўрсаткичлар печ тубининг 1 m^2 юзасидан суткасига олинган пўлат миқдори 1 т пўлат олиш учун сарфланган шартли ёқилғи миқдори билан белгиланади. Печь тубининг 1 m^2 юзасидан суткасига олинадиган пўлат миқдори печнинг ҳажмига, механизациялаштирилганлик даражасига ва процессининг турига, 1 т пўлат олиш учун сарфланган шартли ёқилғи миқдори эса ёқилғининг турига, олинадиган пўлат сортига ва процессининг турига боғлиқ бўлади. Масалан, скрап-руда процессида 130 т сифимили печь тубининг ҳар 1 m^2 юзасидан суткасига 10 т чамаси пўлат олинади. Печга кислород билан бойитилган ҳаво ҳайдалгандан печнинг унуми 15—25% ошади. 1 т пўлат олиш учун сарф бўладиган шартли ёқилғи миқдори скрап-руда процессида 100—180 кг ни, скрап процессида эса 170—250 кг ни ташкил этади. Печнинг сифими қанча катта бўлса, 1 т пўлат олиш учун сарфланадиган ёқилғи миқдори шунча кам бўлади.

Мартен печлари унумдорлигини оширишнинг энг муҳим фактори янги прогрессив технологияни жорий қилиш, биринчи навбатда эса, соф кислороддан фойдаланишdir.

16- §. ЭЛЕКТР ПЕЧЛАРИДА ПУЛАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Ҳозирги вақтда металлургия ва машинасозлик каби саноат корхоналарида электр энергиясининг арzonлиги ва катта температура ҳосил қилиниши мумкинлиги туфайли электр энергияси ёрдамида электр ёйи печлари-

да пўлат ишлаб чиқариш ривожлантирилди ва йилдан-йилга уларнинг сони ошиб бормоқда.

Пўлат ишлаб чиқариш учун, асосан, уч электродли (электродлар вертикал ҳолда ўрнатилган бўлиб, материаллари графитдан ёки кўмидан тайёрланган) электр печларидан (22-расм) фойдаланилади. Бериладиган ток (юқори кучланиш) печдаги ваннани қиздириб тегишли электрод-ёй-шлак, металл-шлак-ёй-электрод занжирлари орқали ўтади. Бундай печларнинг сифими 400 тоннагача бўлади. Электродларининг диаметрлари $200 \div 600$ мм оралиғида (печнинг қувватига қараб олинади), узунлиги эса 3000 мм қилиб тайёрланади.

Бундай конструкциядаги печлар, асосан, цилиндрик формадаги пўлат кожухдан ва сферик ёки текис тубдан иборат. Печнинг ички девори мартен печига ўхшаш ўтга чидамли (асосий ёки кислотали) ғиштлардан тайёрланади.



Асосий печларнинг туби эса магнезитли ғиштлардан тайёрланаби, устига 150—200 мм қалинликда магнезитли ёки доломитли қатлам билан қопланади.

Печнинг цилиндрик қисми шихта материалларини юклаш учун ишчи дарча (2) ва суюқ пўлатни чиқарувчи нов (1) дан иборат.

Электр печлар суюқ пўлатни қўйиш учун $40\text{--}45^\circ$ бурчакка оғишини (электр ёки гидравлик усулда) таъминлайдиган маҳсус механизмлар (6, 7, 8, 9) билан жиҳозлангандир. Бундай печнинг ёнига электродларни ва пасайтирувчи трансформаторни (трансформатор печни электр энергияси билан таъминлаш билан бирга, иссиқлик режимини ва электр ёйини регулировка ҳам қилиб туради) кўтариш учун ҳам тегишли механизмлар монтаж қилинган.

Трансформаторнинг қуввати тегишли печнинг сифимига ва ўлчамига боғлиқ бўлади.

Масалан, 10 тонналик печь учун трансформатор қуввати 3500 кВА; 250 тоннали печь учун 60000 кВА) дан иборат бўлиши керак. Бундай трансформаторлар пасайтирувчи қисмida 3—12 тагача кучланишни поғонали ўзгартириш қобилиятига эгаки, бу билан электродларга бериладиган энергия нагрузкаси регулировка қилиб турилади. Бундай печлардан олинадиган пўлатлар 6—8 соат давомида тайёр бўлади ва тегишли печнинг қувватига, конструкциясига, эритиладиган пўлатнинг навига-



боғлиқ бўлади. Печларга хом ашё маҳсус машиналар ёрдамида юклатилади. Бундай юкловчи машина ёрдамида 35 тоннали печь 1 соатга яқин вақтда юкланади. 1 т углеродли пўлат эритиб олиш учун 500—700 квт. соат, легирланган пўлат учун 1000 квт. соат электроэнергия сарф қилинади ва ҳоказо.

Электр печларда пўлат олиш учун хом ашё сифатида темир-терсак (пўлат синиқлари), темир рудасидан фойдаланилади, қайта ишланувчи чўян баъзангина кўп углеродли пўлат олишда ишлатилади; кўп углеродли пўлат олишда қайта ишланувчи чўян ўрнига, кўпинча кўмур электрод синиқларидан ёки олтингугуртли коксандан фойдаланилади.

Электр печлар ҳам худди мартен печлари каби ички девори кислотали ва асосли, ўтга чидамли материал (ғишт) лардан терилган бўлади. Шунинг учун пўлат ишлаб чиқаришда ички девори кислотали ғиштлардан иборат бўлган печларда флюс сифатида кварц қуми, асосли ғиштлардан тайёрланганда эса оҳак ишлатилади.

Ҳосил бўладиган кислотали шлакларда суюлтириш учун оҳак ва шамот синиқларидан, асосий шлакларни суюлтириш учун эса плавик шпат, боксит ва шамот синиқларидан фойдаланилади. Пўлатни оксидлантириш, яъни темир оксиди (Fe_3O_4) дан темирни қайтарishi учун ферроқотишималар ва қомплекс қайтарувчилар, масалан, 5% алюминий, 10% марганец, 10% кремний ва қолгани темирдан иборат АМС қотишимаси, силикомарганец ва силикокальций ишлатилади. Электр печларга солинадиган шихта материаллари нам бўлмаслиги лозим, акс ҳолда юқори температурада H_2O парчаланиб, водород пўлатга ўтади, натижада пўлатнинг механик хоссалари пасаяди — пўлат мўртлашади.

22-расм. Уч фазали электр ёйи печи.

1 — чиқарувчи нов; 2 — дарза; 3 — гумбаз (қопқок); 4 — металл ҳалка; 5 — электродларнинг поперечинаси; 6 — печь оғишини таъминлайдиган тишли сегмент; 7 — печь оғишини таъминлайдиган электроддвигатель; 8 — дастаки маҳовикча; 9 — тишли илашмалар қутиси; 10 — печь кожухи; 11 — электродлар; 12 — совитувччи жисслиштирувчи ҳалқа; 13 — кроқичлар; 14 — ползуналар; 15 — электродларни кутариш учун колонкалар; 16 — мисли кабель; 17 — цўлат арқон (трос).

Пўлат олиш учун ишлатиладиган электрик печлар икки турга бўлинади: ёй печлари ва индукцион печлар.

Электр ёй печларидаги электр энергияси ёйнинг иссиқлик энергияси эса шихтага нурланиш орқали таъсир этиб, уни қиздиради ва, ниҳоят, суюқлантиради. Электр ёй печлари шихтани қиздириш усулига кўра учта асосий типга бўлинади. 1-типни ёйи бевосита таъсир этувчи печлар, 2-типни ёйи билвосита таъсир этувчи печлар, 3-типни эса ёйи берк печлар ташкил этади.

Пўлат ишлаб чиқаришда ҳозирги вақтда асосан 1-типдаги печлардан фойдаланилади; шунинг учун бундай печлар билан батафсилроқ танишиш мақсадида 22-расмда улар схемаси келтирилди.

Бундай конструкциядаги печлардан пўлат олиш процесси ва баъзи асосий техник кўрсаткичлари юқорида қайд қилинган. Иккинчи типдаги, яъни ёйи билвосита таъсир этувчи печларда ёй горизонтал жойлашган икки электрод орасида ҳосил бўлади. Ёй иссиқлигининг оз қисми металлга нурланиш орқали ўтади, кўп қисми эса иш бўшлиғида нурланади. Бундай печлар, асосан, рангли металл қотишмалари олиш учун ишлатилади.

Учинчى типдаги печларда ёйи вертикал жойлашган электродларни қуршаб турган шихта қатлами остида ҳосил бўлади, уларнинг ёпиқ ёйли печлар деб аталишига ҳам сабаб шу. Ёйи ёпиқ печлардан, асосан, ферроқотишмалар ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Электр печларнинг ҳам асосий ва кислотали бўлиши мумкинлиги юқорида айтиб ўтилган эди.

17- §. ИНДУКЦИОН ПЕЧЛАР

Индукцион пеъч, асосан, бирламчи чулғам (индуктор) билан тигелдан иборат. Индуктор мис найдан, тигель эса ё кислотали, ёки асосий ўтга чидамли материалдан тайёрланади. Индукцион пеъчнинг тигелига шихта материаллари солиниб, индукторга ўзгарувчан ток берилади. Ток берилганда тигелдаги металлда ток индукцияланади, индукцияланган ток энергияси эса иссиқликка айланади.

$$Q = 0,24 U^2 R T.$$

Бунинг натижасида печда юқори температура ҳосил бўлиб, шихтани суюқлантиради ва пўлат олиш процессини тезлаштиради.

Индукцион печлар темир ўзаклий ва ўзаксиз (юқори частотали) бўлиши мумкин. Темир ўзаклий индукцион печларда рангли металл қотишмалари олинади.

Юқори частотали (темир ўзаксиз) индукцион печлар кўн легирланган пўлат ва кам углеродли маҳсус қотишмалар суюқлантириб олиш учун ишлатилади ва сифими 10 кг дан 10 т гача бўлади.

Печъ ишлаётган вақтда индуктор қизиб кетмаслиги учун унинг ичидан сув ўтказилиб совитиб турилади.

Индукцион печларнинг афзалликлари шундаки, улар жуда юқори температура ҳосил қилишга, шунингдек, пўлат олиш процессини вакуумда ўтказишга имкон беради.

УССР Фанлар академиясининг Е. О. Патон номидаги Электр пайвандлаш институти юқори сифатли легирланган, шу жумладан, тезкесар пўлатлар олишнинг янги методини топди. Бу метод одатдаги печларда олинган пўлат қўймаларни электр-шлак усулида қайта суюқлантиришдан иборат.


18- §. ПУЛАТ ҚУЙИШ

Тайёр пўлат конвертор ёки печдан маҳсус ковшга тўлдирилади, ковшдан эса қолипларга қуйиб чиқилади. Пўлатни қуйишида, кўпинча стопорли ковшлар ишлатилади (23-расм).

Ушбу расмда кўрсатилган процесс ёрдамида пўлат ва бошқа қотишмалардан турди прокатлар ҳам ҳосил қилинади.

Ковшга тўлдирилган суюқ пўлат, асосан, чўяндан, камдан-кам ҳолларда эса пўлатдан тайёрланган қолипларга қуйилади. Қолипларнинг ҳосил қилиниши керак бўлган қўйманинг оғирлигига боғлиқ, қўйманинг оғирлиги 100 кг дан 100 т гача етиши ва ундан ҳам ортиқ бўлиши мумкин.


Қолипларнинг шакли ва конструкцияси уларга қан-



23-расм. Суюк металл ёки қотишманы ковш орқали қуиши схемаси.

Ганда қайнаидиган пўлатни қайнаидиган пўлат билан қайнамайдиган пўлат оралиғидаги маҳсулот деб аташ мумкин.

Қайнаидиган пўлат қолипларига қуйилганда пўлатдаги темир оксид (FeO) дан темир углерод ҳисобига қайтарилади:



Ҳосил бўлган CO ва пўлатда эриган бошқа газлар ажралиб чиқиб, уни билқиллатади, яъни, пўлат қайнайдигандек туюлади. Бундай пўлатнинг қайнаидиган пўлат деб аталишига сабаб ҳам ана шунинг учундир.

Қайнамайдиган пўлатдан жуда оз газ чиқади ва пўлат қолипларда секин қотади. Қайнамайдиган пўлат қуймаларда газ пуфакчалари бўлмайди, яъни у зич бўлади. Қайнаидиган пўлат яхши штампланади, қайнамайдиган пўлатга қараганда осон пайвандланади ва арzon туради, аммо қолипга қуйилганда баландлиги ва кўндаланг кесими бўйлаб химиявий таркиби турлича

дай (қайнайдиган, ча-ла қайнайдиган ёки қайнамайдиган) пўлат қуйилишига, олинадиган қуймаларнинг қандай мақсадларда ишлатилишига, шунингдек, пўлатни қуиши усулига боғлиқ бўлади. Фақат ферромарганец билан қайтарилган пўлат қайнайдиган пўлат деб, ферромарганец, ферросилиций ва алюминий билан қайтарилган пўлат эса қайнамайдиган пўлат деб қабул қилинганди. Қайнамайдиган пўлат ҳосил қилишдагига қараганда камроқ миқдорда ферросилиций ва озроқ миқдорда алюминий билан қайтарилади.

бўлган қўйма ҳосил қиласди. Қайнайдиган пўлат қўймалари турли балкалар, листлар, симлар ва муҳим бўлмаган деталлар учун, қайнамайдиган пўлат қўймалари эса муҳим деталлар учун ишлатилади. Қайнайдиган пўлатни қўйиш учун тубсиз қолиплар, қайнамайдиган пўлатни қўйиш учун эса тубли қолиплар ишлатилади. Қолипдан қўймани чиқариб олиш осон бўлиши учун қолипнинг ички сирти конусли қилинади. Қолипларни бир жойдан иккинчи жойга кўчиришни осонлаштириш мақсадида уларга ушлагичлар қилинади.

Сортли профиллар прокатлаш учун мўлжалланган қўймалар қолипнинг кўндаланг кесими квадрат шаклида, листлар прокатлаш учун мўлжалланган қўймалар қолипнинг кўндаланг кесими тўғри тўрт бурчак шаклида, трубалар прокатлаш учун мўлжалланган қўймалар қолипнинг кўндаланг кесими доиравий, болға ёки прессларда паковкалар болғалаш учун мўлжалланган қўймалар қолипнинг кўндаланг кесими эса кўпбурчак шаклида тайёрланади.

Сифатли қўймалар олишда пўлатнинг совиш тезлигини камайтириш учун қолипнинг устки қисмига кўпинча қолип (иссиқлик сақловчи уст қўйма) ўрнатилади. Қўшимча қолипдаги пўлат кўпроқ вақт суюқ ҳолатда бўлиб, асосий қўймада ҳосил бўладиган чўкиш бўшликларини тўлдириб туради. Қўшимча қолип асосий қолипнинг прибил қисми деб ҳам аталади. Суюқ пўлатни қолипларга қўйишнинг З хил — устидан, остидан (сифонли) ва узлуксиз қўйиш усуллари мавжуддир.

19- §. ПУЛАТ ОЛИШ УСУЛЛАРИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА ҚАМЧИЛИКЛАРИ

Юқорида келтирилган пўлат ишлаб чиқариш усулларининг техник-иктисодий кўрсаткичлари қандай усул билан ишлаб чиқариш, ишлатиладиган технология, хом ашё (дастлабки материал), конструкция ва пўлат эритувчи агрегатларнинг ўлчамлари ҳамда идора қиласиган ишчиларнинг малакалари каби факторларга боғлиқдир.

Конвертор усулида пўлат олишининг афзалликлари шундаки, бу усулда унча катта ёқилғи талаб қилинмайди ва маҳсулот ишлаб чиқаришга нисбатан унча кўп энергия сарфланмайди. Бу усул юқори иш унумига эга (бир ишчига нисбатан). Конвертор цехларини қуриш

мартен печларидан цехлар қуришга нисбатан анча арзона тушади. Конверторларда пўлат бир неча минутда олинса, мартен печларида соатлаб вақт сарфланади.

Лекин шунга қарамасдан, конвертор усулининг ҳам талай камчиликлари бор. Чунончи: турли пўлат навлари олиш чегараланган (фақат углеродли ва баъзи кам легирланган пўлат навлари олинади, холос), олинадиган пўлатларнинг механик хоссалари ҳар ҳолда паст, чунки ундай пўлатлар таркибида азот эритма сифатида мавжуд бўлади.

Конверторларда 6—9% гача чиқинди чиқади, олинадиган яроқли маҳсулот ҳажми 90% дан ошмайди.

Мартен усулида пўлат олиш кўпгина мамлакатларда асосий усул ҳисобланиб, унинг афзалликларидан бири универсаллигидир, яъни кўп навли углеродли ва легирланган пўлатлар ишлаб чиқарилишидир. Бу печда деярли ҳар қандай таркибли (холатли) чўянлар (қаттиқ ва суюқ ҳолатда) ҳам ишлаб чиқарилади.

Бу усулда ишлаб чиқариладиган яроқли маҳсулот ҳажми 90—96% гача бўлиши мумкин.

Мартен усулининг асосий камчиликлари эса, пўлат тайёр бўлиши учун вақтнинг ва ёқилгининг кўп сарфланишидир.

Электр ёйи печларининг афзалликларидан бири юқори сифатли пўлат олинишидир. Ҳар қандай маркали пўлатни эритиш мумкин (ҳатто юқори легирланган, юқори иссиққа бардошли, қийин эрийдиган пўлатлар ҳам эритилади). Бу усул процессида бошқа усулларга нисбатан энг минимал темирли чиқинди ажralади ҳамда печнинг температура режими жуда қулай ва бошқариш жуда енгиллашади.

Бу усулининг асосий камчиликларидан бири шуки, пўлат эритиш учун кўп электроэнергия талаб қилинади, шунинг учун бундай печлар фақат юқори легирланган ва бошқа қўимматбаҳо пўлатлар ҳосил қилиш зарурати бўлгандагина (махсус деталлар ишлаб чиқариш учун сарфланиш керак бўлганда) ишлатилади.

Саноат миқёсида пўлатларнинг сифатини ошириш ва баъзи асосий агрегатларнинг иш унумини кўтариш учун дуплекс процессидан фойдаланилади. Бунинг учун пўлат кислород конверторидан асосий мартен печига ёки электр ёйи печига юборилади. Лекин бу умумлашган усуллар ҳозирча саноат миқёсида деярли ишлатилмайди.

XI бөб

ҚУЙМАКОРЛИК

1- §. ҚУЙМА МАТЕРИАЛЛАР

Бу бобда турли суюқ материаллар ва қотишмаларни қолипларга қуишиш йўли билан ҳар хил шаклли (конфигурацияли) ва ўлчамли қўймалар ишлаб чиқаришнинг технологик процесслари қисқача баён этилади. Маълумки, кўпгина мамлакатларда, чунончи, Миср, Греция, Хитой ва бошқа жойларда олиб борилган археологик қидиришлар шуни кўрсатадики, одамлар эрамиздан 5000 йил муқаддам ҳам турли мақсадлар учун турли металлар ва қотишмалардан қўйма буюмлар тайёрлаганлар. Асрлар оша бу санъат авлодлардан-авлодларга ўтиб, ривожлана борди ва ривожланиб бормоқда.

Қадимги Россияда мис ва бронзалардан қўплаб қўймалар ишлаб чиқарилган бўлса-да, чўян қўймалар ишлаб чиқариш XV — XVI асрларда бошланган. Масалан, 1586 йилда машҳур рус қўймакори Андрей Чохов раҳбарлигига бронзадан оғирлиги 40 т га яқин, стволининг калибри 73 мм, узунлиги эса 5,34 м бўлган жуда катта замбарак қўйилди ва унга «Царь-пушка» деган ном берилди.

1735 йилда машҳур рус қўймакори ота-бола Моторинлар бронзадан оғирлиги 200 т га яқин қўнғироқ қўйдилар ва бу қўнғироқ «Царь-колокол» деб аталди.

«Царь-пушка» ҳам, «Царь-колокол» ҳам рус қўймакорлик санъатининг буюк намунаси сифатида Москва Кремлида ҳанузгача сақланиб келмоқда.

Дастлабки чўян қуишиш корхоналари XVII асрда Тула атрофида, XVIII асрда эса Уралда қурилган. Мамлакатимизда пўлат қўймалар ишлаб чиқариш XIX аср бошларида бошланиб, конверторлар, мартен печлари яратилгандан кейин тез суръатлар билан ривожлана бошлади.

XIX асрнинг иккинчи ярмигача қўймакорлик илмий асосга эга эмас эди. Қўймакорликнинг илмий асослари рус олимларидан А. С. Лавров, Н. В. Қалакуцкий, П. П. Аносов, П. М. Обухов, Д. К. Чернов, А. А. Байков ва бошқаларнинг тадқиқотлари туфайлигина яратилди. КПСС XXVII съездининг қарорларида ҳозирги за-

мои техникаси билан жиҳозланған құймакорлик цехлари барпо этиш ва эскиларини қайта қуриш, яъни реконструкциялаш вазифаси қўйилган. Бу масалаларни ҳал қилиш ишлаб чиқариш технологик процесслари нинг узлуксизлигини таъминлаш, оғир операцияларни тўла механизациялаштириш ва автоматлаштиришни талаб этади. Ана шундагина Ватанимизни сифатли, арzon ва зарурий миқдордаги қўйма буюмлар (деталлар) билан таъминлашимиз мумкин.

Суюқлантирилган металл (қотишма) ва нометалл материаллардан қолилларга қуйиш йўли билан турли шаклдаги заготовка, буюм ёки деталлар ҳосил қилиш санъатига қўймакорлик, қўймакорлик маҳсулотига эса қўйма деб аталади. Утказилган тадқиқотлар ҳамда кузатишлар шуни кўрсатадики, турли машина деталларининг оғирлик жиҳатдан қарийб 40—80% и қўйма тарзида олинади. Бу усул орқали металлардан болгалаш, штамплаш усуллари билан тайёрлаш қийин бўлган ва баъзан мутлақо тайёрлаб бўлмайдиган турли оғирлиқдаги (хатто 300 т дан ҳам кўпроқ) хилма-хил қўймалар, чунончи, автомобиль ва тракторларнинг цилиндрлар блоки, станок станиналари олинади. Мураккаблиги ўртacha детални прокатдан механик ишлашда 75% гача, штампланган заготовкани ишлашда 50% гача, чўян қўймани ишлашда эса 20% гача металл қириндига айланади. Ана шу келтирилган техник иқтисодий афзалликларига кўра, қўймакорлик машинасозлика мухим ўрин тутади.

Ишлаб чиқариладиган қўйманинг турига, сериясига ва бошқа кўрсаткичларига қараб қўймакорлик корхоналарининг қўйидаги турлари мавжудdir:

1. Индивидуал корхоналар бўлиб, бунда ишлаб чиқариладиган қўймаларнинг тўри тез-тез ўзгариб туради.
2. Сериялаб қўйма ишлаб чиқарувчи корхоналар бўлиб, бунда ишлаб чиқариладиган қўймалар тuri тез-тез ўзгармайди.

3. Кўплаб қўймалар ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар бўлиб, бунда қўймалар минг-мингтаб, яъни сериялаб ишлаб чиқарилади ва ҳоказо.

Қолиллар классификацияси: Қўймакорлик саноатида қўйма деталлар ишлаб чиқариш учун, асосан, қўйидаги қолил турларидан фойдаланилади:

- а) бир марталик қолиплар бўлиб, асосан, қум ва гилни сув билан қоришириб тайёрланади;
- б) муваққат қолиплар бўлиб, юқори температурага чидамли материалларни (шамот, магнезит, қум, асбест ва бошқаларни) гил билан қоришириб тайёрланади;
- в) доимий қолиплар бўлиб, асосан, чўян ва пўлатдан (баъзан мис ва алюминий қотишмаларидан) тайёрланади.

Шуни ҳам қайд қилиш керакки, қолиплар унга металл қуишидаги ҳолатига кўра нам ва қуруқ хилларга бўлинади.

Нам қолиплар қўймалар олиш циклини қисқартириб, нархини арzonлаштиради. Лекин қолиплар нам бўлганилиги туфайли зич ва пухталикка эга бўлмайди.

Қуруқ қолиплар пухта қолиплар бўлиб, қўймани ғоваклик ва бошқа нуқсонлардан ҳоли қиласиди.

Қолипга қуйиладиган аралашмаларнинг пухта, пластик, газ ўтказувчан, ўтга чидамли, сиқилувчан, металларга ёпишмайдиган ва таннархи арзон бўлиши талаб қилинади.

Қолип аралашмасидан қолиплар турли усуллар билан тайёрланади. Қолиплар тури ва кўриниш (конструкция)лари жиҳатидан қўйманинг шакли, ўлчамлари ва сонига боғлиқ ҳолда лойиҳаланади ва тайёрланади. Бундан ташқари, қўймакорлик саноатида яхлит моделлар ҳамда бир неча қисм (бўлак)ларга бўлинадиган моделлар ҳам ишлатилади. Бошқача қилиб айтганда, моделлар конструкцияси тайёрланадиган қўйманинг конфигурациясига боғлиқ бўлади.

Модель комплектига асосан модель, моделнинг тагтахаси, стержень яшиклари, модель плиталари, контрол андазалар, шибба, опока, линейка ва бошқа мосламалар киради, лекин буларнинг ичида энг муҳими модельдир.

Модель комплекти материаллари сифатида эса ёғочлардан (баъзан гипс ва цементдан), металл қотишмаларидан ва пластмассалардан фойдаланилади. Металл моделлар ҳар хил муҳитларга чидамли бўлиб, узоқ вақт ишлатилганда ҳам ўз ўлчамларини сақлайди, қолипда аниқ из ҳосил қилиб, аниқ шаклли ва ўлчамли қўймалар олишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам бундай материаллар қимматлигига қарамай, улардан модель ва стерженлар тайёрлашда кенг фойдаланилади.

Машина ёрдамида қолип тайёрлашда қўйманинг модели, қуийш системасининг моделлари элементлари ва опока ўрнатиладиган металл плита модель плитаси ҳисобланади.

Опокалар деб қолип материалларида модель аксини олишга кўмаклашувчи рамага айтилади. Опокалар конструкцияга кўра, ажралувчи, ажралмайдиган, қовурғасиз ва қовурғали бўлиши мумкин.

2- §. ҚУЙМАКОРЛИК САНОАТИНИНГ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Маълумки, қўймакорлик саноати цехларида у ёки бу қўйма буюм (детал)ни ҳосил қилиш учун маълум бир системадаги ишлаб чиқариш технологиясини амалга ошириш талаб қилинади. Шунинг учун қўймалар ишлаб чиқариш технологиясини втулка қўймасини ҳосил қилиш мисолида кўриб чиқамиз.

Втулка қўймаси ҳосил қилиниши учун даставвал шу қўйманинг модели ва қўймада тешик ҳосил қилиш учун зарур бўлган стерженинг қолипи (стерженъ яшиги) тайёрланади, сўнгра модель ёрдамида қолип, стерженъ яшигида эса стерженъ тайёрланади. Қолипга қўйиш каналдари очилади, стерженъ ўрнатилади ва қолип суюқ металл билан тўлдирилади. Металл қотгач, қолипни бузиб, ундан қўйма олинади, қўйманинг ортиқча жойлари кесиб ташланади ва тозаланади, натижада қўйма тайёр ҳолга келади.

Шундай қилиб, қўймакорлик цехларида турли қўйма буюмлар (деталлар) ишлаб чиқариш технологик процесси қўйидаги операцияларни ўз ичига олади:


- а) метал қолип юзасида ўтга чидамли қатлам қоплаш ва унинг устидан юпқа маҳсус бўёқлар бериш;
- б) қолипни йиғиши;
- в) қолипга металлни қўйиш;
- г) қўймани қолипдан ажратиш;
- д) қолип юзаларини сиқилган ҳаво орқали ёки бошқа усуlda тозалаш.

3- §. МОДЕЛЬ ТАЙЁРЛАШ

Маълумки, қўймакорлик саноатида бирор қўйма деталь олиш учун аввал унинг моделини тайёрлаш керак. Бундай моделларнинг турли ёғоч, металл, қотишма, ёки бошқа материаллардан тайёрланиши шу бобнинг бошланғич қисмида берилди. 24-б расмда втулканинг ёғоч-

дан икки паллали қилиб тайёрланган модели тасвирланган бўлиб, ажралувчи ҳолдаги бириммалардир. Албатта, модельнинг шакли қўйманинг шаклига ўхшаш бўлади, ўлчамлари эса каттароқ қилинади (яъни материал турига боғлиқ бўлади), чунки қолипга қўйилган металл қотиш жараённада маълум даража (миқдор) да киришади.

Қўймакорлик саноатида қолип тайёрлаш учун фойдаланиладиган ва энг кўп ишлатиладиган баъзи қотишмаларнинг чизиқда киришув даражаси 10- жадвалда келтирилган.



24-расм.

а—яхлит модель; б—икки паллали модель;
в—ажралувчи модель.

10- жадвал

Баъзи қотишмалар учун чизиқли киришув даражаларининг
қийматлари

Қотишмалар номи	Чизиқли киришув даражаси, %	Қотишмалар номи	Чизиқли киришув даражаси %
Кул ранг чўян	1,0—0,3	Калайли бронза	1,4—1,6
Оқ чўян	1,7—2,0	Латунь	1,3—1,8
Углеродли пўлат	2,0—2,5	Кўп кремнийли-алюминийли қотишмалар	0,9—1,2
Марганецли пўлат	2,8—3,0	Магний қотишмалари	1,0—1,6
Титан ва унинг қотишмалари	1,5—2,3	Қалайсиз бронза	2,3—2,5
		Рухли қотишмалар	0,9—1,2

Жадвалда келтирилган қотишмаларнинг эркин чизиқли киришувини $\Delta I_{\text{ч.к}}$ г. к.) процент ҳисобида қўйидаги формула ёрдамида ҳисобга олинади:

$$\Delta I_{\text{ч.к}} = \frac{l_m - l_k}{l_m} \cdot 100 \text{ да}$$

l_m — моделнинг узунлиги, мм;
 l_k — қуйманинг узунлиги, мм.

Шуни қайд қилиш лозимки, ҳажмли ва эркин киришувчи даражалар турли металл, қотишма ва нометалл материаллар учун турли бўлиши амалда тасдиқланган. Шунинг учун турли материаллардан моделлар тайёрлаш процессида бу параметрларни ҳам ҳисобга олиш зарур, аks ҳолда тайёрланган қуйма деталь (буюм) ўлчамлари кўзлангандек бўлмайди.

Модель тайёрлашда унинг қолипдан осон чиқиши лозимлиги ҳам назарда тутилади. Моделни қолипдан чиқариш! осон бўлиши учун унинг вертикал юзалари маълум даражада ГОСТ га мувофиқ, қия қилиб тайёрланади. Бу қиялик ёғоч моделлар учун $0^{\circ}15'$ дан 3° гача, металл моделлар учун эса $0^{\circ}20'$ дан $1^{\circ}30'$ гача бўлади.

Ёғоч моделлар қарағай, арча, заранг, ольха, липа, бук каби қаттиқ дараҳт навларидан, металл моделлар эса 6-жадвалда келтирилгандек турли қотишмалардан тайёрланади (293-бетга қаранг).

Ёғоч моделлар нам тортмаслиги учун уларнинг сирти нам ўтказмайдиган бўёклар билан бўялади. Ҳар хий қотишмалардан олинадиган қуймаларнинг моделлари турли рангта бўялади. Масалан, чўян ва пўлат моделлар қизил рангга, рангдор металл моделлари эса сарик рангга бўялади.

Кесиб ишланиши лозим бўлган қуймаларнинг сиртига қора доғлар (белгилар) қилинади.

Қуймада бўшлиқлар ҳосил қилиш лозим бўлса, стерженлардан фойдаланилади. Стерженни қолипга ўрнатиш учун эса қолипда таянч юзалар ҳосил қилинади. Қолипда таянч юзалар ҳосил қилиш учун моделда бўртиқчалар қолдирилади. Бундай таянчларнинг сирти қора рангга бўялади.

4- §. СТЕРЖЕНЬ ТАЙЁРЛАШ

Стерженлар бўшлиқ ёки ҳавол (тешикли) қуймалар олишдагина ишлатилади. Улар маҳсус қолиплар (стерженъ яшиклари) ёрдамида тайёрланади.

25-расмда стержень яшиги «а» ва ҳосил қилинган стержень «б»да тасвирланган. Яккараб ва кичик сериялаб ишлаб чиқаришда стерженлар қўлда тайёрланади ва бунда ёғоч қолиплардан фойдаланилади, йирик серия-

лаб ва кўплаб ишлаб чиқаришда эса металл қолилардан (металлардан ясалган стержень яшиклардан) фойдаланиб, машиналарда тайёрланади. Стержень тайёрлашда худди модель тайёрлашдаги каби, қўйманинг қотиш жараёнида киришуви албатта ҳисобга олинади, яъни стерженнинг ўлчамлари қўймада ҳосил қилиниши керак бўлган бўшлиқнинг ўлчамларидан кичик қилинади.


Стерженлар қолипга қарандан оғирроқ шароитда ишлайди. Шу сабабли стержень материаллари пухтароқ бўлиши, газларни яхши ўтказиши лозим. Бундан ташқари, стержень материаллари қўймадан осон ажralадиган ва нам тортмайдиган бўлиши ҳам керак. Стерженнинг мустаҳкамлигини ошириш учун унинг орасига каркас (арматура) қўйилади, газ ўтказувчалигини ошириш учун эса стерженнинг бошидан охиригача симтиқиб олинади, мураккаброқ стерженлар ичига пилик (кáноп, похол ўрамлари ва шу кабилар) қўйилади, стержень тайёр бўлганда улар сууриб олинади ёки стержень қуритилаётганда куйиб кетади.

Стержень тайёрланадиган материалларнинг (аралашманинг) асосий таркибий қисмларини кварц қуми, гил ва турли боғловчи моддалар ташкил этади. Боғловчи моддаларнинг асосий вазифаси стерженини етарли дарражада пухта қилишдан иборат. Бундай боғловчилар сифатида ўсимлик мойлари, нефть, торф, кўмир, сланец ва ёғочни қайта ишлаш маҳсулотлари, анорганик бирикмалар (суюқ шиша, цемент) ва бошқалар ишлатилади.

Тайёрланган стерженлар тегишли печда 200° дан 400°C гача температурада 5—10 соат давомида қуритилади, натижада стерженнинг пухталиги зарур даражага етказилади.

Стерженлар қолипга моделдаги турли фигуранлар ёрдамида ҳосил қилинган таянчлар, шунингдек, маҳсус тиргаклар ёрдамида ўрнатилади.

Қолипга суюқ металл қўйилганда таянчлар (тиргак-



25-расм. Стержень яшиги (а; в) шу яшик ёрдамида тайёрланган стержень (б)

лар) суюқланади да, қўймага аралашиб кетади. Бундай таянчлар, асосан, асосий қўйма материалга нисбатан пастроқ температурада эрийдиган углеродли пўлат, чўян ва бошқа қотишмалардан ясалади.

Агар жуда оғир қўйма буюмларни (оғирлиги 100 т гача) ҳосил қилиш керак бўлиб қолса, у ҳолда бундай буюмлар формаси (қолипи) бетонланган чўқурликда (кессонларда) формалаштириб, қўйиб тайёрланади.

Қўйма буюм (деталларни ҳосил қилиш учун қўйиладиган қотишмаларнинг температуранари қўйидагича қабул қилинган. Масалан, пўлат учун $1500+1600^{\circ}\text{C}$, болғаланувчи чўян учун $1380+1450^{\circ}\text{C}$, кул ранг чўян учун $1260-1400^{\circ}\text{C}$, бронзалар учун $1100-1150^{\circ}\text{C}$, алюминий қотишмалар учун $700-780^{\circ}\text{C}$, магнийли қотишмалар учун $680-780^{\circ}\text{C}$ ва ҳоказо.

Шу боисдан қўйиладиган қўйма девори қанчалик юпқа бўлса, қўйиладиган металл ёки қотишманинг температураси шунча юқори бўлиши талаб қилинади.

5- §. ҚЎЙМАЛАР ОЛИШНИНГ МАХСУС ТУРЛАРИ

Саноат миқёсида қўймалар олишнинг маҳсус усулларига: суюқлантирилган металл ё қотишмаларни қолиплар (кокиллар)га қўйиш, марказдан қочирма қўйиш, босим остида қўйиш, суюқланувчан моделлардан фойдаланиб қўйиш ва қобиқ қолипларга қўйиш кабилар киради. Ана шу усулларни қисқача кўриб ўтайлик.

Кокилларга қўйиш йўли билан олинадиган чўян ва пўлат қўймаларда ички бўшлиқлар (тешиклар ёки чуқурчалар) ҳосил қилиш зарур бўлса, одатдаги қолипларда ишлатиладиган стерженлардан, алюминий қотишмалари ва магний қотишмалари учун эса ажralувчи металл стерженлардан фойдаланилади. Суюқ металл кокиллар устидан, ёнидан ёки остидан қўйилиши мумкин. Кокилларнинг ички юзалари ўтга чидамли материал ва бўёқлар билан қопланади. Кокилларга суюқ металл яхши тўлиши учун улар олдиндан қиздириб олинади.

Кокилларга қўйиш усули меҳнат унумини оширишга, қўйма сиртигининг сифатини ҳамда унинг механик хоссалирини яхшилашга, кесиб ишлаш учун қолдириладиган ортиқча қалинлигини камайтиришга имкон беради.

Марказдан қочирма қўйиш усулида цилиндрсизмон жисмлар шаклидаги қўймалар, масалан, труба, втулка,

шків, ғилдирак, шестерня, муфта дискаларнинг затотовкаларини олиш учун қўлланилади. Бу усулнинг моҳияти шундаки, суюқ металл горизонтал ёки вертикал ўз атрофида 1000 айл/мин тезлик билан айланувчи қолипга қўйилади. Қолипнинг ва демак, қолипга қўйилган суюқ металлнинг айланиши натижасида ҳосил бўладиган марказдан қочма кучлар металлни қолип деворига сиқади, натижада металл дарҳол қотиб, қолип шаклига киради.

Марказдан қочирма қўйиш усулида олинган қўймаларнинг зичлиги ва механик хоссалари, шунингдек, бу усулнинг фойдали иш унуми юқори (η) бўлади. Бу усулда қўйма буюм (детал)лар олиш учун ишлатиладиган қолиплар, асосан, металл ёки қотишмадан тайёрланади ва кўпинча маълум бир технологик процессни бажариш вақтида доимий сув билан совитиб турилади.

Босим остида қўйиш усулиниң асосий моҳияти шундаки, суюқ металл (қотишма) пўлат қолипга катта босим остида қўйилади. Тайёрланган қўйма ғоваксиз, сиртқи нуқсонсиз, тоза ва аниқ бўлади. Осон суюқланувчи рангли қотишмалардан (айниқса алюминий, рух, магний қотишмаларидан) мураккаб шакли, юпқа деворли, аниқ ўлчамли, тоза юзали ва оғирлиги 50 кг гача бўлган қўймалар (самолёт, автомобиль ва бошқа механизмларнинг деталлари учун қўймалар) олишда бу усулдан кенг фойдаланилади.

Бу усулда қўйиш учун машиналар поршенли ва компрессорли бўлиши мумкин. Поршенли машиналарда суюқ металл қолипга поршень (плунжер) босими остида, компрессорли машиналарда эса сиқилган ҳаво босими таъсирида ҳайдалади ёки берилади ва тегишли формадаги қўймалар ҳосил қилинади.

Суюқланувчи модель ёрдамида қўйма олиш усулида қўйма олиш учун осон суюқланувчи материалдан — парафин, стеарин, мум (битум) ва бошқалардан турли қўйманинг модели тайёрланади. Бунинг учун эса пўлат, бронза ёки латундан модель эталони ясалиб, бу эталонни осон суюқланувчи қотишмага ботириш йўли билан пресс-қолип тайёрланади. Ана шу пресс-қолип суюқлантирилган парафин, стеарин, мум (битум) билан 3—6 атм (303—606 кН/м²) босим остида тўлдирилиб, жуда аниқ модель ҳосил қилинади. Шу усулда тайёрланган бир неча модель блок қилиб йифилади ва қўйиш системасига туташтирилади.

Кейин эса бу йифилган моделлар блоки суюқ шиша ёки гидролизланган этил силикат ($C_2H_5O_4$) Si эритмаси билан кварт кукуни қоришмасига 2—3 марта ботириб олинади, бунда моделлар блоки сиртида 2—3 мм қалинликдаги ўтга чидамли силлиқ қоплам ҳосил бўлади. Натижада, моделлар блоки ҳавода 2—3 соат давомида қуритилгандан кейин опока ичидаги атрофи қолип аралашмаси билан зич қилиб тўлдирилади. Опока, ичидагилари билан бирга, муфелли печда қиздирилади, бунда моделлар ва қуйиш системаси суюқланади ҳамда ташқарига оқиб чиқади, натижада моделлар ва қуйиш системаси ўрни бўшаб қолади, яъни қолип ҳосил бўлади. Бу қолип 800—900°C гача қиздирилади, бунда қолип пухталанади ва металл қуйиш учун тайёр ҳолга келади. Бундай қолипга суюқ металл одатдаги усул билан ҳам, марказдан қочирма усул билан ҳам қуйилиши мумкин. Бу усул билан қуйилгандан ҳосил қилинадиган қўйма зич бўлади, демак, унинг механик хоссаси яхшиланади.

Тегишли усулда қўймалар олиш мураккаб бўлишига ва олинадиган қўймалар қиммат туришига қарамай, кўпгина ҳолларда ўзини оқлайди, чунки олинган қўймалар шу қадар аниқ бўладики, уларни кесиб ишлашга ҳатто зарурат ҳам қолмайди ёки кесиб ишлаш, жилвирлаш, жилолашдангина иборат бўлади. Суюқланувчан моделлар ёрдамида (оғирлиги 3 кг гача) буюмлар (деталлар), масалан, самолёт ва автомобилнинг кичик деталлари, тикув машинаси деталлари, кесувчи асбоблар, ўлчаш асбоблари ва бошқа деталлар қўйлади.

Қобиқ қолиплар ёрдамида қўймалар олиш учун кўпинча қотишмалардан, масалан, чўяндан қўйманинг иккни паллали модели (қолип икки симметрик қисмдан иборат бўлган ҳолда тайёрланади, яъни аввал қолипнинг биринчи ярми, кейин иккинчи ярми бир хил технологик процессда бажарилади) ясалади, моделнинг ҳар бир палласи металл плитага маҳкамланади. Ана шу модель асосида қобиқ қолип (қолипнинг ярми) тайёрланади. Қолип материали сифатида кварт қуми кукуни билан бакелит (фенол-формальдегид смоласи) кукуни (пульвербакелит) аралашмасидан фойдаланилади. Натижада, маълум бир технологик процесс орқали тайёрланган қобиқлар (иккита ярим қолиплар) ўзаро бирлаштирилади ва тайёр қобиқ қолип ҳосил бўлади. Бу қолипга суюқ металл кирадиган тешик очилади, яшик верти-

кал ҳолатда ўрнатилиб, атрофи қум билан зич қилиб тўлдирилади ва шундан кейин суюқ металл ёки қотишма қуйилади.

Қўймаларда ички бўшлиқлар ҳосил қилиш зарур бўлган ҳолларда қобиқ (қолипнинг ярми) қолипларга маҳсус машиналар ёрдамида тайёрлангац қобиқ стерженлар ўрнатилади. Бундай қолиплар исталган қўймакорлик қотишмасидан қўймалар олишга имкон беради. Бундай қолипларда олинган қўймаларнинг ўлчамлари аниқ чиқади.

Ҳозирги вақтда қобиқ қолиплар тайёрлаш процесслари механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган. Бундай қурилмалар соатига 500 га яқин қобиқ тайёрлаш имконини беради. Шундай қилиб, юқоридаги қўймакорлик цехларида ишлатиладигац маҳсус прогрессив усувларни анализ қилиш туфайли шундай хуносага келиш мумкинки, бу усул (метод)ларнинг тобора кенг жорий қилиниши қўймалар ўлчамларининг аниқлиги, юза текислигини оширмоқда, қўймалар пухталигининг бир неча баравар ортиши амалда тасдиқланмоқда.

Қўйманинг таннаххи корхонанинг характеристига, қўйманинг материалига, мураккаблигига, ўлчамларига, оғирлигига ва бошқа кўрсаткичларга боғлиқ бўлади.

Қўйма олиш учун суюқ металл ва қотишмаларни тайёрлаш. Маълумки, қўймакорлик цехларида қўйма буюмлари турли формага эга бўлган қолипларга суюқ металл ва қотишмаларни қўйиш орқали ҳосил қилинади. Бунинг учун қўймакорлик цехларида металл ва қотишмаларни суюқлантириш учун ишлатиладиган тегишли конструкциядаги печлардан фойдаланилади. Қандай печлар тури (конструкцияси)дан фойдаланиш металла ва қотишмаларнинг хилига боғлиқ бўлади. Масалан, чўян суюқлантириш учун, асосан, вагранкадан, пўлат суюқлантириш учун кичик конвертор, кичик мартен печи, электр ёй печлари, индукцион печлардан, рангдор қотишмалар суюқлантириш учун эса электр ёй печлари, қаршилик печлари, индукцион печлар ва бошқалардан фойдаланилади.

Юқорида қайд қилганимиздек, қўймакорлик чўяни, одатдә, вагранка деб аталадиган печда суюқлантирилади. Вагранка домна печи принципида ишлайди. Кожухи пўлат листларини парчинлаш ёки пайвандлаш ўйли билан тайёрланади. Ички қоплами шамот ғишидан те-

рилади. Вагранканинг фурмалар тешигидан шихта тушириш дарчасигача бўлган қисми шахта деб, фурмалар тешигидан пастки қисми эса горн деб аталади. Ҳозирги вагранкаларнинг бўйи 9—10 м га, шахтасининг диаметри эса 3 м гача етади. Вагранкаларнинг иш унуми 1 сатда суюқлантириб олинадиган чўян миқдори билан белгиланади ва печнинг диаметрига қараб, 25 тоннагача суюқ чўян олиш мумкин.

Бундай вагранкада чўяннинг суюқлантирилиши қўйидагича бажарилади.

Чўян суюқлантиришда шихтанинг металл қисми — қўймакорлик чўяни корхона чиқиндиси, машина синиqlари ва озроқ миқдорда темир-терсакдан иборат бўлади. Ёқилғи сифатида, асосан, кокс ишлатилади. Флюс сифатида оҳактош, доломит, асосли мартен шлаклари ва бошқа материаллардан фойдаланилади. Вагранкада кокс, металл шихта ва флюс махсус дарча орқали туширилади. Кокснинг ёниши учун зарур бўлган ҳаво (баъзан кислород билан бойитилган ҳаво) босим остида ҳалқасимон трубага ва ундан фурмалар орқали горнга берилади. Ҳосил бўлган суюқ чўян горннинг қия тубидан махсус нов орқали ковшларга туширилади, ковшлардан эса қолипларга қўйиб чиқилади ва тегишли конфигурацияли қўйма буюм ҳосил қилинади.

Қўймакорлик корхоналарида пўлат суюқлантиришда **кичик конвертор** (кичик бессемерлаш дейилиб, ҳозирсаноат миқёсида деярли ишлатилмайди), **кичик мартен печлари** ва бошқа печлардан фойдаланилади.

Юқори сифатли чўян ва қўймалар олишда икки-уч агрегатда суюқлаштириш усулидан фойдаланилади. Масалан, пўлат дастлабки конверторда, сўнгра электр печа суюқлантирилади ва бу процесс **дуплекс процесси** деб аталади.

Агар металл кетма-кет уч агрегатда, масалан, вагранка, конвертор ва электр печа суюқлантирилса, бундай процесс **триплекс процесси** дейилади. Бронза электр ёй печларида, алюминий қотишмалари эса қаршилик печларида суюқлантирилади.

Металларни суюқлантиришда баъзан тигелли печлардан ҳам фойдаланилади. Тигелларнинг сирими 50 кг дан 300 кг гача бўлади.

Юқоридаги печларда суюқлантирилган металлар ковшларга, ковшлардан эса қолипларга қўйилади.

Суюқ металл қолипларга икки усулда қуийлнши мүмкін:

а) суюқ металл ковшларда қолиплар олдига келтирилади;

б) ковш құзғалмас ҳолатда бўлиб, қолиплар маҳсус конвейерда ковш остига суриб турилади.

Қолипларга қуийлган металл совигач, қолиплар маҳсус машиналар ёрдамида синдирилиб, қуымалар ажратиб олинади, қуищ системасида қотган металл қирқиб ташланади ва қуымалар турли усулларда, масалан, шарли тегирмон, питра пуркаш машинаси, питра отиш машинасида қум доналари, ёпишган куюнди ва бошқалардан тозаланади. Тозаланган қуымалар техник контролдан ўтказилади ва нуқсони бўлган қуымалар ажратилиб, бракка чиқарилади.

Қуымалар олишда ишлатиладиган асосий қотишималар. Маълумки, ҳар қандай қотишимадан қуымалар ҳосил қилиш мүмкін ёки қуима олиш учун ҳар қандай қотиши маҳмият ярайверади. Аммо қуымаларнинг сифати техник стандарт талабларига жавоб бериши учун қуымалар олинадиган қотишималар суюқ ҳолатда оқувчан, кам киришувчан, бир структурали, металлмас аралашмалардан ҳоли бўлиши ва суюқланиш температураси жуда юқори бўлмаслиги лозим.

Айниқса, қуимакорликда энг кўп ишлатиладиган қотишималардан пўлат ва чўяннинг суюқ ҳолатда оқувчанилиги углерод, кремний ва фосфор миқдорига боғлиқ, яъни бу элементларнинг миқдорлари билан суюқ ҳолатда оқувчанлик тўғри пропорционал ҳолда ўзгариб боради.

Хозирги қуимакорлик саноатида турли қуымалар олишда рангли қотишималар ва чўян, пўлатлардан ташқари, баъзи чўян қотишималаридан ҳам фойдаланилади. Масалан, СЧ 12—28, СЧ 15—32, СЧ 18—36 маркали чўян пухталиги пастроқ ва ўртacha деталлар, масалан, металл кесиши станокларининг стойкаси, асоси, кожухи, қутиси ва қопқоқлари, суппорти, кареткаси ва шу каби деталлар учун, СЧ 21—40, СЧ 24—44, СЧ 28—48 маркали чўян эса машиналарнинг муҳим деталлари, масалан, станина, корпус, буғ машинаси цилиндрлари, тормоз барабанлари, фрикцион муфта дисклари ва шу кабилар учун ишлатилади. Жуда юқори сифатли чўян қуымалар олиш учун, суюқлантариш вақтида чўянга пўлат синиқ-

лари ёки махсус әлементлар құшилади, шунингдек, құймалар махсус тарзда термик ишланади. Пухталиги, әйилишга чидамлилиги ва коррозияга бардошлилиги үқори бўлиши талаб қилинадиган қуймалар легирланган чўяндан қуйилади. Қуймаларнинг сифати чўянни модификациялаш йўли билан ҳам оширилади. Чўялларни модификациялаш учун суюқ чўянни қолипларга қуийиш олдидан унга озроқ силикокальций, магний, алюминий, титан ёки бошқа махсус әлементлар құшилади, чўян таркибидаги графит ва перлит доналари майдалашиди, натижада жуда пухта чўян ҳосил бўлади ва қуймаларнинг механик хоссалари яхшиланади. Модификацияланиши лозим бўлган чўян кам ($2,8-3,2\%$) углеродли ва кам ($1-1,5\%$) кремнийли бўлиши керак ҳамда $0,15-0,3\%$ модификаторлар албатта қўшилиши зарур.

Турли қуймалар олиш учун, асосан, кам ва ўртача углеродли пўлатлар ишлатилади. Бундай пўлатларнинг қуйилиш хоссалари чўянникидан пастроқ бўлади, лекин механик хоссалари (айниқса, пластики ва зарбий қовушоқлиги) жиҳатидан чўян қуймалардан устун туради. Қуймакорлик учун ишлатиладиган пўлатда углерод миқдори $0,6\%$ дан ортаслиги, кремний миқдори $0,37\%$ гача, марганец миқдори эса $0,8\%$ гача бўлиши керак. Фосфор билан олтингугурт пўлат қуймаларнинг механик хоссаларини пасайтиради, қуймакорлик учун ишлатиладиган пўлатда иложи борича бу әлементларнинг бўлмаслиги мақсадга мувофиқдир.

Стандартга кўра, қуймакорлик пўлатлари вакилларига 15Л, 20Л, 25Л, ... 55Л каби маркалар киради. Булардаги Л ҳарфи (литейная), яъни қуймакорлик пўлати эканлигини, рақамлари эса тегишили пўлатлар таркибидаги ўртача углерод миқдорини билдиради. Бу пўлатларда чўзилишдаги мустаҳкамлик чегаралари (b_b) ҳар хилдир, яъни 15Л маркали пўлат учун:

$b_b = 400 \text{ Mn/m}^2$, нисбий узайиши $\delta = 24\%$, зарбий қовушоқлиги $Q = 0,5 \text{ Mj/m}^2$; 55Л учун эса $b_b = 600 \text{ Mn/m}^2$, $\delta = 10\%$ ва $Q = 0,25 \text{ Mj/m}^2$ га тенгdir ва ҳ. к.

Қуймалар олишда СЧ, Ni, Mo, V ва бошқа элементлар билан легирланган пўлатлар ҳам кенг ишлатилади.

Қуймакорликда энг кўп ишлатиладиган рангли қотищмалар жумласига мис, алюминий, магний ва бошқа рангли металларнинг қуймабол қотищмалари киради. Масалан, мис қотищмалардан бронза ва латунь, алюми-

ний қотишмаларидан силуминлар, Al—Си, Al—Си—Si, Al—Mg қотишмалари, магний қотишмаларидан эса Mg—Al—Zn, Mg—Al қотишмалари ва бошқалар ана шулар жумласидандир.

Қуймакорлик корхоналарида ишлатиладиган бронзалар икки группага бўлинади: а) қалайли, б) қалайсиз бронзалар.

Латунлар (мис билан рух қотишмасидир) дан оддий латунлар қўймалар олишда кам ишлатилади, чунки уларнинг технологик ва механик хоссалари анча паст бўлади. Қўйма буюм (детал)лар олиш учун оддий ва маҳсус латунлар группасидан, асосан, маҳсус латунлардан фойдаланилади. Бундай маҳсус латунлар олишда оддий латунларга қалай, алюминий, кремний, никель, марганец, темир, қўрошин каби элементлар маълум миқдорда қўшилган бўлади. Латунларга қўшилувчи элементларнинг тури ва миқдори қотишмадан кутилган хоссаларга кўра белгиланади ва ҳ. к.

Шундай қилиб, турли статистик маълумотларга кўра, қўйма буюм (детал)ларнинг 75% га яқини кул ранг чўяйлардан, 20% чори пўлатлардан, 2—3% чори болғала-нувчан чўяйлардан ва жуда оз қисми рангли металл қотишмаларидан олинмоқда.

6- §. ҚУЙМАЛАРДА УЧРАИДИГАН АСОСИЙ НУҚСОНЛАР

Маълумки, қуймакорлик саноатида ҳосил қилинадиган қўймаларда баъзан турли нуқсонлар, яъни химиявий таркиби ва структурасининг нотекислиги, чўкиш бўшлиги, ғоваклик, газ пуфаклари, ликвация каби нуқсонлар учрайди. Бундай нуқсонлар қўйидагича ҳосил бўлади, яъни қўйма совиётганда унинг ҳажми маълум даражада кичраяди, натижада қўйманинг юқориги қисмida ҷўкиши бўшлиғи деб аталадиган бўшлиқ ҳосил бўлади. Бундан ташқари, суюқ эритмада эриган газлар металл қотаётганда ажralиб чиқиб ғоваклар ёки чиқиб кета олмай, газ пуфаклари ҳосил қиласиди. Юқоридаги қўймаларнинг нуқсонлари шароитга қараб, қўйманинг устки қисмida ёки бутун ҳажмига тарқалган ҳолда бўлиши мүмкин.

Химиявий жиҳатдан турли жинслилик, яъни эритмадаги ёки қотишмадаги қўшимчаларнинг қўймада нотекис тақсимланиш ҳоллари ҳам бўладики, бу ҳодиса лик-

вация дейилади ва у тегишли қотишманинг механик хоссаларини пасайтиради. Ликвация ходисаси суюқ қотишманинг (масалан, пўлатнинг) нотекис кристалланишидан келиб чиқади.

Айниқса, пўлат қуймаларда учрайдиган яна бир нуқсони *ғуддалардир*. Ғуддалар суюқ пўлат қолипга қуйилгандан сачраши ва томчилар тарзида қуймага ёпишиб қолишидан ҳосил бўладиган нотекисликдир.

Энди юқорида келтирилган қуймадаги баъзи нуқсонларнинг олдини олиш учун саноат миқёсида қўлланладиган чора-тадбирлар билан танишишини зарур деб ҳисоблаймиз.

Қуймада чўкиш бўшлиғи ҳосил бўлмаслиги учун қолипда прибиль деб аталадиган маҳсус бўшлиқлар қилинади. Қолипга суюқ металл қуйилгандан у қолипни тўлдириб, прибильга ўтади ва чўкиш бўшлиғи қуймада эмас, балки прибильда ҳосил бўлади, прибиль эса қуймадан кесиб ташланади.

Қуймада газ пуфакчалари ҳосил бўлмаслиги учун: суюқ металлни қолипга қуйишдан олдин унга маҳсус қайтаргичлар, масалан, ферросилиций, ферромарганец, ферроалюминий, силикокальций қўшилади, қолипда газ чиқиши каналлари сони кўпайтирилади, куйиш йўллари тўғри танланади, металлнинг қолипга қуйиш вақтидаги температураси тўғри белгиланади.

Қуймаларда учрайдиган нуқсонлардан *дарз кетиши* ҳамда *ёрилишлар* кўпинча қуйманинг нотекис совишидан келиб чиқади. Майда дарзлар, ёрилишлар, сиртқи ғовакликлар ва шу кабилар металлизатор ёрдамида суюқ металл пуркаш йўли билан тузатилиши мумкин.

Бундан ташқари, қуймада кўп миқдорда *металлмас қўшилмалар* — шлак, қолип аралашмаси, шунингдек, печь ва ковшнинг ўтга чидамли қопламаларидан ўтадиган қўшилмалар қуйманинг тузатиб бўлмайдиган нуқсонлари жумласига киради.

Қолипга қуйилган қотишма (масалан, суюқ чўян) нинг совиши тезлиги катта бўлса, қуйманинг сиртқи қатлами оқарив қолади, яъни оқ чўянга айланади. Кесиб ишланиши лозим бўлган чўян қуймалар учун бу ходиса нуқсон ҳисобланиб, нуқсонлар билан кесиб ишлаш қийинлашади. Бундай нуқсонни йўқотиш учун қуймалар (термик ишлаш орқали) албатта юмшатилиши керак.

XII бөб

МЕТАЛЛАРНИ БОСИМ БИЛАН ИШЛАШ

1-§. УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР

Бирор ташқи күч таъсир эттириш орқали тегишли технологик процесс ёрдамида материални пластик деформациялаш йўли билан буюм ёки заготовка ҳосил қилиш материалларни босим билан ишлаш дейилади. Бинобарин, бу процесс металларнинг пластик деформацияланишига асосланганнадир. Босим билан ишлаш процессида турли ярим фабрикатлар, массага, ўлчамга ва формага эга бўлган деталлар ва буюмлар тайёрланади. Бу процесс қўймакорлик саноати ва механик ишлов бериш процессларига нисбатан анча юқори иш унумига, металларнинг иқтисодий тежалиши, яъни кам сарфланиши билан ажralиб туради. Бундан ташқари, босим билан ишлаш процесси қўйма металларнинг механик хоссаларини яхшилади.

Ҳозирги вақтда материалларни босим билан ишлашнинг кўпгина соҳалари ёки усууллари мавжуд. Булар, асосан, прокатлаш, кирялаш (чўзиш), пресслаш, болғалаш ва листларни штамплашлардан иборатdir.

Металларни босим билан ишлаш соҳалари ана шундай кенг бўлганлиги учун ҳозирги вақтда мамлакатимизда суюқлантириб олинадиган 75% дан кўпроқ қўйма пўлатлар, рангли металлар ва қотишмаларга прокатлаш усули билан ишлов берилади ва тегишли буюм (детал) лар ишлаб чиқарилади. Босим билан ишлаш усуулларининг яна бир зарурий ҳамда ижобий томони шундаки, босим билан ишланган детал (буюм)нинг, масалан, болтнинг механик хоссалари кесиб ишланган болтниги қараганда анча юқори бўлади, чунки босим билан ишлашда металлнинг толалари эгилса, кесиб ишлашда (механик усолда ишлаганда) толалари қирқилади.

2-§. БОСИМ БИЛАН ИШЛАНДИГАН МЕТАЛЛАРНИНГ ДЕФОРМАЦИЯЛНИШИ

Юқорида қайд қилганимиздек, босим билан ишлашда заготовканинг шакли дастлабки ҳолатига қайтмайдиган қилиб ўзгартирилади, бу эса заготовка металида пластик ҳолат мавжудлигидан дарақ беради. Демак, би-

пор ташқи күч таъсирида металл (қотишма) емірілмай, ўз шаклини дастлабки ҳолатига қайтмайдын тарзда ўзгартира олиш хусусияти унинг *пластиклиги*, металлар шаклининг пластик тарзда ўзгариши *пластик деформация* деб аталади. Демак, босим билан ишлаш процесси металларнинг пластик деформацияланишига асосланғандыр.

Бунинг учун деформациянинг ўзи қандай вужудда келишини аниқ тушуниш керак.

Маълумки, деталга бирор ташқи күч таъсир эттирилганда шу металл геометрик шаклининг ўзгариши деформация дейилади. Ҳар қандай нормал температурада металл, асосан, эластик ва пластик деформациялардан иборат бўлади. Металлга таъсир эттирилган ташқи күч олингандан кейин металл дастлабки шаклига қайтса, бундай деформация *эластик деформация* деб аталади. Масалан, пўлат пружинага (ёки резина бўлагига) таъсир эттирилган күч олингандан кейин яна у аввалги ҳолатига қайтади.

Пластик деформация вақтида эса металл кристалл панжараларининг шакли ўзгарибгина қолмасдан, балки кристаллнинг бир қисми бошқа қисмiga нисбатан силжиди ҳам, таъсир эттирилган күч олингандан кристаллнинг силжиган қисми аввалги жойига қайтмайди, яъни деформация сақланиб қолади. Бундан ташқари, пластик деформация вақтида металл таркибида доначалар майдаланади ва муайян тартибда жойлашиб қолади, натижада металл тола-тола тузилишга эга бўлади.

Доналарнинг муайян тартибда жойлашиб қолиш ҳодисаси *текстураланиш* дейилади.

Текстураланиш даражаси деформацияланиш даражасига тўғри пропорционалдир.

Металл одатдаги шароитда пластик деформацияланганда унинг пухталиги ва қаттиқлигй ортиб, пластиклиги камаяди. Бу ҳодиса наклён ёки нагартовка дейилади. Металлда пластик деформацияланиш натижасида ҳосил бўлган наклённи йўқотиш зарур бўлса, металл маълум температурагача қиздирилади. Масалан, наклёнланган пўлат буюм 200—300°C гача қиздирилса, унинг қаттиқлиги ва пухталиги 20—30% пасаяди, пластиклиги эса ортади. Бу ҳодиса қайтиш ёки ҳордиқ дейилади. Демак, қайтиш процессида металлнинг кристалл панжараларий тикланади, ички тузилиши эса унча ўзгармайди ва шу-

нинг учун металлнинг механик хоссалари фақат маълум даражадагина тикланади. Металлнинг дастлабки хоссаларини батамом тиклаш керак бўлиб қолса, албатта уни юқорироқ даражагача қиздириш зарур. Наклёпланган металл юқорироқ даражагача қиздирилганда, шу металл хоссаларининг тикланишига рекристалланиш деб аталади. Рекристалланиш вақтида металлнинг деформацияланнишидан олдинги доналари тикланмай, балки янги доналар ҳосил бўлади, яъни металл янгидан кристалланади.

Рекристалланиш даражаси (энг кичик даражаси) ҳар хил металлар учун турлича бўлади. Масалан, миснинг рекристалланиш температураси 270° га, алюминий ва магнийники $\sim 100^{\circ}\text{C}$ га, латунники $\sim 250^{\circ}\text{C}$ га, темирники 450°C га, никелники 600°C га, молибденники 900°C га, вольфрамники 1200°C га тенг, қалай, қўрғошин ва осон суюқланувчан бошқа металларнинг рекристалланиш даражаси эса нормал даражадан паст бўлади.

Металларнинг рекристалланиш даражаси билан суюқланиш даражаси орасида А. А. Бочвар формуласига асосан қуйидаги яқинлаштирилган боғланиш мавжуд:

$$T_{\text{рекр.}} = k \cdot T_c.$$

Бунда:

$T_{\text{рекр}}$ — рекристалланиш абсолют даражаси, градус,

k — металлнинг тозалигига боғлиқ коэффициент,

T_c — суюқланиш абсолют даражаси, градус.

Техник тоза металлар учун $k=0,2 \div 0,3$, қотишмалар (қийин суюқланадиган металлар) учун эса $k=0,6 \div 0,7$. Шуни қайд қилиш лозимки, деформацияланганлик даражаси рекристалланиш температурасига тескари пропорционал боғланишда бўлади.

Металл рекристалланиш даражасидан юқори даражада деформацияланганда наклёп ҳосил бўлса-да, аммо шу даражада ўтадиган рекристалланиш процесси наклёпни йўқотади. Металларни рекристалланиш даражасидан юқори даражада деформациялаш қиздириб босим билан ишлаши, рекристалланиш даражасидан паст даражада деформациялаш эса совуқлайин босим билан ишлаши деб аталади. Демак, металларни қиздириб, босим билан ишлашда уларда наклёп ҳосил бўлмайди, совуқла-

йин босим билан ишлашда эса наклөп ҳосил бўлади ва аксинча, деформациялашда металл наклөпланса, бу металл совуқлайнин босим билан ишлагандан наклөплан маса, уни қиздириб, босим билан ишлаган маъкул бўлади. Масалан, қалай нормал температурада деформацияланса, у наклөпланмайди, темир эса 300°C гача қиздириб деформацияланганда наклөпланади. Бинобарин, қалайнинг деформацияланниши қиздириб босим билан ишланади, чунки совуқлайнин босим билан ишлаш орқали ҳосил қилинган буюмларнинг сирти тоза, ўлчамлари эса аниқ чиқади. Совуқлайнин деформациялаш натижасида ҳосил бўлган наклөп, зарур ҳолларда, рекристалл юмшатиш йўли билан йўқотилади ва ҳоказо.

Шуни айтиш лозимки, пластик бўлмаган (мўрт) металларни босим билан ишлаб бўлмайди. Масалан, чўян совуқ ҳолатда ҳам, қиздирилган ҳолатда ҳам мўрт бўлади, демак чўянни босим билан ишлаб бўлмайди.

Металларнинг пластиклиги уларнинг химиявий таркибига ҳам боғлиқ бўлади, яъни тоза металларнинг пластиклиги қотишмаларнидан анча юкори бўлади. Ҳар хил элементлар металларнинг пластиклигига турлича таъсир этади. Масалан, фосфор пўлатни совуқлайнин, олтингугурт эса қиздириб босим билан ишлашда синувчан (мўрт) қилиб қўяди, висмут ва суръма рангдор металларнинг пластиклигига салбий таъсир этади.

Температура кўтарилиши билан баъзи металлар (қотишмалар) нинг пластиклиги ортиб боради, баъзи металларники эса дастлаб бир оз пасайиб, сўнгра ортади. Масалан, баъзи пўлатлар тахминан 400°C гача қиздирилганда, уларнинг пластиклиги бир оз пасайиб, температура 400°C дан кўтарилиганда оша боради. Металлар қиздирилганда пластиклиги ошганлиги сайин уларнинг деформацияланнишга қаршилиги пасаяди. Чунончи, 1000°C гача қиздирилган пўлатнинг деформацияланнишга қаршилиги совуқ ҳолатдагига қараганда 15—20 баравар паст бўлади.

Шунинг учун қиздириб босим билан ишлашда металл (қотишма)ни қандай температурагача қиздириш ва босим билан ишлашни қандай температурада тўхтатиш зарурлигини билиш ниҳоятда муҳимдир. Шундай қилиб, металлар қиздириб босим билан ишланганда, уларнинг химиявий таркиби текисланади, доналари майдаланади, ғовәклари беркилиб кетади, бошқа баъзи нуксонлари

йўқолади ва, демак, умуман механик хоссалари яхиги-ланади.

3- § МЕТАЛ (ҚОТИШМА)ЛАРНИ ПРОКАТЛАШ

Металл заготовкани қарама-қарши айланувчи икки цилиндрик жўва орасидан эзib (сиқиб) ўтказиш процессига прокатлаш деб ва бу процесс натижасида олинадиган буюм эса прокат деб аталади.


Прокатлашнинг схематик ифодаси 26-расмда кўрсатилган. Расмдан кўриниб турибидики, қалинлиги H бўлган заготовка қарама-қарши томонга айланувчи жўваларга ишқаланиш тифайли қамралади ва жўвалар орасидан қисилиб ўтаётганда деформацияланиб, қалинлиги h бўлиб чиқади. Демак, прокатлаш процессида заготовканинг қалинлиги камайиб, узунилиги ортади.

Заготовканинг прокатланишдан олдинги қалинлиги H билан прокатланган кейинги қалинлиги h орасидаги айрма ($H-h$) абсолют сиқилиши миқдори деб, $\frac{H-h}{H} \cdot 100\%$ нисбат эса нисбий сиқилиши миқдори деб аталади. Заготовканинг сиқилаётган $a b c d$ қисми (участкаси) деформацияланиш зонаси дейилади. Заготовка билан жўванинг уриниш (тегиб туриш) ейи (ab ёки cd) қамраш ёйи деб, бу ёйга тўғри келадиган α бурчак эса қамраш бурчаги деб аталади. Абсолют сиқилиш миқдори билан α орасида қўйидаги боғланиш бор, яъни:


$$H-h = D(1-\cos \alpha).$$

Бунда: D — жўваларнинг диаметридир. D — ўзгармаганда, абсолют сиқилиш миқдори α га боғлиқ бўлади; α қиймати ортган сари абсолют сиқилиш миқдори ҳам ортади.

Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, α нинг қиймати жўвалар сиртларининг конструкцияси ва прокатланадиган материалларнинг хилига боғлиқ ҳолда ўзгарниши мумкин. Масалан, пўлатни қиздириб прокатлашда силлиқ жўвалар учун $\alpha = 15-24^\circ$; рангли металларни прокатлаш учун эса $\alpha = 15-20^\circ$ оралиқда қилиб олинади. Зарурий ҳолларда ишқаланишини ошириш учун баъзан силлиқ жўвалар сиртига эгов тишлари каби тишлар (нотекисликлар) кертилади, бундай жўвалар учун қамраш бурчаги (α)ни 32° га етказиш мумкин. Нормал прокатлаш процессида бошланғич ҳо-



26-расм. Прокатлаш процесси.



27-расм. Турли профилдаги ариқчали жува.

латда заготовканинг жўвалар билан контактда бўлиб, тортишида ҳосил бўладиган ишқаланиш кучи (T_x) итарилиш кучи (N)дан катта бўлиши керак. Шунинг учун жуфт жўва учун $2 T_x - 2 T \cos \alpha > N$ бўлиб, заготовканинг жўвалар билан контактда бўлиш (илашиш) кучи (T) қуйидаги шароитда амалга ошади, яъни: $2 T \cos \alpha > 2 N \sin \alpha$ бўлиб, тенгисизликнинг ҳар иккала томони, асосан, α нийнг қийматига боғлиқ ҳолда ўзгариши кўриниб турмоқда.


Жўваларнинг сирти силлиқ (26-расм) ёки турли профилдаги ариқчали (27-расм) бўлиши мумкин. Ариқчали икки жўва бир-бирига урилганда ҳосил бўлган бўшлиқ калибр деб аталади. Жўваларнинг охирги (пардозлаш) калибри прокатнинг профилига мос келади. Силлиқ жўвалар ёрдамида листлар, ариқчали жўвалар ёрдамида эса турли профилдаги буюмлар прокатланади.

Саноат миқёсида прокатлашнинг учта асосий: бўйлама, қийшиқ ва кўндаланг прокатлаш каби турлари мавжуд.

Бўйлама прокатлаш йўли билан сорт ва лист прокатлар олинади. Сорт прокатлар жумласига кўндаланг кесими доира, квадрат, олтиёқлик, учёқлик, тавр, қўштавр, сегмент, рельс, эллипс ва бошқа шакл (профил)-даги прокатлар киради. Сорт прокат профилларининг асосий турлари 28-расмда тасвирланган.

Лист прокатлар қалин ва юпқа листларга бўлинади. Қалин листларнинг қалинлиги 4 мм данг юқори, юпқа листларнинг қалинлиги эса 4 мм гача бўлади. Юпқа листлар, баъзан, ўрам тарзида ҳам ишлаб чиқарилади.

Юпқа листлар сиртининг сифати жиҳатидан ҳар хил турларга бўлинади. Масалан, декапирланган (юмшатилиб, куюндиси кетказилган) листлар, рухланган лист-



28-расм. Сорт прокат профилларининг асосий турлари.


лар (тунукалар), оқ (қалай югуртирилган) тунукалар, жилоланган қора тунукалар ва бошқалар юпқа листларнинг ана шундай турлари жумласига киради.

Бўйлама прокатлаш процессида заготовка қарама-қарши айланувчи жўваларнинг ўқига перпендикуляр ҳолатда қисилиб сурилади ва бу усул энг кўп тарқалган прокатлаш кўринишлариданdir (29-а расм).

Кўндаланг прокатлаш йўли билан маҳсус прокатлар, масалан, арматура пўлати, шарлар ва шу кабилар олинади. Бундай прокатлаш процессида заготовка (металл) бир йўналишда айланувчи жўвалар орасида амалга оширилади. Ишлов бериладиган заготовка эса жўваларнинг ҳаракатига қарама-қарши айланма ҳаракатни қабул қиласиди (29-б расм).

Қийшиқ прокатлаш йўли билан, асосан, чоксиз трубалар олинади. Қийшиқ прокатлаш процессида бочкасимон жўвалар бир-бирига нисбатан маълум бурчак остида жойлашиб, ҳар иккаласи ҳам бир томонга айланади. Натижада эса заготовкага бир вақтнинг ўзида ҳам айланма, ҳам қайтарилима ҳаракат берилади (29-в расм). Прокат буюмлар, асосан, турли конструкциядаги прокатлаш станларида ишлаб чиқарилади.

Прокатлаш станларини қўйидаги асосий кўрсаткичларига қараб, группа (классификация)ларга бўлиш қабул қилинган, яъни иш клетининг жўвалари сонига, ишлаб чиқариладиган маҳсулот хилига, қафасларнинг ўрнатилиши кабиларга боғлиқ бўлади.



29-расм. Прокатлаш схемалари.
 1 — жувалар; 2 — заготовка; 3 — оправка.
 а — бўйлама; б — кўндаланг; в — қийшиц.

Иш клетининг жўвалари сонига кўра икки жўвали реверсиз (дио), икки жўвали реверсли, уч жўвали (трио), тўрт жўвали (кварто) ва кўп жўвалиларга бўлинади.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар хилига кўра — қисувчи, хомаки заготовка, рельс-балка, сорт, сим, лист, труба, фидирак ва бошқалардан иборат бўлади.

Иш клетлари жойлашувига кўра, бир клетли, клетлари бир чизиқда жойлашган поноали, шахмат тартибида жойлашган, ярим узлуксиз ва узлуксиз каби турларларга бўлинади.

Станлар реверсив, яъни жўваларнинг айланиш йўналиши ўзгартириладиган бўлиши ҳам мумкин. Реверсив станлар металлни икки йўналишда ҳам прокатлашга имкон беради. Реверсив станда бир йўналишда прокатланган буюмни, иккинчи йўналишда прокатлаш учун жўвалар орасидаги тирқиш кичрайтирилиб, жўваларнинг айланиш йўналишлари тескари томонга ўзгартирилади.

Ирик қўймаларни прокатлаб, кўндаланг кесими 140×140 дан 450×450 мм гача бўлган заготовкалар (блюмслар) ҳосил қилиш учун мўлжалланган станлар блюминглар деб, қалинлиги 250 мм гача ва узунлиги 5 м

гача бўлган лист заготовкалар (сляблар), прокатлаш учун мўлжалланган станлар эса слябинглар деб аталади. Блюминглар ҳам, слябинглар ҳам реверсив бўлади.

Стандарда прокатлаш тезлиги прокат турига, заготовканинг ҳолатига ва бошқа факторларга боғлиқ. Масалан, сорт ва лист прокатлаш тезлиги 7—15 м/с, сим прокатлаш тезлиги $25 \div 50$ м/с бўлади, совуқлайн тунука прокатлаш ва юпқа лента прокатлаш тезлиги эса 35 м/с га етади. Блюмс ва сляблар прокатлаш тезлиги 7 м/с дан ортмайди.

4- §. БАЪЗИ ПРОКАТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ҲАҚИДА

Маълумки, прокатлаш процессида турли прокатлар (буомлар) ишлаб чиқарилади. Ана шундай прокат турларидан чокли ва чоксиз трубалар ҳамда суюқ металлардан прокатлар олиш процесслари ҳақида танишиш мақсадга мувофиқдир.

Чокли трубалар тайёрлаш эса уч босқичдан: заготовкани эгиб, труба шаклига келтириш, трубани пайвандлаш ва пайвандланган трубани калибрлаш босқичларидан иборат.

Чокли трубаларни ишлаб чиқаришда заготовка сифатида пўлат полоса (штріпс) олинади, унинг эни олинадиган трубанинг периметрига, қалинлиги эса унинг девори қалинлигига тенг бўлади.

Кичик диаметрли (100 мм гача) трубалар олишда заготовка махсус печларда ($1300-1350$)°C гача қиздирилиб, сўнгра занжирли станнинг пайвандлаш воронкаси орқали тортиб ўтказилади. Бундай заготовка труба шаклига келиб, қисилаётган қирралари воронкадаги босим ҳисобига пайвандланади.

Газ магистрали қувурлари учун мўлжалланган катта диаметрли трубалар (630—1420 мм гача) учун мўлжалланган заготовкалар лист қайириш станларида труба шаклига келтирилади. Кейинги йилларда листларни гидравлик пресслар системаси воситасида қайириб, труба шаклига келган заготовкани зарурий температура (1300°C) гача қиздириб, уни пўлат оправкага кийгизилган ҳолда, ўйиқли жўвалардан эзиб ўтказиш билан пайвандланади. Трубаларни электр энергияси ва газ алансисидан фойдаланиб пайвандлаш усуллари ҳам қўлланилади.

Чоксиз трубаларни ишлаб чиқариш қуйидаги икки операцияни ўз ичига олади:

1. Қиздирилган құймани қийшиқ прокатлаш станица прокатлаш билан унга тешик очиб, қалин деворли гильза олиш.

2. Қиздирилган гильзәни махсус станларда прокатлаб, трубалар олиш. Суюқ металларни прокатлаш усулида прокат буюмлар олишнинг асосий мөхияти шундаки, бунда суюқ металл ковшдан сув совитиб туриладиган жүвалар орасида ҳосил бўлган воронкага қўйилади. Суюқ металл воронкага тушгач, қотади ва қарама-қарши томонга айланадиган жүваларга қамралиб деформацияланади, натижада прокат ҳосил бўлади (23-расм). Бу усулда мўрт metallарни, масалан, чўянни ҳам прокатлаб юпқа листлар олиш мумкин.

Прокатлашнинг яна бир неча турлари мавжуд. Масалан, пўлатларни иссиқ ва совуқ прокатлаш, прокатлашнинг махсус турлари, рангли металл ва қотишмаларни прокатлаш, ультратотовуш орқали прокатлаш ҳамда қўймасиз прокатлаш процесслари саноат миқёсида кенг ишлатилади.

5- §. МЕТАЛЛАРНИ КИРЯЛАШ (ЧЎЗИШ)

Маълумки, халқ хўжалигининг турли эҳтиёжлари учун буюм (деталь)лар тегишли заготовканинг ўлчамларини ўзgartириш орқали тайёрланади. Шунинг учун бирор заготовкани тобора кичраючи тешиклар (кўзлар) системасидан тортиб (чўзиб) ўтказиш процессига кирялаш деб аталади. Чўзиш процессида заготовканинг кўндаланг кесими киррайиб, узунлиги ортади. Бу процесс орқали турли диаметрли симлар, чивиқ (пруток)лар, трубачалар ҳамда ҳар хил зарурий профиллар олинади.


Масалан, сим кирялаш учун чивиқ заготовкалардан фойдаланилади, заготовкалари (диаметри таҳминан 5 мм) эса прокатлаш йўли билан ҳосил қилинади. Кирялашдан олдин заготовка юмшатилаб, структураси яхшиланади. Шундан кейин заготовка кирянинг кўзларидаң бирин-кетин ўтказилиб, зарур диаметрли сим ҳосил қилинади. Кирялаш процессида ишлатиладиган кирянинг материалига алоҳида аҳамият берилади, чунки улар узоқ муддат эксплуатация қилишга бардош бериш учун жуда қаттиқ ва чидамли қилиб тайёрланиши керак. Шунинг учун кирялар кўпинча юқори сифатли пўлатдан тайёрланади.

Лекин бундай қимматбаҳо пўлатни тежаш мақсадида кўпинча кирянинг ўзи оддий углеродли пўлатдан тайёрланади-да, унга инструментал пўлатлар (У8...У12) ва юкори сифатли легирланган пўлат (Х12М) ёки қаттиқ қотишма (ВК-2, ВК-3)дан ясалган киря, волока, фильера (кўз)лар ўрнатилади, жуда кичик диаметрли (диаметри 0,3 мм гача) симларни кирялаш учун металл оправкаларга ўрнатилган олмос волокалардан фойдаланилади. Волокалар яхлит, йифма ва роликли бўлиши мумкин. Яхлит волоканинг тузилиш схемаси 30-расмда тасвирланган. Волоканинг кириш конуси затоғовка учини киритиш ва мойни текис тақсимлаш учун, деформацияловчи қисми заготовкани сиқиши учун, калибрловчи қисми металлнинг кўндаланг кесими ўлчамларини 30-расм. Яхлит волоканинг тузталаб этилган даражага келтириш учун, чиқиши конуси эса металлни шикастланишдан (тирналиш, сидириш ва бошқалардан) сақлаш учун хизмат қилади. Кирялаш процесси битта ёки бир неча волокалар (кўзлар) орқали бажарилиши мумкин. Бу процессда заготовка волокадан бир маротаба ўтишда 16—30% гача сиқилиши мумкин.

Ишлаб чиқариладиган буюм формаси тегишли волоканинг профилига боғлиқ бўлади.

Кирялашнинг технологик процесси қуйидагича бўлади, яъни заготовка юмшатилиб, структураси яхшиларади, заготовканинг бир уни ингичкалаштирилади. Заготовка сиртидаги куюндини кетказиш учун сульфат кислотанинг кучсиз эритмаси билан яхшилаб ювилади, заготовка сиртига олдин оҳак фосфот, сўнгра эса минерал мой суртилади, заготовка бир неча марта киряланади ва ҳар гал киряланганда ҳосил бўлган наклён юмшатиш йўли билан йўқотилади, тайёр буюм яна юмшатилади, тўғриланади ва сўнгра пардоzlанади.

Металл заготовка маҳсус станларда киряланади, кирялаш станлари барабанли ва занжирли бўлади. Бинобарин, станлар бир барабанли ва кўп барабанли бўлиши мумкин. Бир барабанли станларнинг куввати 15—50 кВт, тортиш тезлиги 240 м/мин. гача, кўп барабанли станларнинг куввати 100—150 кВт, тортиш тезлиги 120 м/мин. гача.



банли станларнинг қуввати 150 кВт. гача, тортиш тезлиги эса 2500 м/мин ва ундан ортиқ бўлади. Бир барабанли станлар сим ва ингичка трубаларни кирялаш учун ишлатилади.

Занжирли станлар анча бақувват бўлади ва улардан чивиқлар, профиллар ҳамда йўғонроқ трубалар кирялашда фойдаланилади. Занжирли станларнинг бальзиларида бир вақтнинг ўзида учта ва ундан ортиқ буюм кирялаш мумкин. Занжирли станларнинг тортиш кучи 150—160 т (1,5—6,0 Мн), тортиш тезлиги эса 20—50 м/мин. бўлади.

Кейинги йилларда саноат миқёсида пўлатлардан ва рангли металлардан юпқа деворли трубалар ультратовушлар таъсирида кирялаш орқали ҳосил қилинмоқда. Бу усулда заготовкани кирялаш учун 25—35% кам куч талаб қилинади, ҳам ҳосил бўладиган буюм сирти анча сифатли бўлади.


6- §. МАТЕРИАЛЛАРНИ ПРЕССЛАШ

Маълумки, ҳалқ хўжалигининг турли соҳаларида пресслаш процесси орқали тайёрланган буюмлар жуда кенг ишлатилади.

Заготовкани (металл ёки қотишмаларни) маълум температурагача қиздириб, уни матрица тешигидан сиқиб чиқариш процессига пресслаш дейилади. Пресслаш процессида тешик орқали сиқиб чиқарилган металларнинг (буюм ёки деталнинг) кўндаланг кесими шу тешик шаклига — доира, квадрат, тўртбурчак, олтибурчак ёки бошқа бирор шаклга киради.

Одатда, пресслаш орқали диаметри 5 дан 300 мм гача бўлган прутоклар, ички диаметри 18 дан 700 мм ва деворининг қалинлиги 1,25 дан 50 мм гача бўлгайн трубалар ҳамда босим билан ишлашнинг бошқа процесслари билан тайёрлаш мумкин бўлмаган мураккаб профилли буюмларни ҳам ҳосил қилиш мумкин. Бу усул билан ишлаб чиқарилган буюмлар ўлчамларининг юқори аниқлиги билан ҳам фарқ қиласи.

Пресслаш орқали алюминий, титан, магний, рух ва уларнинг қотишмаларидан, углеродли ва легирланган пўлатлардан зарурий буюмлар ҳосил қилинади. Бундан ташқари, қийин эрувчан металларни вакуумда ёки инерт газлар мұхитида пресслаш процессларини амалга ошириш орқали зарурый буюм (деталь) лар ҳосил



31- расм. Пресслаш схемаси:

a — тескари пресслаш; *b* — тұғри пресслаш.

Қилинмоқда. Пресслаш учун зарурий заготовка сифатида, асосан, құймалар ишлатилади. Бундай заготовка-ларнинг ўлчамлари (диаметри, узунлиги ва бошқалари) прессланадиган пресснинг қувватига ва олиниши керак бўлган буюмнинг профилига боғлиқ бўлади.

Пресслашдан олдин тегишли заготовкалар босим билан ишлаш температурасынаның ишкелешілігін анықтади.

Саноат миқёсида пресслашнинг икки хил усули мавжуд. Булардан бири тұғри пресслаш, иккинчиси эса тескари пресслаш усулларидир (31-*a*, *b*, расмлар).

Шуни қайд қилиш керакки, тескари пресслашда сарфланадиган күч тұғри пресслашдағынан қаралада 25—30% кам бўлади, чунки контейнерда металл ишқаланмайди. Тескари пресслашда чиқинди ҳам камаяди.

Пресслаш процессида тегишли пресснинг сиқиши даражаси қуйидагича ифодаланади.

$$n = \frac{F-f}{F} \cdot 100$$

Бунда: F — құйманың кесим юзи, f — прессланган кесим юзи. Прессланган буюмнинг сифати яхши бўлиши учун сиқиши даражаси 80% дан кичик бўлмаслиги керак.

Баъзи металл ва қотишмалардан пресслаш орқали буюм ҳосил қилишда матрица тешигидан чиқиши тезлиги: дюралюминий учун 4—6 см/с, алюминий учун 8 см/с

гача, мис ва унинг қотишмалари учун 12—15 см/с бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Бу процесс аниқ ўлчамли ва мураккаб профилли буюмлар ҳосил қилишга имкон бериш билан бирга жуда унумлидир. Бу усулдан авиация саноатида алюминий қотишмаларидан самолёт ва ракета конструкциясида кўп ишлатиладиган мураккаб шаклли буюмлар тайёрлашда айниқса кенг кўламда фойдаланилади.

Пресслаш процессида ишлатиладиган матрицалар, асосан, ЗХ2В8, 38ХМЮА маркали легирланган пўлатлар ва бошқа қаттиқ қотишмалардан тайёрланади.

Пресслаш процесси, асосан, тури горизонтал ва вертикал гидравлик прессларда (пресслаш кучи $1500 \div 300000$ Мн га тенг) олиб борилади. Пресслаш методлари ичida энг юқори иш унумига эга бўлгани гидропресслаш бўлиб, ишлатиладиган суюқликнинг босими 3000 МПа гача бўлади (ёки гидроэкструзия ҳам дейилади) ва портлаш энергиясидан фойдаланадиган пресслаш процесслари ҳисобланади.

Портлаш энергиясидан фойдаланиб, пресслашдаги процесс жуда юқори тезликда ўтадики, натижада кам пластиклик хусусиятига эга бўлган конструкцион материалларга ҳам ишлов бериш имконияти мавжуд бўлади. Бундай юқори иш унумига эга бўлган процесснинг технологиясини ишлаб чиқиши ва уни саноат миқёсида жорий қилишда совет олимларининг хизматлари каттадир.

7-§. МЕТАЛЛАРНИ БОЛҒАЛАШ

Қиздирилган металлни болға муҳрасининг зарби ёки пресс муҳрасининг босим кучи таъсирида зарур шаклга келтириш процессига болғалаш деб аталади. Болғалаш натижасида олинган буюмга поковка дейилади. Болғалаш жараённада металл (қотишма) муҳралар орасидаги бўш жойларга ўтади. Қуйма металл болғаланганда металлнинг дендрит тузилиши (структураси) тола-тола тузилишга айланади, прокатланган металл болғаланганда эса металлнинг тола-тола тузилиши бир қадар яхшиланади. Демак, болғалашда металлнинг механик хоссалари ортади. Болғалашда металл структураси ва хоссаларининг ўзгариши шу металлнинг болғаланишдан олдинги структураси ва хоссаларига, болғаланиш даражасига боғлиқ. Болғаланиш даражаси эса сиқилиш коеффициенти билан ифодаланади:

$$n = \frac{F_1}{F_2} \text{ бўлиб, бунда}$$

F_1 — поковканинг болғаланишдан олдинги кўндаланг кесим юзи, F_2 — поковканинг кўндаланг кесим юзи бўлиб, чўқтиришда $F_1 < F_2$, чўзишда эса $F_1 > F_2$ бўлади.

Муҳим поковкалар учун болғаланиш коэффициенти $3 \div 5$ ва баъзан ундан ортиқ бўлади.

Болғалаш йўли билан хилма-хил шакл ва ўлчамли, бир неча юз граммдан 350 т гача, баъзан эса ундан оғир поковкалар тайёрланади.

Одатда, турли металл ёки қотишмалар қўлда ва машиналарда болғаланиши мумкин. Дастаки (қўлда) болғалаш усулидан, асосан, ремонт ишларида ва майда поковкалар тайёрлашда фойдаланилади. Машиналарда болғалаш усули кўплаб поковкалар ишлаб чиқаришда ва оғир поковкалар ҳосил қилишда қўлланилади.

Металларни (заготовкаларни) дастаки болғалашда ишлатиладиган асосий асбоблар болға (босқон), сандон, омбурлар, силлиқлагичлар, қисқичлар, подбойкалар, зубилолар ва ҳоказолардан иборат.

Темирчилик цехларида асосий ва ёрдамчи ускуналардан фойдаланилади.

Асосий ускуналарга болға, турли болғачалар ва пресслар кирса, ёрдамчи ускуналарга қайчилар, қиздиригич печлари, заготовакани болғалашга узатувчи ва кўмаклашувчи кранлар, контователлар, манипуляторлар ва бошқалар киради. Эркин болғалаш процесси қўйидаги асосий операцияларни ўз ичига олади:

1. Чўқтириш — заготовканинг кўндаланг кесимини бўйи ҳисобига катталаштириш.

2. Маҳаллий чўқтириш — заготовканинг бир қисми кўндаланг кесимини катталаштириб, бўйлама ўлчамларини қисқартириш.

3. Чўзиш — заготовканинг узунлигини кўндаланг кесими ҳисобига орттириш.

4. Маҳаллий чўзиш — заготовканинг маълум қисмийигина чўзиш.

5. Юмалоқлаш — заготовкага кетма-кет зарб бериш ёки уни сиқиши йўли билан айланма жисм шаклига келтириш.

6. Қисман юмалоқлаш — заготовкани кетма-кет зарб бериш ёки уни сиқиши йўли билан бир қисмини юмалоқлаш.

7. Тешиш — заготовка металлининг бир қисмини си-
қиб чиқариш ҳисобига бўшлиқ ҳосил қилиш.

8. Тешикни кенгайтириш — заготовка бўшлиғи ёки
тешикнинг ўлчамларини катталашибориш.

9. Букиш — заготовкани зарб таъсирида эгиш.

10. Текислаш — заготовка юзасини зарб билан иш-
лаш орқали бир текис қилиш.

11. Қесиш — металлнинг бир қисмини иккинчи қисми-
дан ажратиш ва бошқалар.

Болғалашда металлнинг қесиб ишлаш учун қолди-
риладиган ортиқча қисми қўйим дейилади.

Заготовкаларни машинада болғалашда ҳар хил кон-
струкциядаги болғалар ва турли гидравлик пресслари-
дан фойдаланилади.

Энг кўп ишлатиладиган болғалар жумласига буғ
болғалари, пневматик, механик ва фрикцион болғалар
киради. Болғалар, асосан, ўрта ўлчамли буюмларни,
пресслар эса йирик буюмларни ҳосил қилиш учун иш-
латилади. Лекин шунга қарамасдан, болғалар ва пресс-
ларнинг асосий ҳаракатланувчи ишчи органлари ва
қўзғалмас қисмлари бир хилда бўлади.

Болғаларнинг қуввати тушувчи қисмларининг оғир-
лиги (массаси) билан белгиланади. Буғ-ҳаво болға-
ларнинг тушувчи қисмлари оғирлиги эса 0,25 дан 8 т
гача етади. Қандай қувватли болға ишлатилиши по-
ковканинг оғирлиги ва шаклига боғлиқ бўлади. Ма-
салан, оғирлиги 25 кг гача бўлган мураккаб шаклли
поковкалар ёки оғирлиги 100 кг гача бўлган оддий
шаклли поковкалар (силлиқ валлар)ни болғалаш учун
тушувчи қисм оғирлиги 500 кг ли болғалар ишлатилади,
оғирлиги 700 кг ёки 1500 кг гача бўлган мураккаб
шаклли поковкаларни болғалашда эса тушувчи қисм
оғирлиги 5000 кг ли болғалардан фойдаланилади.

Шундай қилиб, болғалаш методи билан $300000 \div 350000$ кг ва ундан юқори массали поковкаларни ҳосил
қилиш мумкин.

8-§. МАТЕРИАЛЛАРНИ ҲАЖМЛИ ШТАМПЛАШ

Умуман, штамплаш процессида ҳосил қилинадиган
буюмлар (деталлар) халқ хўжалигининг турли соҳалари-
да жуда кенг ишлатилади. Ҳажмли штамплашнинг мо-
ҳияти шундан иборатки, заготовқада маълум шаклли

буюм (поковка) ҳосил қилиш учун металл асбобнинг шу буюм шаклига мос бўшлиқ формасига суюқ металл босим остида тўлдирилади. Штамплаш учун ишлатиладиган асосий асбоб штамп плиталари ҳисобланаб, икки (остки ва устки) палладан иборатdir. Штамплар очиқ ва ёпиқ бўлиши мумкин.

Штамплар маҳсус пўлатлардан тайёрланади ва бир ариқча (паз)ли ёки кўп ариқчали (кўп пазли) формада бўлади. Бирор формадаги (шаклдаги) буюм (деталь) тайёрлаш учун суюқ металл қуилиб, штампдаги форма (ариқча)лар тўлдирилади ва тегишли шакл ҳосил қилинади.

Штамплаш ҳам конструкцион материалларни босим билан ишлаш процессларидан биттаси бўлиб, ҳосил қилинадиган буюм формалари, асосан, штамплаш орқали ҳосил қилинади.

Бу жуда тежамли метод. Материалларни штамплашда буг-ҳаво болғалари, тахтали фрикцион болғалар, кривошипли қиздириб штамплаш процессларн (ККШП), горизонтал болғалаш машиналари (ГКМ), фрикцион пресслар ва бошқа конструкциядаги машиналар ишлатилади.

Фрикцион болғалар тушувчи қисмининг оғирлиги ёки массаси $0,5 \div 2$ т гача бўлади.

ГКМ орқали майдо поковкалар, масалан, болт, гайка, шайба, шпилька, михпарчин ва шу кабилар учун заготовкалар штампланади.

Иссиқ ҳажмли штамплаш, асосан, массали ёки кўп серияли саноатда юқори аниқликдаги форма ва ўлчамили буюмлар олиш учун ишлатилади.

Бундай штамплашнинг технологик процесси қуидаги операциялардан иборат, яъни металларни кесиб заготовка ҳосил қилиш, заготовкан қизитиш, штамплаш термик ишлаш, поковкани зарурий бўёқда бўяшдан иборатdir. Бу метод орқали қийин деформацияланадиган қотишмаларга ҳам ишлов бериш мумкин.

Лекин, қиздириб штамплашда штампланадиган материал миқдорини тўғри аниқлай билиш катта аҳамиятга эга, чунки материал миқдори керагидан кам бўлса, штамп бўшлиғи тўлмай қолиб, буюм кемтиқ (нуксонли) бўлиб чиқади, материал миқдори керагидан ортиқ бўлганда эса ортиқча металлдан каттагина питр ҳосил бўлади ёки поковка шакли бузилади.

Совуқлайнин ҳажмли штамплаш процесси (усули) дан унча катта бўлмаган ўлчамдаги поковкаларни

тайёрлашда фойдаланилади. Бу процессда иш унуми-ни пасайтирмасдан штамплаш вақтида турли металл қиқиндилари камаяди, сирт (юза)лар сифатын яхшила-нахи, буюмнинг юқори аниқлиги таъминланади.

9- §. ЛИСТ МАТЕРИАЛЛАРНИ ШТАМПЛАШ

Тўрли материаллардан тайёрланган листлар, ленталар, полосалар тарзида прокатлардан юпқа деворли фазовий буюмлар тайёрлаш процессига **лист штамплаш** деб аталади. Лист штамплаш процесси штамплар ёрдамида пресс билан ёки прессиз (32-расм) бажарилади. Штампланадиган листларнинг қалинлиги $0,15 \div 60$ мм гача бўлади. Листлар юпқа (қалинлиги 4 мм гача) ва қалин листлар (қалинлиги 4 мм дан юқори бўлган) га бўлинади. Юпқа листларнинг ҳаммаси, асосан, со-вуқлайн штампланади, қалин листларнинг қалинлиги 15—20 мм дан ортиқ бўлганларини, албаттә штамплаш олдидан улар болгалаш температурасигача қиздириш талаб қилинади. Бу усулда ишлаб чиқариладиган деталларнинг аниқлик класслири, асосан, 4 ва 3 бўлиб, соат деталларидан то пар қозонларининг тубигача, денгиз кемаларининг деталлари ҳамда енгил автомобилларнинг 70% дан кўпроқ деталлари ҳосил қилинади.

Лист штамплаш операциялари иккита асосий группага: ажратиш ва шакл ўзгартириш операциялари группасига бўлинади. Ажратиш операциялари группасига қирқишиш, қирқиб олиш, ўйиб тушириш ва бошқа операциялар; шакл ҳосил қилиш операциялари группасига эса эгиш, ботириш, борт қайриш, борт чиқариш, бўрттириш (шакл бериш), сиқиш, лист зарблаш (рельефли штамплаш) ва бошқа операциялар киради.

Қирқишида лист, полоса ёки ленталардан маълум ўлчамли чала заготовкалар кесиб олинади.

Қирқиб олишида чала заготовкадан зарур шаклдаги заготовкалар кесиб олинади.

Бундай операцияларни бажаришда заготовкаларнинг қалинлигига қараб дискли, ричагли, параллел ва қия пичоқли қайчилардан фойдаланилади.

Ўйиб тушириши — листдан айлана, квадрат ёки бошқа шаклли заготовка ўйиб тушириш. Листдан диск шаклидаги заготовка, бу заготовкадан эса шайба ҳосил қилиш ўйиб туширишга мисол бўла олади. Ўйиб тушириш операцияси маҳсус штампларда бажарилади.

Әгииш — лист заготовкадаң эгик буюм ҳосил қилиш. Эгиш бир бурчакли, яъни — V — симон ва икки бурчакли — U — симон ва бошқа турларда бўлиши мумкин.

Ботилтириш — ясси заготовкадан сиртқи контури бўйлаб борт ҳосил қилишдан иборат.


Борт қайириш — ясси заготовканинг сиртқи контури бўйлаб борт ҳосил қилиш.

Борт чиқарииш — тешик контури бўйлаб борт ҳосил қилиш.

Бўрттириш (шакл бериш) — ҳавол заготовка ичидан тенг тақсимланган куч таъсир эттириш йўли билан унинг шакли ёки ўлчамларини ўзгартириш.

Сиқишиш — ҳавол заготовка очиқ учининг периметрини кичрайтириш.

Лист зарблаши (рельеф штамплаш) — лист заготовка да металлни чўзиш ҳисобига чуқурликлар ёки дўнгликлар ҳосил қилиш. Бу операцияга автомобилсозлик, самолётсозлик, асбобсозлик, радиотехника ва шу каби соҳаларда ишлатиладиган бикрлик қовурғалари ҳосил қилиш мисол бўла олади.



32-расм. Металларни босим билан ишлашнинг асосий усуслари.
а — прокатлаш; б — кирялаш; в — пресслаш; г — әркин болғалаш; д — исиқ ҳажмий штамплаш; е — совуқлайин лист штамплаш.

Баъзан турли листдан оз сондаги йирик буюмлар тайёрлашда мураккаб штамплар ишлатиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас, шунинг учун бундай ҳолларда штамплашнинг оддий усулларидан, масалан, резина ёрдамида штамплашда фойдаланилади. Бунда матрица ёки пуансон ўрнида резина ёстиқ ишлатилади. (32-е расмга қаранг).

10- §. ПРЕССИЗ ШТАМПЛАШ

Кейинги вақтларда прессиз штамплашлар (портлатиш, электрогидравлик ва бошқа усуллар киради) ҳам саноат миёсида жуда кенг ишлатилмоқда.

Айниқса, катта габаритдаги кичик серияли ва қалин листли заготовкалардан турли буюмлар (деталлар) ҳосил қилиш учун турли портловчи моддалар (тротил ва бошқалар) нинг портлаш энергияларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу усул билан, асосан, зангламайдиган юқори мустаҳкамлликка эга бўлган пўлатлар, титанли ва мисли қотишималардан деталлар олишда ишлатилади.

Лекин шуни қайд қилиш керакки, бу усул жуда тежамли ҳам самарали бўлиши билан бирга, 10—14% гача нисбий узайишга эга бўлган металл ва қотишималардан турли буюмлар (деталлар) ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

1938 йилда СССР да Л. А. Юткин электрогидравлик усулда штамплаш методини ишлаб чиқди. Бу усулда ишланадиган қурилмалар ҳеч қандай фундамент талаб қилмайдиган, кичик габаритли, енгил суриладиган ихчам конструкциядан иборатdir.

Электрогидравлик усулда ҳатто кам пластик материалар ҳам яхши деформацияланади, ҳосил қилинадиган буюм (детал)лар ўлчамлари юқори аниқлик ва қайта қўшимча механик ишлов беришини талаб қилмайди.

Шунинг учун бу усулдан лист материаллардан самолётлар, автомобиллар, фотоаппаратлар ва бошқалар учун кичик ҳажмли деталлар ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилади.

XIII б о б

МЕТАЛЛАРНИ ПАЙВАНДЛАШ ВА ҚАВШАРЛАШ

Маълумки, мамлакатимизда фан-техника революциясини интенсив амалга ошириш проблемаси энг' асосий ва зарурий масалалардан ҳисобланади. Саноат корхона-

ларида меҳнат унумдорлигини ошириш, меҳнат шаройтини яхшилаш металларга ишлов бериш методларини (усулларини) такомиллаштириш, айниқса пайвандлашнинг янада рационал ва прогрессив усулларини жорий қилиш муҳим вазифаларданdir. Бу эса, аввало, металлнинг тежалиши, мустаҳкам бирикмалар (деталлар) ҳосил қилиниши, осонгина ва тез бажарилиши лозим бўлган процессларни амалга оширишни талаб қиласди. Масалан, фақат турли қурилиш конструкцияларини пайвандлаш орқали бирикмалар ҳосил қилиш процессида деярли 20% га яқин металл тежалади.

Ажралмас бирикмаларнинг турларини ўзаро солиштирадиган бўлсак, пайвандлаб тайёрланган буюмларга (деталларга) мих парчинлаб тайёрланган буюмларга нисбатан камроқ меҳнат сарфланади.

Совет Иттифоқи дунёдаги йирик давлатлар ичидаги пайвандлаш фани ва техникасини ривожлантиришда пайвандлаш ишларини бажаришнинг баъзи кўрсаткичлари, масалан, пайвандлаш ишлари ҳажми, пайванд материаллари, жиҳозлар ишлаб чиқариш суръати бўйича ҳамда ишчи-пайвандчилар тайёрлашда биринчи ўринни мустаҳкам эгаллаб келмоқда.

Мамлакатимиз энг кўп тарқалган электр ёйи билан пайвандлаш усулининг ватани бўлганлиги учун бизда биринчи бўлиб сув остида, космосда пайвандлаш, электр шлакли, диффузион пайвандлаш ишларининг турли варианtlари амалга оширилди ва оширилмоқда.

Электр ёй ва унинг хоссалари, шу жумладан, электр ёй билан электрод металини суюқлантириш методи биринчи марта жаҳон адабиётида электр батареялари билан тажрибалар ўтказган Санкт-Петербург медицина-хирургия академиясининг профессори, кейинчалик эса академиги Василий Владимирович Петров (1761—1834) томонидан баён қилинган.

Петров ёйи амалда яроқли электр токи манбай бўлмаганлиги туфайли узоқ вақт қўлланилмади. Кейинроқ, 1849 йилда Россияда (жаҳонда) биринчи марта Петров ёйидан Адмиралтейство минорасида Петербург кўчаларини ёритишида фойдаланилди. Шу вақтдан бошлаб, ундан металларни ёритиши ишларида ҳам фойдаланила бошланди.

Ватандошларимиз Н. Н. Бенардос ва Н. Г. Славянов пайвандлаш бўйича жаҳон фани ва техникасини ривож-

лантиришга катта ҳисса қўшдилар. Улар пайвандлаш токининг манбаларини қидириб топиш ҳамда турли металларни электр ёйи билан пайвандлаш технологиясини ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшдилар.

Николай Николаевич Бенардос (1842—1905) техниканинг турли соҳаларида кўпигина ихтиrolар авторидир. У 1882 йилда элекстр ёйни пайвандлашда қўллади. Н. Н. Бенардос 1885 йилда Петербургда «Электрографест» жамиятини тузди, бу жамият Россиянинг турли жойларida пайвандлаш ишларини бажаарар эди. Ҳозирги вақтда кенг қўлланилаётган ёй ёрдамида пайвандлашнинг деярли ҳамма турлари: кўмир ва металл электродлар билан пайвандлаш; шу жумладан, флюс¹ ишлатиб пайвандлаш, икки электрод орасида ёнаётган билвосита таъсир этадиган ёй билан пайвандлашни у таклиф этган. Н. Н. Бенардос, шунингдек, ёйни магнит билан бошқариш ҳамда кўмир ва металл электродлар билан пайвандлаш автоматларини ҳам таклиф этган.

Инженер Николай Гаврилович Славянов (1854—1897) жаҳонда биринчи бўлиб ўзгармас ток билан ишлайдиган пайвандлаш генератори лойиҳасини тузди ва тайёрлади. Н. Г. Славянов Пермдаги заводда ўша давр учун энг йирик ҳисобланган элекстр ёй билан пайвандлаш цехини ташкил этиб, 3—4 йил ичидаги шахсан ўзи иштирокида ва раҳбарлиги остида умумий массаси 250 т келадиган 1631 та буюмни пайвандлаб ремонт қилган, бунда жами 11 т пўлат электрод сарфланган. Н. Г. Славянов иш тажрибаларида ўзи ихтиро этган конструкциядаги ёйли автоматлар (элекстр кавшарлагичлар) ни қўллади, пайвандлаш бўйича бир қанча илмий ишларни нашр эттириди.

Пайвандлаш процесси уч классга (ГОСТ 19521—74): термик, термомеханик ҳамда механик пайвандлашга ажратилади. Пайвандлашнинг термик класси металлни суюқлантириб пайвандлаш; турларини ўз ичига олади. Термомеханик классга иссиқлик энергиясидан фойдаланган ҳолда босим остида пайвандлашнинг турлари киради. Пайвандлашнинг механик классига қўшимча механик энергия билан босим остида пайвандлашнинг турлари киради.

Ишлатиладиган энергия турлари бўйича пайвандлаш қўйидаги асосий турларга бўлинади:

— яхлит қиздириб босим остида пайвандлаш; темир-

- чилик усулида прокатлаб, сиқиб пайвандлаш;
- мұайян жойни қиздириб босим остида пайвандлаш, контактлаб, индукцион пресслаб, ёй-пресслаб, дуффузион пайвандлаш;
 - метални ташқи иссиқлик манбаи билан қиздирмай, босим остида пайвандлаш, ультратовуш воситасыда, совуқ ҳолатда, ишқалаб, портлатиб, магнит-импульс усулида пайвандлаш;
 - суюқлантириб пайвандлаш, электр ёй, газ аланғасыда, термик усуlda, электр-шлак усулида, электрон нур, лазер нури, плазма билан пайвандлаш кабилар.

1- §. ПАЙВАНД БИРИКМАЛАР ВА ЧОКЛАР

Икки ёки ундан күп деталларни пайвандлаш билан ҳосил қилинганды, ажралмайдыган бирикмаларга *пайванд бирикмалар* деб аталади.

Суюқлантириб пайвандлашда учма-уч, устма-уст, бурчаклы ва таврли бирикмалар ҳосил қилинады (33-расм). Шунингдек, тешекли, терецили, устқуймали ҳамда электр-парчинли бирикмалар ҳам құлланилади.


Учма-уч пайвандланадиган бирикмаларда уларни ташкил этувчи элементлар бир текислик ёки бир юзада жойлашады (33-а расм). Бундай бирикманинг бир қатор афзалліктери мавжуд:

1. Пайвандланадиган элементлар (деталлар) нинг қалинлиги чекланмаган бўлади.

2. Нагрузкаларни бир элементдан иккинчисига ўтказишда кучланиш анча текис тақсимланади.

3. Бирикма ҳосил қилиш процессида метал минимал сарфланади.

4. Пайванд бирикма сифатини, ундағы нуқсонлар жойи, ўлчамлари ва характеристерини рентген нури билан контрол қилиб аниқлаш жуда қулай бўлади.



33-расм. Пайванд бирикмаларнинг асосий хиллари:

a — учма-уч бирикмалар; *b* — устма-уст бирикмалар; *c* — бурчак ҳосил қилинган бирикмалар; *d* — тавравий бирикмалар.

Шуни айтиш көркүй, учма-уч пайвандланадиган бирикмаларда баъзи камчиликлар ҳам учрайди:

1. Пайвандланадиган элементларни (деталларни) йиғиш зарур.

2. Профилли металлар ёки прокатлар (бурчакликлар, швеллерлар, таврлар, құштаврлар) ни учма-уч пайвандлашда қирраларга ишлов бериш мураккаброқдир.

Устма-уст бирикмада — пайвандланадиган элементлар параллел жойлашган ва бир-бирини беркитадиган пайванд бирикмадан иборатдир (33-б расм). Бундай бирикмадаги асосий камчиликлар қуидагилардир:

1. Асосий металлнинг бирикмаларни қоллашга сарфланиши. Қалинлиги 20 мм гача бўлган элементларни устма-уст пайвандлашни қўллагандан металлни тежаш зарурияти чекланади.

2. Бундай бирикмада нагрузка бир текислик бўйича тақсимланмайди, шунинг учун бундай бирикмалар ўзгарувчан ёки динамик (зарблий) нагрузкаларга чидамсизроқдир.

3. Устма-уст пайвандланадиган листларнинг орасидаги чоклар бир томонлама пайвандланадиган бўлса, пайвандланмаган чоклар бирикманинг мустаҳкамлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бирикмадаги нуқсонларни аниқлаш қийин. Лекин бундай бирикмаларда ҳам баъзи афзалликлар мавжуд. Масалан:

1. Бирикма остида қирралар қия бўлмайди.

2. Бирикмани йиғиш осон (садда) ва ҳоказо.

Бурчакли бирикма — бир-бирига нисбатан тўғри бурчак остида жойлашган ва бир-бирига тегиб турадиган жойидан пайвандланган икки элементнинг пайванд бирикмасидир (33-в расм).

Тавр бирикма — 1 бир элементнинг ён сиртига бошқа элемент бурчак остида ва тореци билан пайвандланган бирикма бўлиб (33-г расм), одатда, элементлар орасидаги бурчак тўғри бўлади.

Бурчакли ва тавр бирикмалар балқалар, колонкалар, стойкалар, каркаслар, фермалар, рамалар ва бошқаларни пайвандлашда кенг қўлланилади. Бу бирикмалар тегишли бирикманинг мустаҳкамлигини оширади ва деформациясини камайтиради.

Тешикли бирикмалар — устма-уст пайвандлаш чокининг узунлиги етарлича мустаҳкам бўлмагандан қўлланилади.

Устқуимали бирикмалар — учма-уч ва устма-уст пайвандлашларнинг иложи бўлмаганда ундан фойдаланилади.

Бундай бирикмалар, асосан, профилли элементларни бириктиришда ва учма-уч бирикмаларни кучайтиришда қўлланилади.

Электр парчинлаб бириктириш, асосан, устма-уст ва тавр бирикмаларда қўлланилади. Бундай бирикмалоркали мўстаҳкам, бироқ зич бўлмаган бирикмалар ҳосил қилинади.

2- §. ПАЙВАНД ЧОКЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Пайванд чоклар пайванд бирикмалар кўринишига ҳамда чок кесимининг геометрик шаклига кўра учма-уч ва бурчакли чокларга ажратилади (33-расм). Учма-уч чоклар учма-уч, тороц, борт, баъзан эса бурчакли бирикмалар ҳосил қилишда ҳам қўлланилади. Бурчакли чок устма-уст, тавр ва бурчакли бирикмаларда мавжуд бўлади.

Учма-уч чоклар ташки шаклига кўра текис ёки қавариқ бўлиши мумкин. Бурчакли чоклар ботиқ қилиб ҳам бажарилиши мумкин. Қавариқ чокли пайванд бирикмаларга нисбатан статик нагруззкага чидамли. Бироқ жуда қавариқ чокли пайванд бирикмаларда ортиқча металл сарфланганлиги учун тежамсиз ҳисобланади. Ясси чокли учма-уч бирикмалар, ботиқ чокли, бурчакли, тавр ва устма-уст пайванд бирикмалар қавариқ чокли бирикмаларга нисбатан динамик (зарбли) ёки ўзгарувчан нагрузкаларга чидамли бўлади.

Стандартга кўра, пастки пайвандлашда чокнинг қавариқлиги 2 мм гача бўлишига, бошқа ҳолатларда пайвандлашда эса кўпि билан 3 мм бўлишига йўл қўйилади. Ботиқлик ҳамма ҳолатлард 3 мм дан ортиқ бўлмаслиги керак.

Фазода жойлашишига кўра чоклар пастки, вертикал, горизонтал ва шип ҳолатидаги чокларга ажратилади.

Пастки чокларни пайвандлашда энг қулай ва механизациялашга үсулдан фойдаланиш осон. Вертикал, горизонтал ва шип чоклари қурилишларда ва йирик иншоотларни монтаж қилишда кўпроқ қўлланилади, завод шароитида эса камроқ қўлланилади. Чунки за-

вод шароитида конструкциянинг ҳаммасини деярли пастда пайвандлашга эришилади.

Таъсир этувчи нагрузкаларнинг йўналиши бўйича чоклар ўқлари зўриқиши (нагрузка) йўналишига параллел йўналган ён (ён томондаги бўйлама) чоклар, ўқлари зўриқиши йўналишига тик йўналган, рўпара, аралаш ва қия чокларга ажратилади.

Чоклар узунлиги бўйича яхлит ва узуқ-узуқ бўлиши мумкин. Узуқ чоклар эса занжирсимон ёки шахмат тартибида бўлиши мумкин. Иш шароитига қараб, чоклар ташқи нагрузкаларни қабул қиласидан иш чокларига ва фақат буюм қисмларини улашга мўлжалланган боғлаш (бириктириш) чокларига ажратилади. Боглаш чоклари кўпинча иш бажармайдиган чоклар дейилади.

Турли кўринишдаги (турдаги) пайванд чоклар тўлдирилгандан кейин фақат уларнинг сифатини синаш эмас, балки пайвандлаш режимларини тўғри белгилаш ва уни бажариш процесси билан ҳам боғлиқдир. Одатда, пайванд чокнинг сифатини текшириш ишлари уч босқичга бўлинади:

1. Пайвандлашдан аввал асосий металл билан чок металининг сифатини, электрод қопламасини, флюслар қанчалик тўғри белгиланганлигини, чок кертиимларининг қандай тайёрланганлигини текшириш ҳамда пайвандчининг малакасини аниқлаш;

2. Пайвандлаш процессининг ҳар бир операцияси қандай ва қай режимларда олиб борилиши, иккинчи қатлам чокли бостиришда юзаларнинг куйинди ва шлаклардан тозаланиши, умуман, процессининг тўғри олиб борилиши кузатилади.

3. Пайвандлаб бўлингач, иш чок сифати ташқи ва ички (рентген нурларида, металлографик микроскопларда каби) усуулларда кузатилади.

Масала шундаки, пайвандланган буюмларнинг сифати, аввало, визуал кузатилади (зарур бўлса, нитрат кислотанинг спиртдаги эритмасини таъсир эттириб лупада кўрилади). Бундай кузатиш билан чокнинг сифатини аниқлаш қийин бўлса (айниқса мураккаб конструкцияларда), бошқа синаш усуулларидан фойдаланилади. Чокнинг пухталигини аниқлаш учун пайванд бирикмалардан тайёрланган маҳсус намуналарнинг чўзишлиши, зарбга ва эгилишга бардошлилиги синалади. Зарур ҳолларда эса микроскопик анализлар ҳам қилинади.

3- §. ПАЙВАНДЛАШ ПОСТИ

Пайвандлаши пости — пайвандлаш ишларини бажариш учун ҳамма зарур жиҳозлар билан жиҳозланган пайвандчининг иш ўрнидир. Пайвандлаш пости таъминлаш манбай, электр симлар, электрод тутқичлар, йифиш-пайвандлаш мосламалари ва асбоблари, ҳимоя шчитлари ёки маска билан комплектланади.

Пайвандлаш постлари ёйда ишлатиладиган ток тури ҳамда таъминлаш манбай типига қараб, қуидаги хилларга ажратилади:

бир босқичли ёки кўп босқичли пайвандлаш ўзгартиргичларидан ёки пайвандлаш тўғрилагичларидан таъминланадиган ўзгармас ток билан ишлайдиган;

пайвандлаш трансформаторидан таъминланадиган ўзгарувчан ток билан ишлайдиган.

Пайвандлаш постлари стационар ёки кўчма бўлиши мумкин.

Стационар постлар кичикроқ ўлчамли буюмларни пайвандлашга мўлжалланган усти очиқ кабинадан иборат бўлади. Одатда, кабинага бир постли пайвандлаш трансформатори ёки пайвандлаш тўғрилагичи жойлаштирилади. Айланиб турадиган ўзгармас ток ўзгартиргичи ишлаетганда кучли шовқин чиқаради, шу сабабли уни кабинадан ташқарида жойлаштирган маъкул.

Кўчма постлар йирик габаритли буюмларни бевосита цехларнинг ишлаб чиқариш майдончаларида ёки қурилиш майдончаларида пайвандлашда фойдаланилади. Бундай ҳолларда ёй нуридан щитлар билан ҳимоя қилинади, ёйнинг электр билан таъминлаш манбаларини қор ва ёмғирдан сақлаш учун усти ёпилган бўлади.

4- §. ПАЙВАНДЛАШНИНГ МОҲИЯТИ ВА УСУЛЛАРИ

Маълумки, пайвандлаш усулини ҳар қандай металла ва, металлмас материалларга татбиқ қилиш мумкин.

Пайвандлаши деб, пайвандланадиган қисмларнинг факат ўша жойинигина ёки бутунлай қиздириб, пластик

деформациялаб ёки иккала усулдан биргаликда фойдаланган ҳолда улар орасида атомлараро боғланишни вужудга келтириб, ажралмайдиган бирикмалар ҳосил қилиш процессига айтилади.

Бу таъриф металл ва нометалл материалларга (пластмасса, шиша, резина ва бошқаларга) ҳам тааллуқлидир.

Турли материалларни пайвандлаш, асосан, уларнинг турли хоссаларига боғлиқ бўлади, чунки материалларнинг хоссалари унинг ички тузилиши — атомларнинг структурасига боғлиқ. Ҳамма металлар қаттиқ ҳолатда кристалл структурали жисмлар бўлади. Аморф жисмлар (шиша, парафин, мум ва бошқалар) нинг атомлари тартибсиз (хаотик) жойлашган. Пайвандланадиган қисмларни (жойларни) бир бутун қилиб бириктириш учун уларнинг элементар заррачаларини (ионлари, атомларини) шунчалик яқинлаштириш керакки, бунда улар орасида атомлараро боғланиш пайдо бўлсин. Бунинг учун пайвандланадиган қисмларнинг фақат ўша жойигина бутунлай қиздирилади, пластик деформацияланади ёки иккала усулдан биргаликда фойдаланилади.

Металл заррачаларини пайвандлаш шароитларига қараб (атомлараро боғланишни вужудга келтириш учун), суюқлантириб, босим остида ва газ билан пайвандлаш кабиларга ажратилади.

Суюқлантириб пайвандлашнинг асосий моҳияти шундан иборатки, бунда пайвандланадиган деталлар (масалан, иккита деталнинг қирралари бўйича металл кучли иссиқлик манбалари: электр ёй, газ алангаси, химиявий реакция, суюқлантирилган шлак, электрон нури энергияси, плазма лазер нури энергияси ва бошқалар билан) суюқлантирилади. Буларнинг ҳаммасида деталнинг қизиб суюқланган бир қиррасидаги металл иккичи қиррасидаги суюқланган металл билан ўзаро бирикади. Натижада, пайвандлаш ваннаси деб аталаған умумий суюқ металл ҳажми ҳосил бўлади. Пайвандлаш ваннасида металл совигач, чок метали вужудга келади. Чок метали деталь қирраларидағи металлнинг ёки пайвандлаш ваннасига киритилган қўшимча металлнинг суюқланиши ҳосил бўлиши мумкин (34- расм).

Пайвандланадиган деталь қирраси ва чок чегараси-


даги металл доңалари-
нинг қисман суюқлан-
ган зонаси суюқланиш
зонаси деб аталади, шу
зонада атомлараро боғ-
ланиш содир бўлади.
Бунда чок метали пай-
вандланадиган қисм-
лар метали билан мус-
тақйл туташади, пай-
вандланадиган қисм-
ларнинг сиртларидаги
ифлосликлар шлак тарзида қалқиб чиқади, ундан тоза-
ланади.

Босим остида пайвандлашда эса бирикадиган жойда-
ги металл бирор P куч таъсири остида пластик деформа-
цияланади. Бирикадиган сиртлардаги ифлосликлар сирт-
га сиқиб чиқарилади, пайвандланадиган қисмларнинг
сиртлари тоза, текис ва бутун қирқими бўйича атомнинг
тутиниш масофасига яқинлашган бўлади. Атомлараро
боғланиш рўй берган зона **бирикиш зонаси** деб аталади.
Бирикиш зонасининг кенглиги ўнлаб микронларда ўл-
чанади.

Деталларнинг бирикиш жойлари қиздирилса, улар-
нинг қирралари осон пластик деформацияланади. Бун-
да иссиқлик манбай бўлиб (муайян жойни қиздириб
пайвандлашда), электр токи, газ алангаси, химиявий ре-
акция, механик ишқаланиш, умумий қиздириб пай-
вандлашда темирчилик қўраси, қиздириш печи хизмат
қиласи.

Пайвандлашнинг яна бир тури газ **билин пайванд-**
лашdir. Пайвандлашнинг бу усулида иссиқлик манбай
сифатида ёнувчи газларни маълум нисбатда кислород
билин горелкани аралаштириб, бу аралашмани ҳавода
ёндиришдан ажралган аланга иссиқлигидан фойдала-
нилади.

Бу усул ўзининг оддийлиги, қимматбаҳо ускуналар
талаб этмаслиги, аланга иссиқлик қувватининг осон
ростланиши ва уни пайвандлаш жойига турлича йўнал-
тириш мумкинлиги каби афзалликларга эга. Пайванд-
ланадиган металлни қиздириш тезлигининг кичикилиги
ва иссиқликнинг металлга таъсир қилиш зонасининг
катталиги бу усулнинг асосий камчилиги ҳисобланади.
Пайванд чокларнинг сифатли бўлишида пайвандчининг



34-расм. Электр ёйи билан пай-
вандлаш схемаси.


малакаси, аланганинг қуввати, чокбоп металлнинг тўғри белгиланиши фоят катта аҳамиятга эга.

Бу жуда оддий ва арzonга тушадиган пайвандлаш усули бўлганлиги учун рангли металлардан, чўянлардан ясалган юпқа деворий буюмларни эритища ремонт ишларини бажаришда қаттиқ қотишмаларни эритища кенг ишлатилади.

Бу усулда пайвандлаш металл буюмлардан пайванд бирикмалар ҳосил қилиш учун газ ва кислороднинг ёниши натижасида ажраладиган иссиқлик ҳисобига бажарилади.

Пайвандлаш процессида ишлатиладиган ишчи газлар сифатида ацетилен, водород, техник кислород, табиий газлардан (94 % метан газидан иборат) фойдаланилади. Лекин ҳозирги вақтда энг кўп қўлланиладигани ацетилен газининг техник кислород билан аралашмаси бўлиб, бу аралашмалар ёниш процессида 3150°C га яқин температура ҳосил қилиб, катта иссиқлик миқдори ажралиб чиқади.

Одатда, ацетилен газини тўғридан-тўғри пайвандланадиган жойда кальций карбидни ацетилен генераторларига сув солиб, таъсир эттириш ўйли билан ҳосил қилинади ва у тезда реакцияга киришиб парчаланади:



Практикадан маълумки, 1 м³ ацетилен газини ҳосил қилиш учун 4,3...4,5 кг техник кальций карбид сарфланади.

Бундан ташқари, пайвандлаш процесси учун оқ металл баллонларда келтириладиган ацетилен газларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу баллонларда ацетилен билан ацетон аралашмаси 1,5÷1,6 МПа босим остида жойлаштирилган бўлади.

Техник кислород таркибида эса 98,5—99,5 % соғ кислород бўлиб, пайвандлаш постига босими 15 МПа дан иборат бўлган кислород кўк баллонлардан шланглар орқали 0,5...0,6 МПа босимда ҳайдалади.

Ацетилен (C₂H₂) рангсиз ёнувчи газ бўлиб, кучсиз эфир ҳидига эга. Ацетилен ҳаводан енгил, 20°C даги атмосфера босимли 1 м³ ацетилен массаси 1,09 кг келади.

Ацетилен билан пайвандлаш процессида чокбоп симлар ҳам ишлатилади. Бундай симлар ишлатилганда текис ва тоза бўлиши керак.

Чокбол симларнинг диаметри пайвандланадиган буюм қалинлигига вә пайвандлаш усулига кўра белгиланади.

Кальций карбиддан ацетилен олиш учун фойдаланиладиган маҳсус аппаратлар ацетилен генераторлари дейилади.

Генераторларда однадиган ацетилен газининг босими қўйидагича бўлади: паст босимли $0,1 \text{ кгк}/\text{см}^2$ (10^4 Па) гача, ўртacha босимли 0,1 дан $0,7 \text{ кгк}/\text{см}^2$ ($10^4 \text{ дан } 7 \cdot 10^4 \text{ Па}$) ва юқори босимли 0,7 дан $1,5 \text{ кгк}/\text{см}^2$ ($7 \cdot 10^4 \text{ дан } 15 \cdot 10^4 \text{ Па}$) гача бўлиши мумкин.

Унумдорлиги ва ўрнатилиши бўйича — кўчма, унумдорлиги 3 м^3 соатгача ва стационар унумдорлиги 3 дан 320 м^3 соатгача қаби турларга ажратилади.

Масалан, АНВ-1, 25—68 типли ацетилен генераторининг унуми $1,25 \text{ м}^3/\text{соат}$ ва иш босими $0,025—0,03 \text{ кгк}/\text{см}^2$ ($0,25 \cdot 10^4—0,3 \cdot 10^4 \text{ Па}$). Максимал босими $0,1 \text{ кгк}/\text{см}^2$ ($1 \cdot 10^4 \text{ Па}$) (1000 мм сув устунига) тенг ва ҳоказо.


Яна генераторнинг АНВ—1,25—73, АСМ—1,25—3 қаби маркалари ҳам турли монтаж ва ремонт ишларида жўда кенг ишлатилади.

Бундан ташқари, пайвандчи ацетилен ва кислород газларини аралаштириб, тегишли алганга ҳосил қилиш керак бўлади. Бу процесс эса газ горелкаси деган асбоб ёрдамида амалга оширилиши керак.

Газ горелкаси пайвандчи учун асосий асбобdir. Пайвандлаш газ горелкалари конструкциясига қараб инжекторли (паст босимли аралашма учун) ва инжекторсиз (юқори босимли аралашма учун) газ горелкаларига бўлинади.

Ҳозирги вақтда, асосан, инжекторли горелка саноат миқёсида жуда кенг ишлатилади. Чунки у ишлашда хавфсиз ва ацетиленни паст ёки ўрта босимда ишлатиш мумкин. Горелкадаги кислород оқими инжекторга $0,5 \text{ МПа}$ босим остида узатилади ва аралашиш камерасида ацетилен билан ёнувчи аралашма ҳосил қилиниб, мундшукнинг чиқиши жойида пайвандловчи алганга ҳосил қилинади. Инжекторли горелканинг схемаси 35-расмда келтирилган.

Схемадан кўринадики, кислород бир канал (1) дан, ацетилен иккинчи канал (2) дан киради. Кислород миқдори бир вентиль (3) билан, ацетилен миқдори эса бош-



35-расм. Пайвандлаш горелкалари:

а — инжекторири горелка; 1, 2 — труба; 3, 4 — вентиль; 5 — инжектор; 6—аралаштириш камераси; 7—трубка; 8—мундштук; б—инжекторсиз горелка; 1, 2—труба; 3, 3—вентиль; 4—аралаштириш камераси; 5—трубка; 6—мундштук.

қа вентиль (4) билан ростланади. Горелкага киритилган кислород инжектор (5)нинг соплосидан катта тезликда чиқишида канал (2)дан келаётган ацетиленни суради ва камера (6)да у билан аралашиб, ёнувчи газ аралашмаси ҳосил қиласи. Бу аралашма мундштукдан чиқишида ёндирилиб, алана ҳосил қилинади ва тегишли пайвандлаш ишлари бажарилади.

5-§. ПАЙВАНДЧИ УЧУН БАЪЗИ ЗАРУРИЙ АСБОБЛАР ВА АНЖОМЛАР

Электрод тутқич электродни сиқиб қўйиш ва унга пайвандлаш токини келтиришга хизмат қиласи. Пружинали электрод тутқичлар энг такомиллашган асбоб ҳисобланади, шунингдек, винтли, пластинали вилкали ва бошқа типдаги электрод тутқичлар ҳам ишлатилади.

ГОСТга мувофиқ, электрод тутқичлар пайвандлаш токининг кучига қараб уч типда: I тип — 125А ток учун, II тип — 125—315А ток учун, III тип 315—500А ток учун ишлаб чиқарилади.

Электрод тутқич ремонтсиз 8000 электродни қисишига чидаши керак. Электродни алмаштириш вақти 4 секунддан ошмаслиги керак.

Шчит ва маскалар ҳам ГОСТга мувофиқ тайёрланади. Улар қора фибра ёки хира сиртли пластмассадан

тайёрганади. Шчит массаси 0,48 кг, маска массаси эса 0,50 кг дан ошмаслиги керак.

Ҳимояловчи ойна (ёруғлик фильтри) кўзни ва юз терисини ёй нуридан, металл ва шлак сачрашидан ҳимоя қиласи. Ёруғлик фильтрининг ўлчами 52×102 мм бўлиб, бу фильтр шчит ёки маска рамасига қўйилади. Нарсалар сачрашидан ҳимоя қилиш мақсадида ёруғлик фильтри ташқаридан оддий ойна билан ҳимояланади. У ифлосланишига қараб алмаштириб турилади.

6-§. МЕТАЛЛАРНИ КИСЛОРОД, ГАЗ ВА ЭЛЕКТР ЕИИ БИЛАН ҚЕСИШ

Металл ёки қотишмали заготовкаларнинг маълум бир қисмини қесиши учун турли усуллардан, яъни турли станокларда турли кесувчи асбоблар ёрдамида ҳамда электрохимиявий, электроэрозион, газ ва электр ёйдан фойдаланилади. Биз саноат миқёсида энг кўп қўлланиладиган охирги икки усул устида тўхтаб ўтамиш.

Металларни газ (кислород) билан қесиши алгангаланиш температурасигача қиздирилган металлнинг кислород оқимида ёнишига асосланган. Кислород билан қесиладиган металларнинг алгангаланиш температураси суюқланиш температурасидан паст бўлиши, иссиқликни ўзидан ёмон ўтказувчан бўлиши ва ҳосил бўладиган шлакларнинг суюқ ҳолда оқувчанилиги юқори бўлиши лозим. Бу талабларга таркибида 0,7% гача углерод бўлган пўлатлар ва легирланган конструкцион пўлатлар жавоб беради.

Таркибида 2,2%С бўлган чўяннинг суюқлана бошлаш температураси 1147°C га, алгангаланиш температураси эса тахминан 1400°C га баравар бўлганлиги учун чўянларни кислород билан қирқиб бўлмайди. Яъни кислород билан қирқилиши мумкин бўлган металл оксидининг суюқланиш температураси ўзининг суюқланиш ва алгангаланиш температуралиридан паст бўлиши шарт. Шундагина металлнинг қесиши вақтида ҳосил бўладиган оксидлари кесик орасидан осонгина ҳайдалади ва металлнинг остки қисмларига кислороднинг таъсир этиши учун ўйл очилади. Масалан, алюминийнинг суюқланиш температураси 657°C га, алюминий оксидининг суюқланиш температураси эса 2050°C га баравар. Бинобарин, алюминийни кислород билан қирқиб бўлмайди.


Кислород билан қирқишиңнинг яна битта шарти шундан иборатки, қирқилиши мумкин бўлган металлнинг иссиқлик ўтказувчанилиги юқори бўлмаслиғи шарт, акс ҳолда қирқилиш зонаси тез совийди ва температураси алангаланиш температурасидан пасаяди.

Металларни кислород билан қирқиша универсал резак (кескич)дан фойдаланилади. Кескичлар қиздириш алангасини ҳосил қилиш ва кесиш зонасига тоза кислородни узатишга хизмат қиласди.

Одатда, металлар дастаки усулда ва машиналарда қирқилади. Дастаки усулда қирқиша фойдаланиладиган асбоб кескич (резак) дейилиб, бу асбобнинг пайвандлаш горелкасидан фарқи шундаки, унда қирқувчи кислородни ҳайдовчи қўшимча канал бор.

Резаклар қуидаги турларга ажратилади:
 кесиш тўри бўйича — ажратиш; юзаки кесиш учун;
 вазифасига кўра — дастаки, машинада маҳсус кесиш учун;
 ёнилғи тури бўйича — ацетилен, ацетилен ўрнида ишлатиладиган газлар, суюқ ёнилғилар учун;
 ишлаш принципи бўйича — бир хил босимли, инжекторли;
 кислороднинг босими бўйича — паст ва юқори босимли;
 мундшукнинг конструкцияси бўйича — тирқишли, кўп сопполи бўлади.

Саноат миқёсида ишлатиладиган резакларнинг маркалари: РГС-70, РГМ-70, РАТ-70, РАО-70, РАЗ-70 /қўйма кескичлар/, РЗР «Пламя», РУЗ-70 («Ракета»), факел, «Ракета—1» РМ-1000, РГМ-2, РГМ-3, РГМ-5, ва бошқа конструкциялар кўрининишида ишлаб чиқарилади.



36- расм. Қескичининг тузилиш схемаси.

1, 2 — трубка; 3, 4, 7 — вентиллар; 5 — инжектор; 6 — аралаштириш камераси; 8 — мундшук; 9, 10 — газ чиқувчи каналлар.

Бундан ташқари, ҳозирги вақтда металларни кесиш учун турли стационар ва күчма кесиш машиналаридан кенг фойдаланилади. Бундай машиналарга «Спутник-2», «Радуга», ПГФ-2-67, АШС-2, АШС-70, СГУ-61, «Одесса» кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Металларни дастаки қирқишида күпроқ УР типидаги кескич асбоби ишлатилади. Кескичга 1-канал орқали кислород, 2-канал орқали эса ацетилен киради. Ацетилен кислород аралашмаси учун зарур бўлган кислород миқдори 3-вентиль билан, ацетилен миқдори эса 4-вентиль билан ростланади. 7-вентиль кесувчи кислород миқдорини ростлаш учун хизмат қиласди. Ёнувчи аралашма ҳосил қиласдиган ацетилен билан кислород 5-инжектор орқали ўтиб, 6-камерада аралашади. Ҳосил бўлгани ёнувчи аралашма 8-мундштукнинг 9 рақами билан кўрсатилган тешигидан чиқади.

Металларни қирқишида кескичининг мундштуки кесилиши керак бўлган юзадан 3—6 мм оралиқда ва юзага тик вазиятда тутилади. Кескичининг суриш тезлити кесилаётган металлнинг қалинлигига боғлиқ бўлади, металл қанчалик қалин бўлса, кескич шунчалик секин суриласди.

Кислород билан қирқиши усули қалинлигига 2000 мм гача бўлган пўлатни кесишга имкон беради.

Металл заготовкаларни графитли ёки металл электродлари орқали кесиш зonasини суюқлантириш йўли билан кесилиши электр ёйи усулида кесиш деб айтилади. Заготовканинг кесиладиган жойини эритиш эса металл ёки кўмир электрод билан кесиладиган юза орасидаги электр ёй таъсирида содир бўлади. Бу усул металларни аниқроқ кесилиши талаб қилинмаган ҳолларда (қўпол кесиш) айниқса, қурилиш ишларида ишлатиладиган металл (арматуралар, бурчаклар) прокатларни кесишда фойдаланилади.

Кейинги вақтларда металларни ҳаво — ёй орқали кесиш усули кўп ишлатилмоқдаки, бу усулда электр ёй орқали кесилган металл сиқилган ҳаво орқали доимий сурилиб (итарилиб) туради.

Металларни металл электрод-кислород-ёй ва аргон — водород аралашмалари оқимида кесиш усулларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, турли қалинликдаги лист металлар, рельслар, сорт прокатлар ҳамда мураккаб контрандан иборат бўлган деталларни кесишда, бундан

ташқари, 100 мм қалинликкача бўлган металларга тешкілар тешишда ҳам юқоридаги усуслардан фойдаланилади.

7- §. МЕТАЛЛАРНИ ҚАВШАРЛАШ

Иккита металл буюмлар орасидаги чокка бошқа метални эритиб қўйиш орқали ажралмаёт бирикма ҳосил қилиш процессига қавшарлаш, яъни метални улаш дейилади, чокка эритиб қўйиладиган металл эса қавшарловчи (уловчи) металл (қавшар ёки припой) дейилади.

Қавшарлаш процесси жуда кенг тарқалган технолоғик процесс бўлиб, қавшарланувчи металл ва қотишлигарга қўйидаги талаблар қўйилади:

1. Қавшарланувчи металлнинг эриш температуралари бириттириладиган буюмлар (деталлар) нинг эриш температурасидан ($50-100^{\circ}\text{C}$) паст бўлиши керак.

2. Қавшарловчи металлар пайвандланадиган деталларнинг пайванд чокларига яхши намланиб, етарли дарражада оқувчанликка эга бўлиши ва тарқалиши туфайли тегишли чоклар бир текисда тўлдирилган бўлиши керак.

3. Буюм (деталь) лар металл ва қавшарловчининг ҳосил қилган пайванд бирикмалари мустаҳкам, коррозияга бардошли бирикмалар бўлиши керак.

4. Қавшарловчи материаллар қимматга тушмаслиги ва дефицит бўлмаслиги керак.

Шунни айтиб ўтиш керакки, қавшарлаш усулида сифатли чоклар олиш учун қавшарланувчи юзалар эгов, шабер ёки жилвир қофоз билан яхшилаб тозаланади.

Кейин улар бир-бирига мослаб олинади-да, қавшарланувчи газлар оралигидан қавшар ўтиши учун $0,05-0,15$ мм чамасида чок (зазор) қолдирилади. Бириттириладиган жойларни оксидланишдан сақлаш мақсадида бу юзалар флюс (бура) билан қопланади. Кейин эса қавшар суюқланиш температурасигача қиздирилганда у суюқланиб қавшарланувчи буюм бўшлиқларини (чокларини) тўлдиради, қотгандан кейин ажралмайдиган бирикма ҳосил қиласди.

Ҳамма кўринишдаги (турдаги) қавшарланувчилар эриш температуралари ва хоссаларига кўра юмшоқ (енгил эрийдиган) ва қаттиқ (қийин эрийдиган) қавшарларга бўлинади, яъни:

а) юмшоқ кавшарлар (қалай, қўрошин, висъмут, қадмий) нинг суюқланиш температураси 400—500°C дан ортмайди. Бу кавшарлардан, одатда, турли идишлар, баклар, резервуарлар, радиоэлектротехникада турли ўтказгичларни улашда фойдаланилади.

Бу усул билан зич чоклар ҳосил қилиш мумкин, лекин у қадар пухта бўлмайди ва 200°C температурадан ортиқ қиздирилмайдиган узеллардагина юмшоқ кавшарлашдан фойдаланилади:

б) қаттиқ кавшарлар (мис, кумуш) нинг суюқланиш температурали 450—500°C дан ортиқ бўлади. Бу кавшарлардан, одатда, кескич асбобларнинг қаттиқ қотишма пластинкаларини, трубопроводларини, велосипед рамаларини кавшарлашда фойдаланилади. Шундай қилиб, бу хилда кавшарлаш учун маҳсус қиздиргич печлар, асбоб ва қурилмалар талаб этилади. Бу усулда олинган чокнинг чўзилишга пухталиги анча юқори бўлиб (50kg/mm^2 ёки 500 МПа гача), юқори температурага ҳам бардош бера олиш хусусиятига эга бўлади.

Саноат миқёсида пўлат ва мис қотишмаларни кавшарлашда фойдаланиладиган қалай, қўрошинли юмшоқ кавшар (ПОС) ларнинг ПОС-90, ПОС-40, ПОС-30, ПОС-18, ПОС-4-6 каби маркалари; мис, руҳли қаттиқ кавшар (ПМЦ) ларнинг ПМЦ-36, ПМЦ-42, ПМЦ-52, маркалари, кумушли кавшар (ПСр) ларнинг ПСр 72; ПСр 50Кд, ПСр 3Кд, ПСр 2 маркалари эса кенг қўлланилади.

Кавшарлашда ишлатиладиган асосий асбоб **паяльник (ковя)** бўлиб, унинг ўлчами ва шакли деталь ўлчамига боғлиқ ҳолда танланади.

Юмшоқ кавшарларда электрик паяльниклардан фойдаланилса, қаттиқ кавшарлар билан кавшарлашда бензин, газ алангасида қиздирилувчи турли конструкциядаги паяльниклардан фойдаланилади.

Бундан ташқари, кавшарлаш процессида кавшарлашувчи металлар юзасидаги оксидларни эритиб юбориш ёки бу юзаларни оксидлардан сақлаш билан кавшарнинг буюм (деталь) лар тирқишиларига яхши ўтишини таъминлаш учун флюслар хизмат қиласи.

Юмшоқ кавшарлар билан кавшарлашда мураккаб флюслар ишлатилиб, уларнинг таркибига, асосан, маҳсус химиявий моддалар (хлорид кислотанинг сувдаги эритмаси, рух хлорид, нашатир, канифоль, стеарин, глицерин, вазелин, спирт, салицил кислотаси ва бошқалар)

ишлатилади. Баъзан, турли монтаж ишларида флюс сифатида фақат канифолдан фойдаланилади.

Қаттиқ кавшарлар билан кавшарлаш процессида флюс сифатида бура ($\text{Na}_2\text{B}_4\text{O}_7$) порошоги (уни) ёки пасталарининг сувдаги ёки спиртдаги аралашмасидан фойдаланилади.


Қаттиқ кавшарлар билан кавшарлашда кавшарла надиган жойлар ёки чоклар (юзалар) газ горелкалари электр ёйи, юқори частотали токларда ишлайдиган мүфелли ёки бошқа конструкциядаги печлар орқали қиздирилади, кейин эса кавшар суюқлантирилиб, тегишли жойлар (чоклар) тўлдирилади.

8- §. ТЕРМИТЛАР БИЛАН ПАЙВАНДЛАШ


Термитлар ёрдамида пайвандлаш усулидан ҳам ҳалқ хўжалигининг зарурий соҳаларида фойдаланилади. Масалан, пайвандлаш цехларига келтириб (кўчириб) пайвандлаш имкониятига эга бўлмаган ёки катта габарит даги буюм (деталь) ва қисмларни жойида пайвандлашда ишлатилади.

Турли металл (Al , Mg ва бошқалар) кукунларинин баъзи металл оксидлари (темир II ва III оксидлари) кукунлари билан аралашмаси термит дейилади. Термитлар (аралашмалар) электр ёйи ёки бирор ўт олдириувчи манба билан ўт олдирилганда қуидаги химиявий реакция содир бўлиб, ундан

юқори температура ҳосил бўлади. Бунда Al кукуни билан Fe_3O_4 кукуни бункер (1) да (37-расмга қаранг), аралаштирилиб ёндириганда ҳосил бўладиган реакцияга эътибор беринг:



Бу реакция натижасида температура 3000°C га етиб боради ва суюқ Al_2O_3 ҳосил бўлиб, тоза темир суюқ ҳолатда ажралиб чиқади. Al оксид



37- расм. Термит усулида пайвандлаш схемаси.

1 — бункер; 2 — суюқланган термит;
3 — көлли; 4 — рельслар.

Fe дан енгил бўлганлиги учун суюқ Fe сиртига қал-
киб чиқади. Худди ана шу қайтарилиган суюқ темир
зарурий пайвандлаш чокини тўлдиради.

XIV-б о б

МЕТАЛЛАРГА МЕХАНИК ИШЛОВ БЕРИШ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Машина-механизмлар деталларини керакли форма
ва ўлчамга келтириш учун заготовкадан тегишли кесув-
чи асбоблар ёрдамида маълум миқдордаги метални
қиринди тарзида кесиб олиш йўли билан ҳосил қилиш
технологик процесси *металларни кесиб ишлаш* (*механик
ишлаш*) деб аталади.

Металларни кесиб ишлаш процесслири, асосан, улар-
нинг пластик деформацияланиши ва турли энергиялар-
дан (электр, химиявий, ёруғлик ва бошқалар) фойдала-
ниш туфайли содир бўлади. Металларни кесиб ишлаш
усули инсониятга жуда қадимдан маълум, чунки, қўл
билан юритиладиган токарлик ва пармалаш станоклари
XII асрдан бери инсониятга хизмат қила бошлаган. Со-
вет Иттифоқида вазифаси, технологик имкониятлари ва
ўлчамлари турлича бўлган жуда кўп металл кесиш ста-
ноклари ишлаб чиқарилди ва чиқарилмоқда.

Ҳозирги вақтда кўпгина машинасозлик заводларида
ишлаб чиқариладиган машина-механизмлар учун 40—
60% деталлар фақат металл кесиш станокларида кесиш
орқали тайёрланади. Шунинг учун кесиш технологияси-
ни такомиллаштириш ва уларни тегишли янги жиҳозлар
билан жиҳозлаш ҳамда металларни кесишнинг янги
технологик усусларини ишлаб чиқиш ва уни жорий
этиш энг актуал масалалардан биридир.

Ҳозирги замон металларни кесиш процессида қирин-
ди ажралиб чиқиш қонуниятларини, ҳосил бўладиган
вибрация сабабларини, кесиш кучини ўлчаш методлари
1870 йилда Н. А. Тиме томонидан ишлаб чиқилган. И. А.
Тименинг назариялари бошқа кўпгина рус ва совет олим-
ларидан П. А. Афанасьев, А. А. Брикс, А. В. Гадолин,
К. А. Зворыкин, А. Н. Челюсткин, Я. Г. Усачёв, И. М.
Беспрозван, Г. И. Грановский, И. А. Исаев, А. И. Каши-
рин, В. А. Кривоухов, В. Д. Кузнецов, А. В. Панкин,

М. Н. Ларин ва бошқаларнинг илмий ишларида тарақ-
қий эттирилди.

Металларни кесиб ишлаш процесси Улуғ Октябрь
социалистик революциясидан қейин, айниқса тез суръ-
атлар билан ривожлантирилди. Совет олимларидан
А. Н. Челюсткин, В. А. Кривоухов, С. С. Рудник, С. Ф.
Глебов ва бошқалар, шунингдек, кўпгина ишлаб чиқа-
риш новаторлари металларни кесиш метод ва назария-
ларини янгидан-янги тадқиқотлар билан бойитдилар.


Металларни кесиб ишлашда чиқинди миқдори чиқи-
ши заготовканинг шаклига ва ўлчамига боғлиқ бўлади.
Шунинг учун чиқинди, яъни металлнинг исрофгарчили-
гини камайтириш учун имкони борича рационал форма
ва ўлчамли заготовкалар олиш ва шу билан бирга, тех-
нологик процесснинг тежамли бўлишини таъминлайди-
ган даражада танлаш мақсадга мувофиқдир.

Металларни кесиб ишлашда меҳнат унумдорлигини
ошибирош жараёни технологик процессларни механизация-
лаштириш ва автоматлаштиришни ҳамда бу методлар-
ни янги-янги, рационализаторлик таклифлари билан бо-
йитишни талаб қиласди.

1- §. МЕТАЛЛАРНИ КЕСИБ ИШЛАШ ТУРЛАРИ

Металл (заготовка) ларни талаб қилинган формага,
ўлчамга ва сирт тозалигига келтириш учун тегишли ке-
сувчи асбоблар ёрдамида турли қўймалар, паковкалар
тайёрланади. Металларни кесиб ишлашнинг асосий тур-
лари (методлари) жумласига йўниш, рандалаш, ўйиш,
пармалаш, фрезерлаш ва жилвирлаш киради. Бундай
кесиш методлари ўзаро заготовкадаги ишчи ҳаракати
билин кесувчи асбоб ўртасида тақсимланган ҳаракат-
ларнинг ҳарактерлари билан фарқ қилинади: ишчи ҳа-
ракатининг ҳарактери ва кесувчи асбобнинг кўриниши-
ларини қўйидагича тасвирлаш мумкин (38- расм).

Йўниш процесси, асосан, токарлик станокларида те-
гишли кескич билан бажарилади (38-а расм). Йўниш
операциясида заготовка айланма ҳаракатга келтирила-
ди. Бунда заготовканинг ҳаракати тез содир бўлади ва
у асосий ҳаракат деб аталади, кескичининг ҳаракати эса
секинроқ бўлади ва у сурини ҳаракати дейилади. Асосий
ҳаракат кесиш ҳаракати деб, асосий ҳаракат тезлиги эса
кесиш тезлиги деб аталади.



38-расм. Станокларда кесиб ишлашнинг асосий турлари.

а — жүниш; б — пармалаш; в — фрезалаш; г — рандалаш; д — жилвирлаш.

Рандалаш процесси, асосан, кўндаланг рандалаш ва бўйлама рандалаш станокларида тегишли кескичлар билан амалга оширилади. Рандалаш кескичлари одатда эгик бўлади. Кўндаланг рандалаш станокларида асосий ҳаракатни кескич, суриш ҳаракатини эса заготовка бажаради, бўйлама — рандалаш станокларида заготовка асосий ҳаракатни бажарса, кескич суриш ҳаракатини бажаради. (38-г расм.).

Ўиши процесси, асосан, ўиши станокларида маҳсус тегишли кескичлар билан бажарилади. Бунда ўиши операцияси учун кескич асосий (илгариланма-қайтар) ҳаракатни, заготовка эса суриш ҳаракатини бажаради (38-д расм).

Пармалаши процесси пармалаш станокларида турли конструкциядаги пармалар билан бажарилади. Бу процесда асосий ҳаракат ҳам, суриш ҳаракати ҳам парманга берилади (38-б расм).

Асосий ҳаракат парманинг айланишидан, суриш ҳаракати эса унинг ўз ўки йўналишида илгариланма ҳаракатидан иборат бўлади.

Фрезерлаши процесси ҳам фрезерлаш станокларининг турли конструкцияларида кўп тиғли асбоб — фреза билан бажарилади. Бунда фрезанинг айланма ҳаракати (асосий ҳаракат) билан заготовканинг илгариланма ҳаракати (суриш ҳаракати) қўшилиши натижасида қиринди кесиб олинади. (38-в расм).

Жилвирлаш процесси маҳсус конструкциядаги станокларда жилвирлаш тоши билан бажарилади. Цилиндрик юзалар доиравий жилвирлаш станокларида, ясси юзалар эса текис жилвирлаш станокларида жилвирланади. Цилиндрик юзаларни жилвирлашда (38-д расм) заготовкага айланма ҳаракат бериш билан бирга, илгариланма-қайтар ҳаракат (бўйлама-суриш ҳаракати) ҳам берилади. Жилвирлаш тоши ҳам айланма ҳаракат (асосий ҳаракат) қиласи, ҳам кўндаланг йўналишда, заготовканинг ҳар қайтишида кесиш чуқурлиги бирор t га қадар сурилиб ҳам туради (кўндаланг суриш ҳаракати). Ясси юзаларни жилвирлашда асосий (айланма) ҳаракат ҳам, вертикал йўналишда узлукли (кесиш чуқурлиги бирор t га қадар) суриш ҳаракати ҳам жилвирлаш тошига, бўйлама суриш ҳаракати (илгариланма-қайтар ҳаракат) ва кўндаланг йўналишда узлукли суриш ҳаракати заготовкага берилади.


2-§. КЕСКИЧНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ ВА ЭЛЕМЕНТЛАРИ ҲАҚИДА

Юқорида кўриб ўтганимиздек, металларни кесиб ишлашнинг асосий турларидан (методларидан) йўниш, рандалаш, ўзиш, пармалаш, фрезерлаш процессларига у ёки бу конструкциядаги кесувчи асбоблар орқали заготовкадан қириндилар олиб ташлаш орқали уни бирор талаб қилинган формага, ўлчамга, сирт тозалигига келтириш мумкин экан. Шунинг учун бундай кесувчи асбобларнинг қандай қисм ва элементлардан иборатлиги, уларнинг геометрик параметрлари, кесиш процессининг асосий элементлари, кесища ҳосил бўладиган кучлар ва бошқаларни билиш ёки ўрганиш катта аҳамиятга эга. Шунинг учун юқоридаги параметрлар ва элементларни энг оддий токарлик процессида ишлатиладиган ўтувчи кескич мисолида кўриб ўтайлик. Бундай кескичлар, асосан, каллақ (ишли қисм) ва тана (стержень) қисмидан иборат бўлиб, кескич тутқичга (станок суппортига) маҳкамлаш учун хизмат қиласи. Кескичининг каллак қисмига, асосий элементлар жумласига олдинги юза, асосий орқа юза, ёрдамчи орқа юза, асосий кесувчи қирра, ёрдамчи кесувчи қирра ва кескичининг учи киради (39-расм).

Кескичининг **олдинги юзаси** қиринди чиқариш учун хизмат қиласи асосий кетинги юза заготовканинг кесиш

юзасига томон, ёрдамчи қетинги юза эса заготовканинг йўнилган юзасига томон қараган бўлади. Кескичнинг асосий кесувчи қирраси олдинги юза билан асосий кетинги юзанинг кесишивидан, ёрдамчи кесувчи қирраси эса олдинги юза билан ёрдамчи кетинги юзанинг кесишивидан ҳосил бўлади.

Асосий ва ёрдамчи кесувчи қирраларнинг кесишган жойига кескичнинг учи (чўққиси) дейилади.



39-расм. Кескичнинг асосий элементлари.

3-§. КЕСИШ РЕЖИМИДАГИ АСОСИЙ ЭЛЕМЕНТЛАР

Ҳар қандай конструкциядаги станоклар ёрдамида заготовкадан қиринди ажратиш процесси бир қатор кесиш процессининг асосий элементлари туфайли амалга оширилади. Кесиш тезлиги, кесиц чуқурлиги, суриш тезлиги (суриш қўймати) ва бошқалар кесиш процессининг асосий элементлари жумласига киради.

1. *Кесиш тезлиги* (v) деб заготовка ёки кескичнинг асосий ҳаракат йўналиши бўйича силжишига айтилади. Агар асосий ҳаракат айланма бўлса, формуласи қўйидагича бўлади:

$$v = \frac{\pi D n}{1000} \left[\frac{\text{м}}{\text{мин.}} \right]$$

Бунда:

n — заготовканинг (шпинделнинг) минутига айланышлар сони, мин^{-1} .

D — йўнилаётган заготовканинг диаметри, мм.

Агар асосий ҳаракат илгариланма-қайтар ҳаракат бўлса, формула

$$v = \frac{Ln}{100} \left(1 + \frac{v_D}{v_X} \right)$$

бўлади ва бунда

L — кескичнинг юриш (йўниш) узунлиги, мм;
 n — иккиламчи юришлар (ҳаракатлар) сони, мин⁻¹;
 v_p — ишчи ҳаракат тезлиги, м/мин.
 v_x — салт юриш тезлиги, м/мин.

2. Кесиш чуқурлиги (t) деб кескичнинг бир ўтишида заготовкадан кесиб олинган қатламнинг қалинлигига айтилади. Йўниш процесси:

$$t = \frac{D-d}{2} \text{ дан иборат.}$$

Бунда:

D — ишлов бериладиган заготовканинг диаметри, мм.

d — ишлов берилган заготовканинг диаметри, мм.

Пармалашда эса кесиш чуқурлиги парма диаметрининг ярмига teng, яъни;

$$t = \frac{D}{d} \text{ мм.}$$

3. Суриш тезлиги (S) деб кескичнинг заготовка бир марта айланганда суриш ҳаракати йўналишидаги силжишига айтилади (бирлиги: фрезерлашда мм/мин; йўниш ва пармалашда мм/айл. ва ҳоказо).


Парма бир вақтнинг ўзида иккита кесувчи қиррасига ишланганлиги учун ҳар бир кесувчи қиррасига тўғри келадиган суриш қиймати қуйидагича бўлади:

$$S_z = \frac{S}{2} \text{ мм/айл.}$$

4- §. КЕСКИЧНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ ВА ГЕОМЕТРИК ПАРАМЕТРЛАРИ

Заготовкага (деталга) кесиб ишлов бериш вақтида тегишли кескичнинг геометрик параметрлари муҳим аҳамиятга эга. Бундай кескичларнинг геометрик параметрларига, асосан, унинг турли тегишли бурчаклари киради. Кескичлардаги бурчакларни аниқлаш учун кесиш текислиги, асосий текислик, нормал текислик, асосий ва ёрдамчи кесувчи текислик каби тушунчалар киритилади (40- расм).

Кесиш юзасига уринма қилиб, асосий қиррадан ўтказилган текисликка кесиш текислиги дейилади.



40- расм. Кескичининг геометрик катталиклари:


а — кесувчи текисликтарнинг фазода ўтиши; б — кесувчи текисликларнинг излари ва кескичининг бурчаклари.

Бўйлама ва кўндаланг суриш йўналишларига паралел қилиб ўтказилган текислик асосий текислик дейилади.

Кескичнинг асосий кесувчи қиррасидан кесиш текислигига перпендикуляр тарзда ўтказилган текисликка нормал текислик дейилади.

Асосий кесувчи қирранинг асосий текисликдаги проекциясига тик қилиб ўтказилган текислик асосий кесувчи текислик деб, ёрдамчи кесувчи қирранинг асосий текисликдаги проекциясига тик қилиб ўтказилган текислик эса ёрдамчи кесувчи текислик деб аталади (ҳамма текисликларнинг излари ва кескич бурчаклари 41-расмда кўрсатилган).

Кескичда қўйидаги бурчаклар: асосий орқа бурчак α , ўткирланиш бурчаги β , олдинги бурчак γ , кесиш бурчаги δ , пландаги асосий бурчак φ , пландаги ёрдамчи бурчак ψ , кескич учининг пландаги бурчаги



41 расм. 1K62 маркали токарлик-винг қирқиши станоги.

1 — олдинги бабка тезликлар қутиси билан; 2 — станица; 3 — суппорт; 4 — фартук; 5 — кетинги бабка; 6 — ҳаракатланувчи винг; 7 — ҳаракатланувчи валик; 8 — суришлар қутиси.

ε , ёрдамчи орқа бурчак α_1 , шунингдек, асосий кесувчи қирранинг қиялик бурчаги λ мавжуддир. Асосий кейинги бурчак α — кескичнинг орқа юзаси билан кесиш текислиги орасидаги бурчакдир. α бурчак йўнилаётган юза билан кескич орасидаги ишқаланишни камайтириш учун зарур бўлиб, $6-12^{\circ}$ оралғида бўлиши мумкин: ўткир бурчак β — кескичнинг олдинги юзаси билан асосий кейинги юзаси орасидаги бурчакдир. β бурчак қанчалик катта бўлса, кескичнинг кесувчи қисми шунча пухта ва иссиқликнинг кесувчи қиррадан четлатилиши шунча яхши бўлади: олдинги бурчак γ — кескичнинди олдинги юзаси билан нормал текислик орасидаги бурчакдир. Агар $\alpha+\beta < 90^{\circ}$ бўлса, $\gamma = 0$, агар $\alpha+\beta > 90^{\circ}$ бўланда эса γ манфий бўлади. γ бурчак, одатда $+25$ дан -10° гача қилиб олинади: **кесиш бурчаги δ** — кескичнинг олдинги юзаси билан кесиш текислиги орасидаги бурчакдир. (41-расмга мувофиқ), $\delta = \alpha + \beta$. Агар γ мусбат бўлса, $\delta < 90^{\circ}$ бўлади. Демак, δ —нинг қиймати γ —нинг ишорасига боғлиқ бўйлоқда.

Пландаги асосий бурчак φ — асосий кесувчи қирранинг асосий текисликка туширилган проекцияси билан бўйлама суриш йўналиши орасидаги бурчакдир.

Пландаги ёрдамчи бурчак φ_1 — ёрдамчи кесувчи қирранинг асосий текисликдаги проекцияси билан бўйлама суриш йўналиши орасидаги бурчакдир.

Кескич учининг пландаги бурчаги ε — асосий ва ёрдамчи кесувчи қирраларининг асосий текисликдаги проекциялари орасидаги бурчакдир.

Пландаги учала бурчакнинг йифиндиси 180° га teng бўлади (41-б расм), яъни: $\varphi + \varphi_1 + \varepsilon = 180^{\circ}$.

Ердамчи орқа бурчак α_1 — ёрдамчи кесувчи қиррадан асосий текисликка тик қилиб туширилган текислик билан орқа юза орасидаги бурчакдир.

Асосий кесувчи қирранинг қиялик бурчаги λ — кескичнинг учдан асосий текисликка параллел қилиб ўтказилган тўғри чизиқ билан асосий кесувчи қирра орасидаги бурчакдир.

Кескичнинг уни асосий кесувчи қирранинг энг юқори нуқтаси бўлганда λ ни мусбат (+) кескичнинг асосий кесувчи қирраси асосий текисликка параллел бўлганда λ ни ноль, кескичнинг уни асосий кесувчи қирранинг

Энг пастки нүқтаси бўлганда эса λ ни манфий (–) деб ҳисоблаш қабул қилинган.

Шуни айтиш керакки, қириндининг қай йўналишда чиқиши λ нинг қийматига боғлиқ бўлади, яъни: λ нинг қиймати (–) бўлса, қиринди йўнилган юзә томон йўналишда, λ нинг қиймати (+) бўлганда эса тескари йўналишда чиқади. λ нинг (–) бўлиши кескичнинг кесувчи қирраси пухталигини оширади.

5-§. АСОСИЙ МЕТАЛЛ ҚЕСУВЧИ СТАНОКЛАР ВА УЛАРНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

Заготовкани кесувчи асбоб ёрдамида ишлов бериш процессида қиринди ажратиш орқали керакли формага вақ талаб қилинадиган аниқлик даражасига келтирувчи машина *металл кесувчи станоклар* дейилади.

Металл кесиш станоклари экспериментал илмий-тадқиқот институти (ЭНИМС) классификациясига кўра, сериялаб ишлаб чиқарилаётган барча станоклар тўқ-қизта группага бўлинади. Ҳар қайси группа, ўз навбатида, станокларнинг бир неча типини ўз ичига олади. Кўпгина ҳолларда металл кесиш станоклари турли белгиларига қараб классификацияланади:

1. Ихтисослаштириш даражаси бўйича *универсал станоклар*, хилма-хил деталлар ишлашда ҳар хил операцияларни бажариади. Айниқса, кўп хил ишлар бажаришда фойдаланиладиган станоклар *кенг универсал станоклар* деб аталади.

2. Шакллари бир-бирига ўхшаш, аммо ўлчамлари ҳар хил деталлар ишлаш учун мўлжалланган *ихтисослаштирилган станоклар*.

3. Кенг номенклатурадаги деталларда маълум операцияларнига бажариш учун мўлжалланган *кенг вазифали станоклар*.

4. Фақат бир тип ўлчамдаги деталлар ишлаш учун мўлжалланган *махсус станоклар*.

5. Автоматизациялаш даражаси бўйича қўл билан бошқариладиган ярим автоматли, автоматик линиялар (заготовкани автоматик равишда станокдан-станокка транспортировка қилиб бирлаштирувчи система) киради.

6. Станоклар оғирликларига кўра *енгил* (10 КН гача), *ўртача* (100 КН гача) ва *оғир* (1 МН дан ортиқ) станокларга бўлинади. Оғир станоклар, ўз навбатида,

йирик (100—300 КН), *оғир* (300—1000 КН) ва жуда *оғир* (уникал) (1000 КН дан *оғир*) станокларга бўлинади.

7. Аниқлик даражаси бўйича станоклар 5 классга бўлинади. Н класс — нормал аниқликдаги станоклар; бу классга универсал станокларнинг кўпчилиги киради. П класс — оширилган аниқликдаги станоклар, бу станоклар нормал аниқликдаги станоклар асосида тайёрланади. Аммо станокда муҳим деталларни тайёрлашда йиғиш ҳамда ростлаш сифатига нисбатан юқори талаблар қўйилади. В класс — юқори аниқликдаги станоклар; станокларнинг юқори аниқлигига айrim узелларнинг махсус конструкцияси, деталларининг тайёрланишига, узелларини ва бутун станокни йиғиши ҳамда ростлаш сифатига нисбатан юқори талаблар қўйилиши ҳисобига эришилади. А класс — айниқса юқори аниқликдаги станоклар; бундай станоклар тайёрлашда В класс станоклари тайёрлашдагига қараганда ҳам қаттиқроқ талаблар қўйилади. С класс — А ва В класс станоклари деталларнинг аниқлигини белгиловчи деталлар тайёрлаш учун мўлжалланган ниҳоятда аниқ станоклар; бошқача қилиб айтганда, мастер-станоклар. В, А ва С класс станоклари тегишли аниқликни таъминлаши учун улар температураси ва намлиги автоматик равишда ўзгармас қилиб туриладиган ҳолда ишлатилади.

8. Станоклар технологик белгилари ва ишлатиладиган асбобларига қараб, токарлик, пармалаш, йўниш, жилвирлаш, рандалаш, пардозлаш, тиш ва резьба қириши: фрезерлаш, ўйиш каби турларга бўлинади.

Ҳамма мавжуд металл кесувчи-станоклар 9 группага бўлинниб, ҳар бир группа эса, ўз навбатида, 9 тип (подгруппа) лардан иборат бўлади. Буларга станокларнинг вазифаси, автоматизацияцияда даражаси ваа бошқаларини характерлайдиган ҳамда металл кесиш корхоналарида энг кўп ишлатиладиган 4 группага кирувчи станокларни киритиш мумкин.

СССР саноат корхоналарида ишлаб чиқариладиган кўп серияли станокнинг модели учта ёки тўртта (баъзан, ҳарфлар қўшилган) рақам билан белгиланади. Биринчи рақам станокнинг групласини, иккинчи рақам типини, энг охирги битта ёки иккита рақам станокнинг характеристли ўлчамларидан бирини билдиради. Биринчи рақамдан кейинги ҳарф станокнинг такомиллашганлигини,

барча рақамлардан кейинги ұарф эса база моделининг модификациясини (шакл үзгаришини) күрсатади, масалан, 2 А 135 моделли станокни олайлик. Бунда 2 рақами станокнинг иккинчи группага киришини — пармалаш станоги эканлигини, А ұарфи станокнинг такомиллаштирилганлигини билдиради: 1 рақами станокнинг биринчи типга оидлигини — вертикал-пармалаш станоги эканлигини; охирғи иккита рақами эса пармаланиши мүмкін бўлган энг катта тешик диаметрининг 35 мм эканлигини кўрсатади; 1336А моделли токарлик — револьвер станогини олайлик. Бунда 1 рақами токарлик станоклилигини, З-револьверлилигини, Зб-ишлов бериладиган цилиндрик заготовканинг диаметрини, А ұарфи станокнинг модификациясини ифодалайди.

2Н150 моделли вертикал-пармалаш станогини олайлик. Бунда 2 рақами — пармалаш станоги эканлигини, Н ұарфи модификацияланганлигини, 1 — вертикаллилигини, 50 — энг катта пармалаш диаметрини ифодалайди. 1К62 моделли станокда эса 1 — токарлик станоги эканлигини, К — модификацияланганлигини, 6 — токарлик станоги эканлигини, 2 — станок марказларининг баландлиги 200 мм га тенглигини ифодалайди. Ихтисослыштирилган ва маҳсус станокларнинг моделлари бир ёки иккита ұарф билан белгиланади, бу ұарфларга станок моделининг тартиб номерини билдирувчи рақамлар ҳам кўшилган. Масалан, Е3-9 шифри «Комсомолец» номли Егорьевск станоксозлик заводи ишлаб чиқарадиган, тишли рейкалар қирқиши учун ишлатиладиган ихтисослаштирилган станок эканлигини билдиради ва ҳоказо.

Шуни қайд қилиб үтиш керакки, юқорида номларни келтирилган станоклар, асосан, айланма ҳаракат қилиш орқали у ёки бу технологик процессли бажариши мүмкін. Шунинг учун бундай станокларга айланма ҳаракат беришига турли тасмали (текис ва понасимон), тишли (тўғри қийшиқ, коник каби) ҳамда фрикцион, занжирли, червякли узатмалардан, станокларга илгариланма-қайтар ҳаракатин ҳосил қилиш учун эса винт-гайка, рейкали узатмалардан кенг фойдаланилади.

Металл кесишда асосий операцияларни бажариш учун ишлатиладиган токарлик, пармалаш, фрезерлаш, жил-вирлаш станокларининг асосий узеллари, функциялари ҳамда қайси соҳада ишлатилишлари билан қисқача танишамиз.

6- §. ТОКАРЛИК-ВИНТ ҚИРҚИШ СТАНОКЛАРИ

Токарлик-винт қирқиши станоклари хилма-хил ишларни бажариш учун мұлжаланған. Бу станокларда шаклдор юзалар йўниш, цилиндрик ва конуссимон тешикларни йўниб кенгайтириш; кўндаланг кесим юзаларни йўниш; ташқи ва ички резьбалар қирқиши: тешиклар пармалаш, зенкерлаш ва развёрткалаш; заготовкаларни қирқиб тушириш, қисман кесиш ва бошқа ишларни бажариш мумкин.

Токарлик винт қирқиши станокларининг асосий параметрлари ишлов бериладиган заготовканинг станинадан юқоридаги энг катта диаметри ва станок марказлари орасидаги энг катта масофадир, марказлар орасидаги энг катта масофа ишлов бериладиган деталнинг максимал узунлигини белгилайди. Токарлик-винт қирқиши станокларининг бу асосий параметрларидан ташқари, уларнинг тегишли ГОСТларда белгиланған муҳим ўлчамлари ишлов бериладиган заготовканинг суппортдан бўлган энг катта диаметри, шпиндель марказининг ўлчами, кескичининг максимал баландлигидир. Саноатимизда, асосан, 160—1250 мм ли заготовкага ишлов бера оладиган ва марказлари оралиги 12500 мм бўлган токарлик-винт қирқиши станоклари ишлаб чиқарилади.

Сериялаб токарлик станоклари ишлаб чиқариш дастлаб 1929 йилда Москвадаги «Красный пролетарий» заводида бошланди. 1932 йилда ишлаб чиқарилган ДИП-200 токарлик-винт қирқиши станоги ўша вақт учун энг прогрессив бўлган ва унинг тезликлар қутиси шестерня (тишли фидирлак) лардан тузилган эди. Бу модель шундан кейин бир неча марта модернизациялаштирилди (такомиллаштирилди), натижада 1Д62М, 1А62 ва бошқа моделли станоклар яратилди. 1954 йилдан бошлаб, шу завода нормал ва юқори аниқликдаги 1К62 станоги сериялаб ишлаб чиқарила бошлади. Бу станок асосида ҳар хил турдаги ихтисослаштирилган станоклар яратилди. Совет Иттифоқимизда ва чет эл станоксозлигига токарлик станоклари копировкалаш курилмалари билан жиҳозланади. Бу ҳол маҳсус шаклдор кескичлар ва комбинациялаштирилган йўниб кенгайтириш асбоблари ишлатилмай туриб, мураккаб шаклдор профилларни ишлашга имкон беради ва станокларни ростлаш ишларини анча

осонлаштиради. Икки-уч копировкалаш суппортлари бор токарлик копировкалаш станоклари мавжудки, уларда сиртқи, ички ва кўндаланг кесим юзаларига ишлов бериш мумкин.

Токарлик-винт қирқиш станоклари аниқлигини ошириш, бошқарилишини такомиллаштириш, суриш тезлик диапазонини ошириш, технологик асбоб-ускуналарини янада яхшилаш йўлида ривожлантирилмоқда.

Токарлик-винт қирқиш станокларида заготовканинг айланиши бош ҳаракат, кескичли суппорtnинг ҳаракати эса суриш ҳаракатидир. Бошқа барча ҳаракатлар ёрдамчи ҳаракатлар жумласига киради.

Токарлик-винт қирқиш станоги амалда бир типли компановкага эга, бундай компановкага 1 К62 (41-расм) станоги мисол бўла олади. Унинг асосий узеллари жумласига станина (2), олдинги (шпинделли) бабка (1), фартук (4), кескич тутгичли суппорт (3), орқа бабка (5), олдинги бабкага тезликлар қутиси (1), суриш қутиси (8) жойлаштирилиши мумкин.

Станина станокнинг барча асосий узелларини ўрнатиш учун хизмат қиласди ва станокнинг асоси ҳисобланади.

Олдинги бабка станинанинг чап қисмига маҳкамланган бўлади. Олдинги бабкада станокнинг тезликлар қутиси бўлади, тезликлар қутисининг асосий қисми шпиндель бўлиб, у думалаш ёки сирпаниш подшипникларида айланади. Шпиндель, одатда, бошидан охиригача конуссимон тешикдан иборат бўлиб, чивиқ материал (заготовка) ана шу тешикдан ўтказилади.

Орқа бабка марказларга ўрнатилиб, йўнилаётган заготовкани тутиб туриш, шунингдек, тешиклар пармалаш ва уларга ишлов бериш (парма, зенкер, развёрткаларни) ҳамда резьба қирқиш ишларига мўлжалланган асбобларни (метчик, плашкаларни) маҳқмлаш учун хизмат қиласди. Орқа бабка станина йўналтирувчилари бўйлаб сурила олади.

Суриш қутиси шпинделдан ёки алоҳида юритмадан суриш вали ёки суриш винтига айланма ҳаракат узатиш, шунингдек, тегишлича суришга эришиш ёки резьба қирқишида муйайн қадам ҳосил қилиш мақсадида айланиш частотасини ўзгартириш учун хизмат қиласди. Бунга суришлар қутисининг узатиш нисбатини ўзгартириш йўли билан эришилади. Суришлар қутиси алмаштири-

ладиган шестернялари бор гитара воситасида станок шпиндели билан боғланган.

Фартук суринги вали ва суринги винтиниң айланма ҳаракатини суппортнинг түғри чизиқли илгариланма ҳаракатига айлантириш учун мұлжалланган.

Суппорт жесувчи асбобни муҳкамлаш ва унга суринги ҳаракатини бериш учун хизмат қиласы.

1К62 токарлик-вирт қирқишиң станогининг асосий характеристикалари қуйидагича: ишлов бериладиган заготовканиң станинадан юқоридағи әндегі катта диаметри 400 мм, ишлов бериладиган заготовканиң суппорктан юқоридағи әндегі катта диаметри 220 мм, шпиндель тешиги орасыдан үтказилиб, ишлов бериладиган чивиқнинг әндегі катта диаметри 38 мм. Шпинделнинг тезликлари соңы 23, шпинделнинг частоталари чегараси 12,5—2000 айл./мин, бўйлама суринги қийматлари чегараси 0,07—4,16 мм/айл, кўндаланг суринги қийматлари чегараси 0,035—2,08 айл./мин; қирқиладиган резьбалар қадами, метрик резьба учун 1÷192 мм; дюймли резьба учун 1" га 24—2 ўрам; модулли резьба учун 0,5—48П мм, питчли резьба учун 96—1 питч. Электр двигателининг қуввати 10 квт, электр двигатели валининг айланиси частотаси 1450 айл./мин, габарит ўлчамлари /2522—3212/ ×1166×1324 мм дан иборат.


7- §. ПАРМАЛАШ СТАНОКЛАРИ

Бундай конструкциядаги станоклар тешиклар пармалаш, тешикларга метчик ёрдамида резьбалар қирқиши, тешикларни кенгайтириш ва уларни притирлаш, листли материалдан дисклар қирқиб олиш ва бошқа ишлар учун мұлжалланган. Бу операциялар парма, зенкер, развертка ва бошқа щуларга ўхшаш асбоблар билан бажарилади.

Универсал пармалаш станокларининг қуйидаги типлари мавжуд:

1. Бир шпинделли столли-пармалаш станоклари кичик диаметрли тешикларга ишлов бериш учун ишлатилади. Бу станоклар приборсозликда кенг тарқалган. Уларнинг шпинделлари катта частота билан айланади.

2. Вертикаль пармалаш станоклари (42-расм) (станокларнинг асосий ва әндеги кўп тарқалган типи) нисбатан кичик ўлчамли деталларга тешиклар пармалаш учун ишлатилади. Ишлов бериладиган тешикнинг ўқи билан



42-расм. Вертикал пармалаш станоги (2135 типли).

1 — винт; 2 — стол; 3 — шпиндель; 4 — маховик; 5 — узатиш құтиси; 6 — тезликшар құтиси; 7 — электродвигатель; 8 — рукоятка; 9 — станина.

Сим юзаларида марказ тешеклери ҳосил қилиш учун ишлатилади. Пармалаш станокларининг асосий үлчамлары қуйидагилар: энг катта шартли пармалаш диаметри, шпиндель конусининг үлчами, шпинделдинг оралиғи, шпинделдинг энг катта юриш йўли, шпинделдинг кўндаланг кесимидан столгача бўлган энг катта масофа, шпинделдинг кўндаланг кесимидан фундамент плитасигача бўлган энг катта оралиқ ва бошқалар.

Ана шу юқорида келтирилган станокларнинг типларидан 2Н118 вертикал-пармалаш станогининг характеристикаси қуйидагичадир:

Пармаланиши мумкин бўлган тешекнинг энг катта

асбонинг ўқини тўғри келтириш учун бу станокларда заготовкани асбобга нисбатаң суриш кўзда тутилган.

3. Радиал-пармалаш станоклари катта үлчамли заготовка (деталь)-ларга тешеклар пармалаш учун мўлжалланган. Радиал-пармалаш станокларидан тешекларнинг ўқларини асбонинг ўқи билан тўғри келтириш учун станокни шпиндели кўзғалмас деталга нисбатан силжитилади.

4. Кўп шпинделли пармалаш станоклари; бу станоклар иш унумини бир шпинделли станокларга қараганда анчагина оширишга имкон беради.

5. Чуқур пармалаш учун ишлатиладиган ғоризонтал пармалаш станоклари. Пармалаш станоклари группасига марказ пармалаш станокларини ҳам киритиш мумкин, бу станоклар заготовкаларнинг кўндаланг ке-

диаметри 18 мм, шпиндель конуси Морзе № 2 шпиндел-нинг ўқ бўйлаб силжиши мумкин бўлган энг катта ма-софа 150 мм, шпинделнинг оралиғи 200 мм, шпиндел-нинг кўндаланг кесим юзасидан столгача бўлган масофа $0 \div 650$ мм чегарасида ўзгариши мумкин; шпинделнинг айланиш частотаси 177—2840 айл./мин; шпинделнинг ай-ланиш частоталари сони—9; суриш қиймати 0,1—0,56 мм/айл; суришлар сони—6; бош ҳаракат электр двигателининг қуввати 1,5 квт; валининг айланиш частотаси 1420 айл/мин; станокнинг массаси 450 кг.

Универсал вертикал-пармалаш станоги ўртача ўлчам-ли пармалаш станокларининг янги конструктив тур-кумига 2Н118, 2Н125, 2Н135 ва 2Н150 маркали станок-лар киради, булар пармалаш мумкин бўлган тешиклар-нинг энг катта шартли диаметри 18, 25, 35 ва 50 мм га тенг. Бу туркумдаги станоклар ўзаро кенг унификация-ланган.

Бундай конструкциядаги станокларда бош ҳаракат (шпинделнинг айланма ҳаракати) вертикал жойлашган электр двигателдан, тишли узатма ва тезликлар қутиси орқали олинади.

Суриш ҳаракати эса шпинделдан тишли ғилдираклар, суришлар қутиси, тишли узатма, муфта, червякли жуфт ва рейкали узатма орқали шпиндель гильзасига узатилади.

8- §. ФРЕЗАЛОВЧИ СТАНОКЛАР


Фрезалаш станокларида ҳар хил шаклдаги сиртқи ва ички юзаларга ҳамда шаклдор айланма юзаларга ишлов бериш, тўғри ва винтли ариқчалар очиш, сиртқи-ва ичкӣ резъбалар қирқиш, тишли ғилдираклар ишлаш каби ишларни бажариш мумкин.

Бу группа станоклари консолли фрезалаш (горизонтал, вертикал, универсал ва кенг универсал) ста-нокларига, консолсиз вертикал-фрезалаш станокларига, бўйлама-фрезалаш станоклари (бир ва икки тиргакли станоклар)га, узлуксиз ишлайдиган (каруселли ва барабани) фрезалаш станокларига, нусха олиш, копирлаш-фрезалаш станоклари (контурли ва ҳажмли фрезалаш станоклари)га, граверлаш-фрезалаш станок-ларига, ихтиносластирилган станоклар (резъба фреза-лаш, шпонка фрезалаш, шлиц фрезалаш станоклари ва бошқа станоклар)га бўлинади.

Хозирги замон фрезалаш станокларида бир қанча прогрессив конструктив янгиликлар бор: бош ҳаракат билан суриш ҳаракати юритмалари бир-биридан ажратылған, столни (барча йұналишларда) тез суриш механизми мавжуд, тезликлар ва суришлар битта даста билан бошқарилади. Станокларда узеллар ва деталлар унификацияланади.

9- §. КОНСОЛЛИ ФРЕЗАЛАШ СТАНОКЛАРИ

Бундай конструкциядаги станокларнинг консолли деб аталишига сабаб шуки, станокнинг столи станица-нинг йұналтирувчилари бүйлаб юқорига ва пастга силь-жий оладиган консолдегі үрнатылған. Консолли-фрезалаш станокларига горизонтал-фрезалаш (43-расм), верти-



43- расм. Горизонтал фрезерлаш станоги:

1 — шпиндель; 2 — оправка; 3 — фреза; 4 — халқа; 5 — хар-
тум; 6 — стол; 7 — айланувчи қисм; 8 — йұналтирувчи;
9 — консоль; 10 — станица.

кал-фрезалаш станоклари, универсал ва кенг универсал станоклар киради.

Асосий бажариладиган ишлар учун мұлжалланған фрезалаш станокларининг асосий үлчами столнинг иш юзасидир. Вертикал ва горизонтал консолли фрезалаш станоклари столининг иш юзаси қуйидаги үлчамларда тайёрланади: 125×500 , 160×630 , 200×800 , 250×1000 , 320×1250 , 400×1600 , 500×2000 мм. Станокларнинг универсал-фрезалаш ва кенг универсал модификацияларида кенглиги $200-400$ мм ли стол бор. Горизонтал консолли фрезалаш станокларида шпинделнинг ўқи горизонтал вазиятда жойлашган бўлиб, столи ўзаро перпендикуляр уч йўналишда силжийди. Универсал консолли фрезалаш станоклари ташқи кўриниши жиҳатидан горизонтал фрезалаш станокларидан фарқ қилмайди, деса бўлади. Аммо уларда бурилувчи стол бўлади, бу стол бир-бирига перпендикуляр уч йўналишда сурила олишдан ташқари, ўзининг вертикал ўқи атрофида 45° бурчакка бурилиши ҳам мумкин. Бу ҳолда винтли ариқчалар ишлашга ва қийшиқ тишли шестернялар қирқишга имкон беради.

Вертикал консолли-фрезалаш станоклари ташқи кўриниши жиҳатидан горизонтал консолли-фрезалаш станокларидан шпиндели ўқининг вертикал жойлашганлиги ва хартумининг ўқлиги билан фарқ қилади. Горизонтал станокларда хартум фрезалаш ҳалқасини тутиб турувчи кронштейнни маҳкамлаш учун хизмат қилади.

Кенг универсал консолли фрезалаш станокларида универсал консолли фрезалаш станокларидагидан фарқли ўлароқ, горизонтал ҳамда вертикал ўқлар атрофида бурила оладиган қўшимча шпиндель бўлади. Иккита (горизонтал ҳамда вертикал) шпинделли ва горизонтал ўқ атрофида бурила оладиган столли кенг универсал станоклар ҳам бор. Кенг универсал-фрезалаш станокларида шпиндель ишлов берилётган заготовкага нисбатан исталган бурчак остида ўрнатилиши мумкин.

Горизонтал, вертикал ва универсал-фрезалаш станоклари консолли фрезалаш станокларининг асосий модификациялари бўлиб, умумий, асосий ишлар учун мұлжалланған станоклардир.

Консолли-фрезалаш станокларининг қуйидаги моделилари кенг тарқалган: горизонтал консолли-фрезалаш станоклари — 6Н804Г, 6Н80ГБ, 6М82ГБ, 6Н84Г каби,

вертикал консолли-фрезалаш станоклари — 6Н104, 6П 10Б, 6М11В, 6В11Р, 6М12ПБ, 6А12Р, 6М13ПП каби, кенг универсал консолли-фрезалаш станоклари — 6Н 80Ш 6М81Ш, 6М82Ш, 6М83Ш ва ҳоказолар.

10- §. 6М82 УНИВЕРСАЛ ҚОНСОЛЛИ ФРЕЗАЛАШ СТАНОГИ

6М82 маркали универсал консолли-фрезалаш станоги ҳар хил фрезалаш ишларини бажарганда, жумладан, винтли ариқчалар фрезалашда станокнинг столи ўзининг вертикал ўқи атрофида бурила олади. Бу станокдан битта-битта маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳам, сериялаб маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳам фойдаланилади.

Станокнинг асосий характеристикаси—иши столи юзасининг ўлчами 320×1250 мм, столнинг силжиши мумкин бўлган энг катта масофа: бўйлама, силжишида 700 мм, кўндаланг (механик) силжишида 240 мм ва кўндаланг (дастаки) силжитилишида 260 мм, вертикал йўналишда силжишида 380 мм, столининг бурилиши мумкин бўлган энг катта бурчак 45° , шпинделининг айланиш частоталари сони 18 ($31,5 - 1600$ айл/мин), столининг сурилиш қийматлари сони 18 (бўйлама йўналишида $25 - 1250$ мм/мин, кўндаланг йўналишида $25 - 1250$ мм/мин) ва вертикал йўналишда $8,3 - 400$ мм/мин, бош ҳаракат электр двигателининг қуввати $N - 7$ квт, айланиш частотаси $n - 1440$ айл/мин; суришлар учун электр двигателининг қуввати $N - 1,7$ квт, айланиш частотаси $P - 1420$ айл/мин, станокнинг габарит ўлчамлари $2260 \times 1745 \times 1660$ мм.

Станокнинг асосий қисмлари қўйидагилардан иборат: фундамент плитаси-станина: станинанинг вертикал йўналтирувчилари бўйлаб силжийдиган консол; консолнинг йўналтирувчилари бўйлаб горизонтал силжийдиган кўндаланг салазкалар (сирпанғичлар); столни салазкаларнинг доирасимон йўналтирувчилари бўйлаб ҳар томонга 45° бурчакка буриш имконини берувчи шкалали бурилувчи қисми; бурилувчи қисмнинг йўналтирувчилари бўйлаб силжийдиган бўйлама стол; фрезалар ҳалқасининг учини тутиб туриш учун мўлжалланган кронштейнни маҳкамлашга хизмат қиласидиган хартум; бош ҳаракат электр двигатели; шпиндель; тезликлар қутиси; бошқариш механизми бўлган суришлар қутиси;

хартумни консол билан боғлайдиган ва станокнинг бикрлигини ошириб, тутиб турувчи тиргаклар. Истеъмолчининг маҳсус буюртмаси билан тайёрлаб бериладиган тиргаклар — стойкалар фақат оғир ишларни бажаришдагина ўрнатилади. Бу стойкаларни ишлатиш станокни бошқаришни бир қадар ёмонлаштиради.

Станокда бўладиган бош ҳаракат — фреза шпиндельнинг айланма ҳаракати бўлиб, бу ҳаракат электр двигателдан ($N_{дв}=7\text{ квт.}$, $n=1440 \text{ айл./мин.}$) олинади, электрдвигатель тезликлар қутиси орқали шпинделга ўн саккиз хил айланиш частотаси беради.

Шпинделнинг айланиш йўналиши электр двигателни реверслаш йўли билан ўзгартирилади.

Суриш ҳаракати айрим электр двигателдан $N=1,7 \text{ квт.}$, $P=1440 \text{ айл. (мин.)}$ олинади.

Станокнинг суришлар қутиси столни: шпиндель ўқига перпендикуляр бўлган бўйлама йўналишда, шпиндель ўқига параллел бўлган кўндаланг йўналишда ва вертикал йўналишда механик равишда силжитиш имконини беради. Маҳсус мавжуд бўлган блокировка қуримлари бир вақтнинг ўзида бир неча ҳаракатни ишга солишга имкон бермайди.

11- §. ПАРДОЗЛАШ ГРУППАСИДАГИ СТАНОКЛАР ВА УЛАРДА ИШЛАШ

Машина-механизмларнинг деталларида юқори классдаги юзалар ҳосил қилиш ва шундан олдинги ишлов беришда қолдирилган кичикроқ нотекисликларни — тароқчаларни кесиб олиш учун ишлов беришнинг пардозлаш усуllibаридан фойдаланилади.

Ишлов беришнинг пардозлаш усуllibари аниқ шаклли деталь ҳосил қилишга, юзалар тозалигини $\Delta = 7 = 14$ — классга етказишга, 1 ва 2 аниқлик классидаги ўлчамлар ҳосил қилишга имкон беради. Пардоз ишлови беришнинг: притирлаш, хонинглаш, суперфинишлаш ва жилолаш каби усуllibари кенг қўлланилади.

Притирлаш (ёки доводкалаш) шундан иборатки, бунда притир ва майда донали эркин абразив ёрдамида суюқ мой муҳитида заготовканинг ишлов бериладиган юзасидан металл заррачалари қириб олинади. Притирлар қуидаги материаллардан: кул ранг чўян, рангдор металл ва уларнинг қотишмалари, пластик массалар ва бошқа материаллардан тайёрланади.

Притирлаш учун ишлатиладиган абразив материаллар: табиий корунд, электрокорунд, донадорлиги 5—16 МК бўлган кремний карбид, ГОИ пастаси (76% хром оксид, 22% стеарин, 2% керосин), олмос кукуни, бор карбиди кукуни. Притирлаш (доводкалаш) учун абразив доналари ўлчамини танлаш деталларнинг ишлов бериладиган юзаларидаги ғадир-будурлиги ва аниқлигига нисбатан қўйиладиган талабларга боғлиқ бўлади. Притирлаш йўли билан цилиндрик, ясси ва бошқа юзаларга ишлов берилади. Притирлаш юзага олдиндан ботирилган абразивли притир ёрдамида, суюқ мой муҳитидаги эркин абразив ёрдамида притир билан биритирилган жуфт деталларнинг ишлов бериладиган юза орасида кичикроқ босим ҳосил қилиб, бир-бирига ишқалаш йўли билан амалга оширилиши мумкин; бу ҳолда икки деталнинг бир-бири билан уриладиган юзлари орасига абразив порошок ҷуртилиб, улар ўзаро ишқаланади (масалан, клапан ости конусларининг притирланиши) ва керакли юзалар тозалиги ҳосил қилинади.

Хонинглаш усулидан очиқ ва берк цилиндрик ва конуссимон тешикларни донадорлик номерлари 4÷6 бўлган стандартли қайроқ тошлар ёрдамида пардозланади. Амалда хонинглаш усулидан айланиш жисмларининг ташқи цилиндрик ва конуссимон юзаларига, масалан, тирсакли валнинг бўйинчаларига, шунингдек, текис ва щаклдор юзаларга пардоz беришда фойдаланилади. Хонинглашда хон деб аталадиган маҳсус асбоб корпусига абразив брусклар жойланади. Ишлов бериладиган юзаларга қараб, брусклар хонинглаш головкасининг сиртқи ёки ички юзаларига ўрнатилади ва маҳкамланади. Брусклар соңи, одатда, уч каррали қилиб олинади. Хонинглашда электрокорунд брусклари (пўлатга ишлов беришда) ва кремний-карбид брусклари (чўянга ва рангдор металларнинг қотишмаларига ишлов беришда) ишлатилади. Хонинглаш брусклари металл боғловчили, майда олмослардан ҳам тайёрланади. Олмос брускларнинг турғунлиги абразив брускларнига қараганда 100—120 баравар юқори бўлади ва улар юқори унумли, ишлов берилган юзанинг аниқлиги ва тозалигини таъминлайди.

Хонинглаш процессида хон ишлов берилаётган заготовка ўқи бўйлаб бир вақтнинг ўзида ҳам айланма

ҳаракат, ҳам илгариланма-қайтар ҳаракат қиласы. Хон 45—65 м/мин тезлик билан айланади, илгариланма-қайтар ҳаракат тезлиги 10—20 м/мин бўлади. Хонинглаш учун қолдириладиган қўйим, ишлов бериладиган материалга қараб, диаметри 0,01—0,08 мм бўлади.

Хонингланган юзанинг тозалиги Δ 12, ҳатто Δ 13—классга, аниқлиги эса 1 ва 2- классга тўғри келади. Хонинглаш вақтида совитиш суюқлиги мўл (50 л/мин. гача) бериб турилади. Совутиш суюқлиги сифатида 80—90% керосин ва 20—10% машина мойидан иборат аралашма ишлатилади.

Суперфинишлаш (нафис доводкалаш) — ишлов бериладиган деталда жуда тоза юза ҳосил қилиш учун маҳсус головка ёрдамида нозик абразив доводкалашнинг бир туридир. Нозик доводкалаш учун оқ электрокорундан, яшил кремний-карбиддан керамика ёки бакелит боғловчи асосида тайёрланган абразив брусклар ишлатилади. Брускларнинг донадорлиги стандартга кўра, 3—5 МК бўлади. Нозик доводкалаш усулида тобланган пўлат, тобланмаган пўлат, чўян, рангдор металлар ва уларнинг қотишмаларидан тайёрланган деталларнинг доирасимон, ясси, конуссимон (кўпинича сиртқи) юзаларига ишлов беришда фойдаланилади. Заготовка суперфинишланишдан олдин жилвирланиши керак. Суперфинишлашнинг моҳияти шундан иборатки, бунда абразив брусклар айлангаётган заготовка юзаси ёки головка бўйлаб, минутига 5—15 м тезлик билан илгариланма-қайтар ҳаракатда, шу билан бирга, частотаси минутига 200 дан 2000 қўш юриш ва амплитудаси 1—6 мм бўлган тебранма ҳаракатда бўлади, брускларнинг силжиши тезлиги 0,1—1,1 м/мин бўлади.

Нафис доводкалаш процессида ишлов берилаётган юза озгина куч билан сиқилади, бунинг натижасида заготовка қизимайди ва заготовканинг юза қатлами жуда оз даражада деформацияланади.

Деталнинг ишлов берилган юзаси пардоzlангандан кейин тозалиги Δ 14- классгача тўғри келадиган кўзгудек ялтироқ ёки хирароқ шаклда бўлади, яъни нафис доводкалашда заготовканинг юзаси тозаланган ва силлиқланган бўлади. Мойлаш-совитиш суюқлиги сифатида 5—10% машина мойи аралаштирилган керосин ишлатилади.

Жилолаш станоклари

Жилолаш станоклари ҳам саноат корхоналарида турли операцияларни бажариш учун ишлатилади, жилолаш станоклари деталлар ўлчамларининг аниқлигига риоя қиласмиай, чиройли, ялтироқ юза ҳосил қилиш зарур бўлган ҳолларда деталларни пардозлаш, шунингдек, хромланган, никелланган ва бошқа материаллар билан қопланган юзаларни ялтиратиш учун ишлатилади.

Жилолашда ҳар хил ип, газлама, намат, фетр, кўндан қилинган юмшоқ доиралардан фойдаланилади. Жиловловчи материал доира сиртига жилолаш пастаси (вена оҳаги ёки хром оксиди аралаш пасталар, шунингдек, ГОИ пасталар) тарзида суртилади. Жилолашда жило берувчи доиранинг тезлиги 35 м/с га етади.

Деталларни абразив зарралари аралаштирилган суюқлик билан ҳам жилолаш мумкин. Бундай ҳолда суюқликка яхшилаб аралаштирилган майда абразив доиралари оқими тарзида 80 кН/м² босим остида ишлов бериладиган юзага йўналтирилади, бунда абразив доналари юзанинг тармоқчаларини текислайди ва ғадир-будурлигини камайтиради. Бу усул исталган шакл ва ўлчамдаги шаклдор юзаларга ишлов бериш учун қўлланилиши мумкин. Одатда, суюқлик (сув) даги абразив доналар миқдори оғирлик жиҳатидан 30—40 % га тенг бўлади.

Жилолаш (ялтиратиш) усулидан ишлов берилаётган деталь юзасини кўзгудек ялтироқ қилиш учун фойдаланилади. Жилолаш процесси намат, кўн, резина ва парусинадан ясалган юмшоқ эластик доиралар ёрдамида амалга оширилади. Доираларнинг юзасига электрокорунд кремний-карбиднинг абразив порошоги ёки паста елим ёрдамида суртилади. Паста сифатида хром, оксид, крокус, вена оҳаги, порошок ишлатилади. Жилоланган юзаларнинг тозалиги $\Delta 7 = \Delta 12 =$ классга тўғри келади. Жилолаш усулидан, кўпинча деталларнинг юзаларига беҳзак пардози бериш, шунингдек, гальваник қоплаш (хромлаш, никеллаш ва ҳоказо кабиллар) олдиндан юзаларга тайёргарлик бериш операцияси сифатида фойдаланилади.

12- §. АБРАЗИВ (ЖИЛВИРЛОВЧИ) МАТЕРИАЛЛАР

Абразив материаллар жуда қаттиқ табиий ёки сунъий моддалар бўлиб, уларнинг доналари кесувчи асбоблардир.

Абразив материалларнинг қаттиқлиги ишлов бериладиган деталь материалнинг қаттиқлигидаги юқори бўлиши керак, акс ҳолда кесиш процессини амалга ошириб бўлмайди. Абразив доналар табий ёки сунъий жилвирловчи материалларни янчиш йўли билан олинади.

Табий жилвирловчи материаллар жумласига олмос, корунд, кварц, чақмоқтош, пемза кабилар киради.

Ҳозирги вақтда табий абразив материаллар жилвирлаш асбоби тайёрлаш учун деярли ишлатилмайди, чунки уларнинг кесиш ва механик хоссалари анча паст.

Абразив асбоб тайёрлаш учуч қуидаги юқори сифатли сунъий абразив материаллардан фойдаланилади:

Электрокорунд. Бу материал тоза гилтупроқни электр печларида суюқлаштириш йўли билан олинадиган кристалл ҳолидаги алюминий оксида (Al_2O) дан иборат. Электрокорунд таркибидаги алюминий оксидининг миқдорига қараб, қуидаги турларга бўлинади:

а) таркибида 87—97% алюминий оксида бўлган Э маркали нормал электрокорунд (алунд), ранги қизғиши пушти ёки жигар ранг бўлади;

б) таркибида 97—99% алюминий оксид бўлган ЭБ маркали оқ электрокорунд.

Электрокорунд таркибида, алюминий оксиддан ташқари 0,4—0,2% темир оксида (Fe_2O_3) ва озроқ миқорда SiO_2 TiO_2 ва CaO бўлади, у оқ, оқищ, кул ранг ёки оч пушти рангда бўлади.

Электрокорунд доналарининг суюқланиш температураси 1950—2050 градус. Электрокорунд тобланмаган ва тобланган пўлатга, болғаланувчан чўянга, юмшоқ бронзага ишлов беришда ишлатилади.

Монокорунд (M). бу абразив материал таркибида 0,9% темир (III)—оксида бўлади. Монокорунднинг кесиш ва механик хоссалари Э ва ЭБ электрокорундникига қараганда анча юқори. Монокорунддан тайёрланган тошлар кесувчи асбобларни чархлаш ва юзаларнинг юқори тозаликда бўлиши талаб этиладиган жилвирлаш турлари учун ишлатилади.

Кремний карбид SiC (карборунд). Бу материал кремний билан углероднинг химиявий бирикмаси бўлиб, тоза кварц қумига нефть қокси ёки антрацит қўшиб, электр печларида 1900—2100°C температурада суюқлантириш йўли билан олинади. Саноат миқёсида икки кўрининища карбид ишлаб чиқарилади:

а) қора тусли (КЧ) кремний карбид. Унинг таркибида 97—98% SiC ва 0,6—0,7% Fe₂O₃ бўлади. Бу карбид алюминий, бронза, латунь, мис, чўян ва пластиклиги кам бошқа материалларни жилвирлаш учун ишлатилади;

б) яшил кремний карбид (КЗ). Унинг таркибида 96—99% SiC бўлади. Бу материалнинг механиқ хоссалари анча юқори бўлиб, қаттиқ қотишма билан таъминланган ҳар хил кесувчи асбобларни чархлаш ва муҳим ишларни бажариш учун ишлатилади. Яшил кремний карбидидан жилвирлаш тошларини олмоссиз қайрашда кенг кўламда фойдаланилади.

Бор карбид (бор билан углерод бирикмаси B₄C). Бу материал техник борат кислотага нефть кокси қўшиб, электр печларида суюқлантириш йўли билан олинади. Унинг таркибида 95% гача кристалл ҳолидаги бор элементи бўлади. Бор карбиднинг қаттиқлиги олмоснинг қаттиқлигига яқинлашиб боради, аммо у мўрт бўлади. Суюқлантириб қотиширилган бор карбид ташки кўриниши жиҳатидан олганда қора тусли масса бўлиб, жуда майдабразив доналарга айлантирилган ҳолда, яъни порошок тарзида доводкалаш, притирлаш ишларида қаттиқ қотишма билан таъминланган кесувчи асбобларни чархлаш ва қайраш учун ишлатилади.

Борсиликокарбид. Бу абразив материал ВНИИМАШ томонидан борат кислотаси, кўмир ва қумни электр ёй печида суюқлантириш йўли билан олинади. Борсилико-карбид ўзининг жилвирлаш хоссалари жиҳатидан бор карбидга нисбатан сифатлироқ.

Абразив материаллар электр печларида суюқлантирилгунга қадар катта-катта харсанглар шаклида бўлади, бу харсанглар майдалагичларда майдаланади, туйилади ва кесувчи ўткир қиррали доналар ҳосил қилинади. Сунъий абразив материаллар туйилгандан кейин доналарининг ўлчамларига кўра сараланади. Электрокорунд доналарининг кесувчи қирралари юмалоқлик радиуси 8—14 мк, кремний карбид доналариники эса 6—12 мк бўлади.

Олмос жилвирловчи материаллар ичida энг қаттиғи ҳисобланади ва у, асосан, жилвирлаш тошларини қайрашда (ўткирлашда), олмосли кескичлар тайёрлашда ва юзаларнинг жуда тоза, ўлчамларининг эса аниқ бўлиши талаб этиладиган деталларни жилвирлашда ишлатилади. Олмосдан қаттиқ қотишма заготовкалари-

ни (штамп деталлари ва бошқаларни) ҳамда қаттиқ қотиши ма билан таъминланган кесувчи асбобларни қайраша ҳам фойдаланилади.

Донадорлик. Донадорлик деганда, абразив майдаланганды ҳосил бўладиган доналарнинг ўлчами тушунилади (11-жадвал).

Жилвирлаш доналарининг ва жилвирлаш порошоги зарраларининг ўлчамлари ва уларнинг номерлари элакнинг абразив доналари ўтадиган кўзларининг чизиқли ўлчамлари билан аниқланади ва миин нийг юздан бир улушларида ўлчанади.

ГОСТга кўра, донадорликнинг учта группаси бор:

1. Номерлари 16, 20 бўлган майда донали, номерлари 25, 32, 40, 50, бўлган ўртача донали, номерлари 63, 80, 100 бўлган йирик донали, номерлари 125, 160, 200 бўлган жуда йирик донали жилвирдона;

2. Номерлари 3, 4, 5, бўлган майнин донали, номерлари 6, 8, 10, 12 бўлган майда донали жилвир порошоклар;

3. Номерлари M5, M7, M10, M14, M20, M28, M40 бўлган микропорошоклар.

11- жадвал

Микропорошокларнинг маркалари

Донадорлик номер (марка) лари	асосий фракция ўлчамларининг чегаралари, МК
1	2
M—5	3—5
M—7	5—7
M—10	7—10
M—14	10—14
M—20	14—20
M—28	20—28
M—40	28—40

Боғловчи материал — жилвирлаш асбобига зарур шлак бериш учун абразив доналарни бир-бирига цементловчи моддадир. Саноатда энг кўп ишлатиладиган боғловчи материаллар қуидагилардир:

1. Анерганик моддалар — керамик, силикат ва магнезиал боғловчилар.

2. Органик моддалар — вулканит ва бакелит боғловчилар.

Керамик боғловчилар (булар К ҳарфи билан белгиланади). Боғловчининг асоси оқ рангли ўтга чидамли гил, кварц, дала шпати, тальк ва чақмоқтош кукунидир. Бу компонентлар абразив доналари билан қориштирилиб, катта босим остида прессланади, қуритилади ва 1300—1400°C температурада пиширилади. Керамик боғловчили жилвирлаш тошлари умумий ҳолда 35 м/с. дан ошмайдиган, махсус ишлар учун мўлжалланган тошлар эса 50 м/с. гача айланма тезликларда ишлайди. Керамик боғловчи жилвирлаш тошларидан жилвирлаш ишларининг қарийб барча турларида фойдаланилади.

Силикат боғловчи (С). Унинг таркиби қуйидагича: чақмоқтош кукуни, суюқ шиша ва гил. Силикат боғловчи ёрдамида тайёрланган жилвирлаш тошлари юмшоқ, аммо ғовак бўлади. Бу боғловчи асосида тошлар мустаҳкам бўлади, аммо иш вақтида нотекис ейилади ва ўз шаклини йўқотади. Бундай жилвирлаш тошлари, одатда, совитувчи суюқликсиз ишлайди, улар билан жилвирланган юзалар тоза чиқади, лекин бу тошларининг иш унуми катта эмас. Улар нафис жилвирлаш учун ишлатилади.

Магнезиал боғловчи (М) магнезит билан кальций хлорид аралашмасидан иборат. Бу боғловчи ёрдамида тайёрланган жилвирлаш тошларининг мустаҳкамлиги унча катта бўлмайди ва улар тез ва нотекис ейилиши оқибатида ўз шаклини йўқотади. Силикат ва магнезиал боғловчилар абразив доналари билан заиф бирикади ва нам таъсирида пухталигини йўқотади, бу боғловчилар ёрдамида тайёрланган жилвирлаш тошларидан совитиш суюқлиги ишлатмай жилвирлашда фойдаланилади.

Буларнинг ҳаммаси силикат ва магнезиал боғловчилардан кенг фойдаланишга имкон бермайди.

Вулканит боғловчи (В) синтетик каучукка 25% гача олтингурут қўшиб тайёрланади. Ҳосил қилинган масса қориштирилади ва унга абразив материал аралаштирилади. Вулканит боғловчи ёрдамида тайёрланган жилвирлаш асбоб (тош)ларининг қаттиқлиги ва эластиклигиги юқори бўлади. Боғловчининг бу фазилати қа-

линлиги 0,8 мм. гача ва диаметри 150 мм. гача бўлган жилвирлаш тошлари тайёрлашга имкон беради. Бундай доиравий тошлар катта (75 м/с. гача) айланма тезликда ишлаши мумкин, зарб нагрузкаларига чидамли, ноzik жилвирлашда доводкалаш ҳамда жилолашда ишлатилади. Бундай жилвирлаш тошларининг асосий камчиликлари шундаки, улар кам ғовак бўлади, бу эса тез силлиқланиб қолишга олиб боради, бундан ташқари, улар температуранинг кўтарилишга учча бардош бермайди, чунки 150—200°C температурада ёк боғловчи юмшайди ва абразив доналар боғловчига бориб киради, бу эса кўп совитувчи суюқлик ишлатишни талаб этади.

Бакелит боғловчи (Б). Карбол кислотаси билан формалиндан сунъий смола-бакелит тарзида тайёланади. Бакелит боғловчили жилвирлаш тошлари етарли даражада пухта ва эластик бўлади. Бундай жилвирлаш тошлари турли-туман ишлар учун, шунингдек, қирқиб туширишда ва шаклдор юзалар жилвирлашда ишлатилади. Улар совитиш суюқлигисиз ҳам, совитиш суюқлиги ишлатиб ҳам жилвирлашда 75 м/с. гача тезликда ишлашга имкон беради.

Бакелит боғловчили жилвирлаш тошларининг асосий камчилиги шуки, юқори температурада уларнинг пухталиги пасаяди, ишқорий (концентрацияси 1,5% дан ортиқ бўлган эритмалар тарзида) совитиш суюқлиги уларни емиради ва ҳоказо.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, жилвирлаш асбобининг қаттиқлиги абразив материал доналарининг қаттиқлигига эмас, балки боғловчи моддага боғлиқдир. Боғловчи модда юмшоқ бўлса, абразив доналар осон ажralиб кетади ва жилвирлаш асбоби нотекис ейилиши сабабли ўз шаклини ўйқотади, натижада уни тез-тез қараб туриш керак бўлади.

Саноат миёсида жилвирлаш тоши (асбоби)ни тайёрлаш учун турли қаттиқликдаги ва маркадаги абразив материалларнинг белгиланишлари 12-жадвалда келтирилган.

Бу жадвалда шартли белги (ҳарф) ларнинг ўнг тайонидаги 1, 2, 3, рақамлар тегишли материалда қаттиқликниң ортиб боришини кўрсатади.

Абразив асбобининг қаттиқлиги шар ботириш, қум пуркаш ва чуқурча пармалаш ўйли билан аниқланади.

МУНДАРИЖА

I боб. «Конструкцион материаллар технологияси» предмети ва унинг вазифалари	3
II боб. Металлшунослик асослари	8
1-\$. Металлшунослик фани ҳақида қисқача маълумот (8) 2-\$. Металларнинг кристалллик түзилиши (9) 3-\$. Материаллардаги асосий хоссаларни ўрганиш (12) 4-\$. Материалларнинг асосий хоссалари (22) 5-\$. Материалларни физик-химик анализ қилиш методи (23) 6-\$. Реал кристаллларнинг түзилиши (27)	
III боб. Қотишмаларнинг назарий асослари	27
1-\$. Қотишмалар ва уларнинг түзилиши (27) 2-\$. Қотишмаларнинг кристаллланаси (28) 3-\$. Қотишмаларнинг ҳолат диаграммалари (30)	
IV боб. Темир-углеродли қотишмалар	33
1-\$. Темир-углероднинг ҳолат диаграммаси (34) 2-\$. Аустениттинг парчаланаси (изотермик айланниш) (39) диаграммаси 3-\$. Пұлатларнинг классификацияси (41) 4-\$. Углеродли конструкцион сиғатли пұлатлар (41) 5-\$. Углеродли инструментал (асбобозслик) пұлатлар (43) 6-\$. Легирланган конструкцион пұлатлар (45) 7-\$. Легирловчи элементтер ва уларнинг пұлат структураси хамда хоссаларига тасири (47) 8-\$. Пұлатларнинг хоссаларига углерод ва доимий құшымчаларнинг тасири (49)	
V боб. Рангили металлар ва уларнинг қотишмалари	51
1-\$. Умумий маълумотлар (51) 2-\$. Мис ва унинг қотишмалари (52) 3-\$. Алюминий ва унинг қотишмалари (63) 4-\$. Магний ва унинг қотишмалари (65) 5-\$. Титан ва унинг қотишмалари (66) 6-\$. Никель ва унинг қотишмалари (67) 7-\$. Антифрикцион қотишмалар (68) 8-\$. Қийин әрійдігандык металлы қотишмалар (70)	
VI боб. Порошокли материаллар	71
1-\$. Минералокерамик материаллар (76) 2-\$. Иссиқликка мустахкам ва иссинбардош минералокерамик материаллар (76) 3-\$. Фоакли материаллар (77) 4-\$. Электротехник материаллар (77) 5-\$. Фрикцион қотишмалар (78) 6-\$. Акустик материаллар (78)	
VII боб. Металл ва қотишмаларга термик ишлов бериш	81
1-\$. Термик ишлаш класификацияси (82) 2-\$. Пұлатларни термик ишлаш турлари (83) 3-\$. Пұлатни совук ҳолатда тоблаш (88) 4-\$. Пұлатларга термик ишлов беришида ҳосил бұладыдан структуралар (88) 5-\$. Рангили металлар қотишмаларини термик ишлаш (89) 6-\$. Пұлатларни химиявий термик ишлаш (92) 7-\$. Пұлатни термомеханик ишлаш (95) 8-\$. Термик ишлаш цехларидаги асосий күрілмалар ва асбоблар (96)	
VIII боб. Металлар коррозияси ва унга қарши кураш усууллари	100
1-\$. Коррозияя қарши қуриш ишлеулер (101) 2-\$. Зангларни йүқтадырып беру (103)	
IX боб. Металл мас материаллар	103
1-\$. Ероч материаллар (103) 2-\$. Даражттинг түзилиши (105) 3-\$. Ерочларнинг механик хоссалари (112) 4-\$. Ероч материаллар тайёрлеш (113) 5-\$. Дурадгорлик плиталари (116) 6-\$. Ероч пайра-	

хали плиталар (116) 7-\$. Егөчларда учрайдиган нүқсонлар (118) 8-\$. Полимер материаллари, уларнинг классификацияси ва хоссалири (118) 9-\$. Пластмассалардан турли буюмлар яшаш усуслари (120) 10-\$. Резиналар материаллар (123) 11-\$. Резина тайёрлаш технологияси (125) 12-\$. Енимли материаллар (126) 13-\$. Лок ва бўёқ материаллар (131) 14-\$. Лок-бўёқ материалларни коплаш технологияси (134) 15-\$. Шиша материаллар (134)

X боб. Металлургия саноати ҳақида умумий маълумотлар 136

1-\$. Металлургия ҳақида тушунча (136) 2-\$. Ёқилғилар, флюслар ва ўтга чидамли материаллар (136) 3-\$. Металлургияда ишлатилидиган ўтга чидамли материаллар (139) 4-\$. Чўян ишлаб чиқаришида дастлабки хом ашёллар ва уларни эритиш (140) 5-\$. Рудани суюқлантиришга тайёрлаш (143) 6-\$. Домна почида бўладиган процесслар (144) 7-\$. Домна печининг тузилиши (146) 8-\$. Домна печининг ёрдамчи курилмалари (149) 9-\$. Домна печининг ишланиши (150) 10-\$. Домна пецидан олинадиган маҳсулотлар (150) 11-\$. Кўйта ишланувчи чўян (151) 12-\$. Пўлат металлургияси (156) 13-\$. Конвертор усули (157) 14-\$. Мартен усули (159) 15-\$. Мартен печлари ишчининг техник-иктисодий кўрасатчиchlари (162) 16-\$. Электр печларда пўлат ишлаб чиқариш (162) 17-\$. Индукцион печлар (166) 18-\$. Пўлат куйиш (167) 19-\$. Пўлат олиш усусларининг афзаликлари ва камчиликлари (169)

XI боб. Қуймакорлик 171

1-\$. Қуйма материаллар (171) 2-\$. Қуймакорлик саноатининг технологияси (174) 3-\$. Модель тайёрлаш (174) 4-\$. Стержень тайёрлаш (176) 5-\$. Қуймалар олишининг маҳсус турлари (178) 6-\$. Қуймаларда учрайдиган асосий нүқсонлар (185)

XII боб. Металларни босим билан ишланиши 187

1-\$. Умумий тушунчалар (187) 2-\$. Босим билан ишланадиган металларнинг деформацияланиши (187) 3-\$. Металл (котицма) ларни прокатлаш (193) 4-\$. Баззи прокатларни тайёрлаш технологияси ҳақида (195) 5-\$. Металларни кирялаш (чўзиш) (196) 6-\$. Материалларни пресслаш (198) 7-\$. Металларни боғлаш (200) 8-\$. Материалларни жамъли штамплаш (202) 9-\$. Лист материалларни штамплаш (204) 10-\$. Прессиз штамплаш (206)

XIII боб. Металларни пайвандлаш ва кавшарлаш 206

1-\$. Пайванд биринмалар ва чоклар (209) 2-\$. Пайванд чоклар классификацияси (211) 3-\$. Пайвандлар пости (213) 4-\$. Пайвандларнинг мозиҳияти ва усуслари (213) 5-\$. Пайвандлари учун баззий зарурий асбоблар ва анжомлар (218) 6-\$. Металларни кислород, газ ва электр ёйи билан кесиш (219) 7-\$. Металларни кавшарлаш (222) 8-\$. Термитлар билан пайвандлаш (224)

XIV боб. Металларга механик ишлов бериш ҳақида умумий маълумотлар 225

1-\$. Металларни кеси ишлап турлари (226) 2-\$. Кескичининг асосий қисми ва элементлари ҳақида (228) 3-\$. Кесиш режимидағи асосий элементлар (229) 4-\$. Кескичининг асосий қисми ва геометрик параметрлари (230) 5-\$. Асосий металл кесувчи станоклар ва уларнинг ишлатилиши (234) 6-\$. Токарлик-винг киркин станоклари (237) 7-\$. Пармалаш станоклари (239) 8-\$. Фрезаловчи станоклар (241) 9-\$. Консолли фрезалаш станоклари (241) 10-\$. 6М82 универсал консолли фрезалаш станоги (243) 11-\$. Пардозлаш группасидаги станоклар ва уларда ишланиши (244) 12-\$. Абрализив (жийи вирловчи) материаллар (247)

На узбекском языке

Қаландаров Рузимурод

ТЕХНОЛОГИЯ КОНСТРУКЦИОННЫХ МАТЕРИАЛОВ

Учебное пособие для студентов индустриально-педагогических
факультетов

Ташкент «Ўқитувчи» 1989

Редакторлар *Р. Сайдов, Х. Юсупова*
Бадий редактор *А. Лукъянов*
Техредактор *А. Лукъянова, Э. Вильданова*
Корректор *З. Мусаева*

ИБ 4559

Теришга берилди 23.10.87. Босишига рухсат этилди 15.03.89. Р03715. Формати
 $84 \times 108^{1/2}$. Тин. қозози № 2. Кегль 10 шпонсиз. Литературная гарнитура.
Шартли б. л. 13,44. Шартли кр.-отт. 13,60. Нашр. л. 13,25. Тиражи
5000. Зак. 124. Баҳоси 65 т.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30. Шартнома 16-154-87.

ЎзССР нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети
Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасига
қарашли 2-босмахона. Янгиюль, ш., Самарқанд кӯчаси, 44. 1989.

Типография № 2 ТППО «Матбуот» Государственного комитета УзССР
по делам издательств, полиграфии и книжной торговли. Янгиюль, ул.
Самаркандская, 44.